Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
Солиқ ва божхона органлари Академияси

# «СОЛИҚ ВА БОЖХОНА СОҲАСИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТИНГЛОВЧИ ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ»

**Солиқ ва божхона органлари академияси тингловчиларининг иккинчи илмий-амалий конференцияси материаллари**

*(2003 йил 24-25 апрел)*

*Тошкент - 2003*

336

Академия бошлиғи Ш. Шораҳмедовнинг умумий таҳрири остида

Масъул муҳаррирлар: т.ф.д., проф. Н.Х.Обломуродов,
п.ф.д. М. Тожиев.

*Таҳрир ҳайъати аъзолари:* И. Раҳимбердиев, З. Давронов, И.Аскаров, Т.Алимардонов, Т. Мирзаев, У. Султонходжаев, А.Намозов, Қ. Каримқулов, А. Васиев, Э. Саидакбаров, З. Рашидова, Б. Мавлонов, Д. Шарипова, А. Шерханов, Ш. Юсупов, Н.Жумаева, С. Хафизов, О. Жураев.

Матн терувчилар: Ф. Сайдалиев, А. Тошпўлатов

Ю 29307
2

© Солиқ ва божхона органлари Академияси - 2003 йил.

2003
А 855
Alisher Navoi nomidagi O'zbekiston M...
Ю

других обязательных платежей. Одной из главных проблем налоговой системы нашей Республики является совершенствование видов определение количества налогов. Правительство нашей Республики в целях развития налоговой системы использует новые виды налогов, для того чтобы повысить налоговые поступления. А это в свою очередь затрудняет деятельность физических и юридических лиц. В некоторых государствах главной задачей экономических реформ выбрали упрощение налоговой системы, уменьшение количества налогов и уменьшение налоговых ставок. Рассмотрим это на примере государства Перу. Когда на пост президента встал Яки Моро он начал реформирование экономики с уменьшения количества налогов. В то время в Перу было 53 вида налогов. Он из всех этих налогов оставил лишь 4 налога. В течении трёх лет эти 4 налога принесли в государственный бюджет больше дохода чем 53 бывших налога. На собрании Кабинета Министров Республики Узбекистан, посвящённому итогам социально-экономического развития на 2001 год и определения задач на 2002 год, Президент Республики Узбекистан И.А. Каримов говорил «Мы должны вести нашу налоговую систему с ускоренным уменьшением количества налогов,...». Для этого, мы должны выбрать основные пути дальнейшего совершенствования налоговой политики по снижению фискальных функций и усилению стимулирующей роли налогов в ближайшей перспективе:

Они заключаются в следующем:

- уменьшение количества налогов - уменьшение количества налогов упрощение механизма налогообложения, отмена ряда неэффективных и дублирующихся налогов, которая позволит увеличить налоговые поступления в государственный бюджет.
- оптимизация налоговых ставок для стимулирования сельского хозяйства - одним из главных налогов в сельском хозяйстве является земельный и единый земельный налог. Для оптимизации налоговых ставок сельского хозяйства необходимо перейти к исчислению земельного налога через стоимостную оценку земель. Это необходимо для стимулирования эффективного использования земли;
- перенос налоговой тяжести с производителей на потребителей - это будет способствовать росту объёма производства и конкурентоспособности на мировом рынке продукции производящейся на территории страны, а это повисит интерес большинства зарубежных инвесторов;
- увеличение собираемости налогов - зависит от расширения налогооблагаемой базы, а само расширение налогооблагаемой базы зависит от упрощения механизма налогообложения и повышения эффективности контролирующей работы налоговых органов;
- обеспечение лёгкости налогов - она будет обеспечена лишь тогда, когда будет введена усиленная политика упрощению налогового механизма в уплате прямых и косвенных налогов. Одним примером лёгкости налогов является принятие таких упрощённых методов налогообложения как единый налог и единый земельный налог;

- создание равноправных условий для всех инвесторов независимо от их национальной принадлежности - он должен быть одним из главных методов стимулирования инвестиций в нашей стране, так как мы стоим на стадии вступления в международную интеграцию.

## Жисмоний шахсларни маҳаллий солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш

**Ш. Махмудов** - ***СТ-12 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: С. Боймуродов**

Мустақиллигимиз натижаси ўларок Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими таркиб топиб, ривожланиб, такомиллашиб келмоқда. Бунда давлат солиқ муносабатларини ташкил килиб, бозор иқтисодиётини амалга оширишда етакчилик, бошқарувчилик вазифасини бажармоқда. Мамлакатимизда солиқ сиёсатининг мустақил амалдаги ривожига ҳали кўп бўлмаган бўлса-да, мана шу қисқа давр ичида ҳукуматимиз томонидан солиқ соҳасига оид кўплаб қонун ҳужжатлари жорий этилиб, амалиётга тадбиқ қилинмоқда. Бу қонунлар солиқ соҳасидаги барча қонун ҳужжатлари асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан мустаҳкамланган.

Иқтисодиётда солиқлар мажбурий тўловни ифода этувчи пул муносабатларини билдириб, бу муносабатларда солиқ тўловчи сифатида жисмоний шахслар ҳам муҳим ўринни эгаллайди.

Ҳозирда жисмоний шахслар Республикамиз бюджетига ҳукуматимиз томонидан жорий этилган солиқ турларидан мол-мулк, ер, жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи, ҳамда бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ истеъмоли учун жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар.

Ушбу солиқлар турлари бўйича алоҳида солиқ ставкалари ва уларни ҳисоблаш, шу билан бирга солиқ тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисида алоҳида меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, йўриқномалар ишлаб чиқилди. Жумладан, қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда солиқ тўловчиларнинг манфаатлари назарда тутилган бир қанча имтиёзлар мавжуд ва улар йилдан-йилга такомиллаштириб келинмоқда.

Мақолада маҳаллий солиқ турларидан ҳисобланган «Бензин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ истеъмоли учун жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ» хусусида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу солиқ 2002 йилга қадар автотранспорт воситалари эгалари бўлган барча жисмоний шахслардан ундирилиб, бевосита солиқ сифатида бюджет даромадларини шакллантирар эди. Автотранспорт воситаларидан ундириладиган солиқни ундириш солиқ органлари олдида катта қийинчилик ташкил қилиб, бу солиқни автотранспорт эгаларидан бюджетга ундиришда жуда кўплаб боқимандаларнинг вужудга келишига сабаб бўларди. Бундан

товарлар учун давлат томонидан белгиланган бож тўловларини ўз вактида ундириш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омилларидан биридир.

Товарларга импорт божларининг турли тарифлар билан давлат томонидан бошқариб борилиши, бозор иқтисодиётига боскичма-боскич ўтаётган Ўзбекистоннинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилган холда ташки савдони давлат томонидан тартибга солиш ҳозирги кунда ўзининг самарали натижаларини бермокда. 2002 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудига товарлар олиб келишни тартибга солиш тўгрисида»ги 154 - сонли қарори қабул қилиниши билан, 2002 йил 1 июндан жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишни соддалаштириш мақсадида қўшилган қиймат солиги, божхона божлари ва йиғимлари ўрнига ягона божхона тўловларини жорий этиш кўзда тутилди.

Импорт қилинадиган товарларга турли тарифларни мамлакат ичкарисидаги ишлаб чиқарувчилар манфаатларини хисобга олган ҳолда, шунингдек, жаҳон бозоридаги айни маҳсулотга бўлган талаб ва таклифлар ўрганилган ҳолатда тарифлар қўлланилади. Бунда нафақат давлат манфаатлари балки, тадбиркорлар, чет эл инвистицияли корхоналар, хусусий корхоналар ва бошқа нодавлат тузилмаларни манфаатлари ҳимоя қилинади. Товарларга у ёки бу микдорда тариф белгилаш мунтазам таҳлил қилинган ҳолда талаб ва таклиф асосида такомиллаштирилиб борилиши зарур. Шундагина ташқи савдони тарифлар орқали тартибга солиш ўзининг амалдаги самарасини бериши муқаррардир.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириб бориш - миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва унинг тузилишини такомиллашувига ёрдам беради, ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, уларнинг самарадорлигини оширишни таъминлайди.

Умуман олганда, халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида халқаро савдонинг аҳамияти жуда каттадир. Халқаро савдода иштирок этмай туриб, ҳеч бир мамлакат тўла қонли ривожланишига эриша олмайди. Очиқ савдо сиёсати олиб борилгандагина мамлакат жаҳон хўжалиги тизимига кириб бориши мумкин.

## Тингловчилар илмий ижодида методологиянинг ўрни

**Курбонов Т.Р.** ***БТ-11 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: ф.ф.д. З.Д.Давронов**

Оллоҳ таъоло инсонни яратибдики, у доимо изланувчан, қизиқувчан бўлиб, ҳамма нарсани ўрганишга, билишга ҳаракат қилади. Атрофини ўраб турган оламни ўрганиш мақсадида у ўзига турли туман саволлар беради; олам ва одам нима? Уларни ким яратган? Яшаш ёки ҳаёт нима, умр мазмуни нимадан

иборат, инсон нега ўлади, ўлимдан кейин яна ҳаёт борми? Бу қизиқ ва ўз ўрнида бир-биридан мураккаб бўлган саволлардир. Бундай саволларга инсон доим жавоб қидиради. Умр давомида ҳар хил кузатишлар, изланишлар, тажрибалар ўтказади, айрим саволларга жавоб топади, айримларини топишга эса инсонга берилган умрнинг ўзи етмайди. Инсон қилган тадқиқотларидан хулосалар ҳосил қилади. Аммо, муаммо борки, хулоса тўғрилигига ким кафолат беради. Бу саволлар ҳақида ким биландир фикр алмашиб, баҳслашишни хоҳлаган инсон аста-секин ўз фалсафасини яратади. Фалсафа ана шундай инсонни қизиқтирган саволларга жавоб топиш билан шуғулланади.

Олам ва одамлар ўртасидаги муносабатлар, инсон қадри ва умрнинг мазмуни, дунёдаги ўзгаришлар, ўзаро алоқадорлик ва боғлиқлик ҳамда тараққиётнинг умумий қонуниятлари фалсафанинг асосий мавзулари ҳисобланади. Фалсафада ана шу мавзуларга муносабат ва улар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қараб фарқланадиган бир неча таълимот, қараш, усуллар бор. Диалектика, метафизика, софистика, эклектика, догматика, синергетика кабилар шулар жумласидандир. Уларнинг тарихи ниҳоятда узоқ бўлиб, қадимги Юнонистон ва Рим давридан (мил. аввалги VII-I аср) бошланади. Кейинги йилларда синергетика ҳам фалсафий услуб ва таълимот сифатида тақдим этилмоқда. Фалсафий услублар олам қонуниятларини тушунишга ёрдам беради ва бу усуллардан файласуфлар ўз тадқиқотларини амалга ошириш ёки изланишларнинг натижаларини изоҳлашда фойдаланадилар. Фалсафада ундан ташқари методология тушунчаси ҳам мавжуд. Методология – фалсафа фанининг тадқиқот объектини ўрганишга йўналтирилган энг умумий тамойиллар, усул ва воситалар тизимидир. Методология сўзининг мантиқий мазмуни ҳам борлиқни билишнинг усул ва воситалари ҳақида таълимот, деган маънони англатади. Шу маънода фалсафа бошқа фанлар учун методологиядир. Шу жумладан илмий ижодда ҳам.

Илмий ижод орқали инсон ўзининг билимга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида билимлар тизимини яратди ва уни фан, деб белгилади. Бу билан нафақат ўзининг, балки жамланган билимлар орқали инсонни баркамолликка эришишга, табиат ва жамият ҳодисаларини билишга, табиий ва ижтимоий уйғунликка эришишга ҳаракат қилди. Инсон ўз ижоди орқали доимий ривожланишда бўлади. Хўш шундай бўлса, ижод нима? деган савол туғилади. ***Ижод бу – инсоннинг сифат жиҳатидан янги моддий ва маънавий қадриятларни яратишга қаратилган руҳий ва амалий фаолиятининг бир бўлагидир.*** Инсон ўз ижоди билан меҳнат қуролларини, янги қишлоқ хўжалиги, саноат маҳсулотларини, янги техник воситаларни, механикани, электр энергияни, алоқа ва ахборот воситаларини, янги турдаги ўсимлик ва ҳайвонларни яратди ва яратмоқда. Шу маънода жамият ҳам инсоннинг ижод маҳсулидир. Ҳамма ижтимоий ҳодисалар, муносабатлар, алоқалар, қадриятлар инсон томонидан вужудга келтирилган. Инсон ўз ижоди билан бадиий асарларни санъат, ахлоқ, қадрият ва фанни яратди. Булар орқали инсон ўзи учун қулайликлар яратди. Зеро, буларсиз биз ҳозир ҳаётни тасаввур қила олмаган бўлардик. Инсонга нима етмаса, у уни ўз қўли билан яратишга ҳаракат қилади. Ақлий қобилиятларини ишга солади, интилади. Худо инсонга ақл

берди, тафаккур ато этди. Натижада ўзига қулайлик яратиш учун инсон ижод қилди.

Ижоднинг бир неча турлари мавжуд. Лекин улар ичида инсоннинг илмга бўлган эҳтиёжларини қондира оладиган – фанларни яратиш учун инсон илмий ижод билан шуғулланиши керак. *Илмий ижод – инсоннинг табиат, жамият қонуниятларини ва ўз тафаккурида амал қиладиган қонунларни кашф этиши, билиб олиш (билиш) билан боғлиқ бўлган яратувчанлик фаолиятидир.* Яратувчанлик ижод қилиш методологияга – фалсафага боғлиқ.

Биз, илмий ижоднинг фалсафий методологиясини қуйидагилар деб белгилаймиз:

1. Илмий ижод билан шуғулланиш учун инсонга илмий асос яъни умрнинг маълум бир даври давомида орттирган илмий билимлари керак.

2. Илмий ижод объектини аниқ белгилаш ва илмий татқиқот ишларини амалга ошириши керак.

3. Илмий татқиқотлар ҳақида ҳисоботлар тайёрлаш.

4. Илмий ижод маҳсулини оммага эълон қилиш (нашрга тақдим этиш, кўргазма қилиш ва ҳоказо).

Демак, инсонга биринчи навбатда ижод қилиши учун билим керак. Бу ўз навбатида билиш орқали амалга оширилади. Билишнинг моҳияти, шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари, хусусиятларини ўрганиш фалсафа тарихида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Инсон ўз билими туфайли борлиқ, табиат, жамиятни ва ниҳоят, ўз-ўзини маънавий ўзгартиради. Билишга қаратилган инсон фаолиятини ва уни амалга оширишнинг энг самарали усулларини тадқиқ этиш фалсафада муҳим аҳамиятга эгадир. Инсон билиши ниҳоятда кўп қиррали, мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Инсон олдида аста-секин ўзини намоён қилган табиат қонунларини кашф этади, уларни турли соҳаларга бўлиб, ўзи учун фанларни яратди. Фан – фан учун эмас, балки фан инсон манфаатлари учун хизмат қилиши учун яратилади. Инсон илмий билимлар воситасида маънавий баркамолликка эриша боргани сари илм-фан қадрият сифатида эъзозлана бошланади. Фаннинг ҳар томонлама ривожланиши билан турли илм соҳаларининг ҳамкорлиги кучаяди, бутун илмий жамоалар билиш субъекти, янги илмий кашфиётлар ижодкорига айланадилар. Илмий кашфиёт билиш билан боғлиқ. Билиш инсоннинг табиат, жамият ва ўзи тўғрисида малакалар ҳосил қилишга қаратилган ақлий, маънавий фаолият туридир. Инсон ўзини қуршаб турган атроф-муҳит тўғрисида билим ва тасаввурга эга бўлиб турибгина, бирон бир фаолият билан муваффақиятли шуғуллана олади. Билишнинг маҳсули, натижаси илм бўлиб, ҳар қандай касбкорни эгаллаш фақат илм орқали рўй беради. Шунингдек, билиш инсонга хос бўлган маънавий эҳтиёж, ҳаётий заруриятдир. Инсоният кўп асрлар давомида орттирган билимларини умумлаштириб ва кейинги авлодларга бериб келганлиги туфайли ҳам ўзи учун қатор қулайликларни яратган. Инсон фаолиятининг ҳар қандай тури муайян илмга таянади ва фаолият жараёнида янги билимлар ҳосил қилинади. Илмий ижодда натижалар аниқ, ишончли ва назарий билимлар воқеликка мос келадиган бўлиб чиқиш, учун ижодкорга илмий асосланган билимлардан ташкил топган илмий билиш зарурдир.

Илмий билиш факт ва далилларга, уларни кайта ишлаш, умумлаштиришга асосланади. Илмий факт ва далиллар тўплашнинг ўзига хос усуллари мавжуд бўлиб, уларни илмий билиш услублари дейилади. Илмий билиш методларини ўрганадиган махсус соха методология деб аталади. Илмий билиш услублари ўз характерига кўра:

1) энг умумий илмий услублари;

2) умумий илмий услублар;

3) хусусий илмий методларга бўлинади.

Энг умумий илмий билиш услублари бу барча фанлар учун хос бўлган фалсафий-диалектик услубдир.

Шулардан хулоса қилиб айтиш мумкинки,

*Биринчидан*, фалсафа барча фанлар учун энг умумий методология сифатида ўз вазифасини бажаради.

*Иккинчидан*, илмий ижод фалсафий услуб билан узвий боғланганда, у қатъийлигини сақлаб колади. Ижоднинг далиллари мустаҳкамланади.

*Учинчидан*, ижод қилувчи шахс фалсафий методология билан илмий куролланган бўлиши лозим.

## Иқтисодий муҳим бўлган товарлар экспортида уларнинг код рақамларини тадқиқ этиш мезонлари

**Исроилов А.** - ***ББ-21 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: доц. Қ.Каримқулов**

Товарларнинг ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича тўғри таснифланганлигини аниқлаш ва товарларни ТИФ ТН кодларини назорат қилиш, ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, товарларнинг кимёвий таркиби асосида таснифлаш ва сертификатлашни амалга ошириш юқори самара беради. Ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишда, яъни товарларни экспорт ва импорт қилиш жараёнида ҳар бир товар уйғунлашган тизимга асосланган ТИФ ТН асосида таснифланади.

Товарларни халқаро ҳуқуқ нормалари асосида таснифлаш тизимини жаҳон андозалари даражасида қўллаш бу нафақат уйғунлашган тизим Конвенциясининг талаби балки, Бутун жаҳон савдо ташкилотининг ҳам асосий талабларидан биридир. Божхона экспертизаси орқали товарларнинг Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (кейинги ўринларда ТИФ ТН) бўйича тўғри таснифлаш уларнинг божхона баҳосини тўғри аниқлашга ва бож тўловларини тўла ундирилишига асос бўлади. Барча давлатлар ўз ташқи иқтисодий фаолиятида уйғунлашган тизим асосида Миллий ТИФ ТН ни амалга киритиши мумкин.

Пахта толаси Ўзбекистон халқининг асосий бойлиги бўлиб, асосий стратегик хом ашё ҳисобланади. Ана шу стратегик аҳамиятга эга бўлган қимматбаҳо хом ашёнинг товарлар номенклатурасига биноан нотўғри код рақамлари билан таснифланиши натижасида Республика иктисодиётига катта миқдорда зарар келтириши мумкинлиги, пахта толасини кимёвий таркиби

асосида, физик кимёвий кўрсаткичлари асосида халқаро иктисодий муносабатларда қўлланувчи товарлар номенклатураси бўйича код рақамларини тадқиқ этиш заруратининг долзарблигини белгалайди

Пахта толаси ва унинг махсулотларининг халкаро иктисодий муносабатларда қўлланиладиган ТИФ ТН код рақамларини ўрганиш ва ушбу товар кодлари асосида пахта толаси ва унинг махсулотларини кимёвий таркибидан келиб чиққан ҳолда, Республикамиз иктисодий манфаатларини химоя қилишда мукаммал ҳуқукий муҳофаза кила оладиган янги товар кодларини ишлаб чиқишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини муҳофаза қилиш ва бож тўловларининг тўғри ундирилишини таъминлаш учун товарларни кимёвий таркиби асосида божхона кимёвий экспертизасини амалга ошириш орқали товарларни ТИФ ТН бўйича таснифлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли биз пахта толаси ва унинг маҳсулотлари код рақамларини тадқиқ этишни лозим деб топдик. Пахта хом ашёси ва ундан олинадиган махсулотлар хом ашёларидан бири пахта хом ашёсининг қайта ишлашдан ҳосил бўлган пахта чиқиндиларидир, булар қуйидагилар:

Пахта хом ашёси Ўзбекистон Республикасининг стратегик бойлиги бўлиб ундан қуйидаги 1-чизмада кўрсатилган маҳсулотлар олинади:

1-чизма.




Пахта хом ашёси маҳсулотларини ташқи иктисодий фаолиятига доир товарлар номенклатураси (кейинги матнлардаТИФ ТН) бўйича гуруҳ код рақамлари қуйидагича:

- пахта линти –140420;
- пахта момиғи (вата «Прима», «люкс») – 5601;
- пахта момиғи (вата «туфячная») – 5202;
- пахтадан тайёрланган ип – 5203;
- пахта ва бошқа толалар аралашмасидан тайёрланган ип- 5205;
- пахтадан тўқилган газлама- 5208-5212.

## Савдо фаолияти билан шуғулланувчи кичик корхоналарни солиққа тортишни такомиллаштириш

**З. Абдухолиқов -** ***СТ-11 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Т. Мирзаев.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни хамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора – тадбирлари тўғрисида» 407-сон қарорга асосан 2002 йил 1 декабрдан бошлаб юридик шахслар улгуржи савдо билан шуғулланиш ҳуқуқига доир рухсат гувоҳномасини олиш учун улар давлат рўйхатидан ўтказилаётган пайтда камида 6000 энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида устав фонди (сармояси)ни шакллантиришлари шарт, бунда пул маблағларининг ҳиссаси камида 2000 энг кам ойлик иш ҳақини ташкил этиши керак, қолган қисми эса мол-мулк ва ҳоказо кўринишида киритилиши мумкин. Мазкур қоида, фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар улгуржи савдо билан шуғулланишни хохлайдиган барча юридик шахсларга нисбатан қўлланилади. Бундан маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотадиган юридик шахслар мустасно, улар учун муайян ташкилий-ҳуқуқий шаклга татбиқан устав фондининг миқдори тўғрисидаги талаблар ўз кучида қолади.

407-сонли қарорга асосан ишлаб чиқилган Низомга кўра "Рухсат гувоҳномаси" - расмий ҳужжат олиш назарда тутилган бўлиб, ушбу ҳужжатни туман (шаҳар) ҳокимиятлари кўрсатилган органга тақдим этилган аризага асосан беради ва хўжалик юритувчи субъектнинг савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Ушбу ҳужжатсиз хўжалик юритувчи субъект савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас.

Низом куйидаги йўналишлар бўйича савдо фаолияти билан шуғулланиш учун рухсат гувоҳномаларини олиш тартибини белгилайди:

- юридик шахслар амалга оширадиган улгуржи савдо;
- юридик шахслар турғун савдо шохобчалари орқали амалга оширадиган чакана савдо;
- якка тартибдаги тадбиркорлар турғун савдо шохобчалари орқали амалга оширадиган чакана савдо;
- якка тартибдаги тадбиркорлар амалга оширадиган буюм бозорларидаги чакана савдо.

Улгуржи савдо билан шуғулланиш ҳуқуқига рухсат гувоҳномаси олиш учун юридик шахслар:

а) устав фонди (сармояси)ни юқорида кўрсатилган миқдорда шакллантиришлари;

б) тегишли моддий-техника базасига (товарни саклаш, сотиш учун уларни танлаш, саралаш ва товарлар туркумларини бутлашни таъминлайдиган ўз омборхоналарига эга) бўлишлари зарур.

Улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқига рухсат гувоҳномасини олиш учун юридик шахслар Низомнинг 4-бандига мувофиқ улар солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказилган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимиятига рўйхатдан ўтказишлари учун ариза ҳамда куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари зарур:

• юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

• уставнинг "улгуржи савдо" фаолият тури кўрсатилган, нотариал тасдиқланган нусхаси;

• юридик шахсда тегишли моддий-техника базанинг товарни саклаш, сотиш учун уларни танлаш, саралаш ва товарлар туркумларини бутлашни таъминлайдиган ўз омборхоналари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;

• аризада кўрсатилган муддатга улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғим тўланганлиги хусусида гувоҳлик берувчи банк ҳужжатининг нусхаси;

• устав жамғармасининг миқдори юқорида кўрсатилган пул қисми киритилганлиги хусусида гувоҳлик берувчи банк ҳужжатининг нусхаси.

Турғун савдо шохобчаси орқали чакана савдо фаолиятини юритиш ҳуқуқига *рухсат гувохномасини олиш* учун юридик шахслар:

1) ўзининг ёки ижарага олинган чакана савдо объектларига;

2) сотиладиган товарлар ассортиментига мувофиқ келадиган ҳамда уларнинг сақланиши, сараланиши ва чакана сотиш учун қадоқланишини таъминлайдиган савдо асбоб-анжомлари;

3) рўйхатдан ўтказилган назорат-касса машиналарига эга бўлишлари керак. Юридик шахсларга чакана савдо ҳуқуқига рухсат гувоҳномаси ҳар бир турғун чакана савдо шохобчасига ва аризада кўрсатилган, лекин икки йилдан ошмайдиган муддатга берилади.

Якка тартибдаги тадбиркор турғун чакана савдо шохобчалари орқали чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига рухсат гувоҳномасини олиш учун:

1) ўзининг ёки юридик шахслардан ижарага олинган чакана савдо объектларига;

2) товарларнинг сақланиши, сараланиши ва чакана савдо учун қадоқланишини таъминлайдиган савдо ускунасига;

3) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган назорат - касса аппаратига эга бўлишлари;

4) чакана савдони амалга ошириш тартиби ва унинг қоидалари, ушбу соҳада тадбиркорлик фаолиятига солиқ солиш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, олиб кирилаётган товарларнинг божхона расмийлаштируви тартиби, шунингдек қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари билан танишлиги далилини ёзма равишда тасдиқлашлари керак. Илгари, чакана савдо билан шуғулланиш ҳуқуқига рухсат олиш учун бундай тасдиқномани мажбурий тартибда тақдим этиш назарда тутилмаган эди.

Рухсат гувоҳномаси аризада кўрсатилган муддатга берилади, лекин у уч ойдан ошмаслиги керак. Юридик шахсни ташкил этмайдиган якка тартибдаги

тадбиркорларнинг бозорларда ноозиқ - овкат истеъмол товарларининг куйидаги турлари билан савдо қилишга ҳуқуқлари бор:

• якка тартибдаги тадбиркорнинг ўзи олиб келган ва унинг ўзи божхонада расмийлаштирган импорт товарлар. 407-сонли карорнинг 2-бандида мустаҳкамланган мазкур қоиданинг маъносидан келиб чиқиб, якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан олиб келинадиган товарларнинг учинчи шахслар воситасида расмийлаштирилишига йўл қўйилмайди.

Низомда хўжалик юритувчи субъектларнинг барча тоифалари бўйича берилган рухсат гувоҳномаларини, уларни берган органлар томонидан қонунбузарликлар бартараф этилишига қадар чакириб олиш учун асослар назарда тутилган. Уларга қуйидагилар киради:

- хўжалик юритувчи субъект томонидан савдо қоидаларининг бузилиши;
- санитария меъёрлари бажарилишини таъминламаслик;
- ёнғиндан сақлаш қоидаларини бажаришни таъминламаслик;
- савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун йиғимни ёки айрим товарлар билан савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия йиғимини тўламаслик.

Рухсат гувоҳномасининг ҳаракатини тўхтатиб қўйиш учун асос бўлиб хизмат кўрсатувчи банк ахбороти асосида давлат солиқ хизмати органининг тақдимномасига кўра бир ҳафта мобайнида сотиш бўйича айланмаларнинг йўқлиги (турғун савдо шохобчалари орқали чакана савдони амалга оширадиган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун нақд пул тушумини инкассация қилиш қоидаларини бузиш ҳам) ҳисобланади. Рухсат гувоҳномаси берган туман (шаҳар) ҳокимияти товарларни харид қилиш ва сотиш шартномалари, шунингдек уларни харид килишга пул маблағларининг манбалари мавжуд бўлганида унинг амал қилишини тиклаши мумкин (мазкур қоида буюм бозорларида чакана савдони амалга оширадиган якка тартибдаги тадбиркорларга татбиқ этилмайди).

407-сон қарор ва у томонидан тасдиқланган Низом меъёрлари татбиқ этиладиган, у чиқишига қадар рўйхатдан ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар 2003 йил 1 январгача тегишлича қайта рўйхатдан ўтишлари, ўз ҳужжатларини мазкур қарор талабларига қатъиян мувофиқлаштиришлари ва савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига рухсат гувоҳномаларини қайта расмийлаштиришлари керак.

## Ривожланган давлатларда жисмоний шахсларни солиққа тортиш тажрибалари

**С. Деҳқонов** – ***СБ-21 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: Т. Тошмуродов, и.ф.д., профессор.**

Ривожланган давлатларда жисмоний шахсларни солиққа тортиш услубларини такомиллаштиришда АҚШ, Канада ва Европа давлатларининг тажрибаси эътиборга лойиқ.

Бенжамин Франклин - буюк давлат арбоби, АҚШ мустақиллик Декларациясининг муаллифлардан бири шундай деган эди: «Ҳаётда ўлимдан ва солиқлардан кутилиб колишнинг имконияти йўқ».

АҚШда солиқ тизими қарийиб 200 йилдан ортиқ ривожланиб такомиллашмоқда ва бозор иқтисодиётини ривожлантиришда қўлланилмоқда. Ҳозирда солиқлар федерал, штатлар ва маҳаллий бюджетларини даромадлар билан таъминлашда нафақат фискал масалаларни ечишда, балки иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим бир бошқарув омили ҳисобланади.

АҚШ бюджети барча тушумларининг салмоғини жисмоний шахслар иш ҳақидан ундириладиган даромад солиғи ва ижтимоий суғурта солиқлари эгаллайди. Солиқлар прогрессив шкала усулида ундирилади. Солиққа тортилмайдиган даромад минимуми ва тўрт солиқ ставкаси мавжуд.

Солиққа тортилмайдиган даромад минимум миқдори ўзгарувчан бўлиб, у ўсиш тенденциясига эга. 1990 йиллар бошида у 3000 АҚШ долларига, оилавий декларация топширувчиларга эса 5000 АҚШ долларига тенг бўлган.

Ҳозирда АҚШда мавжуд бўлган даромаддан олинадиган солиқ ставкаларини 1-жадвалда кўришимиз мумкин.

1- жадвал

**Даромад солиғи ставкаси**

| Солиққа тортиладиган даромад миқдори (АҚШ-долларида) | | | | Солиқ ставкаси (%-да) |
|---|---|---|---|---|
| Эр-хотиннинг биргаликдаги жами даромади | Эр-хотиннинг алоҳида олган даромадлари | Ёлғиз оила бошлиғи даромади | Ёлғиз фуқаро даромади | |
| 0-29750 | 0-14875 | 0-23900 | 0-17850 | 15 |
| 29751-71900 | 14876-35950 | 23901-61500 | 17851-43150 | 28 |
| 71901-149250 | 35951-113300 | 61501-123790 | 43151-89560 | 33 |
| 149251-юқори | 113301-юқори | 123791-юқори | 89561-юқори | 28 |

Шундай қилиб, даромад қисмини солиққа тортишдаги асосий йўналиши, солиқ ставкаларини соддалаштириш ва ривожлантиришга, максимал солиқ ставкасини камайтиришга, солиққа тортилмайдиган минимумни оширишга олиб боришдир.

АҚШда солиқ ундириш тизими солиқ тўловчилар томонидан ихтиёрий равишда ташкил этилган. Ҳақиқатдан ҳам солиқ тўловчилар даромадларини ва тўланиши лозим солиқларни ҳисоб-китоб қиладилар, давлатга фақат назорат ва текшириш функцияларни қолдирадилар. Солиқларнинг тўғри ва ўз вақтида бюджетга жалб қилиниши мажбуриятлари меъёрий қонун ҳужжатларида акс эттирилган.

Ўрганиб чиқилган АҚШ солиқ тизимидан жисмоний шахслар даромадларини мажбурий декларациялаш солиққа тортиш амалиётида кенг қўлланилади. Фуқароларнинг ўз даромадлари тўғрисидаги декларациялар даромадлари манбаларининг қонунийлиги ва ошкоралиги солиққа тортиш борасидаги айрим муаммолар келиб чиқишининг олдини олади.



20 03
A 855
O'zbekiston MK

Шу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида «Бизнинг катъий нуктаи назаримиз жахон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан олинган жамики фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда, ўзимизнинг ижтимоий-иктисодий тараққиёт йўлимизни танлаб олишдан иборатдир», - дея таъкидлаган сўзини ёдга олишимиз мумкин.

Соликқа тортилмайдиган минимумнинг Ўзбекистонда жисмоний шахсларни соликқа тортиш амалиётида жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай соликка тортилмайдиган минимумнинг жорий этилиши аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-куватлашга, инсон яшаши ва меҳнат қилиши учун зарур бўлган кундалик истеъмол товарларнинг қийматига мос келувчи даромадларнинг улар ихтиёрида қолишига имкон яратади.

Шу билан бир қаторда жисмоний шахслар даромадларини соликқа тортишда, соликқа тортишнинг регрессив усулини қўллаш ва соликқа тортиш борасида ҳам энг кам ойлик иш ҳақи миқдорларида ўрнатилган чегараларни имкон қадар кенгайтириш, солиқ ставкаларни иложи борича камайтириш лозим.

Солиқларни ҳисоблашда эса жисмоний шахсларнинг соф даромадидан солиқларни ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни харажатларни ҳисоблашда улар томонидан аввал тўланган бошқа солиқларни чегириш, солиқ тўловчининг белгиланган меъёрда ўз соғлиғини тиклашга ёки даволанишга кетган маблағларнинг бир қисмини чегириб ташлаш, кўп болали оилаларга имтиёз қўллаш, маҳаллий хом ашёдан истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи хусусий тадбиркорларга барча қулайликлар яратиш ва соликқа тортишда имтиёзлар белгилаш керак. Бу эса жисмоний шахсларнинг иктисодий аҳволининг яхшиланишига, маблағларининг ошишига, фаровон турмуш қуришга, белгиланган бошқа солиқларни ўз вақтида тўлашга, бўш маблағларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилишга ва энг муҳими қўшимча даромад олишга қизиқиш уйғонишига олиб келади.

Дастлаб бу тадбирдан бюджет зарар кўриши мумкин, бир оз вақт ўтгач жисмоний шахслардан тушадиган солиқлар бюджетнинг асосий қисмини ташкил қилиши мумкин, бюджет кўрган зарарнинг бошқа солиқлар орқали қоплаши мумкин.

## Секция: Солиқ тизимида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари

# Солиқ сиёсати ва унинг иқтисодиётни ривожланишига таъсири

**М. Мухамеджанов** - *СТ-23 гуруҳ тингловчиси*
**Илмий раҳбар: и.ф.н., У. Юлдашева**

*Нотўғри олиб бориладиган солик сиёсати мамлакатда инвестициянинг чикиб кетишига сабаб бўлади ва бутунлай даромад манбаларини тўсиб қўяди*

*Адам Смит*

Мамлакатимиз иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечиб, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танлади. Мулкчиликнинг барча шаклларига тенг имконият яратилиб, тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди.

Мустақиллигимизга ўн икки йил бўлаётганлигига қарамай ҳозирги кунгача солиқ нима учун кераклигини билмайдиганлар хам кўп учрайди. Баъзи одамлар билан сухбатлашсангиз, ҳаттоки, «солиқлар шунчаки давлатни бойитиш учун йиғиладиган қўштирноқ ичидаги садақа», деб тушунишади. Аммо биз, биламизки, аслида бундай эмас. Солиқ-бу давлат томонидан таъминланадиган таълим, соғлиқни сақлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш органларини қўллаб-қувватлаш, мамлакат мудофааси ва ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун ўз келажагимизни кафолатлашимиздир.

Солиқлар мамлакат иқтисодиётига қонуний бизнес ривожига, инсонларнинг яшаш шароитига тўсқинлик қилмаслиги зарур. Солиқ тўловчилар манфаатини ҳисобга олмай олиб бориладиган солиқ сиёсати натижада салбий оқибатларга олиб келади. Масалан, солиқ юкини ҳаддан зиёд ошириб юбориш, Лаффер эффектини эслатади.

Бундай вазиятларда солиқ тўловчи ўзининг даромадларини ҳимоя қилиш мақсадида, ноқонуний йўл билан бўлса ҳам солиқ имтиёзларига эга бўлишга ҳаракат қилади, ёки корхонада иккиламчи бухгалтерия ҳисобини юритиб ҳужжатлар бўйича алдашга, ёки ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартириб харажатларини кўпроқ қилиб кўрсатишга ва шу йўл билан солиқдан қочишга ҳаракат қилиши мумкин. Бу эса давлатга пул тушумининг камайишига олиб келади. Бундай ҳолат солиқ сиёсатида унда иштирок этувчи субъектларнинг манфаатларини ҳисобга олишни талаб қилади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат манфаати билан солиқ тўловчилар манфаатларида уйғунлашмаган ҳолатлар мавжуд. Бунга ҳар куни йўлимизда учрайдиган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар яққол мисол бўла олади. Қайси бир корхона, фирма ёки ташкилотни олманг, кўп вазиятларда солиқдан қочиш мақсадида даромадларини яшириш холатларини аниқлайсиз. Бу аниқ факт. Қонун бузилди, деб жазолайвериш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Биз солиқ тўловчиларни мажбурий эмас, балки ихтиёрий равишда солиқ

тўлашларига эришишимиз керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Иктисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида» китобларида хам: «Иктисодий ислохотлар унда иштирок этувчи субъектларнинг манфаатларини кўзлаган холда олиб борилиши шарт» - деб таъкидлаганлар. Солик сиёсати эса иқтисодий ислоҳотларнинг бир йўналишидир.

АҚШ нинг собиқ президенти Р.Рейган (1980 йил бошлари) солиқ ставкаларини пасайтириш билан бир қаторда имтиёзларни ҳам кескин қисқартирган. Бу эса ўз навбатида ёппасига ишбилармон тадбиркорларнинг кўпайишига сабаб бўлди. Аҳолининг иш билан бандлиги даражаси ошиб, ишлаб чиқариш сурати кўтарилди. Давлат солиқ тўловчилар томонидан солиқларни ихтиёрий равишда тўлашларига эришди.

Ўзбекистонда ҳам 1996 йилдан бери солиқ юкини камайтириш ишлари олиб борилмоқда.

Масалан юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи 37% дан 20% гача, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи эса 45% дан 32% га туширилди. Бу эса 1996-2000 йилда корхоналар учун солиқ юкини 34.5% дан 28.5% га тушишга олиб келди. Бироқ бу кўрсатгич Европа давлатларида 24% ни, ривожланаётган жануби- шаркий Осиё давлатларида эса 15% ни ташкил этади. Албатта солиқ юкининг бундай паст даражада бўлиши ишлаб чиқарувчилар орасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш жаҳон бозорига рақобатбардош махсулотлар етказиб бериш орқали самарали ютуқларга эришишни кафолатлайди.

## Қимматли қоғозлар бўйича даромадларни солиққа тортишдаги имтиёзлар тизими

**Маҳмудов Ш –** ***СТ-12 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: А.Васиев**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар кўп укладли иқтисодни шакллантиришга қаратилган. Бугунги кунда Ўзбекистон Ҳукумати томонидан олиб борилаётган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш, хорижий инвестицияни жалб этишга йўналтирилган бозор ислоҳотлари республикамизда қимматли қоғозлар бозори барпо этилишини таъминланади.

Мазкур бозорнинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўладиган қонунлар ва тегишли меъёрий ҳужжатлар мажмуи яратилди ва жаҳон андозалари асосида такомиллаштирилиб иқтисодиёт ривожланишига хизмат қилмоқда.

Қимматли қоғозлар бозорининг бугунги босқичдаги ривожланиш даражаси қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларни солиққа тортишнинг мавжуд механизмларини янада такомиллаштириш, мазкур бозор иштирокчилари учун имкониятлар яратиш, иккиламчи бозорнинг янада

ривожланишида солиққа тортиш муаммоларини хал этиш, уни соддалаштиришдан иборат бўлган вазифаларни кун тартибига қўймокда.

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларни соликка тортиш механизми қуйидагилардан иборат:

- соликка тортиш объектлари – бу кимматли қоғозларни олди–сотти шартномасининг нархи ва эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказиш;

- солиқ тўловчилар – бу юридик ва жисмоний шахслар;

- солиқ ставкалари – эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказиш учун 0,1% эмиссия суммасидан;

- қимматли қоғозларнинг олди–сотти шартномаси иштирокчиларидан белгиланган ставкаларда;

- солиқ имтиёзи – дивиденд суммаларини акциядорлик жамияти устав фондига қайта инвестиция (реинвестиция) қилиш чоғида 15% ставка қўлланилмайди ёки солиққа тортилмайди;

- солиқ тўлаш тартиби ва муддатлари қонунда кўрсатилган.

Муаммолар сифатида қуйдагиларни келтириш мумкин:

1. Кимматли қоғозларга инвестициялар билан шуғулланувчи акциядорлик жамиятларида портфел инвестициялардан (акциялардан) тушган дивиденд даромадлар уларни жамият акциядорлари ўртасида дивиденд сифатида тақсимланганида икки маротаба солиққа тортилиши (15% + 15% = 30%);

2. Қимматли қоғозларни (акция ва облигацияларни) биринчи маротаба эмиссия қилиш даврида 0,1% миқдорида эмиссия суммасидан солиқ олиниши, ваҳоланки, хусусийлаштирилаётган акциядорлик жамиятларида бу ҳолат қўлланилмайди;

3. Ҳосилавий қимматли қоғозларни ҳар бир эмиссияси учун 0,1 фоиздан солиқ олиш;

4. Акциядорлик жамиятларида асосий воситаларни қайта баҳолаш эвазига устав фондларини ошириш йўли билан қўшимча акциялар чиқарилганида, ҳосил бўлган тафовутдан акциядорларни солиққа тортиш;

5. Иккиламчи бозорда акцияларни қайта сотиб юбориш чоғида ҳосил бўлган зарар суммасининг солиққа тортилиши (давлат қисқа муддатли облигацияларидан олинадиган фойдалар бундан мустасно);

6. Ягона 10 фоизлик солиқ тўловчи дилер бўлмаган инвестиция институтларида (масалан, бошқарувчи компанияларда, депозитарийларда, реестр компанияларда, номинал сақловчиларда) улар томонидан портфел акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини қайта сотиш чоғидаги умумий тушумлар суммасини 10% миқдорида солиққа тортилиши;

7. Инвестиция институтлари ва фонд биржаси фаолиятида ва улар томонидан қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар амалга оширилиши вақтида қўшимган қиймат солиғи қўлланилиши.

Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш мақсадида юқорида санаб ўтилган солиқ турлари (1–5,7 бандларда келтирилганларини) йўқ қилиш ва 6 бандда кўрсатилган солиқни тушумнинг 10 фоизи миқдорида эмас, балки ҳосил бўладиган курс тафовути суммасидан 25% миқдорида олиш, шу билан бир қаторда иккиламчи бозорда қимматли қоғозлар операцияларидан олинадиган курс тафовути эвазига ҳосил бўлган фойда имтиёз тарзида вақтинча

соликка тортилмаса мақсадга мувофик бўлар эди. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонда шаклланаётган қимматли қоғозлар бозорини янада ривожиланишига олиб келиб, инвесторларнинг кенг қатламларини жалб қилиш имконини беради.

## Солиқ инспектори иш жараёнини автоматлаштириш — давр талаби

**Ҳ. Ҳ. Насруллаев** - ***СТ-23 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: С. Ҳафизов**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони билан Республикамиз ҳудудида компьютерлаштириш жараёни янада жадаллаштирилди.

Ҳозирда солиқ органларида СИАИЖ-1 ва СИАИЖ-2 дастурий маҳсуллари тўпламидан унумли фойдаланиб келинмоқда. Яна шу билан биргаликда «Назорат қилувчи органлар иш фаолиятини мувофиқлаштириш» бўлими иш жараёни, текширув ўтказиш режа-жадвалини тузиш ва юритиш ишлари автоматлаштирилган ҳолда юритилмоқда. Лекин «Юридик шахсларни солиққа тортиш ва назорат қилиш» бўлими ва шўъбаларида иш миқдори кўп бўлишига қарамасдан, махсус ҳисоб-китобларни маълумотларни тўплайдиган, юритадиган ва юқори солиқ органларига узатадиган дастурий маҳсуллар тақчиллиги кузатилмоқда.

Солиқ ва Божхона органлари Академияси «Солиқ ва солиққа тортиш» кафедраси, Информатика кафедраси кўмагида «ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ДАРОМАД СОЛИҒИ ҲИСОБЛАНИШИНИ ТЕКШИРИШ ДАСТУРИ. Версия – 1.0» ишлаб чиқилди.

Дастур «Delphi 6» дастурлаш тилида ёзилган бўлиб, замонавий интерфейсда, *Windows95/98/ME/2000/NT* ва ундан юқори операцион системаларда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Дастур асосан «Юридик шахсларни солиққа тортиш ва таҳлил қилиш» бўлими томонидан ўтказиладиган текширувларда юридик шахсларда меҳнат фаолиятини юритиб, даромад олувчи жисмоний шахслар (ишчи-ходимлар) учун даромад солиғини тўғри ва тез ҳисоблаб чиқаришга мўлжалланган.

Амалиётдан бизга маълумки, ишчи ходимлари сони кўп бўлган юридик шахслар ишчи-ходимларининг даромад солиғи бўйича текширилганда, танлаб олиш усули билан бир нечагина ходимларга ҳисобланган даромад солиғи бўйича текширувдан ўтказилади (бунинг сабаби ҳамма ходимларнинг бир неча йиллик олган иш-ҳақига даромад солиғини текшириш кўп вақт ва куч талаб этади).

Дастур ёрдамида қисқа вақт ичида ҳамма ишчи-ходимларнинг барча йиллик иш ҳақлари учун даромад солиқлари *солиқ қонунчилигидаги барча ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда* текширишдан ўтказилади ва ҳисобот тайёрланади.

Шунингдек дастур ёрдамида текшириш натижалари электрон кўринишда тўпланади ва ҳисоби юритилади, дастурнинг кейинги версияларида текшириш натижаларини юқори давлат солиқ органларига электрон кўринишида узатиш ва қабул қилиш функциялари ҳам кўзда тутиляпти.

Дастурдан яна солиқ инспекцияларидаги "Декларация бўлими", "Бухгалтерия ҳисоби ва бутлаш" бўлимларида даромад солиғининг ҳисоблаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш кераккки, амалиётда бу амаллар текширувчи солиқ ходими томонидан қўлда бажарилади. Агар текширилаётган юридик шахс бир ой мобайнида бир неча марта ишчи-ходимларга иш-ҳақи тўлаган ва бир неча даромад солиғини бюджетга кўчирган (кўчирмаган) бўлса, ўз вақтида бюджетга кўчирилмаган даромад солиғи учун пеня ҳисоблаш муддати ва суммасини аниқлаш жараёни мураккаблашади ва кўп вақт талаб қилади. Кўпчилик ҳолларда эса хатоликларга йўл қўйилади.

Дастур ёрдамида бу жараённинг оптимал ҳолда енгиллаштирилганлиги текширишларнинг сифатли ўтказилиши ва текширувчининг иш самарадорлигини оширишда катта ҳисса қўшади.

Дастур янги солиқ қонунчилигида ўзгаришларга мослашувчанлиги (кичик ҳажмдаги ёрдамчи файлни янгилаш йўли билан, бу амал марказлашган ҳолда бажарилиши ҳам мумкин) дастурдан бундан кейинги йилларда ҳам ўтказиладиган текширувларда фойдаланиш имкониятини яратади.

Дастур солиқ тизимини автоматлаштиришни ривожлантириш йўлида яна бир қадам бўлиб, Республикамиз ҳудудидаги солиқ тизимининг барча поғоналарида дастурдан фойдаланилса, солиқ органлари томонидан ўтказиладиган текширишлар сифати ва солиқ ходимларининг иш самарадорлигини оширишда ижобий ҳисса қўшган бўларди.

## Солиқ соҳасини ривожлантиришда солиқ тўловчиси идентификация рақамининг аҳамияти

**Б.Алиматов** - ***Фарғона солиқ коллежи курсанти***
**Илмий раҳбар: А.Махмудов**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 130-сонли қарорига асосан солиқ тўловчиларга идентификация рақам СТИР берилади.

СТИР солиқ тўловчиларнинг барча солиқ мажбуриятлари ва барча ижтимоий ҳуқуқлари бўйича ягона ҳисобланади. Уни давлат ҳокимияти ва назорат органлари билан давлат ижтимоий суғуртаси, бошқа суғурта жамғармаларида тўловларни амалга ошириш бўйича ўзаро муносабатларда қўлланилади ва ўзгартирилмайди.

СТИР солиқ тўловчиларга бир марта берилади ва юридик шахснинг тугатилиши, жисмоний шахснинг вафоти ёки бошқа мамлакатга кўчиб кетиши

муносабати билан, ушбу воқеалар рўй берганидан сўнг 3 йил ўтгач бекор қилиниши мумкин. Шундан сўнг ушбу код бошка солик тўловчига берилади.

СТИР солиқ тўловчиларга ўзлари яшайдиган жойдаги Давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказиш хужжатлари(01-02-шакллар)ни тўлдирганидан кейин берилади. Рўйхатдан ўтказиш маълумотлари ДСИ компьютер базасига киритилади ва электрон почта орқали Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси маълумотлар базасига ягона идентификацион рақам олиш учун юборилади.

Солиқ тўловчиларга куйидагича идентификацион рақам берилади:

| | | |
|---|---|---|
| жисмоний шахслар учун | 400000000дан | 799999999гача |
| юридик шахслар учун | 200000000дан | 299999999гача |

Солиқ идораларида солиқ тўловчига идентификацион рақам берилганлиги тўғрисида гувоҳнома тақдим этилади.

Бугунги кунга келиб, хар бир солиқ мажбуриятига эга бўлган фуқароларга идентификацион рақам бериш йўлга қўйилди. Бу эса ўз навбатида солик идораларига янада масьулият юклайди ҳамда солиқ идоралари фаолиятини мураккаблаштиради.

Бу ишнинг йўлга қўйилиши қуйидаги ютуқларга эришиш имкониятларини:

- солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни тартибга солади;
- солиқларнинг бюджетга тушишини ҳисобга олиш ва назорат қилишни осонлаштиради;
- солиқ инспекторлари ходимларининг иш фаолиятини енгиллаштиради;
- солиқ инспекторларининг амалдаги иш фаолиятида сарфланаётган вақтни тежаш имконини беради.

## Кичик ва ўрта бизнесни – солиққа тортиш масалалари

**А. Атамирзаев** - ***Фарғона солиқ коллежи курсанти***
**Илмий раҳбар: А. Тошпўлатов**

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш муаммолари ҳозирги кунда ўта долзарб масалалардан биридир. Ўзбекистон маъмурий буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтаётган бир пайтда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон учун кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш:

- мулкдорлар синфининг шаклланишини жадаллаштиради;
- янги иш ўринларини яратиб, ишсизлик суръатининг сезиларли даражада пасайишига олиб келади;
- рақобат муҳитини яратиш билан бозорни янги товарлар билан тўлдиради;
- иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасидаги ўзаро алоқани мустаҳкамлаб, соғлом муҳитни яратишга асос яратади.

Кичик ва ўрта корхоналари ялпи ички маҳсулотининг ўсиши ва аҳоли бандлигини таъминлашда катта роль ўйнайди. Европа хамкорлиги мамлакатларидаги кичик ва ўрта корхоналарда банд бўлган аҳоли ўрта хисобда барча бандларнинг 72 фоизини ташкил қилиб, ялпи ички маҳсулотнинг 65 фоизини бермоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда кичик ва ўрта корхоналар улуши республикамиз ялпи ички махсулотининг 30 фоизига тўғри келади.

Ҳар қандай мустақил балансга эга бўлган корхона солиқ тўловчи ҳисобланади. Ҳозирда мамлакатимизда кичик ва ўрта корхоналарни соликка тортишнинг қуйидаги иккита тизими мавжуд:

- умумий;
- соддалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон қарори билан тасдиқланган Тартибга мувофиқ корхоналар қайси солиққа тортиш тизимида фаолият юритишини ўзлари мустақил танлайдилар.

Солиққа тортишнинг умумий тизимини танлаган кичик ва ўрта корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан белгиланган барча солиқларни тўлайдилар. Бу тартиботнинг афзаллик томони шундаки, унда корхоналарга қатор имтиёзлар берилади. Ҳар бир тизимнинг ўз камчиликлари мавжуд бўлганидек, кичик ва ўрта корхоналарни солиққа тортиш тартиботи ҳам камчиликлардан ҳоли эмас. Булар:

- солиқлар сонининг кўплиги;
- солиқ органлари солиқ тўловчиларни ортиқча безовта қилиши;
- солиқ тўлашда расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатларнинг кўплиги кабиларда намоён бўлади.

Буларнинг барчаси энди оёққа тураётган кичик корхоналар ҳаражатларини кўпайтириб, улар учун ноқулай вазиятни вужудга келтиради.

Кичик корхоналарнинг кейинги солиққа тортиш тизими – корхоналарнинг ягона солиқ тўлашидир. Бу тартибда солиққа тортиш объекти бўлиб, ялпи даромад ва ялпи тушум ҳисобланади. Ялпи даромаддан савдо (харид, воситачи, улгуржи сотиш, таъминот) корхоналари, ялпи тушумдан эса – иқтисодиётнинг бошқа тармоқ корхоналари солиқ тўловчилар ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ягона ер солиғини тўлаш тизимига ўтган.

Соддалаштирилган солиққа тортиш тизимининг ижобий томонлари қуйидагилардан иборат:

- қонунчилик ва меъёрий базанинг камлиги;
- солиқ объектини аниқлашнинг оддийлиги;
- солиқни ҳисоблаш тартибининг оддийлиги;
- ҳисоботнинг соддалаштирилганлиги.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики агар кичик ва ўрта корхоналар ўз иш фаолиятларини олиб боришда соддалаштирилган солиқ тизимига ўтказилса, улар топширадиган ҳисобот турлари камаяди. Ҳисобот чоракда бир марта топширилади ва ҳисобланадиган солиқ миқдори камаяди, ўз-ўзидан корхона оладиган соф фойда миқдори кўпаяди. Бу эса кичик корхонани тезроқ оёққа туриб олишига ва иқтисодий томондан низом жамғармасини мустаҳкамлаб олишига замин яратади.

# Солиқ тизимида янги техника ва технологияларни қўллашнинг тутган ўрни ва аҳамияти

**Ж. Жалолов** - ***Фарғона солиқ коллежи курсанти***
**Илмий раҳбар: А. Маҳмудов**

Мамлакатимиз ривожланиш боскичига кириб боргани сайин, солиқ соҳаси ҳам такомиллашиб боряпти. Солик соҳасидаги ишларнинг самарали, пухта ва тез амалга оширилишида янги техника ва технологияларнинг ўрни жуда хам муҳим.

Замонавий техника, технологиялар ва ҳисоблаш машиналаридан амалий иш фаолиятида кенг фойдалана оладиган етук мутахассислар, солиқ ходимлари ва малакали инспекторлар тайёрлаш айни пайтда кечиктириб бўлмайдиган омиллардан биридир. Шу боис, барча олий ўқув юртлари, солик коллежларида «Информатика ва ҳисоблаш техникаси» курси асосий фанлар каторида ўқитилмоқда.

Солиқ тизимида ахборот алмашиш, маълумотлар йиғиш, текшириш натижалари, тушумлар ва солиқ тўловчиларга идентификация раками (СТИР) берилиши жараёни тўлиқ компьютерлаштирилди.

Давлат солиқ инспекциялари ичидаги ўзаро боғликликни таъминловчи локал тизимларининг республика бўйича уланиш имконияти, ахборот алмашиш тезлигини ошириш билан бирга Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлар базасини вужудга келтирди.

Лекин Давлат солиқ инспекцияларида ахборотлаштириш масалалари билан боғлиқ бирмунча камчиликлар йўқ эмас. Шуларни инобатга олиб:

- солик тўловчи юридик ва жисмоний шахсларни ҳисобга олиш, солиқларни ундириш ва тушумни назорат қилиш масалаларини автоматлаштириш билан бирга, солиқ тизимига киритилиши лозим бўлган ўзгартиришларнинг бюджетга таъсирини аввалдан ҳисоблаб берувчи дастурлар яратиш;
- юридик шахс мақомига эга бўлмай туриб фаолият юритувчи тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғини ҳисобга олиб борадиган шахсий ҳисоб - варақларни юритиш;
- юридик шахслар ҳисоботларини қабул қилиш;
- мусодара қилинган, эгасиз деб топилган ашёларни ҳисобга олиш, ҳисоб - варақларни юритиш.

Бундай база эса унга киритилган маълумотлар асосида кунлик, ойлик ва йиллик ҳисоботларни керакли шаклда, қисқа вақтда ва сифатли олиш имкониятини беради.

# Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари

**Р. Исақов** - ***Фарғона солиқ коллежи курсанти***
**Илмий раҳбар: А. Тошпўлатов**

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида аграр соҳа юкори улушга эгадир. Ялпи миллий маҳсулотнинг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил этади.

Собиқ Иттифоқ даврида кишлоқ хўжалик солиғи, ер ва қурилиш биноларига эга бўлганлик учун солиқлар мавжуд эди. Иттифоқ барбод бўлганидан кейин ер солиғи билан боғлиқ масалалар қонун остидаги меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинди ва 1993 йил 6 май куни Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун билан ер солиғи объектлари, субъектлари, ставкаларини белгилаш тартиби ҳамда ҳисоблаш ва тўланиш тартиблари белгилаб қўйилди.

Мазкур солик 1999 йил 1 январдан амалга киритилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 22 январда 609-сон билан рўйхатга олинган «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага асосан ундирилади. Бу йўриқнома янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, шу жумладан, фермер хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб икки йил муддатга ягона ер солиғи тулашдан озод этилишини назарда тутади. Бу эса янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги корхоналарига икки йил давомида ўз моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиришга жуда катта имконият яратади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига ихтисослашган корхоналарнинг асосий қисми пахтачилик ва бошоқли дон етиштиришга ихтисослашган. Бизга маълумки, пахтачилик ва бошоқли дон етиштириш ва сотиш давлат монополиясига киради. Шунга кўра қишлоқ хўжалиги корхоналари ўзлари етиштирган пахта ва бошоқли дон маҳсулотларини шартномага асосан давлат корхоналарига сотадилар. Бу махсулотлар учун ҳақ қишлоқ хўжалиги корхоналарига Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган тақсимотлар асосида мақсадли траншлар кўринишида тўланади. Бу механизм миллий бойлигимиз пахта ва дон маҳсулотларини талон-тарож қилиниши, исрофгарчиликларга йўл қўйилиши ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг пахта ва дон сотишдан олган даромадларини мақсадсиз ва самарасиз фойдаланилишининг олдини олади.

Бу механизмнинг салбий томонлари ҳам йўқ эмас. Маълумки, қишлоқ корхоналари ҳам солиқ тўловчи хўжалик юритиувчи субъект сифатида бюджетга ягона ер солиғини (шу жумладан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ажратма ва бадаллар) ҳамда бошқа тўловларни тўлайдилар.

Лекин траншлар ўз вақтида келиб тушмаслиги натижасида ягона ер солиғи ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига тўловлар ўз вақтида тўланмаяпти ва бунинг натижасида боқимандалар вужудга келяпти. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бюджетдан ва бюджетдан ташқари пенсия

жамғармасидан қарзлари кундан-кунга ошиб бормоқда (пеня ҳисобига). Бундан ташқари ДСИларнинг тушумларни бажариш бўйича истикбол режаларининг бажарилишига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Буларнинг олдини олиш мақсадида қишлоқ хўжалик корхоналарининг бюджетдан ва бюдежтдан ташқари пенсия жамғармасидан бўлган боқиманда қарзларига устама пеня хисобланмаслиги таъминланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

## Солиқ тўловчиларга енгилликлар яратиш сиёсати

**Г. Расулова** - ***Фарғона солиқ коллежи курсанти***
**Илмий раҳбар: М. Жўраев**

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида солиқ тўловчи юридик шахсларнинг бюджетга айрим солиқ турлари бўйича аванс тўловларини тўлаш тартиби ўрнатилган. Масалан: қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг 50 баробаридан ортиқ суммани ташкил қилса, бир ойда икки маротаба, яъни жорий ойнинг 20- санасида ва кейинги ойнинг 5- санасида, даромад (фойда) солиғи бўйича эса солиқ суммаси энг кам иш хакиинг 200 бараваридан ортиқ бўлганда 1 чоракда 3 марта, ҳар ойнинг 15-санасигача аванс тўловларини тўлашлари лозим. Ҳар қандай солиқ тури бўйича аванс тўловларини тўлаш тартибини бекор қилиб, реал бажарилган иш ва хизматлар, сотилган маҳсулотлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқий суммадан солиқ тўлашни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сабаби, аванс тўловларини тўлаш солиқ тўловчиларга бир оз қийинчилик туғдириб, солиқ инспекторларининг ҳисоб-китоб ишларида мураккабликлар келтириб чиқаради.

Масалан, корхона ўтган ойда Давлат солиқ хизмати органларига қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобот топширди ва унда кўрсатилган сумма энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан юқори миқдорда. Ушбу ҳисобот инспекторлар томонидан солиқ тўловчининг тегишли ҳисобварағига киритилганда, компьютер автоматик равишда ҳисоботда кўрсатилган суммадан келиб чиқиб, кейинги ой учун аванс тўлов суммаларини ҳисоблаб қўяди. Бироқ, корхона кейинги ойда энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан кам бўлган солиқ суммасига эга бўлиши мумкин. Баъзи сабабларга кўра корхона олдинги ойда бажарган иш ҳажмидан бажарганлиги тўғрисида маълумотномани ўз вақтида бера олмаслиги мумкин. Бунда корхона компьютер ҳисоблаб чиқариб қўйган аванс тўловини тўлай олмаса, ҳар бир кечиккан кун учун 0,07% миқдорида пеня ҳисобланиб боради. Корхона ҳисобот топширгач, аванс тўлов суммаси қайтарилса ҳам, аммо унга ҳисобланган пеня корхонанинг бюджет олдидаги боқиманда қарзи сифатида сақланиб тураверади. Натижада корхона аслида мавжуд бўлмаган солиқ суммасини ўз вақтида тўлай олмаганлиги учун пеня тўлашга мажбур бўлади. Агарда мана шу аванс тўловларининг ўрнига корхоналар бюджетга ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда солиқ тўласалар, уларга бир қадар енгиллик яратилган ҳамда уларнинг иқтисодий томондан

тезрок оёққа туриб кетишлари учун замин хозирланган бўлар эди. Колаверса бу нарса фақат солиқ тўловчилар учун қулайлик яратибгина қолмай, балки солиқ инспекторлари ишини ҳам бир қадар осонлаштиради.

Юқорида билдирилган таклифларни келажакда амалиётда қўлланилиши солиқ тўловчилар учун хам, солиқ инспекторлари учун хам бир қатор қулайликлар туғдиради хамда уларнинг ўзаро муносабатларининг ижобийлашувига ёрдам беради.

## Интеграция и внедрение информационных технологий в процесс обучения в налоговых колледжах

**С. Холматова** – ***курсант. Ферганский налоговый колледж***
**Научный руководитель: А. Махмудов**

Информатизация создаёт возможности для внедрения проблемно-целевого метода управления налоговой службой.

Информатизация обеспечивает создание условий для наиболее эффективного решения задач, стоящих перед налоговой службой. Этот эффект достигается лишь тогда, когда информатизация приобретает масштабы системы, тем самым повышая оперативность и эффективность решения управленческих задач.

Единая компьютерная система обработки данных позволяет повысить полноту, точность и актуальность обрабатываемых документов, увеличить скорость их подготовки.

Единая компьютерная система обработки данных Государственного Налогового Комитета позволяет осуществлять анализ и оценку информации.

Основными направлениями деятельности по внедрению информационных технологий в образование является создание и внедрение комплексных интеграционных проектов.

Компьютер помогает сократить расстояния, передать различную информацию своим сверстникам: текстовую, графическую, аудио-видео и другие.

Есть достаточно интересное и важное направление в педагогике: дистанционное обучение, проектные методы, общение обучающихся не только из разных групп, но и разных городов и разных стран.

Использование новых информационных технологий на занятиях помогает развить: творческую способность обучающихся, логическое мышление, обучение новым навыкам и так далее.

В настоящее время курсанты налоговых колледжей изучают новые технологии неотрывно от производства, так как по своему специфическому назначению курсанты должны овладевать новыми технологиями.

Изучение компьютерных технологий состоит из таких предметов, как:

- информатика и информационные технологии.
- система интернета, мультимедиа.

• применение компьютерных технологий и программ в налоговых организациях.

Предмет «Применение компьютерных технологий и программ в налоговых организациях» является самым основным предметом для курсантов – будущих налоговиков. Так как именно на основе этого предмета осуществляется непосредственная деятельность инспекторов.

Изучив вышеприведённые предметы, а также и другие предметы налоговой сферы, курсанты налоговых колледжей могут смело пополнить ряды налоговиков нашей республики.

## Совершенствование налогового контроля в налоговой системе РУз.

**Р. Шамсиев** - ***слушатель СТ- 16***
**Научный руководитель: Г. Т.Мансурова**

Налоги представляют собой обязательные сборы, взимаемые со стороны государства с хозяйствующих субъектов и граждан по ставке, установленой в законном порядке. Они являются необходимым звеном экономических отношений в обществе с момента возникновения государства.

Налог - это важнейшее средство упорядочения финансовых отношений между государством и всеми его гражданами, являющимися налогоплательщиками. Налоговые органы должны налаживать и контролировать эти взаимоотношения, осуществляя их только в правовых формах согласно Конституции и иным законам РУз. Действующая в РУз налоговая система во многом отражает особенности национальной экономической системы и одновременно по многим элементам сближается с параметрами мирового стандарта системы налогооблажения, что связано со стратегическими целями социально экономического развития нашего государства.

В налоговой системе немаловажную роль играет контроль. В соответствии с законом "О государственной налоговой службе" от 29.08.1997 года налоговый контроль осуществляется посредством учета субъектов и объектов, подлежащих налогооблажению, налоговых проверок, опроса налогоплательщиков и других форм, предусмотренных законодательством. Среди форм налоговых проверок различают камеральные и документальные. Особенностью механизма контроля хозяйствующих субъектов в Узбекистане является координация проведения проверок их финансово-хозяйственной деятельности. Налоговый контроль постоянно совершенствуется с учетом результатов практической реализации действующей налоговой системы и в соответствии с направлением экономической политики государства.

Объем мобилизируемых средств в виде налогов и других обязательных платежей в республиканский и местные бюджеты во многом зависит от четкого исполнения юридическими и физическими лицами налогового законодательства и других нормативных актов. Налоги связаны с изъятием части дохода,

*получаемого юридическими и физическими лицами.* *В силу этого они негативно* воспринимаются человеком. Налоги должены иметь объективный характер. Их необходимость диктуется и обусловлена существованием государства, которое не может функционировать без налогов. Социальная справедливость в системе налогооблажения будет достигнута, если все налогоплательщики будут нести равную ответственность за соблюдение установленных размеров и порядка уплаты налогов. При этом мера ответственности дифференцируется в зависимости от размера неуплаты налога, сроков просрочки уплаты, частоты нарушений.Положительному гражданскому восприятию налогов способствует их определенность, адресность и относительная стабильность.

Отстаивая интересы государства, налоговый инспектор далеко не всегда встречает содействие со стороны налогоплательщиков. В связи с этим налоговый инспектор должен обладать высокой квалификацией, позволяющей решать финансовые вопросы, досконально знать бухгалтерский учет и налоговое законодательство, свои права, обязанности и ответственность, а также права и обязанности налогоплательщиков.

Недостатком работы налоговых органов РУз, которые следует разрешить в ближайшей перспективе является преобладание контрольной функции и функции наказания над функцией профилактики налоговых нарушений, воспитания сознания государственной важности налогов. Пробелами Налогового Кодекса в правовом регулировании обязанностей налогоплательщиков является то, что отсутствуют юридические факты, которые подтверждали бы прекращение обязанностей по уплате налогов. Здесь для физических лиц этими фактами будут являтся уплата налога,отмена налога, смерть налогоплательщика, для юридических лиц- это уплата или отмена налога. Реализация полномочий местных органов власти по введению местных налогов приводит к увеличению загруженности налоговых органов дополнительными объектами контрольной работы, что при лимитировании их штатов определенно отражается на снижении качества налогового контроля. Самостоятельные действия местных органов власти в сфере налогооблажения не должны и не могут идти в разрез с налоговой политикой государства. Текущими мероприятиями по совершенствованию налогового контроля на мой взгляд должны стать упрощение и разумное сокращение количества, также отмена некоторых видов налогов, доля которых в общем объеме доходов незначительна,объединением налогов и платежей, имеющих одинаковую налоговую базу.

## Бозор иқтисодиёти шаклланишида соликларнинг роли

**Л. С. Юсупов** - ***СТ-23 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: Н. З. Жумаева**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки йилларида бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси ваислоҳотлар стратегиясини аниқ белгилаб

оади. Лекин, бу стратегияларни амалга оширишда давлатнинг молиявий ресурлари билан таъминланиши зарур. Бунинг учун солиқларнинг ролини ошириш, давлатнинг солик сиёсатини ташкил этиш мухим вазифа бўлиб хисобланади.

Давлат солиқ сиёсатини ишлаб чикаётганда мавжуд соликларни ёки янги киритилиши мўлжалланган соликларнинг моҳияти, келиб чиқиши ва ривожланиш таърифини чуқур ўрганиш лозим. Айникса, янги солиқлар амалга киритилаётганда, улар илмий асосланган, йирик амалиётчи мутахассислар ва жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама қилинган бўлиши зарур.

Ҳозирги вақтда солиқлар бир томондан корхоналарда мустақил, рақобатбардош товарлар (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, иккинчи томондан товар баҳосини ошириб сотган ҳолда меҳнатсиз ёки ноҳолис иш билан топилган даромадларни чеклашга қаратилмоғи, ҳамда аҳолининг турли хил гуруҳларга нисбатан хилма-хил ёндашиши, кам таъминланганларга иложи борича солиқдан кўпроқ имтиёзлар бериш ва кам куч сарфлаб кўп даромад олувчи ёки бошқа енгил даромад топувчиларга нисбатан юқори прогрессияли солиқ ставкасини қўллашдан иборат.

Бозор иқтисодиётини шаклланишида солиқлар, аввало, ишлаб чиқарувчилар фаолиятини эркинлаштириш, инвестиция жалб қилиниши, кичик ва ўрта бизнес субъектларини солиққа тортишни эркинлаштириш ҳисоб-китобларни соддалаштириш, экспортчи корхоналар фаолияти бўйича рағбатлантирувчи функцияларни такомиллаштириш, икки ёқлама солиққа тортишни олдини олиш, валюта бозорини ривожлантиришни, ярим тайёр маҳсулот ўрнига тайёр маҳсулотларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мисол учун: Даромад (фойда) солиғининг дастлабки ставкаси 45 фоиз, қилиб белгиланган эди, бозор иқтисодиёти ва ислоҳотлар стратегиясининнинг шаклланиши натижасида, 1996 йил 37 фоиз, 1997 йил 36 фоиз, 1998 йил 35 фоиз, 1999 йил 33 фоиз, 2000 йил 26 фоиз, 2001 йил 24 фоиз, 2002 ва 2003 йилларда 20 фоизгача пасайтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги «Асосий макро иқтисодий кўрсаткичлар ва 2003 йилдаги Ўзбекистон Республиласи давлат бюджети параметрларининг прогнози тўғрисида»ги 455-сонли қарорига асосан қуйидаги чегирмалар белгиланган.

Даромад (фойда) солиғи бўйича. Экспортчи корхоналар учун савдонинг умумий кўламидан ўзи ишлаб чиқарган товарлар (иш, хизматлар) нинг эркин алмаштирадиган валютадаги экспорти қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун:

- савдонинг умумий ҳажмида 15дан 30 фоизга қадар бўлганда, *берилган ставка 30 фоизга камайтирилади*,
- савдонинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан ортиқ бўлганда, *берилган ставка 2 баробар камайтирилади.*

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида давлат ўз стратегик йўналишини амалга оширишда ва мустаҳкамлашда, аввало:

- аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш;

- фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини таъминлаш;
- мудофаа хавфсизлигини таъминлаш;
- маориф, мактаб, соғлиқни тиклаш, маданият массасалари, шаҳарлар ва қишлоқларни ободонлаштириш;
- бозор инфратузилмасини яратиш каби масалалар молиявий ресурсларни талаб қилади. Бу ресурсларнинг вужудга келтириш солиқ ва бошқа тўловлар юкининг аста секин камайтирилиб борилиши мухим аҳамиятга эга.

## Налоговая политика и налоговый менежмент

**А. Каримова – *студентка ТФИ***
**Научный руководитель: Иминохунов А.**

В настоящее время просходит процесс переосмысливания налоговой политики в стране. Без создания эффективного налогового менеджмента не может быть успеха в налоговой политике. Наряду с локальным поправками в налоговое законодательство, вызваное необходмостью срочно решать актуальные проблемы управления налогами, Правительством подготавливаются стратегические решения, рассчитанные на перспективу. Важно, чтобы принятие таких стратегических решений не повторяло прежних ошибок. Большая часть таких ошибок в налогообложении просходит из-за недооценки основных положений теорий управления, в часности, общей теорий систем, которые дают нам методологический подход к решению проблем в налоговой системой.

Налоговая политика является составной частью общей финансовой политики государства на среднесрочную и долгосрочную перспективу и включает в себя такие понятия как концепция государственной деятельности в области налогооблажения, налоговый механизм, а так же управление налоговой системой страны.

Отсутствие у экономистов единства в понимании сущности и функций налогов, а так же прнципов системного их взамодействия приводит к различной трактовке основных понятий, применяемых в налоговом законодательстве, и снижает эффективность реализации налоговой политики. Такие базовые понятия как налоговый механизм, налоговый менеджмент, управление процессом налогообложения должны базироваться на единой экономической основе. Их взамосвязь и взамозависимость должны быть научно обоснованы и соответсвовать основным понятиям теории управления сложными экономическими системами.

Управление налоговой системой представляет собой составную часть общей системы управления финансами страны. Сущность управления раскрывается в функциях. Функции управления - это определенный вид деятельности в управлении, обособившийся в процессе специализации управленческого труда. К их числу относятся: планирование, организация,

координация, стимулирование и контроль. В сфере управления налоговой сиситемы функции управления имеют своё специфическое содержание.

Планирование - это научное предвидение хода развития и определение путей осуществления расширенного воспроизводства. Налоговое планирование, являясь органической частью планирования финансов страны, обеспечивает взаимное согласованное взаимодействие всех его элементов. В настоящее время его роль возросла, особенно в финансово - хозяйственной деятельности субъектов. У предприятий появилась возможность самостоятельно планировать формировние и использование своих финансовых ресурсов путем оптимизации налоговых платежей.

Координация в области управления налоговой системой означает обеспечение единства действий налоговых органов по устранению диспропорции в предусмотренных бюджетом плановых заданиях по налогам и сборам. Эти диспропорции возникают вследствие измениения социально - экономических и финансовых условий.

Стимулирование означает, что органы управления связывают трудовую активность людей удовлетворением их материальных и духовных потребностей. На первый взгляд может показаться, что стимулирование как функция управления имеет ограниченное применение в налоговом менеджменте. Уплата налогов обязатьльна. Государство обеспечивает взыскание налогов с налогоплательщиков принуждением, что реализует на практике фискальную функцию налогов.

Контроль как функция управления в сфере управлении налоговой системой основывается на общих принципах сиситемы государственного контроля.

Налоговый контроль как часть финансового контроля, представляет собой установленную законодательством совокупность методов и средств управления налоговых органов по проверке финансовых, налоговых и связанных с ними хозяйствующих субъектов с целью мобилизации налоговых платежей в бюджет.

Налоговый менеджмент предполагает использование всей совокупности методов воздействия на налогоплательщиков и проявляется в планировании регулировании, стимулировании и контроле за процессом налогообложения. При решении задач управления налоговой сиситемой экономические методы управления органически связаны с социально-психологическими. Обоснованные выбор и рацианальное сочетание методов управления необходимы для построения действенного налогового механизма.

Налоговый механизм подразделяется на две части: подсистему управляющую и подсистему управляемую. Управляющая подсистема - это субъект управления налогообложением, или налоговый механизм. В тоже время налогбложение является только средством управления, но и объектам управления, т.е. управляемой системой.

Налоговый менеджмент - это процесс управления путем использования методов воздействия нологового механизма на налоговую систему в целях реализации налоговой политики.

## Вопросы внедрения опыта Японии в подготовке квалифицированных кадров налоговой системы

**Максумова Н.** - ***студентка ТФИ***
**Научный руководитель: А. Иминохунов**

Налоги являются одним из наиболее эффективных средств государственного регулирования. Поэтому изучение и анализ налоговых факторов приобретает всё большее значение для государства. Для повышения эффективности деятельности налоговых органов необходимо организовать поэтапную подготовку квалифицированных специалистов, так как опытные специалисты являются одним из основных факторов развития налоговой системы.

Квалифицированные кадры играют важнейшую роль в развитии той или иной сферы экономики, в том числе налоговой сиситемы. В экономически развитых странах уделяется особое внимание к подготовке кадров. Например, налоговая эффекивность деятельности налоговой системы Японии обеспечивается в основном за счёт квалифицированных кадров.

Для повышения квалификации сотрудников в сфере юридических и бухгалтерских знаний в Японии основан Налоговый Университет в качестве учебного центра, где преподаются следующие курсы:

1. Фундаментальный курс. Этот курс представляет собой обучение специалистов основам налогообложения. В курсе изучаются общие университетские предметы по налоговому законодательству и бухгалтерии. После окончания этого курса предстоит год работы в налоговых органах. Затем следует ещё 3-х месячный курс по налоговому делу.

2. Основной курс. В этот годичный курс каждый год принимают 500 сотрудников со всей страны, окончивших фундаментальные курсы и проработавшие в налоговой системе минимум 10 лет и прошедшие отборочные экзамены. Они разделяются по своим специальностям (по типам налогов: подоходный налог, налог на прибыль и т.д.). Обучающиеся проходят семинары по своим специальностям и уроки по гражданскому и коммерческому праву, бухгалтерии.

3. Исследовательский курс. Примерно 20 сотрудников, рекомендованные налоговыми управлениями, проходят 1 год и 3-х месячный курсы более высокого уровня. В этот курс входит слушание выборочных лекций по праву, экономике и бухгатерии в государственных университетах и сочинение тезиса, связанного со специальностью сотрудника.

4. Специальный фундаментальный курс. Если на работу приняты выпускники университетов, специализирующиеся в налоговом деле, то для освоения основных навыков они должны пройти перед поступлением на работу в этот 3-х месячный курс.

5. Специальный курс. Сотрудники, окончившие предыдущий курс, после 3-х лет работы и набрав опыта, проходят этот 6-ти месячный курс.

6. Международный семинар по налогообложению. В этой стадии обучения сотрудники проходят два курса. а) Общий курс – 6 месяцев. б) специальный курс (3-месяца). Прошедшие отборочные экзамены могут пройти только окончившие общий курс. Оба семинара отвечают международным требованиям и целями этих семинаров являются изучение иностранных языков и получения знаний в сфере международных коммерческих сделок.

7. Краткие курсы. Если сотрудник перешёл в другой отдел (ротация), то он проходит эти краткие курсы перед началом работы в новом отделе. Курсы могут длиться с 3-х дней до 2-х месяцев.

Выпускники этих курсов играют важную роль в развитии налоговой системы.

Исходя из вышесказанных мнений, можно сказать что путём усовершенствования подготовки квалифицированных кадров можно поставить фундамент развитию той или иной сферы экономики. Из вышеуказанных курсов, по нашему мнению, внедрение опыта Японии по обучению налоговых специалистов в практику Республики Узбекистан было бы одним из важных усовершенствований системы обучения кадров по налоговой службе. Например из вышеуказанных курсов было бы желательно внедрение следующих курсов обучения:

- фундаментальный курс;
- основной курс;
- исследовательский курс;
- специальный фундаментальный курс;
- специальный курс.

Так как постепенное обучение сотрудников создаёт твёрдый фундамент для следующего этапа. Применив опыт Японии в подготовке сотрудников по налоговой службе, можно достичь успехов в развитии налоговой сферы, таких как:

- решение проблем в налоговой системе;
- своевременности и полноты уплаты налогов юридических и физических лиц по собственному желанию;
- сокращение доли «теневой экономики». Следовательно улучшение уровня жизни населения.

## Солиқлар рағбати - давр талаби

**Ахмедов М** - ***Бухоро шаҳар солиқ коллежи тингловчиси***
**Илмий раҳбар: и.ф.н. Д. И. Рўзиева**

Ўзбекистонда шаклланаётган ўзига хос бозор иқтисодиёти мазмун ва моҳияти жиҳатидан бутунлай янги фикр, таклиф ва мулоҳазаларни яратишни тақозо этган бир даврда мамлакат иқтисодиётида даромадларни тақсимлашнинг маъмурий буйрукбозлик усули бюджетга тушумларни таъминлаш тизимининг нокобиллигини кўрсатди. Солиқлар давлат бюджетининг энг асосий даромад

манбаи бўлиб, давлатнинг ўз функцияларини амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Чунки, давлат ўз функцияларини бажариши учун молиявий ресурслар билан таъминланмоғи керак. Ҳозирги даврда мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши юзасидан муҳим қадамлар қўйилмоқда. Бунда солиқ сиёсатининг аҳамияти каттадир.

Маълумки, солиққа тортишда солиқларнинг рағбатлантирувчилик вазифаси алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу вазифанинг бажарилиши оқибатида иқтисодиётнинг устивор тармоқларининг ривожланиши, ишлаб чиқариш ҳамда тадбиркорликнинг қўллаб-кувватланиши ва жамиятдаги айрим ижтимоий масалалар ҳал қилиниши мумкин. Солиқларнинг рағбатлантирувчилик вазифасига амал қилиши бевосита солиқлардан берилган имтиёзлардан самарали фойдаланишга боғлик. Солиқ имтиёзлари, солиқ мажбуриятларнинг камайтирилиши ёки ундан тўлиқ озод бўлиши билан белгиланади. Давлат иқтисодиётининг айрим тармоқларини ривожлантириш мақсадида солиқ имтиёзларини бериб, солиқ ставкаларини тартибга солиш орқали рағбатлантиради ва корхоналарнинг ўз маблағларини ишлаб чиқаришга қайта киришини қўллаб-қувватлайди.

Давлатнинг бюджетга йўналтирилиши лозим бўлган маблағини корхонанинг ўзига имтиёз шаклида қайтариб беришдан кўзланган асосий мақсади иқтисодиётни аҳамиятга молик тармоқларини ривожлантиришда ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлаш, жамиятдаги ижтимоий масалаларни ҳал қилиш билан боғланганлигидадир. Масалан: бир корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти якунидан олинган фойдасининг бир қисмини ишлаб чиқаришга сарфлайди, бу йўналтирилган маблағ корхонанинг иқтисодий имкониятини кенгайтириш учун хизмат қилади. Ишлаб чиқариш кўпайиб, солиқлар миқдори ҳам шунга мувофиқ равишда ўсиб боради.

Биринчидан, халқ истеъмоли учун кундалик зарур молларни халқимизга арзон ва сифатли хом ашё ҳолида тайёрланган маҳсулотларни етказиб бериш бўлса, иккинчидан, Республикамизга кўп миқдорда ноқонуний истеъмол товарларини хорижий валюта ҳисобига олиб келинишининг олдини олиш ва шу билан бирга милий валютамиз сўмнинг ликвидлигини оширишдан иборат деб биламиз. Миллий валютамизнинг ликвидлигини таъминлашда хизмат қилувчи омиллардан бири:

Бизнингча, ишлаб чиқариш корхоналарида “Тезлаштирилган амортизация” усулидан кенг миқёсида фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Унинг мазмуни шундан иборатки, солиқ қонунчилиги корхоналарнинг амортизация фондига асосий капиталнинг ҳақиқий эскиришдан ҳам ортиқроқ суммасини ажратишга ижозат беради. Шундай қилиб, солиқ солинадиган фойда ҳажми кескин камаяди. Тезлаштирилган амортизация усулини капитал маблағларни рағбатлантиришда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда, иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришларни рағбатлантиришда кенг фойдаланиш мумкин.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки:

- ташқи бозорларни жаҳон андозаси талабларига жавоб берадиган даражадаги тайёр маҳсулотлар билан тўлдиришда “Эркин зоналар”ни ташкил қилиш;

- солиқ қонунчилигини мустаҳкамлашда фойдаланилмаётган ёки етарли даражада амал қилинмаётган имтиёзларни қайта кўриб чиқиш;

- солиқ тўловчининг ҳуқуқий онгини оширишга хизмат қилувчи оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги ролини янада ошириш;

- солиқислоҳотларини солиқ тўловчилар онгида шакллантириш учун консалтинг фирмалари фаолиятидан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

## Жамиятнинг ривожланишида солиқ ислоҳотларининг аҳамияти

**К. Ахроров** – ***Бухоро солиқ коллежи тингловчиси***
***Илмий раҳбар*** - **С. К.Жумаева**

Юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганидек: "Солик тизимининг энг муҳим вазифаси ишлаб чиқаришни равожлантиришга, хом ашё, табиий молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир".

Бунинг учун, иқтисодий барқарорликни таъминлашда солиқ тизими, аввало, рағбатлантирувчилик вазифасини бажариши керак. Шу туфайли солиқ тизими бир жойда қотиб қолмай, ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларга мос равишда ривожланиб бориши даркор.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 455-қарорига биноан юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи ставкаси 20 фоиз, мол-мулк солиғи 3 фоиз, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг юқори ставкаси 32 фоиз қилиб белгиланди. Натижада, юридик ва жисмоний шахслар учун даромад солиғи ставкаларининг сезиларли даражада камайтирилиши солиқ юкини енгиллаштиради. Бу билан хўжалик субъектларининг даромадлари ошиши ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга эришиш мумкин.

Даромад солиғининг камайтирилиши корхонанинг ўзида кўпроқ маблағ қолишини таъминлайди. Қолган маблағларни корхона ишлаб чиқаришини ривожлантиришга, замонавий техника ва технологиялар сотиб олишга, айланма маблағлар миқдорини кўпайтиришга сарфлайди. Солиқ миқдорининг кўпайтирилиши энг оғир солиқ юкининг узоқ муддат ушлаб турилиши, ишлаб чиқаришнинг пасайишига ва натижада корхона фаолиятининг барбод бўлишига олиб келиши мумкин.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқариш учун ҳар томонлама имконият яратиш, четдан келтирилаётган товарлар учун давлат томонидан белгиланган бож тўловларини ўз вақтида ундириш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда, четдан товар олиб келишни тартибга солиш ва истеъмолчилар манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари қабул қилинаяпти. Шу жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли карорининг

кабул килиниши катта ахамиятга эга. Ушбу карорга биноан, жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудига олиб келинаётган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишни соддалаштириш мақсадида қўшилган киймат солиғи, *божхона божлари ва йиғимлари ўрнига ягона* божхона тўловлари жорий килинган.

Шуни алохида таъкидлаш керакки, бозорларда сифатсиз товарларнинг сотилишига чек қўйиш, четдан олиб келинган товарларнинг асоссиз равишда кўп қўллардан ўтишига бархам бериш, истеъмолчилар мафаатларини ҳимоя килишнинг йўлларидан биридир.

Бир сўз билан айтганда, солиқ ислохотларининг ахамияти республика ривожланишида Вазирлар Махкамаси томонидан чикаётган қарорларнинг ўз вақтида *бажарилишини амалга оширишимиз* даркор, бунинг учун барчамиз оддий ҳақикатни асло унутмаслигимиз лозим, яъни мунтазам изланиш, биринчи навбатда ўзимизга, сўнгра эса бошқаларга нисбатан доимий талабчан бўлишгина бизни ривожланган илғор мамлакатлар даражасига олиб чиқади.

## Ўзбекистонда жисмоний шахслар даромад солиғининг аҳамияти ва зарурияти

**Н. Бозоров–** ***Бухоро шаҳар солиғ коллежи тингловчиси***
**Илмий раҳбар - Г. Меҳрожова**

Ўзбекистонда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, истеъмол бозорини барқарорлаштириш ва иқтисодий жиҳатдан жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши юзасидан муҳим қадамлар қўйилди. Бу борада давлатнинг солиқ сиёсати, солиқларнинг роли катта аҳамиятга эга. Иқтисодий муносабатлар даврида солиқлар, йиғимлар ва *божхона тўловларини ўз вақтида тўлиқ* таъминлаш Республика бюджетини вужудга келтиришда муҳим рол ўйнайди.

Бизга маълумки, солиқ тизими умумдавлат, маҳалий соликлар ва йиғимларга бўлинади. Умумдавлат солиқлари таркибига кирувчи жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг зарурияти, даромадларнинг турли манбалардан ташкил топганлиги, уларнинг даромадларга нисбатан чегараланган солиқ муносабатларининг жорий этилиши юзасидан келиб чиқиши демакдир.

*Жисмоний шахслар даромад солиғи ҳозирги кунга қадар* анча такомиллашиб бормоқда.

Мамлакатимизда жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётни ривожлантиришга эришилмоқда. Солиқ юкининг енгиллаштирилиши ишлаб чиқаришни ўсишига, ижтимоий таъминотнинг яхшиланишига имкониятларни яратиш билан биргаликда бандлик, ижтимоий таъминот муомалаларини ечишда ҳам муҳим рол ўйнайди.

*Жисмоний шахслар даромадига* нисбатан қўлланилаётган солиқ ставкалари жисмоний шахсларнинг асосий иш жойларида кўпроқ самарали

ишларини таъминлашда, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларни ташкил этишда ижобий таъсир этиб келмоқда.

Жисмоний шахслар даромадига солинадиган прогрресив солиқ ставкалари орқали даромадларни ташкил этилишини тартибга солиш имкониятларига эга бўлинмоқда. Бундан ташқари жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ фақат бюджет даромадларини оширишга хизмат қилиш билан чегараланмасдан у кўпгина кенг халқ оммасининг турмуш даражасини, даромад тўлов қобилиятларини оширишга ҳам хизмат қилади. Шу боис давлат бюджети, даромадларининг тўлиқлигини таъминлашга эришишда асосий диққатни жисмоний шахслар даромадига нисбатан ягона порпорционал солиқ ставкасини жорий этишга қаратмоғимиз катта аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш муносабатларда тадбиркорлик фаолиятини юритиб, ундан самарали меҳнат қилиш натижасида юқори миқдорда иш ҳақини олишни маъқул деб билади. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам жисмоний шахслар даромадлари даражасида кескин табақалашувнинг рўй беришига йўл қўймаслик керак. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳалол, адолатли даромадлар миқдори ошиб боради, бу даромад солиқ манбаини ва солиқ тўловчиларнинг ўсишига имкон яратади.

Давлат бюджети даромадларини таҳлил қилганда (шу жумладан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг даромадини эътиборга олсак) жисмоний шахслар даромадидан ундириладиган солиқлар ҳиссаси 2000 йилда 9,9 фоизни, 2001 йилда 11,3 фоизни ташкил этган бўлса 2002 йилда 10,6 фоизни ташкил этилиши кўринади.

Бу маълумотга асосан давлат бюджет даромадлари таркибида жисмоний шахслардан ундирилаётган солиқ ҳиссаси 2001 йилда 2000 йилга нисбатан 14% га ошган, 2002 йилда эса 2001 йилга нисбатан 6,2 % га камайган. Бу динамик ўзгаришларга жисмоний шахслар даромадига нисбатан яратиб берилаётган имтиёзлар ва солиқ ставкаларининг йилдан йилга пасайиб борилаётганлиги сабаб бўлмоқда.

2001 йилда жисмоний шахслар даромади бўйича ундириладиган солиқ ставкалари 2000 йилга нисбатан 10 % га, 2002 йилда эса 2001 йилгача нисбатан 8,3 % га, 2003 йилда эса 2002 йилга нисбатан 3,03 % га ўзгарган.

Бизнинг фикримизча, солиқ ставкаларининг пасайиши мамлакат иқтисодиётини ривожланганлигидан, аҳолининг пул тўлов қобилиятини яхшиланганлигидан далолат беради.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ улар фаолиятларини мувофиқлаштириш орқали тартибга келтириш, солиқ муносабатларини ривожланишига ва жисмоний шахсларнинг фаолиятини оширишни лозим қилиб қўяди.

## Қўшилган қиймат солиқининг объектив зарурияти ва аҳамияти

**Б. Жўраев** - ***Бухоро солиқ коллежи тингловчиси***
**Илмий раҳбар и.ф.н - С. К.Орзиев**

Мамлакатимизда бюджет даромадларини ташкил этишда қўшилган қиймат солиғи бизнинг фикримизча, самарали ва мақсадга мувофиқ солик тизимини ташкил этишда қўйилган ўта муҳим қадамлардан бири бўлиб колди. Биз биламизки, солиқлар давлат вужудга келиши билан пайдо бўлади. Шу солиқлардан келадиган фойда ҳамда бошқа тушумлар ҳисобига давлат ўзининг бюджетини шакллантирган, аммо шуни таъкидлаш лозимки, бошқа тушумлар давлат бюджетининг даромадлари ичида 10-15%ни ташкил этади, холос. (Орзиев С.Қ." Кушилган киймат солиғи" ўқув қўлланма, Бухоро 2003-й, 15-бет) Колган қисми эса солиқлар ва тушумлар хиссасига тўғри келади.Давлат ўзининг ички ва ташқи вазифалари, ҳар-хил ижтимоий-иктисодий ва сиёсий чора-тадбирларини амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларнинг асосий қисмини солиқлар оркали тўплайди.

Мустақил Ўзбкистон Республикаси давлат бюджети халқ хўжалигини узлуксиз ривожлантириш, илмий техника тараккиётини жорий қилиш, мудофаани мустаҳкамлаш, соғлом авлод ва халқ манфаатларини молиялаштириш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий химоя килишга сарфланади.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган солиқ сиёсати, асосан, Ўзбекистон Республикасида амал қилиб келаётган солиқ турларини тартиблаштириш буйича олиб борилаётган ишларнинг аниқ далили сифатида намоён бўлаяпти. Шу солиқлар жумласига билвосита солиқлардан бири, *қўшилган қиймат солиғи ҳисобланади. Давлат блюжети даромадлар қисмини* таъминлашда барча солиқлар сингари бу солиқнинг салмоғи алоҳида ўринни эгаллайди.

Қўшилган қиймат солиғи республикада жорий қилинган солиққа тортишнинг энг мураккаб, бўлдганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу солик тури товарлар (иш, хизмат)лар устига қўйилганлиги ва истеъмолчилар томонидан тўланганлиги учун билвосита солиқлар қаторига киради. Бу солиқнинг республика иқтисодиётидаги ахамияти қуйидаги кўрсаткичлар билан давлат бюджетини баҳоланишини тақозо этади.

Биринчидан; бу солиқ товарлар сотилиши билан боғлиқ бўлиб, товарлар сотилиши билан қўшилган қиймат солиғи бюджетга тушади. Бу хол бюджет даромадларини мустаҳкамлайди, бюджетдан бўладиган ижтимоий зарурий харажатларни узлуксиз ўз вақтида мустаҳкам молиялаштириш имконини беради.

*Иккинчидан;* Товар қийматининг устига қуйилганлиги сабабли, товар бахоси ошиб, муомаладаги ортиқча пуллар муомаладан олинади. Бу эса пул муомаласини мустаҳкамлашга, пул қадрсизланишини ёки инфлация даражасини пасайишига олиб келади.

Ҳозирги вақтда қўшилган қиймат солиғи кўпгина ривожланган мамлакатларда қўлланилиб келинмоқда ҳамда унинг қуйидаги афзалликлари мавжуд.

1. Янги қийматнинг яратилиши бўйича тўловчиларнинг кенг доирадорлиги, яъни солиқ барча махсулотларга баробар тегишли бўлиб, шу жиҳатдан республикамиз иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга.

2. Бу солиқни ҳисоблаш, тўловчи учун ҳам, солиқчи учун ҳам осон ва қулайлиги билан ажралиб туради.

3. Бу солиқ давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг ишончли ва барқарор базаси булиб ҳисобланади.

## Ўзбекистонда декларациялаш тартиби ва унинг моҳияти

**Р. Жўраев** – ***Бухоро шаҳар солиқ коллежи тингловчиси***
**Илмий раҳбар: и.ф.н. Д. И. Рўзиева**

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётига ўтаётган бир вақтда солиқлар, жисмоний шахслар даромадини декларациялаш орқали солиққа тортиш, солиқ тизимининг янги, такомиллашган ва солиқ қонунлари олдида тенглик ва адолатлиликни таъминловчи омил сифатида янги давр бошланганлиги вазифасини бажаради.

Айнан мана шу нуқтаи назардан кўриб чиқсак, жисмоний шахсларнинг даромадларини декларациялаш тизими орқали солиққа тортиш борасида Ўзбекистон Республикасида бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Фуқароларнинг даромадларини декларациялаш яширин иқтисодиётга, пул маблағларининг ноқонуний айланишига, коррупция ва порахўрликка ҳамда иқтисодиёт соҳасидаги бошқа жиноятларга қарши курашда таъсирчан воситалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Даромадларни декларациялаш тизимини яратиш бўйича чет эл тажрибасини чуқур ўрганишни, аҳолини декларациялаш усулига босқичма-босқич ўтказиш ҳисобга олган ҳолда, уни 2002–2005 йилларда жорий этишга қарор қилинди.

Декларация тизимининг моҳиятига келганда, республикада жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизими даромадларини ошкоралаштириш имконини беради, яширин иқтисодиёт йўлига ғов бўлиб, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яна ҳам қулайроқ шарт—шароитларни яратишга кўмаклашиб, ривожланаётган бозор муносабатларини шакллантиради.

Декларация тизимининг аҳолига етказилиши борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Умумдекларациялаш тизими орқали нафақат солиқлар йиғилади, балки йил давомида ортиқча тўланган солиқ тўловлари қайтарилади ва бу нарса декларациялаш тизимининг солиқ тўловчиларига нисбатан анчагина адолатли тизим эканлигини англатади.

Бизнинг фикримизча, даромадларни декларациялашни жорий этмай, фуқароларнинг ўз даромадлари ва уларни ҳисобга олиш манбалари тўғрисидаги маълумотларнинг ихтиёрий равишда тақдим этишнинг барқарор тизимини вужудга келтирмасдан, шунингдек, ўз даромадлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этишдан бўйин товлаётганларни жазолаш чораларини пухта ишлаб чиқмай туриб, яширин иқтисодиётга қарши кураш борасидаги ишларни тасаввур қилиш қийин.

Шунинг учун, хорижий мамлакатларда мавжуд бўлган декларациялаш тизимининг асосий шарти, бир томондан, ўз даромадлари ва уларнинг манбалари тўғрисида фуқароларнинг ўзлари ихтиёрий равишда маълумот беришларидан келиб чиққан ҳолда, бизнинг Ўзбекистон Республикамизда ҳам худди шундай тизим фаоллик билан яратилиши лозим деб ўйлаймиз.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, республикада хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, корхоналарнинг хўжалик фаолиятига давлат ва назорат идораларининг аралашувини камайтириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан аҳолини даромадларини ҳисобга олиш, даромадларнинг қонунийлигини, ҳамда солиқлар бекаму кўст тўланганлигини назорат қилиш механизмини такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқдаки, бу ҳам даромадларни декларациялаш тизимини жорий этиш зарурлигини тақозо этади.

Республикамизда ривожланган мамлакатлардаги каби бир хил имкониятли ва ўхшаш вазифаларни бажарадиган жисмоний шахслар даромадлари тўғрисидаги декларацияларга ишлов бериш марказининг ташкил этилиши, ўзбекистонликларнинг даромадлари тўғрисидаги маълумотларга ишлов бериш имконини беради.

## Жисмоний шахслар мол-мулкини солиққа тортишни такомиллаштириш

**Ибодов Ҳ.** — ***Бухоро шаҳар солиқ коллежи тингловчиси***
**Илмий раҳбар: и.ф.н. Рўзиева Д.И.**

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларида солиққа тортишнинг умумий ривожланиш тамойиллари солиққа тортишни соддалаштириш, мол-мулкдан олинадиган солиқлар ролини ошириш, солиқ юкини аста-секинлик билан корхоналар зиммасидан истеъмолчилар зиммасига ўтказиш зарурлигига асосланади.

Ўзбекистонда бюджет даромадлари шакллантирилишида мол-мулк солиқларининг миқдори ва ўрни ҳозирча унчалик катта эмаслигига асосий сабаб бу солиқларнинг мукаммал характерга эга бўлмаганлиги ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқлар маҳаллий бюджетларнинг даромадини ташкил этганлигидадир.

Мол-мулк солиғи иктисодий аҳамиятга эга бўлиб, мол-мулкка қараб табақаланишни ҳамда унумсиз истеъмолни имкони борича қисқартиришга, истеъмолни давлат учун мақбул йўлга солишга хизмат қилади.

Бозор иктисодиёти даврида мулкий ва ижтимоий тенгсизлик кўпаяди. Шу сабабли давлат солик сиёсатини ишлаб чиқаришда ушбу омилни хисобга олади.

Жисмоний шахслардан олинадиган соликлар орасида даромад солиғи асосий ўрин тутиб, у аҳолининг тўловга қобилиятли талабини тартибга солади. У инфляцияни бир меъёрда ушлаб туриш учун шароит яратади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда даромад солиғига қўшимча сифатида мол-мулкни солиққа тортиш, даромад солиги бўйича ҳаддан ташқари юқори ставкалар жорий этилмаслиги зарур. Акс ҳолда бундай тадбир аҳолини меҳнат қилишга, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга рағбатлантирувчи моддий асосини йўқотади. Чунки мол-мулк солиқлари маълум даражада фукаролардан тўпланган маблағлар ва жамғармаларнинг ошиб бориши билан боғлиқдир. Улар бевосита иқтисодий ўсишга таъсир ўтказади.

Бизнинг фикримизча, жисмоний шахслар мол-мулки солиғини такомиллаштириш учун қуйидагиларга:

- солиқни энг паст ставка бўйича ҳисоблаб чиқариладиган кўчмас мол-мулкларни қийматига қараб, бозор баҳоларидан келиб чиққан ҳолда, муайян чекловлар белгилаш зарур;

- мулк эгалари бўлган солиқ тўловчилар фақат даромадлари тўғрисида декларация бериш билан чекланмасдан ўзларида мавжуд бўлган мол-мулклар ҳақида хам маълумотларни солиқ органларига тақдим этсалар;

- энг паст ставка бўйича солиқ ундириладиган суммадан ортиқ қийматга эга бўлган кимматбаҳо мол-мулкдан олинадиган солиқ ставкалари яъни солиққа тортилмайдиган юқори минимум жорий этилишига эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

## Қўшилган қиймат солиғи ва уни ҳисоблашни такомиллаштириш йўллари

**Қанотов М.** - ***Бухоро солиқ коллежи тингловчиси***
**Илмий раҳбар и.ф.н С. К. Орзиев**

Бозор иқтисодиётининг асосий омилларидан бири жамиятнинг эҳтиёжларини тўла қонли қондириш, энг муҳим маблағлар манбаини тўғри аниқлай билиш, уларни ҳар томонлама пухта ва асосли жойлаштиришдан иборатдир.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсати амал қилиб келаётган солиқ турларининг ҳисобланишини такомиллаштириш, тартибга солиш ва солиқ юкини камайтиришга қаратилгандир.

Қўшилган киймат солиғи (ҚҚС) ни ҳисоблаш пайтида солиққа тортиладиган база бўлиб, янгидан яратилган қиймат ҳисобланади. ҚҚС ни

хисоблашда ушбу база асос қилиб олинади ва бир неча хил усуллардан фойдаланилади.

Ҳозирги пайтда асосан уч хил усул кенг қўлланилмоқда.

1. Ҳисоблаш усули. Бундай усулда асосан, маҳсулот ортилганда, хизматлар кўрсатилганда ва булар учун счёт - фактура ёзилганда ёки тўланганда амалга оширилади.

2. Касса усули. Бундай усулдан фойдаланилганда асосан, ҚҚС ни ҳисоблаш ва тўлаш мажбурияти, жўнатилган ёки кўрсатилган хизмат учун тўлов амалга оширилгандан сўнг вужудга келади.

3. Аралаш усули. Бундай усулдан асосан тўлаш жараёни сотилган маҳсулот бўйича уни етказиб берганда, ҳамда ишлаб чиқиш учун сотиб олинадиган материаллар бўйича ҳисобдан чиқариш пайтида тўлов амалга оширилгандан сўнг имконият яратилади.

Юқоридаги усуллардан барчаси амалда қўлланилади, лекин энг кўп тарқалган ҳисоблаш усули бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг мамлакатимизда ҚҚС ни хисоблашда ушбу усулда кенг фойдаланиб келинмоқда.

Кейинги энг асосий муаммолардан ҚҚС ставкасидир. Солиқ ставкасининг миқдори ҳозирги кунгача қисқартирилиб келинишига қарамасдан, унинг маҳсулот сотиш ҳажмидаги салмоғи деярли барча корхоналарда ўсиб келган. Бу эса ушбу солиқнинг корхоналар хўжалик фаолиятининг охирги молиявий натижасига салбий таъсир этаётганлигидан дарак беради.

ҚҚС нинг маҳсулот сотиш ҳажмидаги салмоғи ўсиб келишига асосий сабаблардан бири инфляция ҳисобига корхоналарда қўшилган қийматнинг ортиб борганлигидир. Чунки, ушбу корхоналар фаолияти таҳлил қилинганда товар ишлаб чиқариш ва уни сотиш, ялпи даромад, соф даромад каби асосий молиявий кўрсатгичлар ҳажми ортиб борган, агарда ана шу корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини натура шаклида оладиган бўлсак юқори даражада ўсмаган.

Ривожланган мамлакатларнинг аксарияти, масалан: АҚШ, Германия, Франция, Англия ва Японияда ҚҚС ставкасини белгилашга алоҳида эътибор бериб келинган бўлсада, бугунги кунги муаммо шу солиқни аксарият истеъмол товарларидан озод этиш бўлиб ҳисобланмоқда.

Ушбу муаммо қандай ечилишидан қатъий назар аҳоли қатламлари манфаатларини эътиборга олишга катта аҳамият берилмоқда.

## Система использования НДС в странах Европейского Союза

**Р. Хамраев** – ***слушатель группы СТ-16***
**Научный руководитель: Н. Абдуллаева**

Система налогов в развитых западноевропейских странах многообразна и разветвлена. Имеются федеральные, или общегосударственные налоги, налоги регионов (земель, провинций) и местные налоги. В европейских странах , как

правило, местные налоги при всей их множественности играют более вспомогательную роль. Основные (федеральные) налоги распределяются в законодательно определенном соотношении между бюджетами всех уровней.

После принятия решения о ликвидации налоговых границ между странами Европейского Союза, вступившего в силу с 1 января 1993 года, были предприняты многочисленные усилия по оптимизации правил, регулирующих применение НДС, поскольку конечной целью отмены таких границ является обеспечение свободного перемещения товаров и граждан между странами – участницами ЕС.

До указанной даты перемещение товаров между странами – участницами ЕС (торговые операции внутри ЕС) рассматривались в качестве операций по импорту и экспорту точно так же, как соответствующие операции между странами – участницами ЕС и остальными странами мира.

Применительно к товарам был принят принцип налогообложения по месту назначения, согласно которому налогообложение НДС, как правило, осуществляется в стране назначения, а сам НДС оплачивается за счет покупателя. Подобная система на распространяется на перемещение товаров в целом, а также не затрагивает особые правила, действующие в отношении услуг. Принцип налогообложения по месту назначения товара носит временный характер, в то время как конечной целью является принцип налогообложения по месту происхождения товара.

Право распоряжения товарами в качестве собственника, согласно режиму налогообложения НДС, определяется перемещением товаров и их местонахождением, а не местом постоянного пребывания поставщика или покупателя.

На налогооблагаемых лиц, участвующих в торговых операциях между странами Европейского Союза, возложен ряд обязательств в рамках осуществления контроля правильности налогообложения.

В счет фактуре товара, поставляемого в пределах стран – участниц ЕС должен приводиться идентификационный номер поставщика и покупателя. Это означает, что поставщик обязан проверить действительность идентификационного номера покупателя.

Налогооблагаемое лицо, осуществляющее поставки товара в пределах стран – участниц ЕС, обязано подать сводный отчет.

Применительно к налогооблагаемым лицам, осуществляющим перемещение товаров в другие страны ЕС и из других стран ЕС, существует обязательство, предусматривающее подачу отдельных деклараций о таких перемещениях товаров в соответствии с внутренним налоговым режимом Европейского Союза («Интрастат»). Декларации необходимы для учета статистических сведений и технически не связаны с НДС. Контроль правильности заполнения деклараций осуществляется несколькими ведомствами. Вместе с тем, в качестве дополнительного контрольного мероприятия налоговые органы часто проводят перекрестные верки деклараций о перемещении товаров с налоговыми декларациями по НДС и ведомостями продаж.

С началом создания Единого Европейского Рынка были сформированы различные рабочие группы и структуры, целью которых является поиск новых более эффективных путей контроля торговых операций в странах Европейского Союза. Например, на уровне ЕЭС был учрежден Постоянный комитет по Административному Сотрудничеству в сфере косвенного налогообложения (ПКАС), деятельность которого направлена на расширение административного сотрудничества и взаимопомощи между странами – участницами ЕС. Кроме того, был создан ряд подкомиссий, деятельность которых осуществляется с большим или меньшим успехом, например, подкомиссия по борьбе с мошенничеством. Основное внимание сконцентрировано на совместной работе налоговых ведомств по созданию равных условий для коммерческой деятельности во всех странах Европейского Союза с тем, чтобы налогоплательщики аккуратно и сполна уплачивающие НДС, не были ущемлены в своих возможностях по сравнению с недобросовестными налогоплательщиками.

В целом то, к чему более полувека стремились страны – участницы Европейского Союза обрело реальные сдвиги в экономике этих стран, но и в между различными структурами народного хозяйства и социальной сферы.

## Ягона ер солиғи ва унинг рағбатлантирувчи аҳамияти

**Б. Абсаломов – *СБ-21 гуруҳи тингловчиси***
**Илмий раҳбар - Ю. Ходжаев, и.ф.н., доцент**

Ягона ер солиғини жорий қилишдан мақсад қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг меҳнати натижалардан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш, қишлоқ хўжалик корхоналарини солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва бир хиллаштиришдан иборатдир. Бундай тизимини жорий этилиши ерлардан янада оқилона фойдаланиши таъминланди.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғининг жорий этилиши солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришга олиб келади. Солиққа тортишнинг ушбу тизими хўжаликлар ҳисобчиларининг солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш борасидаги ишларини кескин камайтиради. Ягона ер солиғининг жорий этилиши билан хўжаликлар йилда бир марта бир турдаги солиқ суммасини ҳисоблаш имкониятига эга бўлади. Бу эса кичик қишлоқ хўжалик корхоналари учун ўта муҳимдир. Ягона ер солиғининг жорий этилиши солиқни ҳисоб китоб қилиш механизмини соддалаштиради.

Ягона ер солиғи жорий этилгунга қадар ҳисобчилар малакасини етарли эмаслиги оқибатида хўжаликлар солиқларни нотўғри ҳисоблашар ва шунинг учун катта миқдордаги жарималарни тўлашар эди. Жорий этилган ягона ер солиғини ҳисоб китоб қилишда ҳисобчилардан чуқур билимлар бўлишини талаб қилмайди.

Шундай қилиб, солиққа тортишнинг ушбу тизими нафақат меҳнат сарфини камайтиради, шу билан бирга хўжаликларнинг пул маблағларини тежашига олиб келади. Бунинг устига бу солиқ тури йил бошида ҳисобланади ва йил давомида ўзгармасдан қолади. Бу нарса хўжаликларга ўзининг ишлаб чиқариш молия фаолиятини янада аниқ режалаштириш имконини беради. Ягона ер солиғининг жорий этилиши билан бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ўз хоҳишларига кўра солиқларни кичик корхона сифатида тўлашлари ёки ягона ер солиғи тўлашга ўтишлари мумкин.

Ягона ер солиғининг жорий этилиши билан қишлоқ хўжалик корхоналарининг аксарияти қуйидаги солиқларни тўлашдан озод этилади: даромад (фойда) солиғи, ҚҚС, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун солиқ кабилар. Шу билан бир қаторда, ягона ер солиғининг тўловчилари бўлмиш қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун бож тўлови, давлат божи, лицензия йиғимлари, бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар, акциз солиғи тўлашнинг амалдаги тартиби сақланиб қолишлиги назарда тутилган.

Ягона ер солиғини тўловчи хўжалик юритувчи субъектларни рағбатлантирувчи томони шундан иборатки, улар ер майдонларининг маъмурий ва саноат марказларига яқин ёки узоқлигига қараб ер солиғида қўлланиладиган оширувчи коэффициентларнинг қўлланилмаганлиги ва коэффициентларни базавий ставкаларда ҳисобга олинганлигидир.

Шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий қилгунга қадар солиқни тўлаш буйича берилган имтиёзлар сақланиб қолинади.

*Шундай қилиб, қишлоқ хўжалик корхоналарининг илгари ер солиғини* тўлашдангина озод қилинган ер участкалари эндиликда солиқларнинг барча турларини ўз ичига қамраб олган ягона ер солиғини тўлашдан озод қилинади. Бу эса корхоналар учун сезиларли даражада енгиллик туғдиради.

Ягона ер солиғининг жорий қилиниши муносабати билан ер майдонларининг ва ер сифатининг аниқ ҳисобини юритиш зарурияти ошади.

Ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш учун аввал ер солиғини ҳисоблаб чиқаришда фойдаланилган ер майдонлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш кўзда тутилган.

Ягона ер солиғи самарадорлигини оширишнинг бирдан бир йўли ерларнинг мелиоратив ҳолатларини яхшилашдан иборатдир, чунки охирги йилларда ерларнинг мелиорация ҳолатларининг пасайиши натижасида ҳосилдорликнинг камайиш ҳоллари вужудга келмоқда. Бу эса ўз навбатида солиқ миқдорининг камайишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганимизда ягона ер солиғининг жорий этилиши, шубҳасиз солиққа тортиш жараёнини соддалаштиради ва ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тизимини такомиллаштиради.

Шундай қилиб, ягона ер солиғининг жорий этилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади ва солиқ юкини анча енгиллаштиради.

## Солиқ тўловларини йиғишда хориж тажрибаси ва ундан самарали фойдаланиш имкониятлари

**Д. Мурадова - *ТМИ талабаси***
**Илмий раҳбар: А. Иминохунов**

Ҳар бир корхона (юридик шахс) ташкил этилган вохтда солик идоралари рўйхатдан ўтади. Бунда эса, албатта, солиқларни тўлаш корхона томонидан тижорат банклари оркали амалга оширилади. Бунинг учун белгиланган муддатларда банкка тўлов мақсади ва суммаси кўрсатилган ҳолда тўлов топшириқномаси расмийлаштирилиб кўрсатилади. Бу шартларнинг ўз вақтида бажарилиши эса корхоналарнинг молиявий барқарорлигидан далолат беради. Акс ҳолда солиқлар ва тўловлар инкасса орқали ундириб олинади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчилар йил давомида олган даромадлари бўйича декларацияни кейинги йилнинг 1апрелдан кечиктирмасдан ўзларининг турар жойларидаги солиқ идорасига тақдим этадилар. Декларацияда барча даромад турлари, асосий ва қўшимча иш жойидан олган даромадлари ҳақида маълумотлар берилади. Шу билан бирга, иш жойларидан олинган даромад ва тўланган солиқлар тўғрисидаги маълумотлар хам такдим этилади. Японияда солиқ тўловларини абзац банк ёки почта ўтказмаси орқали тўлаш тизими яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу тўлов тизими тўловларнинг энг кулай йўли хисобланади. Бунда солиқ тўловчилар ўзларига хизмат қилувчи банк бўлимларига солиқ инспекциясидан тўлов ҳужжатлари келиб тушганда улардан қўшимча розилик (акцепт) сўрамасдан, тўловни амалга оширишлари ҳақида топшириқ берадилар. Солиқ органларидан тўлов ҳужжати келиб тушганда ўша топшириқномага асосан банк бўлими солиқ тўловларини амалга оширади ва бу солиқ тўловчидан ҳеч қандай ҳужжатлар тўлдирилишини ва банк бўлимларига ёки солиқ инспекциясига ташриф буюришларини талаб қилмайди, солиқларни тўлаш муддати келганда эса автоматик равишда банкдаги ҳисоб варақ (ёки почтадаги мавжуд жамғармалар) орқали тўлов амалга оширилади. Шунинг учун солиқ органларида хусусий тадбиркорлардан даромад ва истеъмол солиғини йиғишда бу тизимдан самарали фойдаланмокдалар. Ҳозирги пайтда Японияда солик тўловчиларнинг 80 фоизга яқини шу усул билан солиқларни тўлайдилар.

## Қўшилган қиймат солиғини хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш

**Ш. Тошматов - *Банк-молия академияси аспиранти***

Қўшилган қиймат солиғини ёхуд умуман солиққа тортишни такомиллаштирилишида, унга қайси томондан ёндашиш катта аҳамият касб этади. Бу жараённи амалга оширишда иккита ёндашув мавжуддир. Биринчи ёндашув солиқ тўловчилар учун манфаатларини ҳимоялаб, қулайлилик тамойилига

асосланади. Унга мувофик, солик тўловчилар тўлайдиган солиқлар уларнинг давлат хизматларидан оладиган манфаатига мос келгандагина адолатли солик тизими бўлиб хисобланади, шундай экан солик тизимининг адолатлилик тамойили асосида такомиллаштириш бир томондан Давлат бюджети харажатларининг таркибига боғлик бўлади. Иккинчи ёндашув эса солик тўловчиларнинг тўлов кобилиятига асосланади, солиқ муаммолари ўз-ўзича давлат харажатларига боғланмасдан мустакил равишда кўриб чиқилади, солик даромадларига бўлган бундай эҳтиёжда ҳар бир солиқ тўловчи тўлов кобилиятига караб ўз улушини қўшиши керак.

Бу ёндашувларнинг иккиси ҳам амалиётда қўлланилсада, лекин уларнинг биронтасини тўлиқ, мукаммал деб қараб бўлмайди, иккиси ҳам маълум бир ўз устунлигига ва камчиликларига эга. Аслида ҳар бир солиқ тизими икки ёндашувнинг элементларини ҳам ўзида мужассамлаштиради. Шундай қилиб, биз қуйида келтирадиган мулоҳазаларимизда алохида бир ёндошувни асос килиб олмасдан, имкон кадар мақбул "ўрта"ни топишга ҳаракат қилдик.

Республикамизда амалда бўлган солик қонунчилигига асосан, шаҳар йўловчи транспорт хизмати ва умумий фойдаланишдаги темир йўл хамда автомобил транспортида шаҳар атрофидаги йўналишларида йўловчилар ташиш хизмати ҚҚСдан озод этилган, бир неча Европа Иттифокига аъзо мамлакатларда ушбу хизматлар умумий белгиланган тартибда стандарт ставкада солиққа тортилади ёки пасайтирилган ставкалар бўйича солиқ ҳисобланади. Масалан, Германияда 50 км.дан кам бўлган масофада йўловчиларни ташиш асосий ставкага нисбатан 2 марта камайтирилган ставкада солиққа тортилади. Йўловчи транспортлари учун Люксембург, Испания ва Францияда давлатларида ҳам пасайтирилган ставкалар қўлланилади. Мамлакатимизда хам ушбу хизмат турларига пасайтирилган ставкаларнинг қўлланиши, самара бериши мумкинми деган саволга жавоб бериш учун Термиз шаҳрида жойлашган транспорт хизматини бажарувчи корхоналарнинг тегишли маълумотларни келтириб ўтамиз:

Транспорт хизмати бажарувчи корхоналарда жами ҳисобланган ва тўланишини лозим бўлган ҚҚС бюджетга улуши 32,47 фоизни ташкил этган бўлса, ҳисобга ўтказиладиган ҚҚСнинг салмоғи ўртача олти йилда 67,53 фоизни ташкил этган, олти йил оралиғида бу кўрсаткич 1997 йилдаги 57,65 фоиздан 2002 йилда 67,34 фоизга етган, бундай кескин ўзгаришга асосий сабаб қилиб сўнгги йилларда ҚҚС ҳисоблашнинг жаҳон андозаларига мослаштирилишини келтириш мумкин, лекин охирги йилларда бу кўрсаткичнинг анча баркарорлашганини таъкидлаш лозим.

Шундай қилиб, қилинган таҳлил маълумотларига таяниб шундай хулоса чиқариш мумкин-ки, бизнинг республикамизда ҳам йўловчи ташиш хизматларининг амалдаги ставкаларга нисбатан ўртача 30 фоизга пасайтирилган ставкаларда ҚҚСга тортилиши, юқорида келтирилган ривожланган давлатлардагидек ушбу хизмат турини бажарувчи корхоналарга сотиб олинган моддий ресурлар учун тўланган ҚҚС қоплаш имконини беради, шу билан бирга ҚҚС бўйича умумий тушумнинг камайишига олиб келмайди ҳамда йўловчи ташиш транспортларининг хизмат нархига ўз таъсирини ўтказмасдан, ҚҚС бўйича ҳисобга ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу фаолият

билан шуғулланувчи транспорт корхоналарини кўшимча рағбатлантириш омилини беради.

## Ягона солиқ самарадорлиги

**Ш.Турсунова, Н.Жураева – *ТМИ талабалари***
**Илмий раҳбар: Г. Сафаров**

Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида соликлар мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий омилларидан бири сифатида юзага чиқмода. Солиқ тизимини ислоҳ қилишда солиққа тортишга доир назарияларни ўрганиш ва уларнинг илғор ғояларидан фойдаланиш мухим аҳамиятга эга.

Маълумки, соликлар турли обьектларга нисбатан ўрганилгани билан асосан, даромад ва мол-мулкдан тўланади. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда зарур маблағлар билан таъминлаш лозимлиги борасидаги ғоя асосида ягона солиқ назарияси вужудга келди, ривожланди ва бугунги кунга келиб ҳам кўплаб мамлакатлар солиқ амалиётида қўлланилиб келинмоқда.

Ягона солиқ – бу битта, махсус солиқ бўлиб, бунда аниқ бир объект солиққа тортилади. Ягона солиқнинг энг қадимги турларидан бири бу ер рентасига солиқдир. Физиократлар мактабининг асосчиларидан Ф.Кенэ таълимотида соф даромад фақат ердан келиши эътироф этилади, бунда ер рентаси солиққа тортишнинг ягона объекти бўлиши лозимлиги қайд этилган. У ягона ва тўғри солиқ объектив кадастр асосида аниқланишини таклиф этиб, барча солиқларнинг ўрнига ер эгаларидан ундириладиган ягона солиқ жорий этилишини таклиф этади.

Ягона солиқ назарияси асосида муҳим бир ғоя яъни охир оқибат ягона солиқ бир манбадан – даромаддан олиниши керакли ётади. Солиқ тизимининг ривожланиб борадиган иқтисодий жараёнлар даражасига мос келмай қолганлиги 19 асрда молиявий сиёсат олдига солиқ сиёсатига бирмунча соддалаштириш масаласини қўйди. Бу эса, албатта, ягона солиқ назариясини кенгроқ амалиётга жорий этишга туртки бўлди.

Ягона солиқ назарияси пайдо бўлгандан эътиборан кўплаб мамлакатлар солиқ тизимида ушбу назария ғоялардан фойдаланиб келмоқда. Ягона солиқ назариясининг оммавийлашиши билан биргаликда ушбу назарияга қарши фикрлар ҳам мавжуд бўлиб, бу назарияларда ягона солиқ жорий этиш мавжуд солиқларнинг бир қатор хусусиятларини, вазифаларини йўққа чиқариши, юқори солиқ ставкалари иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатиши таъкидланади.

Мамлакатимиз солиқ тизимида ягона солиқ назарияси ғояларидан фойдаланишнинг зарурати айрим соҳаларни ривожлантиришни солиқлар воситасида рағбатлантириш аҳамиятидан келиб чиқади. Жумладан, кичик бизнес, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларни айтиб ўтишимиз мумкин.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз солик тизимида ягона солик назарияси гояларини ифодаловчи бир нечта ягона солик турлари амал килмокда. Ягона солик турларида обьект сифатида ҳар бир соха хусусиятларидан келиб чиқиб солиққа тортиш объекти этиб турли хил категориялар қабул қилинган, масалан, ялпи тушум, ялпи даромад, ер майдони кабилардир. Республикамиз солик тизимида амал қилаётган ягона солиқ турларига кичик корхоналар учун умумий овкатланиш корхоналари учун ялпи тушумдан ягона солиқ, чакана савдо соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган даромаддан олинадиган ягона солик, лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўтказувчи юридик шахслар учун ялпи тушумдан ягона солиқ кабиларни қайд этишимиз мумкин.

Ягонга солик назарияси, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, уни мамлакат солиқ тизими барча жабҳаларига татбиқ этишнинг имкони бўлмасада айрим сохалар ривожланишини рағбатлантиришда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини мамлакатимиз солиқ тизимида амал қилаётган солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимларининг ижобий жиҳатлари сифатида қонунчилик ва меъёрий базанинг камлиги солиқни ҳисоблаш тартибининг оддийлиги, ҳисоблашнинг соддалашганлиги, солиқ бўнак тўловларининг мавжуд эмаслиги кабиларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Мамлакатимиз солиқ тизимини такомиллаштиришда солиққа тортишнинг классик ва замонавий назарияларини чуқур ўрганган ҳолда уларни мамлакатимиз солиқ тизими хусусиятларидан келиб чиқиб, амалиётга жорий қилиш мухим аҳамиятга эга.

## Foregn Economic Relations

**Abdullaev B.A. Listener of BB-21 group**
**Scientific supervisor Yahyaeva D.T.**

Every nation and state dreams of winning adequate recognition of the world community Uzbekistan has already become a full and equal member of this community. The majority countries at the world recognized the independent Republic of Uzbekistan. Our country has become the member of the United Nations Organization (UNO) and other prestigious international organizations. Embassies and councils from all the continents operate in our Republic. By the year 2000 diplomatic relations have been set up with 120 countries.

Diverse foreign economic relations are the most important means to satisfy different demands of our state, to accede rate its social and economic development, to attain high life standards.

Well-balanced foreign economic relations encourage rapid development of all the branches of the national economy, inures the industrial and agricultural production, provide with modern equipment and advanced technology, more productive use of natural and geographic conditions, mineral raw and labor force. Well-run foreign economic policy enables successful resolution of serious problems

facing the country in harmonization of various branch proportions in its economy, replacement of the old technology in building, transport, development of infrastructure and communications. Uzbekistan has an opportunity to reach higher productivity and higher quality of production, as well as to solve problems with the use of huge labour resources when it actively participates in the international division of labour force.

Wide and skillful implementation of scientific technical achievements of different countries enables further advancement of our domestic science and research, specific gravity and contribute into the growth of natural economy that in its turn accelerates and cheapens solution of a number of acute and serious social economic problems.

Foreign economic relations openly reflect the level of technical production, the quality of manufactured industrial and food products. Our foreign economic relations are established on the basis of mutual benefit and equality of the two sides.

Participation of Uzbekistan in foreign economic activity and as the result of it increased turnover of foreign trade enables rational solution of our problems that emerged under the present complicated conditions, itc. economic reforms and transition toward market relations.

Uzbekistan imports a wide range of industrial and food products from foreign countries: various and equipment, measurement devices, warkers benches and buses, railway carriage. sewing articles and tobacco products and others.

Having made a report at the meeting of the Cabinet of Ministers, which devoted to the results of social-economic development of the country in 2000 about priority directions of liberalization and deepening the economic reforms in 2001 Karimov said: "We must understand one main point that only the growth of export can give currency receipt, by using which we can provide the technical rearmament of productions. But without modernization, without constant renewal of technology and equipment no any modern production today can be at the head and see its perspective"

For the first time during last years we succeeded increase of volumes of exporting goods. As a result in 2000 in foreign trade we have positive balance on the volume of 317,3 m/n American dollars .

Enterprises corporations and firms now receive much more freedom to independently integrate into the world market. This, in its turn, encourages foundation of new economic structures.

Europe has the biggest place in the volume of trade turnover of Uzbekistan among the continents of the world. Currently it equals 2/3 of that of the Republic's turn over.

Provision of the population with main food products though increase of domestic production and rational import resulted in significant of currency reserves and reduction of import of corn, meat products and potatoes.

Foundation of joint ventures with foreign enterprises is one of the most important and effective ways of development foreign economic relations. This form of productive activity is popular in many countries all over the world, and it becomes popular in Uzbekistan as well.

U.S.A. Great Britain, Germany, Korea. China, Turkey, the United Arab Emirates, Israel, Pakistan and other, the most famous are such joint- ventures as the "Zarafshan – Newmont", "Uzcaset raetor", "Uzbat", "Coca-Cola", "Spectr", "Ustechsano", "UzSamsungelectronics", "Kabul Uzbek Co", etc, Leading country in this respect is Russia. In Uzbekistan 520 joint Uzbek-Russian enterprises are registered, and also firm and companies in the Russian Federation. In Russia there are about 250 JV.

During 2000 in Uzbekistan there arose a number of joint ventures including such JV as "Hodas – Tapo" in Tashkent, in the Andijan region – the JV "Oltin dori" for producing leather goods, and JV for producing school note-books and others.

The German and Austrian "Hobas-Tapo" Joint Venture producing non-metallic tubes of different calibre was put into operation in spring, 2000. The period of exploitation of such tubes is 3-4 times longer than traditional metallic ones. Such a plant is the only one in the CIS countries and it is the 24 th in the world. Our German partners had liberty to choose a country founded the plant in. They chose Uzbekistan as the most convenient and reliable partner.

The necessity of production of this kind is very high not only in Uzbekistan, but also in abroad. Our German partners had a choice in which state to built this enterprise. They preferred Uzbekistan as the most perspective variant.

## The practice of implementation of the tax paying system from an experience of Japan

**Elyor Maksumov, student of Tashkent financial institute**
**Supervisor: prof., Dr Y.Abdullaev**

According to the regulation about the State tax committee (STC) of the Republic of Uzbekistan from January, 12, 1998 № 14, the State tax committee of the Republic of Uzbekistan is the central body of the government tax service which controls the maintenance of observance tax legislation, protection of economic interests and property rights of the state. The bodies participating in conducting STC are:

- the main state tax offices of the Republic of Karakalpakistan and of Tashkent city;
- the state tax offices of regions;
- the state tax inspections of regions, cities and regions in cities.

The main goal of the STC is to be in the direct participation in realization of the tax policy, the organization of work and the control over completeness and timeliness of payment of taxes, gathering and other obligatory payments. The above stated bodies taking place in conducting STC are tax collectors. Taxation is considered to be one of the basic tasks of these bodies and as taxes have compulsory character some legal and physical persons try to hide a part of the incomes from taxation though tax rates are comprehensible both to the state, and for tax payers. For example, some companies deliberately reducing the volume of manufacture tring to escape from taxation, and also incomes of some teachers from out-of-class educating, incomes

from out-of work services of some doctors, incomes of illegal hired workers, etc. are not declared. These actions cause increase in a share of "hidden economy". And the high volume of the share of "hidden economy" negatively influence on the development of the economy or it is reflected in delaying of economic growth of the country.

Duly taxation - is an important task of tax bodies. In the country tax bodies collect all kinds of taxes specified in the Tax Code. Despite the available privileges for taxes, tax payers all the same aspire to cover some incomes from taxation and it is one of important problems which tax inspectors try to solve untill now.

The decision of this problem, in our opinion, is to use the experiences of the developed countries. For example, let's take Japan. The reason for this is that tax system of Japan is approached to our tax system within the framework of kinds of taxes, that are state and regional.

Japan pays a significant attention to a problem of taxation. One of the ways of the decision of this problem is the system of payment of taxes through the bank transactions or the postal order. On this system the sum of taxes is automatically transferred with a bank (or from post savings) accounts of the tax payer, each time when comes the terms of payment of taxes. Using this system, the tax payer should not go each time to the bank and pay taxes, and it is a safe way to pay taxes.

Therefore tax bodies make their best to use this system by private businessmen during paying income and consumer taxes as they consider this system to be the most effective in accumulating taxes. Now in Japan 80 % of tax payers use this system to make payment of taxes.

Other way of improving the taxation In Japan is to allocate separately corresponding societies on assistance to taxation.

For correct arrangement of taxes, it is necessary to support the attitudes based on mutual trust, and to create a pleasant atmosphere in work with tax payers. Therefore, being based on long-term work, the following societies of tax payers which promote tax management are organized:

1. A society of corporations of tax payers (companies). This society having invited employees from tax office, carries out assemblies and lectures on discussion of changes in the tax law, and also distributes the information on taxes.

2. A society of tax payers with "dark blue" declarations. The basic members are small businessmen which have the office. In a society there are held lectures, seminars, also last changes in the tax law are discussed and explanatory works on conducting accounts and correct filling of declarations are conducted.

3. A of manufacturers of alcoholic drinks. The members of this society are producers of alcoholic drinks, and together with tax office the producers of alcoholic drinks plans steady development of branch.

4. A society of retail dealers of alcoholic drinks. It will unit retail dealers alcoholic drinks.

5. A society on assistance of gathering of the consumer tax. The society is engaged in spreading the information on the consumer tax.

In our opinion, proceeding from experience of Japan, the system of payment of taxes through bank transferring would be very useful to be introduced in practice of taxation in Uzbekistan. Introduction of this system will achieve the followings:

- first, to completeness and timeliness of payment of taxes to the state budget;
- second, to maintenance full and duly account of subjects and objects to maintenance the taxation;
- third, the development of payment system in banks of the country. And it will tend to increase the living standarts of the population.

## The role of tax planning in optimizing the tax burden

**Barno Sanaqulova – Sup.: prof., Dr. Y. Abdullaev, TFI**
**Hotam Kudratov, - Sup.: dots. T.Juraev, TFI**

In the conditions of market economy amount of tax burden in corporation finance serves in many situations as a main factor of identifying their future. Company's main purpose of doing business is - to get as much profit as possible. That's why the influence of taxation for financial activities of a company can be negative or positive. In this case, reducing tax burden will be mutual beneficial for companies and for the Government. If we ascribe this matter theoretically, maximum point of the Laffer curve can give the optimum tax burden. After reducing tax burden company can contribute amount of money which is economized by reducing tax burden, to investments for extension of production. In this case a company will be able to get extra profit from extension of production and maximize its profit. The Government can compensate its loss from reducing tax burden in this way: extended production gives more taxable income (profit). The Government can regulate activities of companies by taxes and other economical means and they can make changes in their economic decisions. Taxes, in the means of binding payments, shouldn't be a barrier for company's interests and shouldn't be a factor of managing whole company. In practice, taxes as a means of regulator in economy, makes to change strategic decisions of a company. Long term decisions are never accepted without checking tax factors. In these days, apart from that many law bases about taxes and taxation, in the financial activities of companies we can hardly see using exemption from taxes, changing business activities to the spheres where they can be taxed by lowered rates. In the financial activities of companies it is very difficult to see features of tax planning. We think one of the main reasons for this matter, is, in the practice of taxation in Uzbekistan there are very few features of tax management and tax planning. If we analyze world taxation practice, this process has a great value in business activities of a company.

Tax planning - is a process in which tax payers can minimize their tax duties in the side alter of taxation laws. In this process tax payers use the following methods:

1) go around the taxation without violating tax laws
2) get extensions from taxes which are declared in the laws
3) minimize tax duties

All these methods are legal, and they can't be facts to fine tax payers. The privilege of tax planning is supported in this way:

tax payers reduce their tax duties by legal ways. Tax planning can be only in microeconomic relations. Tax planning is a respond by companies to the government's power to regulate the economy by taxation.

Studying of tax planning shows that we need to pay attention to the factors which influence on the efficiency of taxation. We think here are some of them:

- using legal ways
- high tax benefit
- less spending
- short time
- social responsibility

Tax planning is a creative process. It has four related steps.

Step №1. Identifying the place of a company in the purposes of taxation. In this step we need to pay attention to the following characters: offshore zones, tax regime, possibility and terms transferring profit to other countries without taxation, terms of international taxation contracts and etc. These factors need to be analyzed in depth.

Step № 2. The organizational form of a company and its relations with current tax regime. After this, a company can make changes to reduce tax duties.

Step № 3. This is a tactic tax planning, in this step a company need to use tax privileges fully and correctly. In this step we can solve the following matters: planning contracts, using all tax privileges, being ready for all changes in taxation laws, check again internal structure of company and etc.

Step № 4. Placing assets and profit in proper way in the term of taxation in many situations gives extra tax privileges to the company.

Strategic tax planning can show the proper way to find activity sphere of business and comfortable investment policy for a company.

We think that, organizing tax planning in Uzbekistan gives an opportunity to develop producing goods. It will be only beneficial to use world taxation practices which have positive results. Companies need government's help to organize tax planning. The main factor of tax planning is - taxation laws shouldn't be changed at least during a fiscal year. In Uzbekistan it is to hard to plan taxes, because our taxation laws change very often. We think, Oliy Majlis must pass a law regulating tax policies. The Tax Code which we are using now needs to be replaced. Because The Tax Code must regulate all relations between tax payers and the Government. In our practice we have more taxation regulations than The Code.

## Бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш масалалари

**Нуралиев С. -** ***Тошкент Солиқ коллежи курсанти***
**Илмий раҳбар: и.ф.н. доц. О.Шодмонқулов**

Жаҳон бозорига кириб бориш ва халқаро майдонда ўз ўрнини топиш учун унинг талаблари ва тартибларига қатъий риоя этилиши талаб қилинади. Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган ислоҳотларнинг халқаро андозаларга жавоб бериш даражаси бўйича МДҲ давлатлари ичида энг олдинги

ўрinда туради. Бунга мисол килиб охирги йилларда қабул килинган меъёрий хужжатларни дадиллик билан келтириш мумкин.

Махсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатларнинг таркиби тўғрисидаги низом (янги таҳрири 1999 йил 5 февралда қабул қилинган), «Бухгалтерия хисоби тўгрисида»ги конун (1996 йилнинг 30 августи) ва бир катор БХМСлар Ўзбекистонда бухгалтерия хисобини халкаро стандартларига яқинлаштирувчи ғоят муҳим хужжатлар бўлиб қолди.

*2002 йил 1 январдан бошлаб бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро асосланган янги ҳисобварақлар режасининг киритилиши бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишда навбатдаги қадам бўлди.*

Бухгалтерия ҳисоби ўзи учун ташкил этилмайди, у ажралган ҳолда ишламайди, балки у бозор иқтисодиётининг барча инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Ҳеч қандай иқтисодий ислоҳот, шу жумладан солиққа тортиш ва бошқа иқтисодий тизимлар, ушбу ислоҳотлар мос келадиган халқаро принципларга асосланиб тузилган бухгалтерия ҳисоби ва хисотботисиз муваффақиятга эриша олмайди.

Бухгалтерия ҳисобининг ислоҳи давлатнинг солиқ сиёсатини инобатга олган ҳолда олиб борилиши керак. Солиққа тортиш масалалари ва солиқ қонунчилигининг бажарилиши бухгалтерия ходимлари учун энг муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш масалаларининг ўзаро боғлиқлиги бухгалтерлардан солиқ қонунчилигини батафсил билишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасида солиққа тортиш масалалари Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексига ва унга доир меъёрий ҳужжатларга мувофиқ равишда амалга оширилади.

Солиқларнинг тўғри ҳисобланиши, бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши, солиққа тортиш бўйича амалдаги қонунчиликка риоя қилиниши учун жавобгарлик солиқ тўловчиларга ва уларнинг мансабдор шахсларига юклатилади.

Солиқ тўловчилар, шунингдек мансабдор шахслар даромадни ёки солиқ солишнинг бошқа объектларининг ҳисоби йўқлиги, бу ҳисобни белгиланган қонунчиликни бузган ҳолда юритилганлиги, шунингдек солиқ органларига солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш учун зарур бўлган ҳисоботлар, ҳисоб – китоблар ва бошқа ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этмаганлиги, фойдани бошқа солиқ солиш объектини яширганлиги (пасайтириб кўрсатилганлиги) учун солиқ кодексининг 135 – моддасига биноан молиявий жазо чоралари қўлланилади.

Солиқ тўловчи солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловлар суммалари тўланмаган ёҳуд бутунлай тўланмаганликка олиб келган хатоларни солиқ органининг текширувидан олдин аниқлаган, бухгалтерия ҳисобида ҳамда солиқлар ва тўловлар бўйича ҳисоб – китобларга тўғрилашлар киритган ҳолларда молиявий жазолар қўлланилмайди.

Солиққа тортиш мақсадида бухгалтерия ҳисобининг жуда кўп масалаларини Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексида аниқлаб берилиши бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш масалалари ўртасида ўзаро узвий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади. Масалан: Солиққа тортиш

мақсадида асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш солиқ кодексининг 23 – моддасига мувофик амалга оширилади ёки солиқларни бухгалтерия хисобини юритиш 10 – моддада белгиланган ва шу кабилар.

*Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни* ишлаб чикариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низомнинг 1 – иловасига биноан айрим харажатлар моддалари солиқ солинадиган базага қайтадан киритилади. Масалан: Бепул қабул қилинган асосий воситаларнинг колдиқ қиймати фойда (даромад) солиғини ҳисоблаш базасига қайтадан қўшилади ва ундан солиқ ундирилади, ёки қайтариш муддати ўтиб кетган ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жорий этилган тўлов ставкасидан ортикча бўлган кредит бўйича тўлов фоизлари қиймати фойда (даромад) солиғи солинадиган базага қўшилади ва улардан (фойда) даромад солиғи ундирилади.

Юридик шахсларнинг даромадлари ва солиқларни ҳисоблаб чикариш учун улар бўйича тегишли чегирмалар, тўлов тўланган вақт ва пул келиб тушган санадан катъий назар, улар таалуқли бўлган ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ акс эттирилади.

## Солиқ воситаси орқали иэқтисодиётни бошқаришда «Лаффер эгри чизиғи»нинг аҳамияти

**Ё. Қурбонов** - ***ТМИ магистранти***
**Илмий раҳбар: доц. Т. Жўраев**

Ушбу мавзуда сўз юритар эканмиз, аввало, «Иқтисодиётни бошқариш нега зарур?» - деган саволга жавоб бериб ўтсак. Бозор иқтисодиёти ҳар қанча устун иқтисодиёт бўлмасин, унинг ҳам ўзига яраша камчилик томонлари мавжуд. Бу камчиликлар эса асосан давлат аралашуви билан ҳал этилади.

Давлат иқтисодиётга аралашаётиб қуйидаги вазифаларни ўз зиммасига олади:

- Иқтисодиётни бақарорлаштириш ва унинг ўсишини рағбатлантириш;
- Инфляция даражасини пасайтириш;
- Ишсизларни иш билан таъминлаш;
- Фан-техникани ва иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ривожини қўллаб қувватлаш;
- *Иқтисодий рақобатни назорат қилиш*;
- Ресурслар тақсимотида қатнашиш;
- Даромадлар тақсимотида адолатни кафолатлаш ва кам таъминланган аҳоли ижтимоий ҳимоясини ўрнатиш;
- Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- Халқаро савдода миллий манфаатларни ҳимоя қилиш;
- ва бошқалар.

Демак юқоридаги вазифаларни бажариш мақсадида давлат иқтисодий алоқалар ва иқтисодиётни маълум даражада назорат этишга мажбурдир.

Иқтисодни бошқариш усуллари икки турга бўлиниб, улар бевосита ва билвосита бошқариш деб аталади.

Бевосита бошқариш усулларига: лицензиялаш, рўйхатга олиш, ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш ва бошқа усуллар киради.

Билвосита бошқариш усуллари анча эгилувчан хусусиятга эга бўлиб, улар иқтисодиётни аста секинлик билан мўлжалланган мақсад сари йўналтира боради.

Бу усулларнинг яққол намунаси сифатида биз солиқ тизимини кўрсатишимиз мумкин. Эркин бозор иқтисодиёти иқтисодга давлатнинг бевосита аралашувини қўллаб кувватламайди. Ушбу ҳолат иқтисодиётни бошқаришда солиқ тизимининг аҳамиятини янада оширади.

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар давлат харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаси бўлиб юзага чиқади. Солиқларнинг мавжуд бўлиш зарурати ҳам ана шунда. Бироқ солиқлар солиқ тўловчилар (резидентлар) зиммасига юк бўлиб тушади ва баъзи ҳолларда уларнинг яратувчанлик ва ишчанлик хусусиятларига тескари таъсир кўрсатади. Демак, давлат солиқлар воситасида иқтисодиётга аралашар экан, у ўз харажатлари учун маблағлар ажратиб олиши ва айни пайтда ўз манбаси бўлмиш солиқ баъзасининг кенгайишини чеклаб қўймаслиги лозим. Бу борада, яъни солиқлар орқали тушумлар яратишга доир, машҳур иқтисодчи Артур Лафферниңг қарашлари мавжуд:

1974 йили Артур Лаффер мошхўракка чизган, таклиф иқтисодиёти фундаментал назариясининг график кўриниши, кейинчалик «Лаффер эгри чизиғи» номини олди. Эгри чизиқ, солиқ тушумлари солиқ ставкалари кўтарилиши билан бирга фақат маълум нуқтагача ошиб бориши, юқори ставкалар ишлаб чиқаришни сустлаштириши ва ҳукумат кириминиңг сўнгги нуқтагача камайишига сабаб бўлишини кўрсатиб беришга мўлжалланган.

Солиқ ставкалари ва иқтисодий ўсишга доир халқаро маълумотларни таққослайдиган бўлсак, у ҳолда:

а) энг паст ставкали солиққа тортиш мамлакатлари энг кам ривожланган мамлакатлар бўлиб, уларнинг кам ривожланганлигининг сабабларидан бири, у ерда хусусий инвестицияни рағбатлантириш учун инфратузилманинг ташкил этилмаганлиги ва иқтисодиётни кўтариш учун солиққа тортиладиган маблағнинг йўқлигидир.

б) энг юқори таъсирчан солиққа тортиш тизимига эга мамлакатлар, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви юқори бўлган мамлакатлардир. Ёдга олишимиз мумкинки 1950 - 1960 йилларда АҚШнинг коммунизмдан жуда қўрқиб кетганлигининг бир сабаби, уларнинг мажбурий инвестиция орқали жуда тез ўсганлигидир. Уларнинг бутун дунёни эгаллашларига деярли барчанинг ишончи комил эди. Уларни инқирозга олиб келган нарса эса солиққа тортиш тизими эмас, балки даромадларнинг тақсимоти, ахборот ва истеъмолнинг аҳамиятини англамаслик бўлди.

в) солиқ ставкаси юқори ҳисобланган мамлакатлар Шимолий Европа мамлакатлари ва Голландиядир. Бироқ, «уларнинг солиққа тортиш тизимлари иқтисодга салбий таъсир кўрсатмоқда», деб бўлмайди.

Бир қарашда бундай таққослашлар «Лаффер эгри чизиғи»дан чиқариладиган хулосаларни остин - устун килиб юборадигандек кўринади, чунки булар ҳар ҳолда амалиёт. Лекин амалиётда бундай ҳолат юз берганлигини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Лаффер эгри чизиғининг энг содда кўриниши - бу геометрик парабола. Бунинг оркасида иккита тамойил ётади. Биринчидан, унда камида иккита шундай солиқ ставкаси мавжудки, улар айни миқдорда тушум ҳосил қилади. Иккинчидан, унда солиққа тортишнинг оптимал ставкаси мавжудки, у биринчи ва иккинчи ҳолатлар орқали аниқланади. Оптимал солиқ ставкаси солиқ тушумининг максимум даражасини ҳосил қилади. Бу шундан далолат берадики эгри чизиқ «чекловчи» ва «чекламайдиган» томонларга эга бўлиб, чекламайдиган тарафдаги жамиятгина ўз солиқ ставкаларини кўтариб солиқ тушумларини ошириши мумкин. Бундай жамиятдаги ҳолат фуқароларнинг ишлаши, жамғариши ва иқтисодга инвестиция киргизишига раҳнамо бўлиб хизмат қилади.

Эгри чизиқнинг чекловчи томонида турган жамият, Лаффер эгри чизиғида энг юқори нуқта деб кўрсатилган нуқтадан кейинда турганлиги сабабли, солиқ ставкаларини пасайтирибгина фуқароларига иқтисоддаги ишлаб чиқариш рағбатини оширишга имкон яратиши мумкин. Шу сабабли, «чекловчи» томондаги қашшоқ давлатлар билан «чекламайдиган» тарафдаги Шимолий Европа мамлакатларини таққослаб бўлмайди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, солиқ воситаси орқали иқтисодиётни бошқаришда, аввало, солиқлар юки - яъни ишлаб чиқарувчилар, Ёлланма ишчилар ва бошқа иктисодда қиймат яратаётган шахслар зиммасига тушадиган жами солиқлар, Лаффер эгри чизиғининг қайси томонида эканлигини аниқлаб олиш зарур. Сўнгра, иқтисодни бошқаришда давлат харажатларини назардан қочирмаган ҳолда иқтисодий ўсиш суръатини тезлаштириш ёки керакли мақсадда йўналтириш мумкин.

## СЕКЦИЯ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

### Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғининг бухгалтерия ҳисоби

**Ф. К. Ахмеджанов** - ***СБ-21 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: Т. Х. Абдибаева и.ф.н.**

Республикамизда давлат мустақиллигига эришилган пайтдан бошлаб бухгалтерия хисоби тизимини бозор иқтисодиёти талабларига ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби босқичма-босқич ислоҳ қилинмоқда.

Республикамиз корхона ва ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш методологиясида, унинг ташкил қилинишида ҳамда ишлаб чиқариш

харажатлари хисобини ва соликлар хисобини юритишда, катор ўзгаришлар содир бўлди, яъни янги меъёрий хужжатлар мажмуи (2002 йилдан жорий этиладиган янги ҳисоб варақлар режаси, йурикномалар, бухгалтерия стандартлари ва хоказолар) ишлаб чикилган.

Молия йилида солиқ солинадиган даромадга (фойдага) эга бўлган, мулкчилик шаклидан катъий назар, ҳар қандай юридик шахслар даромад (фойда) солиги тўловчилар ҳисобланади. Юридик шахслар даромад (фойда) солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни мустақил равишда амалга оширадилар.

Хўжалик юритувчи субъектнинг даромад (фойда) солиғи бўйича солиқ солинадиган база қуйидагича ҳисоблаб чиқарилади:

Даромад (фойда) солиғи тўлангунгача бўлган даромад (фойда) ёки зарар (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 сонли қарори билан тасдикланган Низомнинг А - Г бўлимларига мувофиқ).

Унга қўшимча равишда ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган бухгалтерия хисобидаги фойда билан солиқ солинадиган фойда ўртасидаги доимий тафовутлар ёки аксинча ушбу Низомнинг 2-иловада келтирилган сарфланган харажатларни солиқ олинадиган базадан чегириб ташлаш вақтидаги тафовутлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига асосан барча корхоналар ва ташкилотлар ўзларининг молиявий хўжалик фаолиятларини бухгалтерия ҳисобини 1999 йил 1 январдан кучга кирган «Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари» асосида олиб борадилар. 21-БҲМА «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия хисоби счётлар режаси»га асосан, корхоналар 2004 йил 1 январдан бошлаб янги счётлар режасига ўтилиши керак.

Янги счётлар режасига асосан солиқлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоби» счётларида олиб борилади. Бу счётда ҳар бир солиқ турига алоҳида счёт очилиш мумкин, масалан 6410 «Бюджетга даромад(фойда) солиғи бўйича қарздорлик ҳисоби», 6411 «Бюджетга қўшилган қиймат солиғи бўйича қарздорлик ҳисоби», 6412 «Бюджетга акциз солиғи бўйича қарздорлик ҳисоби» ва ҳоказо.

Тўлаш учун фойданинг ишлатилиши ҳисобига ҳисобланган солиқлар суммаси 9810 «Даромад (фойда) солиғини тўлаш» счётининг дебетида ҳисобга олинади.

Муддати узайтирилган (кечиктирилган) даромад (фойда) солиғи суммаси 0950 «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад солиғи» счётининг дебетида ҳисобга олинади.

Шунингдек солиқ билан боғлиқ жараёнлар қуйидаги счётларда ҳам акс эттирилади:

-3210-счёт «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад солиғи»;

-4410-счёт «Солиқлар бўйича бўнак тўловлар»;

-6220-счёт «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар – жорий қисмига»;

-7240-счёт «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар – узоқ муддатли қисмига».

Даромад солиғининг бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Бюджетга даромад солиғи бўйича карз суммалари акс эттирилди.

Дебет 9810 счёт«Даромад солигини тўлаш»

Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

Белгиланган муддатда солиқ суммаси корхонанинг тўлов топшириқномасига асосан бюджетга ўтказилади.

Дебет сч. 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик»

Кредит сч. 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»

Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларни кабул килиниши шуни кўрсатадики, Республикадаги бухгалтерия ҳисоби жаҳон стандартлари билан уйғунлашди. Шу жумладан айтиб ўтиш керакки, бизнинг республикамизда олиб борилаётган солиқ сиёсати йилдан йилга такомиллаштирилаяпти. Юридик шахслардан олинадиган даромад солиғининг ставкалари камайиб борилмоқда, яъни солиқлар табора прогрессив ҳолатдан регриссив ҳолатга ўтмоқда.

## PUBLIK RELATIONS муносабатлар технологияси

**Ж. Мейлиев** - ***БТ-12 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: Д. Н. Шарипова**

«PUBLIK RELATIONS» нима? Уни қандай тушиниш керак? У билан астойдил шуғулланса нималарга эришиш мумкин?

Паблик рилейшнз иборасининг турлича талқинлари мавжуд. Улар орасида энг кўп учрайдигани: -«PUBLIK RELATIONS» – бу ташкилот ёки шахс билан жамоанинг яхши, илиқ муносабатларни юзага келтириш, бир бирларини яхши тушуна оладиган муҳит ҳосил қилиш режасидир. Бугунги кунда фирмалар ва компаниялар раҳбарлари паблик рилейшнз деб ҳисоблаётган муҳит – савдо маркасини, компания маҳсулотини юксакликка кўтарувчи ва бевосита «савдога хизмат қилувчи» жараёнидир.

Паблик рилейшнз атамаси дастлаб Америкада пайдо бўлди. Уни илк маротаба 1807 йилда Томас Джефферсон ишлатди ва ўзининг «Конгрессга еттинчи мурожаат»ининг хомаки матнида «фикр ҳолати» сўзларини ўчириб, «жамоа муносабатлари» сўзлари билан алмаштирди. 1832 йили Йель университетида илк бор «relation for the general good» (бутун жамоа муносабатлар мақсадида) маъносида паблик рилейшнз ҳақида гап юритилади. 19-аср охирига келиб америкалик тадбиркор Вильям Вандербильд нинг «publik be informed» (жамоа хабардор бўлиши керак) ибораси қўлланила бошлади.

Паблик рилейшнз ҳозирги маъносида 20-аср бошига келиб ишлатила бошлади. Бунда икки омил катта рол ўйнайди:

- биринчиси, индустрлаштириш ривожланиши оқибатида корхона эгалари ва жамоатчилик орасидаги муносабатларнинг таранглаша бориши;
- иккинчиси эса, оммавий ахборотларнинг арзонлашиши бўлди.

1893 йил Германияда Крупп фирмаси ахборот воситалари билан ишлайдиган бўлим ташкил этди. 1906 йилда Магдебургда шахар ахборот агентлиги иш бошлади.

1904 йилда газета мухбири Айви Ледбеттер Ли паблик рилейшнз бўйича биринчи агентлик ташкил этди. Унинг ҳаракатлари ахборот воситаларига қаратилган эди.

Паблик рилейшнзнинг Европада иккинчи Жаҳон урушидан сўнг кенг тарқалди. Германияда 50-чи йилларда «немис иқтисодий мўъжиза»сининг хосил бўлишида паблик рилейшнз асосий рол ўйнайди Ўшандан бошлаб паблик рилейшнзга маркетинг фаолиятини амалга оширувчи курол сифатида караш расм бўла бошлади.

Паблик рилейшнзнинг мақсади «инжиниринг консенсусига» ёки оддийроқ килиб айтилса бир бирини тушинишга эришмоқ демакдир. Бернейс ишлаб чиккан консенсус назариясига мувофиқ, паблик рилейшнзда икки вазифа мавжуд:

- жамоатчиликни хабардор қилиш;
- тарғибот йўли билан унинг ишончини қозонишдир.

Бугунги кунда паблик рилейшнзнинг мақсадлари холислик, бўлим ва тўлиқ маълумотга асосланган, умумий мақсад йўлида ўзаро ҳурфикрлилик вазиятини таъминловчи икки томонлама муносабатларни яратувчи омилларидан биридир.

Бозор нуқтаи назаридан паблик рилейшнз мавзуси ҳакида гап кетганда авваламбор компанияларнинг ташқи дунё билан муносабатлари қай даражада ўзгаришини аниқлаш лозим, чунки бозор вазиятининг ўзгаришига қараб умуман ишнинг бошқаруви ҳам ундан келиб чиққан ҳолда одамларга хизмат кўрсатиш тамойиллари ҳам ўзгаради..

Бозор паблик рилейшнз ва рекламалар нуқтаи назаридан заруратлари ва имкониятлари жуда кенг, кўп қиррали объект. Бу эса компаниялар иш тарзини юқори савияда ташкил этишни тақозо этмоқда.

Паблик рилейшнз амалиётида бозор динамикасини, матбуотини ва ташқи муносабатларини ўрганган ҳолда компания сиёсатига тузатиш киритиш йўналиши ҳам мавжуд.

Паблик рилейшнз-менежер фирма ходимларини лозим бўлган барча ахборотлардан хабардор қилиб турмоғи лозим, чунки у «ташқи муҳит» да юрувчи бирдан бир ходимдир. Иккинчи муҳим жиҳат: фирма ёки компания раҳбарияти паблик рилейшнз-менежер маслаҳатларига амал қилиши керак.

Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги бозори сон ва сифат жиҳатидан кенгайиб бормоқда. Бу соҳанинг ўзида кўплаб фирма ва компанияларнинг мавжудлиги уларнинг раҳбарларидан паблик рилейшнздан худди маркетинг сингари фойдалана билишларини тақозо қилмоқда. Бошқача бўлиши мумкин эмас, чунки маркетинг «Нима қилиш керак?» деган саволга жавоб берса, паблик рилейшнз «Қандай қилиш керак?» деган саволга жавоб беради.

Паблик рилейшнз стратегиясининг асосий элементларидан бири вазифани аниқ қўйиш масаласи. Қўйилган амалий жиҳатдан мантиқий бўлибгина қолмасдан, фирма мақсадлари ва унинг анъаналарига мос бўлмоғи лозим. Ишнинг кўзини билиб мулоқот юритиш стратегияси тадбиркорга мақсадларни,

талабларни, бозордаги муҳитнинг ўзгаришига мос равишда режаларги тузатишлар киритиш имкониятини беради.

Республикада рўйхатдан ўтган кичик ва ўрта бизнес субъектларининг умумий сони 239517тани ташкил этди. Рўйхатга олинган кичик ва ўрта бизнес субъектларидан фаолият кўрсатаётганларининг сони 215744та ёки 90.1%ни ташкил қилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг хар 1000 кишисига 8,2та амалда фаолият кўрсатаётган корхоналар тўғри келмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан қарийб 370 мингта янги иш ўринлари очилди.

Ишлаб чиқариш соҳасидаги кичик ва ўрта бизнес субъектларини, фермер ва деҳқон хўжаликлари, якка тартибдаги тадбиркорларни микрокредитлар билан таъминлашга катта аҳамият берилмоқда, бу тўғрисида 902 ва 903-тартибларга асосан микрокредитлар одатда якка тартибдаги тадбиркорларга 5000 АҚШ доллари ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларига 10000 АҚШ доллари миқдорида имтиёзли фоиз ставкалари билан 3 йил муддатгача берилади. Бу борада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун ажратилган кредитлар ҳажми 2002 йилда қарийб 265.0 млрд сўмни ташкил этди (диаграмма).

**2002 КУБ субъектлари учун умумий молиялаштириш манбалари буйича ажратилган кредит ресурслари хакида МАЪЛУМОТ**




Ушбу кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда айрим камчилик ва муаммолар учрамоқда.

Тадбиркорлик субъектларига фаолиятлари давомида зарур бўладиган ер майдонларини ажратиш, архитектура-режалаштириш топшириғини тайёрлаш, сув тармоғига уланиш, электр энергияси таъминотини йўлга қўйиш, газ тармоғига уланишга рухсат олиш ва бошқа шунга ўхшаш масалалар тадбиркорлик фаолиятини тўлиқ ва ўз вақтида йўлга қўйишда асосий тўсиқ бўлиб турибди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, кўп ҳолларда тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини юргизиш учун талаб қилинадиган рухсатномаларни расмийлаштириш муддатлари жуда узоқ вақтни ташкил этади ва аниқ белгиланган муддатлар йўқ. Бизнинг фикримизча юқорида қайд қилинган муаммолардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги масалаларга эътибор беришимиз керак бўлади:

- тадбиркорларнинг кредит олиш жараёнини белгилашида ҳамда ўз фаолиятини бошлашдан олдин уларга фаолияти истиқболи хусусида амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида тўлароқ маслаҳатлар беришни ташкил қилиш;
- тадбиркорлар ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатга олиш жараёнидаги мурожаат қилинадиган идоралар сонини камайтириш;
- кичик ва ўрта бизнес субъектларини имтиёзли ва микрокредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ таъминлаш ҳажмларини ошириш, нақд пул кўринишидаги микрокредитларни кўпроқ олишга рухсат бериш;
- кўпроқ малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларга услубий, амалий ўқув қўлланмалари, шу билан бирга ахборот воситаларини халқаро интернет тармоғига уланишини таъминлаб бериш, бу билан мутахассисларимизни иқтисодиёт соҳасидаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан тез ва кенгроқ фойдаланишини таъминлаган бўламиз.

Зеро, тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида юқоридаги фикрларимизни муҳокама қилган ҳолда унинг ижобий томонларини ҳаётга татбиқ қила олсак, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожига муносиб ҳисса қўшган бўлардик.

## Привлечение иностранных инвестиций через рынок ценных бумаг

**Абдуллаев Б** – ***слушатель группы СБ-26.***
**Научный руководитель: Н.З. Жумаева**

Финансовый рынок живет самостоятельной жизнью, подчиненной своим закономерностям и оказывает громадное воздействие на процессы производства на национальном и мировом уровнях.

Современный этап развития международного рынка капиталов показывает рост рынка ценных бумаг. Привлекательность ценных бумаг зависит от ликвидности рынка, на котором они выступают объектом купли-продажи. Поэтому в странах с переходной экономикой одним из актуальных вопросов остаётся совершенствование способов привлечения капитала через рынок ценных бумаг. Правительство Республики Узбекистан приняло необходимые меры для развития данного рынка: с 1986 года функционирует и расширяется рынок ГКО (государственные краткосрочные облигации).

На сегодняшний день возникла проблема увода инвесторами и банками капитала с рынка ГКО. Причины увода капитала инвесторами следующие:

- либерализация валютного рынка;
- сравнительно низкий уровень доходности государственных облигаций;
- стоимость привлекаемого капитала по сравнению с доходностью инвестируемого капитала;
- фактор диверсификации обращающихся на фондовом рынке негосударственных ценных бумаг

С целью повышения привлечения инвестиций и капитализации рынка государственных ценных бумаг предпринимаются следующие меры:

- допуск на первичный рынок ГКО иностранных инвесторов;
- разрешение участия на торгах всех инвестиционных посредников, имеющих лицензии Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг
- разработка порядка доступа коммерческих банков и их региональных отделений на рынок ценных бумаг
- открытие доступа региональных отделений бирж к первичным и вторичным торгам государственными ценными бумагами

## *Бозор иқтисодиёти шароитида рақобат муҳитини яратиш муаммолари*

**Мингқулов М.** - ***БТ-21 гуруҳ тингловчиси***
***Илмий раҳбар: Юлдашева У. С.***

*Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин соғлом рақобат* муҳитини яратиш, бозор муносабатларини шакллантиришнинг асосий, муҳим

шартларидан бири эканлиги белгилаб қўйилган. Рақобат–истеъмолчиларга сифатли товарларни нисбатан арзон нархларда сотиб олиш, ва уларнинг сотиб олиш қобилиятини янада ошириш имконини яратади. Истеъмолчиларнинг сотиб олиш қобилиятига караб, жамият фаровонлиги хам шунча юқори бўлади. Соғлом рақобат мухитини шакллантриш, иктисодиётни эркинлаштиришнинг мухим шартларидан бўлиб хисобланади. Айрим ҳолларда бирон бир товар бозорида маълум бир махсулот ёки хизмат тури бўйича нархлар ва товарлар айланиши шартларини белгилашга қодир, яъни бозорда ҳукмронлик мавқеига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ҳам пайдо бўлиши табиий ҳолдир.

Мустақилликка эришилган дастлабки вақтларда собиқ иттифоқ доирасида иктисодий муносабатларнинг узилиши натижасида товар бозорларида турли хил танглик ва етишмовчилик холатлари юзага келди. Юзага келган вазиятда биринчи навбатда давлатнинг вазифаси- бу нархларни кескин даражада ошиб кетишига ҳамда йирик, монопол мавқеига эга бўлган корхоналар томонидан қонун бузилиш ҳолатлари юз бермаслиги учун барча чора-тадбирларни амалга ошириш кераклиги белгилаб қўйилган.

Устунлик мавқеига эга бўлган корхоналар товар бозорида юзага келган муносабатларга кучли таъсир кўрсатиши натижасида истеъмолчилар орасида тенгсизликни ва товарларга қиммат нархлар қўйилишига олиб келади. Шунинг учун иқтисодиётда бундай ҳолатлар юзага келмаслиги учун монополист корхоналарнинг фаолиятини тартибга солиш зарурдир.

Республикамизда 2000 йил Президент фармонига асосан, Молия вазирлигининг монополияга қарши ва нарх сиёсати бош бошқармаси мустақил давлат кўмитасига айлантирилди. Қўмита фаолиятининг асосий вазифалари:

- соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун зарур ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва молиявий шарт- шароитларни яратиш;
- монополист корхоналар ва табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш;
- ноҳалол рақобат устидан назорат олиб бориш;
- давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат органлари ҳужжатлари устидан назорат олиб бориш.

Республикамизда рақобатчилик муҳитини яратишда истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилишга ҳам алоҳида диққат қаратилмоқда. Истъемолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида қонун қабул қилинди. Республика истъемолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ташкил этилди. 2002й 28 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилишдаги муҳим қадам ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Республикамизда 7660та маҳалла, 755та уй-жой мулкдорлари ширкати, 333та бозорда истъемолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан таянч пунктлари ташкил этилган, 210та шаҳар ва туманларда шундай жамиятлар фаолият юритмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, турли тармоқ бирлашмалари, яъни ассоциациялар, ҳолдинглар, концернлар ва турли тузилмалар кўпинча соғлом рақобатчилик муҳитини яратиш, вужудга келтириш ўрнига, рақобат муҳитини

шакллантиришга салбий таъсир кўрсатади, кўпинча кўшимча тусиклар хосил килади.

Республикамизда энг диккат каратилиши зарур бўлган мухим муаммо - бу ишлаб чикарилаётган махсулотларнинг ракобатбардошлилигини таъминлаш муаммосидир.

*Ракобат курашига асосан* бозорни вужудга келтириш учун хам назарий, хам амалий жихатдан бир-бирига боғлиқ қуйидаги бир катор муаммолар хал этилиши керак:

- ♦ Инфиляцияни жиловлаш
- ♦ Бозорни демонополлашувини амалга ошириш
- ♦ Бозорнинг барча турларини ривожлантириш
- ♦ Бозор турини тўғри танлаш

*Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш* учун зарур шарт-шароитлар яратиш, кабул қилинган қонун, норматив хужжатларни самарали ишлашини таъминлаш

♦ Кенг халқ истъемоли моллари ишлаб чиқаришда кичик ва ўрта корхонлар ташкил этишдаги тўсикларни камайтириш

♦ Қабул қилинган қонунларнинг амалдаги ижросини таъминлаш ва бошқалар.

## Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантиришда туризмнинг ўрни

**Насруллаев Ҳ. Ҳ. - СТ-23 гурух тингловчиси**
**Илмий раҳбар: Юлдашева У.С.**

Маълумки, дунёнинг кўпгина давлатларида туризм - даромадларнинг ва аҳоли бандлигини таъминланишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Баъзи чет эл мамлакатларида туризмдан келадиган тушумлар ялпи ички маҳсулотнинг тўртдан бир қисмини, товарлар ва хизматлар экспортида эса бешдан бир қисмини ташкил этади.

Шунинг учун давлат органлари зарурий туристик инфратузилмани шакллантириш, туристлар, бизнесменлар ва капиталнинг оқиб келишини рағбатлантирувчи тегишли қонунчиликни қабул қилишга ҳаракат қиладилар. Экспертларнинг фикрларича, туризмни ривожлантириш, унинг экспорт салоҳияти, чет эл инвестицияларини, илғор технологиялар ва бошқарув тажрибасини жалб қилишни рағбатлантирувчи алоҳида ҳуқуқий режимга эга бўлган ҳудудларни юзага келтириш мақсадга мувофиқ вазифа бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда халқ хўжалигининг мустақил ва истиқболли тармоғи бўлган туризмнинг миллий моделини шаклланиши жараёни амалга оширилмоқда. Ҳаммага маълумки мамлакатимизнинг бой ўтмиши, тарихий обидалари, гўзал табиати кўпчилик туристларнинг диққатини ўзига жалб этади

ва шунинг ўзи Ўзбекистон худудида туризм фаолиятини ташкил этишга асос бўлади.

Туристик бозор, хар кандай бошка бозор сингари мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ва иктисодий аҳволга таъсирчан бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, у шундай индскатор бўлиб ҳисобланадики, унга қараб кўпгина ривожланган чет мамлакатлар икки томонлама ҳамкорлик, инвестициялар ва капитални ишончли жойлаштириш имкониятларини белгилайдилар.

Бозор муносабатларининг шаклланиши шароитида Ўзбекистонда туризм миллий даромадни қайта тақсимлашда иштирок этганлиги учун миллий иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг муҳим омилига айланмоқда. Мустакиллик йилларида туризм давлат секторида фаолият кўрсатиш билан бир қаторда иктисодиётнинг нодавлат секторида ҳам ривожланиб бормоқда.

Туризмнинг барқарор ривожланиши истиқболлари, бизнинг фикримизча, 3 вазифани амалга оширишни талаб этади:

- Миллий туристик ташкилотларни шакллантиришни жадаллаштириш;
- Туризм соҳаси ривожланишини башоратлаш;
- Ўзбекистонда эркин туристик худудни юзага келтириш.

Белгиланган тадбирларни амалга ошириш миллий туризм соҳаси ўсишини тахминан 10 мартага ошириши мумкин.

Ҳозирги босқичда туризм ресурсларни юзага келтириш, «Буюк Ипак Йўли» лойиҳасини амалга ошириш ва Европани Шарқ ва Осиё-Тинч океани ҳудуди билан боғловчи халқаро транзит маршрутларни ташкил этиш ва шунингдек, туристларга тақдим этиладиган қўшимча хизматларни янада кенгайтириш йўли билан Ўзбекистоннинг қулай геосиёсий имкониятларидан максимал фойдаланишга диққат эътиборимизни қаратишимиз зарур.

Биз эга бўлган ресурслар ва инфратузилма асосида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича назарда тутилган маълумотга қараганда 2001 йилда 1,5 млн турист келган, 2005 йил маълумотига кўра асосан бу миқдор 2,3 млн туристни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Лекин бунинг учун инфратузилмани ривожлантириш режаси, кадрларни тайёрлаш, маркетинг бўйича тадбирларни амалга ошириш, туристларга кўрсатилаётган хизматлар сонини кенгайтириш лозим бўлади.

Республикамизда туризмни ривожлантириш режасини молиявий таъминлаш молиялаштиришнинг турли манбалари (давлат бюджети, банк ссудалари, ижтимоий фондлар, чет эл инвестициялари, бизнесменлар ва бошқа хусусий инвесторлар) ҳисобига туристик ўринлар сонини кенгайтиришни назарда тутади. Бунда туристларни жойлаштириш ўринлари умумий сонини 2003 – 2005 йилларда 2-3 мартага ўстириш, хорижий туристлар учун мўлжалланган ўринлар сонини эса 6,4 мингдан 15,0 минггача кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Шундай қилиб, тегишли реклама тадбирини ўтказиш, виза ишларини осонлаштириш, меҳмонхоналар ва ресторанлар хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш натижасида туристларни кескин кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасига фақат туристик визалар асосида ташриф буюрувчи чет элликлар 2003 – 2005 йилларда 18,6 минг кишидан 540,0 минг кишига кўпаяди.

Туристик хизматларни сотиш, қабул қилинишини ташкил этиш ва чет элликларга хизмат кўрсатиш кўп жиҳатдан малакали ишчи кадрлар ва мутахассисларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади. Бу эса туристик бизнес ишчи ўринларини кенгайтиришнинг асосий манбаи, келажакда қурилажак туристик объектлар, қўшимча хизматлар ва аҳоли бандлигини кенгайтириш демакдир.

## Аудиторнинг иш ҳужжатларини расмийлаштиришдаги муамолар, ечимлар ва ривожлантириш истиқболлари

**Ниязов А.А.** - ***Банк-Молия Академияси тингловчиси***

Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақилликни қўлга киритгандан кейинги 11 йил давомида иқтисодий мустақиллик сари эволюцион йўл билан ўтмоқда. Бунда энг асосий масала бозор иқтисодиётининг объектив қонун ва категориялари талабларидан келиб чиққан ҳолда жаҳон мамлакатларидаги бухгалтерия ҳисоби, назорат ишларининг интеграциялашувига эришиш асосида чет эл инвестициялари учун зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратишдир.

Бозор муносабатлари шароитида халқ хўжалиги бошқарув органларининг турларига, функционал вазифаларига қараб назорат: давлат органлари ва назорати нодавлат хўжалик субъектлари назоратига бўлинади. Бундай назорат турларининг келиб чиқишига сабаб, биринчидан, турли мулк шаклларининг вужудга келиши бўлса, иккинчидан республикамизнинг чет эл компаниялари, инвесторлар билан иқтисодий алоқаларда бўлишидир.

Назоратни ривожлантириш мақсадида мустақилликнинг дастлабки йиллари «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Аммо, 1992 йилда қабул қилинган бу қонун шиддат билан тез ўзгарувчан бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб бера олмай қолди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўтган давр ичида тўпланган тажрибаларни ва аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардаги камчиликларни эътиборга олиб, 2000 йил 26 майда "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонунни янги таҳрирда қабул қилди. Янги қабул қилинган қонун 29 моддадан иборат бўлиб, аудиторлик фаолиятига кўплаб янгиликларни олиб кирди. Жумладан, мазкур қонунда биринчи марта аудитор ёрдамчиси, аудитор малака сертификати, мажбурий аудиторлик текшируви, ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви каби янги тушунчаларга ҳуқуқий тасниф берилган. Бундан ташқари янги таҳрирдаги қонунда Аудиторлик ҳисоботи, аудиторлик хулосаси ҳам давр талабига мос равишда етарли даражада кенг ёритиб берилган. Қонунда аудиторлик фаолияти тушунчасига аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва бошқа шу билан боғлиқ касбий хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти деб тариф берилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли "Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларни аҳамиятини

ошириш тўғрисида"ги қарори билан мустаҳкамланган.

## Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби

**Норқўзиев И.** - ***СТ-12 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбари: Хатамов Қ. Х.**

Ўзбекистоннинг дунё бозорига чиқиши, бошка давлатлар билан алокалар ўрнатиши, яъни турли мулкчилик шаклига ўтиши ўз навбатида бухгалтерия ҳисоби олдига катта вазифалар қўяди.

Ҳозирги пайтга келиб, бухгалтерия хисоби ҳам анча такомиллашди. Бухгалтерия хисоби тўғрисида янги қонун кабул килинди, харажатлар таркиби тўғрисида Низом ишлаб чиқилди. Булардан ташқари, бухгалтерия ҳисобини халқаро талабларга мослаштириш учун бухгалтерия хисоботининг миллий андозалари ишлаб чикилди. Бу андозаларнинг ишлаб чиқилиши давр талабидир.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзига тегишли бўган асосий воситалар ва номоддий активларга эга бўлиши лозим. Чунки бу воситаларсиз иқтисодий фаолиятни амалга ошириш мумкин эмас.

Асосий воситаларни хисоби тўғрисида № 5 БХМАга мурожаат қилсак, у ерда қуйидаги таъриф берилган:

Асосий воситалар деб - узоқ давом этадиган вақт мобайнида (бир йилдан кўпроқ) моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, ноишлаб чиқариш соҳасида ҳам амал қиладиган, шунингдек ижарага бериш учун фойдаланиладиган моддий активларга айтилади.

Ишлаб чиқариш жараёнига қараб, асосий воситалар ишлаб чиқаришга боғлиқ ва ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган асосий воситаларга бўлинади.

Бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар 4 хил баҳода ҳисобга олинади:

- Дастлабки қиймати
- Қолдиқ қиймати
- Тиклаш қиймати
- Тугатиш қиймати.

Асосий воситалар корхонанинг ўзида объектларни қуриш, машина ва асбоб ускуналарни ясаш, мол етказиб берувчи ва пударатчилардан ёки бошқа ташкилотлардан сотиб олиш, бепул олиш, акциядор ва таъсисчилардан устав капиталига улуш қўшиш тариқасида олиш, инвентаризация натижасида ортиқча чиққан асосий воситаларни ҳисобга олиш йўллари билан корхонага қабул қилиниши мумкин.

Асосий воситалар корхонага қабул қилинаётганда махсус тузиладиган ва корхона раҳбари томонидан тасдиқланган комиссия томонидан асосий воситаларни қабул қилиш – топшириш далолатномасини тузиш билан расмийлаштирилади. Асосий воситаларни корхонага қабул қилиш – топшириш далолатномаси корхона бухгалтериясига берилади. Шу далолатнома асосида ҳар бир объектга инвентар варақаси очилади.

Инветар объекти деб маълум ишлаб чиқариш функциясини мустакил равишда бажаришга мўлжалланган курилма тушунилади.

Таъсисчилар, акциядорлар томонидан устав капиталига улуш сифатида кабул килинган асосий воситалар қуйидаги бухгалтерия проводка билан акс эттирилади:

Дт. Кт.

*0110-0199* *4610*

Бепул қабул килинган асосий воситаларнинг колдиқ қиймати (Идоралар ичида бериладиганлардан ташкари) Молия вазирлигининг 1995 йил 5-сентябр 92– сон ва *ДСҚ нинг 72–сон* хатига биноан даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш базасига қўшилади ва ундан солиқ ундирилади.

Бепул олинганда: Дт. Кт.

*0110-0199* *9900*

Асосий воситалар фойдаланиш натижасида жисмоний ва маънавий эскиради. Эскирган асосий воситаларни тиклаш ва янгилаш учун амортизация ҳисобланади.

№5 БҲМАда асосий воситаларга эскириш (амортизация) ҳисоблашнинг 4 та усули тавсия қилинган:

- Бир маромли (тўғри чизикли) усули

$$\frac{\text{Даст.қий.} - \text{Туг.қий.}}{\text{Хизмат қилиш муд.}} = \text{йиллик амортизация суммаси}$$

- Бажарилган иш хажмига нисбатан (ишлаб чиқариш) амортизация ҳисоблаш усули

$$\frac{\text{Даст.қий.} - \text{Туг.қий.}}{\text{Мул. иш хажмимуд.}} = \text{йиллик амортизация суммаси}$$

- Камайиб бораётган қолдиқ усули

Бу усулда эскириш меъёри қолдиқ қийматга кўпайтирилади. Одатда эскириш меъёри 2 га кўпайтирилиб олинади.

- Йиллар йиғиндиси усули (кумулятив усул)

***Бу усулда ҳар бир йилда амортизация меъёри амортизация муддатининг охиригача келган амортизация қилинадиган қийматдаги улуш сифатида аникланади. Бу улуш амортизация ажратмалари тугагунгача кетган тўлиқ йилларнинг миқдорини амортизация муддатини ташкил этувчи йилларнинг тартиб сони миқдорига тақсимлаш йўли билан аниқланади.***

Асосий воситаларга эскириш суммасига: Дт. Кт.

*0110-0199* *0210-0299*

Бозор иқтисодиёти шароитида воситаларнинг янги тури, яъни номоддий активлар пайдо бўлди. Номоддий активларга табиий - моддий кўринишга эга бўлмаган, узоқ муддат ишлаб чиқаришда ёки корхонани боқаришда фойдаланиладиган, шуннингдек қўшимча даромад келтириш имконини яратувчи маблағлар киради. Бундай маблағлар таркибига ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, интелектуал мулк, савдо маркаси, фирма белгисидан фойдаланиш ҳуқуқлари, патент, лицензиялар, ҳисоблаш

техникасининг дастурий таъминоти, «ноу-хау», «гуд-вилл», брокер жойларини сотиб олиш ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш, янги корхона тузилганда ташкилий харажатлар киради.

Ноу-хау – янги ғоя, фикр, технологиялар ёки муаммоларни янгича ҳал қилиш қиймати. Унинг таркибига тижорат сирлари, патент қилинмаган технологик жараёнлар ва бошқа ишлаб чиқариш хамда савдога таалукли маълумотлар киради.

Гуд-вилл – фирма баҳоси, одатда корхонани сотиш натижасида пайдо бўлади ва сотиб олинган корхона мулкининг баланс қиймати ва сотиб олиш (бозор) нархи орасида фарқдан шаклланади.

Савдо маркаси ёки фирма белгиси муайян фирма товарларига қўйиладиган ва бошка фирма маҳсулотларинидан фарклантирувчи белгидир. Баъзи фирмалар ўз махсулотларининг сифати, харидоргирлиги билан бутун дунёга машҳур (м-н, Мерседесс, Адидас,...) фирмалар белгисини қўйиш ҳуқуқини сотиб олади.

Номоддий активлар бухгалтерия ҳисобида уларни келишилган (шартнома) қийматида сотиб олиш, қабул қилиш, маркетингга доир изланишларга кетган барча харажатлардан ташкил топган дастлабки киймати бўйича акс эттиради.

Янги БҲМА № 21(янги таҳрирда)да номоддий активларни ҳисобга олувчи счёт 0400 қилиб белгиланган ва тегишли субсчётлари орқали бошқа счётлар билан корреспонденцияланади.

Номоддий активларни корхоналар ёки шахслардан сотиб олишда қуйидагича ёзув амалга оширилади:

Дт. Кт.

*0400 5010, 5110, 6010*

Уларни кирим қилиш учун асос бўлиб гувоҳнома, патент, ҳисоблаш технакаси дастурий таъминотини ишлаб чиқарилганлиги тўғрисидаги далолатнома, шартнома ва баённомалар хизмат қилади. Бу ҳужжатларда объектнинг таърифи, унинг дастлабки қиймати, фойдаланиш муддати ва тартиби келтирилади.

Устав капиталига улуш сифатида таъсисчилардан номоддий активларни қабул қилиш мумкин.

Дт. Кт.

0400 4610

Номоддий активларни бошқа корхоналардан бепул олишда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дт. Кт.

0400 9900

Эскириш қисман эскиришни ҳисоблаш йўли билан амалаг оширилади. Номоддий активларни эскириши уларнинг дастлабки қиймати хамда ижобий фойдаланиш муддати асосида корхона томонидан ишлаб чиқариш ва раҳбар тасдиқлаган меъёрлар бўйича ҳар ойда маҳсулот ёки давр харажатларига қўшилади. Ижобий фойдаланиш муддатини аниқлаш имконияти бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш меъёри 5 йил (корхона фаолият муддатидан ортиқ бўлмаган) муддатга мўлжаллаб белгиланади.

Номоддий активлар корхонага кераги бўлмай колганда, уларни хисобдан чикариш, сотиб юбориш ёки бошка корхонага бепул бериши мумкин.

Номоддий активларларнинг ҳисобдан чикарилиши уларни қабул-қилиш топшириш далолатномалари, қўшма корхона, акционерлик жамияти, ширкат бошқаруви мажлиси қарорлари, номоддий активларни хисобдан чикариш далолатномалар ва бошқа шу каби дастлабки ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Бундай операциялар 9220 счётда олиб борилади.

## Давлат экологик дастурлари ва уларга амал қилиш

*У.Норматов. - Ст-21 гуруҳ тингловчиси*
**Илмий раҳбар – доцент, Умаров С. С.**

Атроф муҳит муҳофазаси ва табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш, экологик бухронлардан чикиш маълум даврни қамраб оладиган давлат, давлатлараро ва мажмуали экологик дастурлар ишлаб чиқилишини тақазо этади. Дастур мақсади белгиланган вақт мобайнига қараб анча сермазмун ва табиат муҳофазасининг барча соҳаларини ипидан игнасигача қамраб оладиган даражада турли мутахассислар иштирокида тайерланади.У илмий ва амалий мутахассислар иштирокида бир неча бор муҳокамадан ўтказилиб унда кўзла тутилган ва белгиланган муддатда бажарилиши кафолатланган вазифалар қўйилади. Бинобарин тадбирлар аниқ ва равшан, миқдорий кўрсаткичлар ҳаққоний бўлиши зарур.

Ўзбекистонда табиат муҳофазаси соҳасида давлатнинг 1986 йилда 1986-1990 йиллар ва 2000 йилгача бўлган давргача атроф-муҳит муҳофазасининг илмий-техник мажмуали дастури ишлаб чиқилган эди. Бу дастур тўлиғи билан бўлмасада қисман бажарилди. Мазкур дастурни тайёрлаш натижасида орттирилган тажриба асосида ва унинг камчиликларини ҳисобга олган ҳолда, 1989 йилда 1994-1995 йиллар ва истиқболда 2005 йилгача бўлган даврга мўлжалланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат дастури ишлаб чиқилди. Бу дастур олдингисидан анча фарқ қилади. Мазмунан экологик ғоялар, меъёрий-услубий кўрсаткичлар ва мезонлар билан бойитилган, амалга ошириладиган тадбирлар маълум йиллар бўйича кўрсатилган ҳамда уларнинг экологик-иқтисодий самарадорлиги кўрсатиб ўтилган. Дастурда узоқ муддатгача мўлжалланган вазифалар ва ишларнинг устивор йўналишлари кўрсатиб берилган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг асосий ишлари мазкур дастур асосида амалга оширилмоқда.

Бозор иқтисодиёти мунасабатларининг халқ хўжалигининг барча тармоқларига таъсири, мулкнинг хусусийлаштирилиши, ёқилғи-энергетика, дон мустақиллигига эришиш ва бошқа ижтимоий иқтисодий туб ўзгаришлар, табиий бойликлардан эҳтиёжга яраша фойдаланиш, бу борада ҳам бозор иқтисодиёти тамойилларига амал қилишни тақазо этмоқда. Шу жиҳатдан қараганда давлат экологик дастурига ҳам муайян ўзгартиришлар киритиш ва

қайта таҳрирдан ўтказиш зарурияти туғилмоқда. Чунки унда кўрсатилган кўплаб миқдорий кўрсаткичлар, муддатлар ўзгартиришга муҳтож, уларни янгилаш ва мазмунан янгиликлар киритиш жоиздир.

Бизнингча, айниқса Оролбуйи ва Орол денгизи муаммоси сув бойликларидан фойдаланишни яхшилаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, яйловларнинг махсулдорлигини ошириш, саноат корхоналари ва автомабиллардан чиқадиган чиқиндилар ҳажмини камайтириш ва иккиламчи бойликлардан фойдаланишнинг самарадорлигини кескин ошириш, ўрмонлар ихота дарахтзорлари майдонини кенгайтириш ва бошқа соҳаларда муайян ўзгартиришларни киритиш тўғрисида ўйлаб кўриш даркордир.

## Давлат даромадлари тизими

**Тожиев Ш. М.** - ***Тошкент Давлат юридик институти магистри***
**Илмий раҳбар: доц. А. А. Раҳимова**

Молия ва молиявий муносабатлар ҳар бир жамиятда мавжуд муносабатлар ичида асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Аввало, хар бир муносабатнинг келиб чикиш тарихига назар ташламай, унинг моҳиятини тушуниб етиш қийин.

Молия ва молиявий муносабатларнинг вужудга келиш тарихи инсоният тарихининг таркибий қисми бўлиб минг йиллар аввал пайдо бўлган. Қадимги Бобилдаги Ҳамуриппи қонунлари, қадимги Ҳиндистондаги Ману қонунлари, Хитой, Рим империяси ва Турон қонунларининг ҳаммасида бож-хирож, солиқлар тўлаш, давлат хазинаси ҳисоб-китоб масалалари ўз аксини топган. Уларда жамият ҳаётида мустаҳкам ўрин тутган пул ҳисоб-китоби билан боғлиқ молиявий муносабатларга катта аҳамият берилган. Чунки молия соҳасида, солиқ-бож соҳасида тўғри сиёсат юритилиши жамият тараққиётининг муҳим шарти бўлган.

Давлат даромадлари тушунчасига келсак, давлат ўзига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажара олиши учун етарли даражада молиявий ресурсларга эга бўлиши керак.

Давлат ўз маблағларини шакллантириш жараёнида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида давлат, жамоат, хусусий мулкчилик шаклларидаги корхоналарда вужудга келтирилган даромадларни, шунингдек, фуқароларнинг меҳнат, тадбиркорлик ва бошқа даромадларининг муайян қисмини ўз тасарруфига олади. Давлат даромадларини вужудга келтиришда молиявий тизимнинг барча бўғинлари фаол иштирок этади.

Давлат ўз олдида турган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун маълум бир молиявий барқарорлиги, кўп жиҳатдан, мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси билан боғлиқ бўлади.

Давлат муайян функцияларни амалга ошириш жараёнида молиявий ресурсларга эҳтиёж сезар экан, шу сабабли турли пул тўловлари ва

ажратмалари кўринишида мамлакат миллий даромадининг бир қисми унинг эҳтиёжларига йўналтирилади. Натижада у ўз даромадларига, яъни давлат даромадларига эга бўлади. Бу даромад давлат эгалигида бўлиб, тегишли давлат ҳокимияти органлари томонидан тасарруф қилинади.

Давлат даромадларини ташкил этиш жараёнида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида юзага келадиган ва турли хил мулк шаклига асосланадиган даромадни ўз ихтиёрига жалб этади, бундан ташқари, давлат ўзининг молиявий базасини ташкил этишда фуқароларнинг ишлаб чиқаришда иштирок этишидан, тадбиркорлик фаолиятидан, қимматли қоғозлар сотиб олишидан, мулкдан фойдаланишидан оладиган даромадларининг бир қисмидан фойдаланади. Давлат даромадлари ўзининг тузилишига кўра қуйидаги тушунчага эга бўлади:

Давлат даромадлари турли давлат пул фондларида яъни турли бўғиндаги бюджетларда, бюджетлардан ташқари фондларда тўпланади. Давлат ва маҳаллий даромадларнинг турлари уларнинг тизими ҳуқуқий тартиботи амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади. Жумладан давлат даромадлари 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Давлат, солиқ ва молияга оид муносабатларда, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда юридик ва жисмоний шахслар томонидан уларни солиқ соҳасидаги конституциявий мажбуриятларни ўз вақтида саводли тарзда бажаришларига кўмаклашувчи адабиётлар яратилиши айни пайтда долзарб масаладир. Ўзбекистоннинг 1998 йил 1 январдан амалга киритилган Солиқ кодекси мутахассислар томонидан чуқур ўзлаштирилиб олиниши ва кенг халқ оммаси орасида ҳар томонлама тарғиб ва ташвиқ қилиниши лозим.

Давлат даромадларининг тизими масаласига тўхталиб ўтадиган бўлсак, уларнинг тизими, шунингдек, ҳар бирининг аҳамияти давлатнинг иқтисодий тизимига боғлиқ бўлади. Давлатнинг маҳаллий даромадларини ташкил этишнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил қилади. Конституцияда давлатнинг иқтисодий тизими, турли мулк шакллари уларнинг давлат томонидан бир хилда муҳофаза этилиши фуқароларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиши натижасида ташкил топадиган мулкнинг кафолатлари шахсий хўжалик юритиш ҳамда қонунга зид бўлмаган ҳолда бошқа даромадлар олинишининг кафолатлари мустаҳкамланган. Давлат даромадлари қуйидагича таснифланади:

а) давлат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятидан келиб тушадиган даромадлар;

б) нодавлат корхона ва ташкилотлардан келиб тушадиган даромадлар;

в) хусусийлаштиришдан келиб тушадиган даромадлар:

г) фуқароларнинг даромадларидан келиб тушадиган даромадлар;

д) бошқа даромадлар.

Давлат даромадларининг ижтимоий-иқтисодий хусусиятига кўра таснифланиши давлат даромадларининг манбаларини (уларнинг турли мулк

шакллари билан алоқасини) давлат даромадларини ташкил этишда мулкчиликнинг мақсадига мувофиқлигини тўлиқ очиб беради.

Давлат даромадлари юридик хусусияти ва шаклига кўра солик ва мажбурий ажратмалар ва тўловларга бўлинади. Солиқлар мажбурийлик ва қайтариб бермаслик хусусиятларига эга.

Давлат ва маҳаллий бюджетларнинг даромад манбалари одатда махсус мақсадларни кўзламайди хамда муайян давр учун зарур бўлган эҳтиёжларга ва дастурларнинг бажаришига сарфланди.

Мулкка бўлган муносабатни хисобга олган холда давлат даромадлари ва маҳаллий даромадлар Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунчилиги хамда солик қонунчилиги асосида, конунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа меъёрий актлар асосида тўпланади, тақсимланади.

## Учет доходов

**Тахиров А.А.** - ***Слушатель группы Ст- 16***
**Научный руководитель к.э.н. Абдибаева Т.Х.**

Изменение системы общественных отношений, неуклонное движение экономики Республики Узбекистан к рынку, все большая открытость мировым экономическим и интеграционным процессам в области внешнеэкономических связей потребовали адекватной трансформации бухгалтерского учета.

Реформа бухгалтерского дела обязательно должна проводиться с учетом налоговой политики государства. В связи с этим появилась потребность в определении видов и учета доходов.

Согласно НСБУ № 2 доход от основной хозяйственной деятельности – это поступление в течении периода, возникающего в ходе обычной деятельности хозяйствующего субъекта, когда эти поступления приводят к увеличению собственного капитала, за исключением тех увеличений, которые связаны со взносами владельцев в собственный капитал.

Стоимость в текущих ценах – это сумма, по которой может быть реализован актив или погашено обязательство.

Доход от основной операционной деятельности состоит только из валовых поступлений, полученных или подлежащих получению хозяйствующим субъектом на его счет. Суммы, взимаемые от имени третьих лиц такие, как косвенные налоги, которые поступают хозяйствующему субъекту и не приводят доход от основной деятельности. При посреднической деятельности валовые поступления не являются доходом от основной хозяйственной деятельности. В данном случае доходом является сумма комиссионных вознаграждений.

Доход от основной хозяйственной деятельности возникает в результате следующих операций:

- реализации товаров, выполнения работ и оказания услуг;
- передачи в пользование активов другим хозяйствующим субъектам, позволяющим получение процентов, роялти и других доходов.

К товарам относятся продукция, произведенная хозяйствующими субъектами с целью реализации и товары, приобретенные для перепродажи, или другие активы, хранимые с целью перепродажи.

Оказание услуг обычно включает в себя выполнение субъектом условий, оговоренных договором в течении согласованного периода времени. Некоторые контракты по оказанию услуг напрямую связаны с подрядным строительством, например, контракты на услуги управляющих проектом и архитекторов, которые рассматриваются в соответствии с требованиями стандарта «Подрядное строительство».

Использование активов хозяйствующего субъекта другими хозяйствующими субъектами приведет к получению дохода в виде:

- процентов, представляющих собой плату за пользование денежными средствами или денежными эквивалентами, или суммами причитающимися хозяйствующему субъекту;

- роялти, представляющих собой плату за пользование долгосрочными активами хозяйствующего субъекта, например патентами, торговыми марками, авторскими правами и компьютерными программами;

- других доходов, представляющих собой распределение прибыли между участниками (учредителями) пропорционально их доле в собственном капитале.

Доходы от основной хозяйственной деятельности не включают в себя доходы:

- лизинговых соглашений согласно НСБУ «Учет лизинга»;
- начисления дивидендов и доходов, получаемых от инвестиций;
- страховых контрактов со страховыми компаниями;
- изменений в текущей стоимости финансовых активов и финансовых обязательств или в случае их реализации;
- изменений в стоимости прочих оборотных средств;
- естественного прироста скота и продукции сельского и лесного хозяйств;
- добычи минеральных руд.

Доход от основной хозяйственной деятельности оценивается по стоимости полученного или подлежащего получению выручки(возмещения) в текущих ценах.

В большинстве случаев выручка существует в форме денежных средств или их эквивалентов. Сумма дохода – это сумма полученных или подлежащих получению денежных средств или денежных эквивалентов.

Если обменивается товар на товар равнозначный или идентичный, то такой обмен считается сделкой не приносящий доход.

Продажи товаров или оказания услуг в обмен на другие товары или услуги, то есть бартер, рассматривается как сделка, приносящий доход.

Доход от основной хозяйственной деятельности измеряется по стоимости полученных товаров или услуг в текущих ценах, скорректированный на сумму перечисленных денежных средств или денежных эквивалентов. Если стоимость полученных товаров или услуг в текущих ценах не может быть точно измерена, то доход от основной хозяйственной деятельности оценивается по стоимости

отгруженных товаров или услуг, скорректированной на сумму перечисленных денежных средств или денежных эквивалентов.

Доход от основной хозяйственной деятельности отражается в момент, когда существует возможность, что экономические выгоды поступят хозяйствующему субъекту в будущем. А также эти выгоды могут быть надежно и точно измерены.

Так, доходы обычно признаются , когда достигнуто выполнение договора *и когда существует твердая уверенность относительного измерения и* возможности получения выручки.

Применяются ко всем статьям для признания в финансовых отчетах следующие четыре критерия признания:

- определение;
- оценка;
- своевременность;
- достоверность.

Один из основных критериев признания доходов, полученных от продажи товаров – передал ли продавец покупателю значительные риски и вознаграждения от права собственности на проданные товары. Если продавец сохраняет за собой право собственности, то как правило, эту сделку нельзя признать как продажу. Некоторые риски, связанные с правом собственности которые могут быть сохранены, входят в обязательство по неудовлетворительному исполнению, не покрытые обычными гарантийными условиями; право покупателя на аннулирование сделки. В большинстве случаев с продажей товаров, доход признается тогда, когда клиент получает право владения. При розничной продаже, этот момент совпадает с моментом передачи законного права собственности. В других случаях, передача владения *или рисков и вознаграждений может произойти в период времени*, отличного от передачи законного права собственности.

При определении, были ли значительные риски и вознаграждения , связанные с правом собственности, переданых покупателю, необходимо рассмотреть, закончена ли операция и сохраняет ли продавец за собой любой контроль над переданными товарами и той степени, которая как правило ассоциируется с правом собственности.

Существуют следующее применение принципов доходов в ряде деловых ситуаций:

- Доход, признанный при передаче (момент продажи);
- Доход, признанный после передачи;
- Доход, признанный до передачи.

Аналитический учет доходов отражается следующими бухгалтерскими проводками:

- Д-т 4010 К-т 9010 Реализация продукции на момент отгрузки;
- Д-т 5110 К-т 4010 Оплата покупателем продукции;
- Д-т 5110 К-т 4010 и Д-т 9910 К-т 4010 Торговая скидка учитывается и отражается как убыток;
- Д-т 4010 К-т 9010 и Д-т 5110 К-т 4010 К-т 9910 Торговая надбавка *отражается как прибыль.*

## Проблемы либерализации валютного рынка

**Турсунов А. - слушатель группы СТ-16**
**Научный рук. Доц. Султанходжаев У. А.**

Достижение конвертируемости национальной валюты процесс очень сложный, требующий принятия комплекса взаимоувязанных мер в области монетарной, денежно – кредитной и внешнеторговой политики. Конвертация тесно связана с движением значительных международных потоков товаров и финансовых активов, снятие ограничений на конвертируемость обеспечивает ряд значительных преимуществ для экономики. Конвертируемость означает принятие валютного режима, который позволяет свободно продавать или покупать иностранную валюту.

На начальном этапе достижения конвертируемости необходимо обеспечить:

1) установление обменного курса не противоречащего равновесию платежного баланса;
2) наличие достаточной международной ликвидности (резервов иностранной валюты, доступа к иностранным валютным займам), а также размер резервов иностранной валюты, который может хватить на оплату импорта;
3) необходима стабилизирующая финансовая политика (сокращение денежной массы, снижение её роста, чтобы предотвратить избыток внутреннего спроса и рост импорта, который приводит к большому дефициту платёжного баланса;
4) принятие эффективных мер в области приватизации и установление равных прав на введение внешнеэкономической деятельности для всех субъектов экономики. Национальные производители должны быть заинтересованы, и в состоянии реагировать на сигналы рынка для того, чтобы воспользоваться всеми преимуществами конвертируемой валюты.

Введение конвертируемости по текущим счетам позволяет резидентам страны привлекать инвестиции и современные технологии, необходимые для увеличения объемов и качества отечественного производства.Инвестиции из-за рубежа могут сопровождаться передачей современных технологий и управленческого опыта.

Наряду с преимуществами конвертация несёт в краткосрочной перспективе и определенные издержки. Девальвация обменного курса ведет к снижению реальных доходов населения, что может привести к сокращению объёмов производства и рабочих мест, если продукция национальных производителей будет вытеснена импортной.

Колебания обменного курса при регулировании валютно-финансовой сферы могут возрасти, что приведет к усилению перепадов денежной массы и внутренних процентных ставок.Возрастает опасность утечки капитала за

рубеж, что может привести к понижению обменного курса и крупным потерям резервов иностранной валюты.

Международный опыт показывает, что в процессе осуществляемых реформ в финансовой сфере в условиях макроэкономической нестабильности, то она может усилиться.

Цены, искаженные в следствии протекционизма или других форм государственного регулирования, могут привести к усугублению и ухудшению состояния экономики.

На место прямого государственного вмешательства в финансовую сферу должна придти система законодательного и косвенного регулирования.

## Вопросы совершенствования управления предприятиями

**Турсунов А. Слушатель гр. СТ-16**
**Руководитель ст. преподаватель Д.Н.Шарипова**

Вопросы совершенствования управления предприятиями являются актуальными не только для стран с переходной экономикой, но и уже более века находятся в центре внимания исследователей и практиков менеджмента в развитых странах. Надо отметить, что система управления бизнесом в промышленно развитых странах на протяжении всего XX века неоднократно менялась и постоянно совершенствовалась.

Развитие рыночных отношений и изменение условий хозяйствования объективно требуют освоения новых методов управления предприятиями, широко распространенных в развитых странах. Использование передового опыта, адаптированного к нашим условиям хозяйствования, позволит сократить потребности во времени и ресурсах, необходимых для развития экономики и выхода предприятий нашей страны на новые рубежи, сделает их более конкурентоспособными на региональном и мировом рынках.

Опыт последних 10 лет показал, что для достижения требуемого уровня развития отечественных предприятий необходимо целенаправленное и достаточно сильное воздействие. Во-первых, нужно знать, что мы желаем получить и в чем недостатки существующего положения вещей. Только в этом случае можно разработать необходимую программу действий, содержащую цели, рациональные мероприятия и методы, а также показатели оценки успешности.

В рыночных условиях для эффективного хозяйствования предприятиям необходимо добиваться максимальных экономических результатов с минимальными затратами, значит, основным вопросом становится достижение прибыльности. Более того, при изменении роли государства в управлении предприятиями, когда уже не гарантируются поставки необходимого сырья и сбыт готовой продукции по соответствующим ценам, остро стоят вопросы перспективного планирования и выбора стратегии развития предприятий.

Именно достижение конкурентоспособности является двигателем постоянных изменений в ведении бизнеса, импульсом к поиску новых методов управления.

Анализ положения менеджмента в развитых странах и странах с переходной экономикой показывает, что перед ними стоят совершенно разные задачи. Для менеджеров постиндустриальных стран - развитие навыков управления в эпоху глобализации, а перед менеджментом отечественных предприятий стоят задачи догнать передовые страны в области управления предприятиями.

П. Друкер, один из наиболее известных исследователей современного менеджмента, считает, что состояние менеджмента на большинстве предприятий СНГ соответствует уровню 50-летней давности. Поэтому он *предлагает ориентироваться на опыт развитых стран, разумеется, с учетом* местных особенностей.

Между тем для большинства отечественных предприятий и предприятий других стран СНГ совершенствование управления, направленного на выявление и полноценное использование внутренних ресурсов, является главной, а зачастую - и единственной возможностью для выживания и развития. Именно выявление внутренних ресурсов явилось способом выживания на первом этапе развития менеджмента предприятий в странах Запада.

Следующим, не менее важным, вопросом является выявление ключевых факторов успеха, основных стратегических преимуществ. В условиях системных изменений успешными могут быть только динамичные предприятия, основным ресурсом которых становятся *высококвалифицированные специалисты с творческим подходом* к своей работе и с чувством большой ответственности. Это доказывает возрастающую роль человеческого фактора в развитии экономики. Возрастают и роль идеологии компании, и значимость организационной культуры, которая всегда активно использовалась, будучи своего рода «поддержкой» директивных решений. И наоборот, отказ от моральных ценностей снижает инициативу и мотивацию к высокопроизводительному труду, что может отрицательно повлиять на проведение изменений в системе управления предприятиями.

Таким образом, для того чтобы достичь развития менеджмента отечественных предприятий и в сжатые сроки догнать по уровню управления развитые страны мира, необходимо определить основные проблемы в данной области.

На наш взгляд, важно внести следующие элементы стратегического *управления в деятельность отечественных предприятий*:

- предприятия должны оптимизировать свою деятельность для достижения экономического успеха, а не исполнять указания любой ценой;
- в своей деятельности опираться на стратегическое планирование, т.е. прогнозировать свое будущее на перспективу;
- определить себе цели на долго-, средне- и краткосрочный периоды, причем эти цели должны быть ясными, измеримыми и достижимыми;
- выделить критические факторы успеха, которые и следует развивать;

• создать культурные ценности, развивать идеологию компании как средство усиления потенциала роста;

• совершенствовать менеджмент как основу гибкости предприятия.

Как видно из вышеперечисленных элементов стратегического управления предприятиями, необходима смена парадигмы управления, суть которой в том, что управление предприятием должно проводиться с учетом интересов коллектива, собственников, общества и государства.

Итак, необходимость стратегического управления предприятиями обуславливается двумя основными факторами: во-первых, необратимыми системными изменениями в хозяйственной жизни страны, во-вторых, повышением динамики внезапных и непредсказуемых изменений во внешней среде предприятий.

## Ўзбекистонда бозор тизимида янги аграр муносабатларни шакллантириш муаммолари

**Дўсанов Т.** - ***БТ- 21 гуруҳи тингловчиси***
**Илмий раҳбар: и.ф.н. У.Юлдашева**

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги билан банд аҳоли 65%ни ташкил қилади, яъни бу эса саноат тармоқларига хом ашёни етказиб беради ва шу билан бирга Ялпи Ички Маҳсулотнинг 16,4% ни (2002 йил ҳисоботида) ташкил қилади. Республикамиздаги баъзи иқтисодий туманлардаги хозирги қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ айрим реал иқтисодий муаммолар, унинг ечими ва буларнинг ҳозирги мамлакат ривожланишига таъсирлари кучлидир.

Шундай муаммолардан бири сув тақчиллиги муаммосидир. Сув тақчил шароитларда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш дастурини ишлаб чикиш ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Республикаси учун асосий ижтимоий-иқтисодий вазифа ҳисобланади. Сув тақчиллиги ҳам иқтисодий , ҳам ижтимоий тусдаги бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Суғориш сувининг етишмаслиги иқтисодиётнинг барча тармоқларида – йирик корхоналар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятида ўзини намоён қилади. Улар кам қувват билан ишлайди, айримлари умуман фаолият кўрсатишдан тўхтайди, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти (ҳом-ашёси) қимматлашади.

Сув заҳираларининг бирданига ўзгариши қишлоқ хўжалигига жуда ёмон салбий таъсир кўрсатади. 2001 йилда суғориладиган ернинг ярим қисмига экин экилмай қолди. Ялпи пахта толаси етиштириш 1999 йил етиштирилган 189,4 минг тоннадан 2001 йилда 125,4 минг тоннага камайди, 2000 йилда ишлаб чиқарилган шоли эса, 171,1 минг тоннадан 2001 йил 1,1 минг тоннага камайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқишнинг камайиши агросаноат комплексининг ҳамма тармоқларида қониқарсиз аҳволга олиб келади ва пахта тозалаш айниқса, шоли тозалаш заводларининг кўп қисми ишлатилмай қолади.

Сув заҳиралари динамикасини таҳлил қилишдан кўриниб турибдики, ўтган 12 йилнинг охирги 4 йилида сув кам бўлганлиги, сув камчилигининг

қайтарилиши вақти тобора камайиб бораётганлиги кўзатилади. Энг муҳими, кетма-кет 2 йил сув камчилигининг қайтарилиши ҳеч қачон кузатилмаган эди.

Қишлоқ хўжалиги сув билан таъминланишида юзага келган вазиятни бартараф этишда энг муҳим вазифалар қуйидагилардан иборат:

- мавжуд сув захираларидан самарали фойдаланиш,
- экин ерлари тузилмаси ва чопикни сув заҳираларига мослаштириш,
- сув йуқотилишининг олдини оладиган ва қишлоқ хўжалигининг хаётий муҳим заҳирасининг ҳар бир кубометрини юқори хосил олиш учун ишлатишда иктисодий механизмларнинг хаммасидан фойдаланиш.

Сув танқис бўлган 2000-2001 йилларда Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги қийин аҳволда қолди. Сув танқислиги сабабли, нобуд бўладиган экин майдонлари кўпаймоқда. Масалан; 2000 йилда экин майдонларининг 40%даги ўсимликлар, 2001 йилда, ўтган йиллар сабоғини ҳисобга олиб, экин майдонлари 2 баравардан кўпроқ қисқартирилди. Бироқ шунга қарамай, 2001 йилда ҳам 25 минг гектар майдондаги экинлар нобуд бўлди. Асосан, намсевар экинлар (шоли, ғўза) нобуд бўлди. Ўсимликлар нобуд бўлганда барча ҳаражатлар нобуд бўлмаган ўсимликлар ҳисобига кўчади. Бу эса, маҳсулот таннархининг қимматлашишига, ишлаб чиқаришнинг зарар келтиришига олиб келади.

Муаммони жамоатчилик ва ҳатто айрим мутахассислар, олимлар томонидан турли йўллар орқали ҳал этиш мақсадга мувофиқдир. Сув танқис шароитларда экин майдонларининг сувни тежовчи таркибли бундай шароитларда ўстириш учун кам намсевар экинларни танлаш йўли билан экин майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Бундай натижаларга эришиш Қорақалпоғистон шарт-шароитларига, тупроқ таркиби ва иқлимига мос келадиган навларини ёки дурагайларини тўғри танлаб олиш, агротехника қоидаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

## Модели рыночных систем

**А. Мусинов** – ***слушатель группы СТ-26***
**Научный руководитель: Жумаева Н. З.**

The countries of Central Asia were hit by a triple-transition: the adjustment to the economic shock of the break-up of the FSU, the transition from state planning to market-driven economies, and an ongoing political transition. Though in terms of economic performance, there has been a certain recovery since 1995/6, which was interrupted by the Russian crisis of 1998 the replacement of state management with market-driven economic systems was - and remains - a major challenge for the new republics which (in contrast to Central European countries) had no recent market experience.

Recent researches showcase the impact of initial conditions on the transition performance by influencing the macroeconomic policy. In this article author is to highlight those regional specific features in Central Asia which are holding back economic transition.

First of all the region could not be considered as a single object geopoliticaly due to the weak links between its subjects, practically full absence of basic infrastructure . Central Asia being the largest continental massive in the world is not self-sufficient due to the absence of direct access to the outer seas and world trade routes.

Secondly considering the production allocation system of FSU the economy of the region was shaped up as an agriculture-natural resources provider type. Therefore economic potential of Central Asian states has competing not the complementing character.

The countries of Central Asia face a common set of challenges, and yet their intensity and impact differs significantly from country to country. The table given below demonstrates the those challenges at various levels country-by-country.

Obviously the economic isolation of the region and the poor ecology are the key problems. Manufacturing are largely affected by the limited transportation capacities: being landlocked Central Asian countries have a major disadvantage conducting both export and import operations. For water the state of maintenance of dams and irrigation systems is very poor, with large waste of scarce water resources and risks of catastrophic failures; there is lack of cooperation and political tension about intra-regional water allocations; countries are planning large, wasteful investments in water storage and transmission, based on sub- optimal design at the

country, rather than regional, level; the results are man-made droughts and major economic, social and environmental problems.



Source: Central Asia: Ten years in transition. Central Asia Donor's Consultation Meeting. The World Bank. Berlin, Germany. March 1, 2002.

Uzbekistan faces serious challenges in most dimensions. As a key player in the region, progress in economic reforms, an improvement in its economic performance and increased readiness to deal with regional issues in a cooperative manner would have major benefits not only for Uzbekistan itself, but for the region as a whole. On the other hand, further economic development and pace of reforms in Uzbekistan are crucial for the transition progress in the whole region especially in Kyrgyzstan and Tajikistan.

## Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Япон ва Француз моделлари

**Д. Саитхўжаев** - ***Тошкент автомабил ва йўл қурилириши инситути талабаси,***
**Илмий раҳбар и.ф.д., проф. М. И. Ирматов**

*«Япон модели»нинг асосий хусусиятлари:*

Миллий иқтисодиётнинг асосий йўналишларига давлатнинг юқори даражада таъсир кўрсатиши. Давлат аввал танкерлар ишлаб чиқаришни, сўнгра автомобиль, 70-йиллардан эса, электроника ва компьютерлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлади. Бундай ёндошув Японияга 70-йилларнинг ўртасидаги чуқур кризислардан ҳоли бўлиб, иқтисодиётни динамик тарзда ривожланишини таъминлади.

1957 йилдан бошлаб иқтисодиётни танглик ҳолатидан олиб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришда юқори самарага эришиш стратегияси аниқланиб, энергетикани ривожлантириш режаси ишлаб чиқилди. Кадрларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга аҳамият берилди. Уни амалга оширишда фирмалар ҳам қатнашади, лекин асосан умумий жараёнга давлат раҳбарлик

қилди. Бу инвестиция ундан фойдаланиш, солик, нарх, иш хаки сиёсати оркали амалга оширилди.

- Иш хақидаги фарқ унча катта эмас эди. Фирма бошлиғи билан ходимлар ўртасида фарқ 17 марта атрофида.

Модел социал йўналтирилган. Давлат ижтимоий нотенгликка карши курашади. Ахолининг социал хуқуқларини маълум даражада корпорация ва бирлашмалар зиммасига юклайди. Аҳоли жон бошига яратилган ЯММ 40,9 минг доллар бўлиб, дунёда 3-ўринда туради.

«Француз модели». Бу модел алоҳида ажралиб турадиган хусусиятга эга эмас. У «американча» ва «немисча» модел ўртасида бўлиб, давлатнинг тартибга солувчилик роли юқори.

Францияда 1947 йилдан беш йиллик индикатив режа тузилади.

Ҳатто, иқтисодиётнинг хусусий сектори хам умуммиллий режаларга киритилган. Лекин кўп укладли иқтисодиёт хўжалик юритувчи субъектларнинг бу режада қатнашиши ихтиёрий. Давлатнинг қўллаб-қувватлашидан умидвор фирмалар, албатта, ана шу режаларни кўзда тутиб, фаолият юритишга харакат қилади.

*«Француз модели»да давлат тадбиркорлиги катта ўрин тутади.* Капитал жамғарилишига, инвестицияга давлат кенг миқёсда аралашади. Франция аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ЯММ маҳсулот бўйича жаҳонда 12-ўринда туради. Бу 26,3 минг долларга тенг.

## Развитие частного предпринимательства в Узбекистане

**Хен В − *Курсант Ферганский налоговый колледж***
**Научный руководитель: А.Махмудов**

В 1991 году Республика Узбекистан приобрела независимость, стала суверенным, демократическим государством.

Точкой отсчета истории нынешнего отечественного предпринимательства следует считать 15 февраля 1991 года, когда был принят Закон «О предпринимательстве в Республики Узбекистан».

В сегодняшнее время предпринимательская деятельность является преобладающей в экономике развитых стран.

Нынешний предприниматель использует свои способности, чтобы обеспечить такое комбинирование и соединение факторов производства, которое наилучшим образом приведет к достижению цели, получению высокого дохода.

Предпринимательская деятельность невозможна без поиска новых сфер рационализации и выгодного вложения ресурсов, осуществления новых форм *комбинаций в производстве, продвижения на новые рынки, создания новых* продуктов, обоснованого риска.

Рычагом этих действий, приведенных выше, является конкурентная среда, то есть конкуренция между предпринимателями. Вот именно это и приводит к таким факторам как новаторство, качество товара, дешевизна и так далее.

Предприниматель, беруший на себя ответственность новаторского, нетрадиционного соединения факторов производства - земли, капитала, труда - способствует росту производства товаров и услуг, повышению эффективности экономики.

Следует подчеркнуть, что предприниматель заинтересован в политической и экономической стабильности общества, без чего ему невозможно осуществлять свою деятельность и получить доход. Именно поэтому предпринимтель будет всячески способствовать консолидациии общества - а это одна из важнейших задач государства. Кроме того, у предпринимательской деятельности и государства имеются и другие общие цели:

- удовлетворение потребностей людей в товарах и услугах, при этом предприниматель, реализуя свои товары или услуги, получает от этого доход. А государство, в свою очередь, заинтересовано в поступлении налогов от предпринимательской деятельности;

- повышение конкурентоспособности товаров и услуг, расширение экспорта, занятие достойного места Республики Узбекистан на мировом рынке.

Из этого следует, если у государства и предпринимательства общие цели, то они союзники.

Из изложенного следует, что молодое независимое, суверенное государство Узбекистан нуждается в развитии частного предпринимательства, малого и среднего бизнеса.

Для процветания в сфере экономики Республике Узбекистан следует упростить систему налогообложения малого и среднего бизнеса.

Частный предпринимтель, занимаясь предпринимательской деятельностью, получет доход, уплачивая налоги в бюджет и тем самым, пополняет государственный бюджет Республики Узбекистан.

Правовым фундаментом предпринимательской деятельности в Узбекистане является формируемая иерархическая система законодательно-правовых актов.

В статье 53 Конституции Республики Узбекистан указано, «Государство гарантирует свободу экономической деятельности, предпринимательства и труда с учётом приоритетности прав потребителя ».

Следующий по приоритетности среди законодательных актов, регулирующих предпринимательскую деятельность, является Гражданский кодекс Республики Узбекистан.

Основные нормативные положения, регулирующие предпринимательскую деятельность, содержатся в законе Республики Узбекистан «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности».

В связи с этим для повышения уровня экономики государства следует выполить следующее:

- рассмотреть в отдельности каждую деятельность частного предпринимателя и в соответствии с полученными доходами скорректирировать ставки на каждый вид деятельности в общем.

- Создать среду развития начального бизнеса путём выдачи кредитов для развития частного предпринимательства на льготной основе.

- Поновому рассмотреть порядок таможенного сбора по обложению импорта при ввозе товаров на территорию Республики Узбекистан.

В условиях рыночных отношений малое и среднее предпринимательство является единственным быстродействующим сектором экономики.

## Финансовая политика Республики Узбекистан в условиях переходного периода

**А. Д. Нуриев** - ***слушатель группы БТ-16***
**Научный рук. У. Султонходжаев, к.ф.н., доц.**

Степень развитости финансовой системы характеризуется ее способностью выполнять следующие основные функции:

- Аккумулирование и размещение сбережений
- Обеспечение ликвидности
- Эффективное распределение инвестиционных ресурсов и оценка рисков
- Контроль и мониторинг пользователей денежных средств
- Осуществление расчетных и кассовых операций.

Вклад финансовой системы в экономику зависит от количества и качества ее услуг и эффективности их предоставления. Финансовые услуги позволяют развивать торговлю товарами и услугами, а также получение и предоставление кредитов более дешевым и менее рискованным способом. Без них страна обречена на натурализацию экономических отношений, сдерживающую специализацию производства и рост его эффективности.

Финансы являются ключом к капиталовложениям, а следовательно, и к экономическому росту. Предоставление сбереженных средств лицам, способным использовать их эффективно, увеличивает доход как кредитора, так и заемщика. Однако работающая финансовая система кредитования может быть и дорогостоящей, и рискованной. Самофинансирование инвестиций является одним из способов преодоления этих трудностей, однако ресурсов частного предприятия, как правило, для этого недостаточно. Еще один способ привлечения инвестиций государственного сектора – это мобилизация дополнительных сбережених через налоговую систему. Но чрезмерная централизация создает серьезные трудности, особенно при сборе информации, необходимой для осуществления капиталовложений на здоровой и благоразумной основе. Поэтому для достижения большей эффективности требуется поддержание баланса между внутренне генерируемыми ресурсами предприятий, централизованно организуемыми сбережениями и инвестициями и рыночно ориентируемыми финансовыми мероприятиями.

В процессе эволюции значительные изменения претерпевают *институциональная структура* , финансовые инструменты, характер и масштаб финансовых рынков.

Направление развития финансовой системы определяется следующими основными факторами: технологическим прогрессом, ростом благосостояния населения, государственным регулированием, изменениями прав собственности, потребностями в финансовых ресурсах со стороны реального сектора экономики.

Технологический прогресс в настоящее время заключается в массированном применении телекоммуникационных и компьютерных технологий, позволяющие снизить оперативные издержки и затраты при осуществлении операций, расширить круг предоставляемых продуктов и услуг, что ускоряет процесс глобализации.

Рост благосостояния населения изменяет ряд последствий. Во-первых, он ведет к трансформации предпочтений индивидуальных вкладчиков, затрагивая различные типы финансовых активов, а также соотношение их характеристик (параметров риска, ликвидности и доходности). В частности с ростом доходов население предпочитает кредитовать не через банк, а напрямую, вкладывая денежные средства в акции и облигации, которые, может быть, более доходны, но менее ликвидны и более рискованны. Во-вторых, происходят изменения в структуре собственности и контроля над корпорациями.

Изменение условий и рамок государственного регулирования, налагая определенные ограничения на один и стимулируя другие виды деятельности различных учреждений, влияет на потоки сбережений и инвестиций.

Анализируя функции финансовой системы, виды учреждений, выполняющих эти функции, методы их работы, можно условно выделить три этапа, которые проходит финансовая система в своем развитии:

1. банковская:
2. рыночная:
3. секьюритизация.

На первом этапе банки являются доминирующими, а нередко и единственным инструментом финансовой системы. На различных стадиях развития финансовой системы различных стран банки были преимущественно универсальными.

На втором этапе развитие института финансовых посредников - небанковских структур, которые берут на себя и такие функции, как аккумулирование и размещение новых сбережений. Данный этап характеризуется также ростом значения финансовых рынков, прежде всего рынка капиталов.

Этап секьюритизации характеризуется центральной ролью рынка и рынка ценных бумаг. Предприятия получают возможность аккумулировать средства с помощью дешевых внешних источников в сфере ценных бумаг и других инструментов, обращающихся на рынке.

При этом доля банков в аккумулировании сбережений в форме депозитов и в их размещении через банковские кредиты сокращается.

Этап секьюритизации характеризуется рядом тенденций. Во-первых, увеличивается аккумуляция сбережений в форме коллективных сберегательных инструментов, выпускаемых инвестиционными компаниями и обладающих

преимуществами диверсификации и возможностью оптимизации соотношения доходности, риска и ликвидности.

Во-вторых, рост благосостояния приведет к увеличению сбережений, которые аккумулируются и размещаются небанковскими учреждениями чаще всего в форме акций и облигаций. Это приводит к росту финансовых активов по отношению к реальным активам, а также к увеличению доли ценных бумаг в общем объеме финансовых активов.

## СЕКЦИЯ: БОЖХОНА ТИЗИМИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШИ

### Товарларни кимёвий таркиби асосида таснифлаш

Т. Дўсанов - *БТ-21 гуруҳ тингловчиси*
Илмий раҳбар - Қ. Каримқулов

«Товарларни кимёвий таркиби бўйича синфлаш ва сертификатлаш» ихтисослиги товарларнинг кимёвий таркиби, кимёвий ва физикавий ва бошқа хоссалари асосида халкаро код рақамларини белгилаш ва сертификатлар бериш муаммоларини тадқиқ этади. Ихтисослик номидан келиб чиққан ҳолда, товарлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган икки йўналиш-синфлаш ва сертификатлаш йўналишларида ўрганилади. Ҳар бир товар савдо-сотиқ объекти сифатида божхона юк баённомаси (БЮБ) билан божхона органларига тақдим этилади. Тегишли тарзда расмийлаштирилган БЮБда бошка бандлар қаторида товар номи ва ТИФ ТН бўйича товарнинг халқаро код рақамлари кўрсатиладиган бандлари эга. Шу билан бирга ликда, ҳар қандай товар хавфсизлик ва сифат кўрсаткичлари талабларига мослигини тасдиқловчи ҳужжат, яъни сифат сертификати билан тақдим этилиши лозим. Товарларни ТИФ ТН бўйича тегишли 9 рақамли халқаро код рақамига мос келишини белгиловчи мезоний кўрсаткичлар кўп товарлар учун мукаммал эмас ва кўплаб мамлакатларда шу йўналишда илмий-тадкиқотлар олиб борилмоқда. Халқаро код рақамларини аниқлашда товарларнинг кимёвий таркиби, олинишнинг технолигик жараёнлари, экспорт ёки импорт қилинаётган товарларнинг сифатини назорат қилиш, уларга сифат ва бошқа сертификатлар бериш масалаларини илмий- тадқиқотлар натижалари бўйича асослаш имконини яратади.

**<u>«Товарларни кимёвий таркиби бўйича синфлаш ва сертификатлаш» ихтисослиги бўйича олиб бориладиган илмий тадкикотларнинг мақсад ва вазифалари</u>**

Халқаро савдо-сотиқ жараёнларини соддалаштириш мақсадида товарларни синфлаш кодлари ТИФ ТН киритилган. Барча ривожланган мамлакатларда бу код 9 рақамдан ташкил топган. Бунда дастлабки 6 рақам Уйғунлашган тизим Конвенциясига аъзо мамлакатлар учун мажбурий, колган 3 рақам ҳар бир алоҳида мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш учун

режалаштирилган. Код рақамларини аниқлаштириш билан кимёвий таркиби ўхшаш, лекин сифати ва жаҳон бозоридаги нархи турлича бўлган товарларни дифференциациялаш имкони туғилди.

Тадқиқотлар вазифаси бир товарни бошқа, кўпинча ўхшаш товардан фарқлаш имконини берувчи мезоний кўрсаткичларни аниқлашдан иборат. Тадқиқотлар натижасида юқорида кўрсатиб ўтилган кўрсаткичларнинг ягона қийматларини тезкор аниқлашни таъминловчи таҳлил экспресс услубларини ишлаб чиқилди.

Олиб бориладиган тадқиқотларнинг асосий мақсади илмий асосланган ташқи иқтисодий фаолият миллий товарлар номенклатурасини яратиш ва такомиллаштиришдир.

Товарларнинг халқаро код рақамларига уларнинг кимёвий таркиби, олинишининг технологик жараёнлари, тузилиши, органолептик ва физик-кимёвий ҳамда бошқа кўрсаткичларини илмий жиҳатдан ўрганиб чиқиш асосида, тегишли ўзгартиришлар, янгиликлар киритиш, товарларни тўғри номлаш, товар сертификатини унинг кимёвий таркиби асосида тўғри бериш, иқтисодий муносабатларда бўлиши мумкин бўлган қатор жиноятларни олдини олиш ва натижада экспортёр ҳамда импортёрлар манфаатларини ҳимоя қилиш имконини беради.

Тадқиқот объектлари. Тадқиқотларнинг асосий объектлари мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган, четга экспорт қилинадиган ва четдан импорт қилинадиган товарлардир. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда қўлланилаётган ТИФ ТН Россия Федерацияси амалиётида пахта толаси учун иккита код: гигроскопик пахта толаси: бошқалар тавсифи билан берилган. Шу билан биргаликда, мамлакатда узунлиги билан фарқланувчи, турли навли: ифлослилик даражаси билан фарқланувчи, турли синфдаги ва бошқа пахта толалари ишлаб чиқарилмоқда ва экспорт қилинмоқда.

Шунингдек, Республика иқтисодиётида муҳим ўрин тутган нефть ва нефть маҳсулотлари, улардан ажратиб олинган бирикмалар тадқиқот объектларидан бири бўлиб ҳисобланади. Жумладан, ишлаб чиқарилаётган техник мойлар ишлатилиш йўналишларига кўра турлича таркибга эга, лекин улар фақат битта ТИФ ТН коди билан синфланади. Уларни кимёвий таркибига кўра синфлаш муаммосини ҳал этиш ихтисослик тадқиқотлари натижаси асосида ҳал этилади.

Шу билан бирга моддаларни келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган масалалар, технологик шартлар, товар учун алоқадор бўлган барча жараёнлар, товар сертификатлари ҳам тадқиқ этилади. Амалдаги ТИФ ТН табиий манбалардан ажратиб олинган бирикмаларни синтетик усулда олинган моддалардан тузилишига ва физиологик хусусиятларига кўра фарқлаш имкониятини бермайди, бундай муаммоларни ҳал этиш тиббиётда ва халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган биологик фаол моддаларни аниқлаш имкониятини бериш билан бирга мамлакат табиий ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

Худди шундай мукаммал бўлмаган дифференциацияни пахта мойи ва бошқа кўплаб товарлар мисолида ҳам кузатилади, буларни ҳал қилмаслик эса мамлакат иқтисодиётига катта зарар келтириши мумкин.

Ҳозирги вақтда товарларни тавсифлашда уларга бериладиган сертификатлар асосий ҳуқуқий хужжат ҳисобланади.

Товарларни сертификатлаш масаласи фан ютуқлари асосида ҳал этилиши зарурлигини ҳаёт тақозо этмоқда.

Товарларга бериладиган мувофиқлик, гигиеник, келиб чиқиш, фитосанитар ва бошқа турдаги сертификатларни ишлаб чиқишда уларни физикавий-кимёвий хоссалари ҳамда кимёвий таркиби атрофлича урганилиши ва бу тўғрида тегишли мезонлар ишлаб чиқилиши зарур. Шунинг учун, ушбу ихтисосликнинг тадқикот объекти экспорт ва импорт қилинадиган ҳамда барча муомалага чиқариладиган товарлар доирасини ўз ичига олади.

Тадқиқот услублари. Тадкикотлар товарлар ва хом ашёларнинг кимёвий таркибини аниқлаш учун классик кимёвий ва техник услублардан, шунингдек, анализнинг замонавий инструментал услубларидан, кимёнинг турдош бўлимлари: аналитик, органик, физик ва бошқа соҳа кимё услубларидан фойдаланиб бажарилади.

Қўлланиш соҳалари: Давлат божхона қўмитаси ва давлат стандарт ташкилотлари, санитария-эпидемиология станциялари, Ташқи иқтисодий фаолият агентлигининг экспертиза лабораториялари, декларантлар, товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар.

Ўзбекистон Республикаси учун иқтисодий жиҳатдан муҳим бўлган товарларни (пахта толаси ва унинг маҳсулотлари, рангли металлар, ўсимлик ёғи ва ҳ.к.) кимёвий таркибини ўрганиш орқали уларни халқаро код рақамларини аниқлаш ва янги халқаро код рақамлари ишлаб чиқиш ўз навбатида юкоридаги товарларни четга сотишда ,ёки сотиб олишда уларни ўз қийматига кўра амалга оширади, бу эса Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини мустаҳкамлашга асос бўлади.

## Пахта толасини тўқимачилик корхоналарида қайта ишлашдан ҳосил бўладиган маҳсулотларини экспортида код рақамларини тадқиқ этиш

**Мингкулов М.** - ***БТ-21 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: доц. Қ. Каримкулов**

Товарларни Ташқи Иқтисодий Фаолият Товарлар Номенклатураси (кейинги ўринларда ТИФ ТН) бўйича тўғри синфланганлигини аниқлаш ва товарларни ТИФ ТН кодларини назорат қилиш, ривожланган давлатлар тажрибасига кўра товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлашни амалга ошириш юқори самара бериши аниқланди. Ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишда, яъни товарларни экспорт ва импорт қилиш жараёнида ҳар бир товар Уйғунлашган Тизимга асосланган ТИФ ТН асосида синфланади.

Товарлар қайси давлатлардан юборилишидан қатъий назар барча давлатларда бир хилда ТИФ ТН бўйича синфланиб, товарларни божхона назоратини амалга оширишда бир қатор қулайликлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини муҳофаза қилиш ва бож тўловларини тўғри ундирилишини назорат қилиш учун божхона экспертизасини амалга ошириш орқали товарларни ТИФ ТН бўйича синфлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда товар ва транспорт воситаларини халқаро код рақамларини аниқлашнинг турли хил усуллари мавжуд. Булардан товарларни синфлашда уларнинг кимёвий таркиби, тузилиши ва баъзи-бир хоссаларини инобатга олиб халқаро код рақамини аниқлашни - божхона амалиёти тажрибаси энг самарали ва мукаммал йўл эканлигини исботлади.

Товарларни халқаро ҳуқуқ нормалари асосида Уйғунлашган тизим бўйича ТИФ ТН ни амалда қўллашда баъзида бир қатор муаммолар пайдо бўлмоқда.

Ҳар бир давлат ўз миллий Товарлар Номенклатурасини (ТН) яратишда 1983 йил 14 июнда Брюсселда қабул қилинган товарларни кодлаш ва синфлаш Уйғунлашган Тизим (УТ) халқаро Конвенция талабларига амал қилган ҳолда ўз иқтисодий манфаатлари нуқтаи назаридан иш юритмоғи лозим бўлади. Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН, Мустақил Ҳамдўстик Давлатлари ТН га асосланган бўлиб, Республикамиз манфаатларини ҳозирча тўла акс эттирмайди.Табиийки,бу узоқ давом этадиган илмий изланишларни талаб қиладиган жараён. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган кўплаб саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тўла тавсифловчи ТИФ ТН кодлари мавжуд эмас.Бу эса кўп ҳолатларда мавҳум статистик маълумотлар тўпланишига ва бож тўловларини нотўғри ундирилишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 2 февралдаги 66-сонли қарорига кўра муассасалараро «Божхона тариф кенгаши» тузилиб, унинг вазифаларидан бири ТИФ ТН учун таклифлар ва қўшимчалар киритиш белгиланган. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган харидоргир товарлар учун ТИФ ТН га аниқ товар кодларини киритиш иқтисодий манфаатларимиз нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро иқтисодий муносабатларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини кимё фани ютуқлари асосида ривожлантириш масалаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, экспорт ёки импорт қилинадиган ҳар қандай товарга унинг кимёвий таркиби жиҳатидан ёндашиш, товарларнинг халқаро ТИФ ТН код рақамларини тўғри аниқлаш натижасида улардан бож тўловлари ва акциз солиқлари тўлиқ ундирилади ҳамда товарларнинг экспорт ёки импорти тўғрисидаги Давлат статистик маълумотлари тўғри юритилади ва Республиканинг иқтисодий хавфсизлиги таъминланади.

Ҳар бир товар учун халқаро иқтисодий муносабатларда расмийлаштириладиган божхона юк декларацияларида қўллаш учун код рақамлари кимё фани ютуқлари асосида ишлаб чиқилади. Экспорт ва импорт қилинадиган товарларнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш орқали уларнинг халқаро код рақамларининг тўғрилигини божхона экспертизасида назорат қилиш усуллари ишлаб чиқилади. Товарларнинг кимёвий таркибига кўра унга

хос бўлган физик-кимёвий мезонлар ишлаб чиқилиб, божхона экспертизасини амалга оширишнинг янги, тезкор усуллари амалиётга тадбиқ этилади.

Халкаро иктисодий муносабатларда товарлар учун Миллий товар номенклатурасида тўққиз хонали код ракамларини қўллаш оркали бож тўловларини ва акциз солиқларини аник белгилаш, пировард натижада Республика иқтисодиётини ҳимоя қилишни таъминлайди.

Бу максадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур деб топилди:

- пахта толаси ва маҳсулотларининг Уйғунлашган Тизим асосидаги Ташқи иқтисодий фаолият Товарлар Номенклатурасидаги амалдаги товар кодларига аниқлик киритиш:
- пахта толаси ва маҳсулотларининг тегишли меъёрий-техник ҳужжатларида берилган кўрсаткичлар характеристика ва нормаларининг аниқ чегараларини кимёвий таҳлил асосида белгилаб олиш, товар ҳолатини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан код рақамларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мезонларини таклиф этиш:
- пахта толаси ва унинг маҳсулотларининг кимёвий таркиби асосида халқаро иқтисодий муносабатларда Республикамиз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қиладиган янги товар код рақамларини ишлаб чиқиш ва уларни тавсифлаш, уларга изоҳлар тайёрлаш:
- янги таклиф этиладиган товар кодларини ЎзР Миллий Товарлар Номенклатурасида қўллаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига таклифлар киритиш:
- пахта толаси ва унинг маҳсулотларини божхона экспертизаси услубини ишлаб чиқиш ва халқаро иктисодий муносабатларда божхона юк декларацияси расмийлаштирилганда декларантлар, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчилар, экспертлар товар коди мутаносиблигини аниқлашларида қўллаш учун таклиф этиш.

Ушбу илмий изланиш юқорида таъкидланган соҳадаги дастлабки тадқиқотлардан бири бўлиб, пахта толаси ва унинг маҳсулотларини халқаро иқтисодий муносабатларда қўлланиладиган товарларнинг ТИФ ТН кодларини тадқиқ қилишга бағишланган.

## Божхона тизимида лицензиялаш муаммолари

**Ж. Мухамедов** - ***БТ-22 гуруҳи тингловчиси***
**Илмий раҳбар: и.ф.н., У. Юлдашева**

Тадбиркорликни ривожлантириш асосий тўсиқлардан бири бизнесни қонунийлаштириш йўлидаги чекловлар, энг аввало лицензиялашдир. Тадбиркорлар учун лицензиялаш – ўз фаолиятини қонунийлаштириш усули бўлса, давлат учун эса бу – фуқаролар ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида хўжалик

субъектлари тадбиркорлик фаолиятини назорат қилиш имконини берувчи, иқтисодиётни тартибга солиш дастакларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Лицензия механизмини иқтисодий жараёнларни тартибга солишнинг бошқа чоралари самара бермаган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Лицензиялашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- фискал функциянинг мавжуд бўлмаслиги;
- корпоратив (шахсий) манфаатларни амалга оширишга қаратилмаган бўлиши;
- қонуннинг қонуности ҳужжатлардан устунлиги, лицензиялаш тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқлиги, шу жумладан лицензияланадиган фаолият рўйхатларининг ягона рўйхатини, лицензиялашнинг ягона тартибини, хар бир фаолият турларини лицензиялаш шартлари ва талабларини аниқ белгилаб қўйиш;
- лицензиялар рақобатнинг ривожланишига тўсқинлик қилмаслиги.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги 2000 йил 25 май Қонунига асосан лицензиялаш бу давлат ва тадбиркорлар ўртасида икки томонлама битим бўлиб, унга мувофиқ тадбиркор ўзи танлаган фаолиятни юритиш қоидалари ва шартларига риоя этиш мажбуриятини олади.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қиладиган фаолият турлари рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 2002 йил 28 июндаги 236-сонли Қарорига мувофиқ, фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар рўйхати ва бу фаолият турлари тасдиқланган.

Ушбу рўйхатга мувофиқ, Давлат божхона қўмитаси қуйидаги фаолият турларига лицензия беради:

1. Божхона омборини таъсис этиш;
2. Божсиз савдо дўконини таъсис этиш;
3. Эркин омбор божхона режимида омборхона таъсис этиш.

Лицензия берадиган органлар рўйхати, лицензияланадиган фаолият турлари аниқ белгилаб қўйилган, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни қайта кўриб чиқиш, соддалаштириш кўзда тутилган. Лекин шунга қарамай, амалдаги қонунчиликда бир қанча ноаникликлар мавжудлигини айтиб ўтиш жоиз. Бундай ноаниқлик бир фаолият тури бир неча бошқа турларга ажралиб кетишига олиб келади.

Шунингдек лицензияланадиган фаолият турлари рўйхатига ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ҳуқуқига фақатгина шу рўйхатни тасдиқлаган орган Олий Мажлис эга бўлиши лозим.

Яна бир муаммо фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш фискал вазифани бажармаслиги лозим. Лицензия қийматини белгилаш уни берувчи органнинг қиладиган харажатларидан келиб чиқиши керак. Маълумки, лицензия берганлик учун тўлов уни берган ваколатли орган бюджетига тушади, бу эса уларнинг лицензия учун кўпроқ тўлов ундиришда манфаатдорлигини оширади. Бу нарса лицензия қийматини аниқлаш критериясини белгилаб

кўйишни тақозо этади. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги «Божхона йиғимлари ставкалари тўғрсида»ги 204-сонли Қарорига асосан, бож олинмайдиган савдо дўконини таъсис этиш ҳуқуқига лицензия берганлик учун йиғим ставкаси 5000 евро, эркин омборни таъсис этиш ҳуқуқига лицензия киймати омборнинг майдонига караб, 1000-4000 евро, божхона омборини таъсис этиш ҳуқуқига эса, агар очиқ турдаги божхона омбори бўлса, 1000-4000 евро, ёпиқ турдаги бўлса, 500-2000 евро миқдорида белгиланган. Мазкур мисолда лицензия учун тўловнинг фискал характерга эга эканлиги яккол намоён бўлган.

Лицензия олиш учун яна қуйидаги молиявий харажатлар мавжуд:

- Бошка вилоятлардаги тадбиркорлар учун Тошкентда лицензия олиш билан боғлиқ транспорт ва бошка турдаги харажатлар;
- Лицензия олиш учун қонунда белгиланмаган харажатлар.

Бошқа вилоятлардаги тадбиркорлар учун Тошкентда лицензия олиш билан боғлиқ транспорт ва бошка харажатларнинг олдини олиш учун тегишли органларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги таркибий тузилмаларига хам лицензия бериш ҳуқуқини тақдим этиш лозим. Бу муаммо божхона органларига хам таллуқли бўлиб , ҳудудий божхона бошқармалари *хам божсиз савдо дўкони, божхона омбори, эркин омбор таъсис этиш* ҳуқуқини берувчи лицензиялар бериш ваколатига эга бўлиши лозим. Давлат томонидан тартибга солиш воситаларининг бир нечтаси бир фаолиятга нисбатан қўлланилиши хам асосий муаммолардан бири. Аккредитация, сертификатлаш, лицензиялаш, турли стандартлар, қоидаларнинг қўлланилиши кўплаб қийинчиликларни юзага келтиради. Масалан, кўп ҳолларда маҳсулотнинг турли талабларига, нормаларига, стандартларига жавоб бериши аниқланиб, унга сертификат берилади. Бундай ҳолларда лицензия кўпинча фискал вазифани бажаради.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш ҳамда бозорда рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

## Дори воситаларини кимёвий таркиби асосида код рақамларини тадқиқ этиш асослари

**Пўлатов Б.** - ***ББ-21 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар - Қ.Каримкулов, доц.**

Кейинги вақтларда кимёгарлар томонидан ҳам, биологлар ва тиббиёт ходимлари томонидан ҳам гетероциклик бирикмаларга, айниқса, пиразоллар ва 1,2,3-триазоллар кимёсига қизиқиш кучаймоқда. Бунга сабаб таркибида пиразол ва триазол халқаси тутган бирикмаларни биологик фаоллиги кучли бўлиб, шамоллаш ва микробларга қарши фаоллиги кучли бўлганлиги сабабли уларга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Шу сабабли муаллифлар томонидан бир қатор

*биологик фаол тиббиётда қўлланиши мумкин бўлган моддалар синтез килиниб,* улардан энг биологик фаол моддалар ажратиб олинди, улардан:

1,4-бис(2-хлоробензоилокси)-2-бутин:3,4-бис(4-нитробензоилоксиметил)-пиразол: 3,4-бис(2,4-динитробензоилоксиметил)-пиразол:

1–фенил– 4, 5 – бис - (2-бромобензоилоксиметил)

1,2,3 - триазол: 1 - фенил-4,5-бис (3- бромобензоилоксиметил)

*1,2,3-триазол:1-фенил-4,5-бис(2,4-дихлоробензоилоксиметил)*

1,2,3-триазоллар амидопирин,бутадион, вольтарен ва индометацинларга нисбатан шамоллашга қарши фаоллиги 3-3,5 марта кучли эканлиги аникланиб,бу моддалар бугунги кунда Фармакологик комитетда клиник синовдан ўтказилмоқда. Ушбу биологик фаол қимматбаҳо моддаларнинг кимёвий таркиби ва физик кимёвий кўрсаткичлари асосида халкаро иқтисодий муносабатларда қўлланувчи товарларнинг номенклатура бўйича код рақамларини тадкик этиш зарур.

Ҳар бир модда учун халқаро иқтисодий муносабатларда расмийлаштириладиган божхона юк декларацияларида қўлланиладиган код ракамлари кимё фани ютуқлари асосида ишлаб чиқилди. Экспорт ва импорт қилинадиган товарларнинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш орқали уларнинг халқаро код рақамларининг тўғрилигини божхона кимёвий экспертизасида назорат қилиш усуллари ишлаб чиқилди. Моддаларнинг кимёвий таркибига кўра унга хос бўлган физик-кимёвий мезонлар ишлаб чиқилиб, божхона экспертизасини амалга оширишнинг янги, тезкор усуллари амалиётга татбиқ этилди.

Республикада яратилган янги кимёвий бирикмалар ва бошка моддаларнинг илмий асосда аниқланган халкаро код рақамлари эса уларни жаҳон бозорига олиб чиқиш имконини беради.

## Пахта линти ва пахта пухларини ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича уларнинг кимёвий таркиби асосида таснифлаш

**Пўлатов Б.** - ***ББ-21 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: доц. Қ.Каримқулов**

Пахта линти деганда - техник меъёрий ҳужжатлар(ЎзРСТ 645-95)да белгиланган, чигит юзасидан ажратиб олинган қисқа толалар тушунилади. Пахта линти Ўз РСТ 645-95 техникавий шартларда толалар узунлигига кўра «А» ва «Б» гуруҳларга ажратилган.

«А» гуруҳга толасининг узунлиги 7 ммдан юқори бўлган, «Б» гуруҳга эса толасининг узунлиги 77 ммдан қисқа бўлган линтлар киритилган. Бу линтлар таркиби, сифати ва нархи жиҳатидан ҳам фарқланади. Лекин пахта тозалаш корхоналарида линт тутган чикиндилар номи билан юритиладиган маҳсулотлар ҳам ҳосил бўлади. Бундай линтлар толасининг узунлиги 2-3 ммни ташкил этади.

Сўнгги йилларда қоғоз ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилиб ишга туширила бошланди. Қоғоз ишлаб чиқариш учун хом ашё А-целлюлоза ҳисобланади. А-целлюлоза эса толасининг узунлиги 2 мм гача бўлган пахта линтини қайта ишлаш натижасида олинади.

Бундай линтларнинг барчаси учун амалдаги ТИФ ТН да ягона товар коди 1404 20 000га тўғри келади.

Юқоридагилардан келиб чикиб, Ўзбекистон ТИФ ТНни такомиллаштиришда пахта линтларини таснифлаш масаласига алоҳида эътибор берилиши зарур.

Пахта линтини синфлашда аввало таркиб толасининг узунлиги асос қилиб олиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу вазифа 140420- субпозицияга, подсубпозициялар киритилиши билан амалга оширилиши лозим. Пахта линтининг таркиби, келиб чиқиши ва ишлатилишига кўра уларни тўртга ажратиш мумкин. Пахта чигитининг юзасидан ажратиб олинган линтлар:

- толасининг узунлиги 7 ммдан юқори,
- 3 мм дан 7 ммгача бўлади,
- 3 ммгача бўлган линтлар,
- бошқа усулларда олиниб, асосий модданинг микдори 85% дан юқори бўлган линтлар.

Шундай қилиб, пахта линтларини таснифлашда асосий мезон тола узунлиги бўлиб, улар учун ТИФ ТН 1404 20 субпозициясига подсубпозициялар киритиш лозим бўлади: яъни 1404 20 100, 1404 20 200, 1404 20 300, 1404 20 400, 1404 20 500, 1404 20 600, 1404 20 700,1404 20 800, 1404 20 900.

## Божхона ходимлари чегарамиз посбонлари

**Ў.Расулов - БТ-21 гуруҳи тингловчиси**
**Илмий раҳбар: З.Муҳиддинова**

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда ҳар қандай экспорт ва импорт жараёнларини имкони борича соддалаштириш, жаҳон андозаларига амал қилган ҳолда, давлат хазинасига кўп миқдорда маблағ туширишни таъминлаш, мамлакатимиздаги товар моддий бойликлар устидан қаттиқ назорат ўрнатиб, уларни ноқонуний йўл билан олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш, Республикамизга инсон ҳаёти учун зарар бўлган сифатсиз маҳсулотларнинг кириб келишига йўл қўймаслик зарур. Умуман олганда, давлатимиз чегара ҳудудларини қўриқлаш, давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш - бу божхона органларининг асосий вазифаларидан биридир. Зеро Ўзбекистон Республикаси «давлат божхона хизмати тўғрисида» қонунининг 1-моддасида ҳам «Божхона органлари Ўзбекистон Республикасининг ягона божхона сиёсатини амалга ошириш ва иктисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилади», деб ёзиб қўйилган.

Юқоридаги сўзларга қўшимча қилган холда, яна бир қонуний ҳужжатга яъни Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 1-моддасига эътиборни қаратсак.

Ушбу моддада: Ўзбекистон Ресспубликаси ички ва ташки сиёсатининг таркибий кисми хисобланувчи ягона божхона сиёсати амалга оширилади. дейилади.

Бундан ташкари шу моддага асосан божхона сиёсатининг асосий максади Ўзбекистон Республикасида самарали божхона назоратини амалга оширишни, ҳамда товар айрибошлашни тартибга солиш, иқтисодий ривожланишни таъминлаш ва Республика ички бозорини ҳимоя килиш таъкидлаб ўтилганлиги ҳам муҳимдир.

Ташки ва ички сиёсатда иқтисодий хавфсизликни таъминлаб турувчи божхона органининг ходимларида давлатимиз чегараларини ҳимоялашда олий даражадаги фазилатлар мавжуд бўлиши керак.

Аввало, божхона ходими ўз вазифасини бажарар экан у ўзида инсонпарварлик фазилатини мужассам этган бўлиши керак. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин: божхона ходимлари мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаб, бу вазифа замирида мамлакат фуқароларининг иқтисодий фаровонлиги, яъни юқори даражадаги турмуш тарзини вужудга келтириш гавдалантиради, чунончи: божхона ходимлари мамлакатга сифатсиз махсулотларни, давлатимиз ва жамиятимиз учун хавфли бўлган барча турдаги воситаларни, қурол-яроғ, наркотик-психотроп моддалар, оммавий қирғин қуроллар, диний-экстремизм ва фундаментализм, шунингдек сионизм, шовинизм, нацизм, фашизм каби ғояларни тарғиб қилувчи воситаларнинг кириб келишини ҳамда республикамиз ҳудудида барқарор бўлган валюталарни, халқимиз учун стратегик аҳамиятга эга бўлган товар-моддий бойликларни, қизил китобга киритилган флора ва фаунамизнинг чиқиб кетишини олдини олиш ва уни тўхтатиб қолиш оркали инсонпарварлик фазилатини амалга оширади.

Она юртимиз сарҳадларини қўриқлашда божхона ходимининг яна бир юксак фазилатларидан ватанпарварлик фазилати бўлиб, у божхона ходимининг кечани-кеча демай, кундузни-кундуз демай, дам олиш кунлари ва байрамларда ҳаёти учун хавфли, машшаққатли, бироқ шарафли бўлган касб хизматини сидқидилдан ўташида намоён бўлади. Ҳар бир ватанпарварлик туйғусини ўзида ҳис этаётган божхона ходими хизмат бурчини бажараётган вақтида киндик қони тўкилган Ватанини, туғилиб ўсган она диёрини, ота-онаси, ака-укалари, ёру-биродарлари, оиласи, фарзандлари ҳамда халқини бир лаҳза ҳам эсдан чиқармайди.

Яъни божхона ходимининг ўз хизмат бурчларини адо этаётган пайтда қонунларга адолатли ёндошган ҳолда иш олиб бориши, божхона чегарасини кесиб ўтаётган шахсларни уларнинг ирки, тили, дини, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, жамиятда тутган ўрни фукаролигидан қатъий назар, барчасини тенг кўриши, уларга бир хил муносабатда бўлиши, божхона соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда катта куч бўлиб хизмат қилади. Ана шу шахсларни конституция ва қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Божхона ходими Республика чегарасида хизмат килар экан, чет эл фукаролари биринчи навбатда божхона ходимлари билан муомалада бўлишади. Улар халкимиз, миллатимиз тўғрисидаги илк тассавурларга эга бўлишда божхона ходимининг хатти-ҳаракатлари, ўзини тутиши, муомаласи асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бу ўз навбатида ундан юксак миллий маданият, хушмуомалалийлик, халкимизнинг намунали вакили бўлиш каби хислатларни талаб қилади. Гарчи шундай экан, маданияти етук даражадаги божхона хизматчилари жамиятимизда алохида эътиборга сазовор бўладилар.

## Мамалакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда гигиеник ва ветеринария сертификатларининг тутган ўрни

Қ. Умаров - *ББ-21 гуруҳ тингловчиси*
Илмий раҳбар: доц. А. Намозов

Мамлакатимиз иктисодий хавфсизлигини таъминлашда, Республикамиз ҳудудига сифатли, стандарт талабларига жавоб бера оладиган импорт товарларнинг кириб келишини таъминлаш максадида давлатимиз томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмокда. Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарларнинг сифатлилигини ҳамда кишилар хаёти учун хавфсизлигини таъминлаш учун тегишли тартибда сертификатлаш катта аҳамиятга эга. Товар моддий бойликларини сертификатлаш амали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августдаги «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларни олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 295-сонли қарорида ўз аксини топган. Бу қарорга кўра Республикамизга кириб келаётган ҳар бир партия товарларни мажбурий сертификатлаш жорий этилган. Бу ўз-ўзидан мамлакатимизга сифатли товарларнинг кириб келишини таъминлайди.

Сертификат сўзи лотинчадан олинган бўлиб «Certum» - тўғри « faceve» - қилмоқ деган маънони англатади.

Сертификатлаштириш мажбурий ва ихтиёрий турда бўлади.

Товарларни сертификатлаштириш истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиги, атроф муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашга ва мол-мулкка етказилган зарарнинг олдини олишга йўналтирилган қонун ҳужжатлари ва стандартлар талабларига мувофиқ ўтказилади.

Гигиеник сертификат – Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигини Давлат санитария эпидемиология маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан бериладиган ҳужжат ҳисобланади. Гигиеник сертификат товарларнинг медико-биологик талабларига мослигини тасдиқловчи ҳужжат.

Қуйидаги маҳсулотлар учун гигиеник сертификати олиниши талаб қилинади:

- озиқ–овқат хом ашёлари, озиқ–овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат қўшимчалари, биологик-активлаштирувчи қўшимчалар, консервантлар озиқ-

овқат маҳсулотлари билан бевосита алоқадаги материаллар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар;

- болалар учун товарлар: ўйин ва ўйинчоқлар, кийим-кечак (жумладан чойшаблар), оёқ кийимлар, ўқув куроллари ва болалар ассортиментини ясашда фойдаланиладиган синтетик материаллар;

- материаллар, асбоб-ускуналар ва хўжалик ичимлик суви таъминотида ишлатиладиган моддалар;

- косметика, парфюмерия воситалари; оғиз бўшлиғи гигиенаси воситалари;

- ишлаб чикариш мақсадидаги кимёвий ва нефтекимёвий маҳсулотлари; маиший-кимё маҳсулотлари;

- уй жиҳозлари предметлари, мебеллари тайёрлашда ҳамда транспорт ва қурилишда ишлатиш мақсадидаги полимер, синтетик материаллар.

А Кимёвий тола ва иплар:

1. Текстил тикув-трикотаж материаллар (кимёвий толалардан иборат бўлган) ва ёрдамчи текстил моддалар.

2. оёқ кийимлари учун табиий ёки синтетик тери ва текстил материаллари:

- медицина ва маиший мақсадларда ишлаб чиқарилган машинасозлик ва асбобсозлик маҳсулотлари;

- матбаа маҳсулотлари;

- қайта ишлаш учун мўлжалланган табиий хом ашё маҳсулотлари.

- одам териси билан доимий боғлиқ бўладиган материаллар ва маҳсулотлар.

- таркибида радиоактив моддалари бўлган товарлар ва маҳсулотлар шу жумладан ион нурланиши манбааси хисобланган товарлар ва маҳсулотлар.

- гигиеник нормативлар билан таркибида радиоактив моддалар бўлганлиги регламентланган қурилиш хом ашёлари ва материаллари.

- ҳаракатдаги транспорт воситалари ва транспорт максадидаги маҳсулотлар.

Ветеринария сертификати Ўзбекистон республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини ветеринария бош бошкармаси томонидан бериладиган товарларда хавфли хамда юқумли касалликлар йўқлигини тасдиқловчи сертификатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Ветеринария тўғрисидаги қонунига асосан:

Ветеринария – ҳайвонларни касалликлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларни даволаш, ишлаб чиқариш ва аҳолининг экологик тоза ва сифатли чорвачилик маҳсулотларига бўлган эхтиёжларини қондириш, одамларининг ҳайвонларга ҳам, инсонларга ҳам хос касалликларга чалинишининг олдини олиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ветеринария – санитария муаммоларни ҳал этишга доир давлат жамоат хўжалик ва махсус ветеринария тадбирлари мажмуидан иборатдир.

Ветеринария сертификатининг берилишидан мақсад, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини бошқа давлатлар ҳудудидан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари асосларини олиб кирилишидан муҳофаза қилиш.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хавфли касалликларнинг тарқалишини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

1996 йил 3 апрелдаги 131-ф-сонли фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 1997 йил 30 июлдаги 3-сонли, 2001 йил 23-апрелдаги 81-сонли кўрсатмалари ва 2001 йил 16 мартдаги 101-сонли буйруқларига асосан Ўзбекистонга чорва молларида ўта юқумли касалликлар тарқалиш хавфи борлиги (қутуриш, куйдирги) аниқланган Буюк Британия давлатидан гўшт-сут махсулотларининг вактинча Республикага киритилиши таъқиқланган.

Гўшт-сут махсулотлари факат ветеринария мувофиқлик ва товарнинг келиб чиқиш сертификатлари тақдим этилгандан кейин божхона расмийлаштируви амалга оширилади. Бельгия, Франция, Испания ва Голландия давлатларида ишлаб чикарилган товарлар импорт қилинса ушбу товарларга нисбатан божхона назорати кучайтирилиши лозим.

Хулоса килиб айтганда, бундай сертификатлаш орқали мамлакатимизга сифатли, давлат стандартларига мос келадиган, одамларни хаётига моанд, яъни соғлиғи учун хавфли бўлмаган товарлар кириб келишини таъминлашдир.

Мамлакатимиз ҳудудига ҳар-хил сифатсиз маҳсулотлар, кондрабанда буюмларининг кириб келишининг олдини олиш, давлатимиз иктисодий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиш, ҳар бир божхоначининг муқаддас бурчидир.

## Валюта назоратини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари

**Ш. Абдуллаев** - ***ББ-21 гуруҳ тингловчиси***
***Илмий раҳбар*****: доцент А. Намозов**

Ташқи савдо бу экспорт ва импортни ўз ичига олган халқаро иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим шаклларидан бири бўлиб, бирон бир давлатнинг бошқа бир давлат билан товар айрибошлашини назарда тутади. Халқаро савдо эса, шу савдо иштирокчиларининг ялпи товар айланмасини билдиради.

Ташки савдони бошқаришнинг ўзига хос усуллари қаторига импорт солиғи, валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотиш, экспорт-импорт контрактларини рўйхатдан ўтказиш, валюта муносабатларини тартибга солиш қоидалари кабилар киради.

Муайян бир мамлакатнинг миллий иқтисодиётини жаҳон ҳамжамияти иқтисодиёти тизимида самарали иштирокини таъминланиши мақсадида, ҳар бир мамлакат ўзининг валюта сиёсатини ишлаб чиқиши эътироф этилади.

*Ўзининг мазмунига кўра* ***валюта сиёсати*** *бу - муайян бир давлат томонидан* халқаро валюта муносабатлари тизимидаги ўзининг иштирокини таъминлаш мақсадида зарур бўладиган асосий принципларни, шу билан боғлиқ бўлган бир қатор йўналиш ва тадбирларни ишлаб чиқиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг валюта сиёсатини амалга оширишдан мақсад қуйидагилардан иборат;

- валюта-молия механизмини такомиллаштириш, тўлов қобилиятини ошириш ҳамда миллий ва эркин айрибошланадиган валюталарни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ноқонуний олиб чиқилишига йўл қўймаслик;

- Ўзбекистон Республикаси миллий пул бирлиги ҳисобланган «сўм»нинг қадрини ошириш, унинг эркин алмаштириладиган валюталар тизимидаги курсини муқобиллаштириш ва уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона қонуний тўлов воситасига айлантиришдир.

Давлат ўзининг валюта сиёсати асосида валюта муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқади.

Ушбу қонун ҳужжатлари асосида давлат ташқи иқтисодий фаолият катнашчилари томонидан амалга ошириладиган халқаро ҳисоб-китоб тизимини; валюта операцияларини амалга ошириш тартибини; давлат валюта заҳирасини яратиш ва ундан фойдаланиш тартибини; корхона ва ташкилотлар валюта фондларининг яратилиши ва ундан фойдаланиш тартибини; валюта назоратини амалга ошириш тартибини яратади.

Валюта назорати бу давлат томонидан валюта муносабатларининг тартибга солиниш қоида ва нормаларининг бажарилиши устидан маъмурий назорат қилиш механизмидир.

Валюта назорати бир қатор мамлакатларда иқтисодий инқироз даврида давлат томонидан молиявий мустақилликни ҳимоялаш, пул-тўлов тизимининг барқарорлигини таъминлаш, миллий валюта курсини мустаҳкамлаш, валюта ресурсларини жонлантириш мақсадларида фойдаланилган.

Валюта назоратининг мақсади - бу валюта операцияларини амалга оширишда валюта қонунчилиги қоидаларига амал қилишни таъминлашдир. Бунда, валюта назоратининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

а) амалга оширилаётган валюта операцияларининг амалдаги қонунчиликка мос келишини аниқлаш, тегишли лицензия ва рухсатномаларнинг мавжудлигини текшириш;

б) резидентлар томонидан давлат олдидаги чет эл валютасидаги тўлов мажбуриятларининг бажарилиши, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ички валюта бозорида чет эл валютасини сотишдаги мажбуриятлари бажарилишини текшириш;

в) чет эл валютасидаги ҳисоб-китобларнинг асосланганлигини текшириш;

г) валюта операциялари ҳисоб-китоби, ҳисоботи тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини, жумладан, норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси миллий пул бирлигида бажарилган операцияларни текшириш.

Ўзбекистон Республикаси валюта тизими Ўзбекистон Республикаси халқаро келишувларини ҳисобга олган ҳолда, яратилган қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган амалдаги меъёрий ҳужжатлар орқали ташкиллаштирилади ва тартибга солинади.

Валюта муносабатларига тааллуқли бўлган қонун ҳужжатларини қабул қилиш, ушбу қонун ҳужжатларини бажарилиши устидан назорат ўрнатиш, валюта тизими соҳасида ваколат ва вазифаларни тақсимлаш ишлари Уларнинг вазифаларига киради.

*Мамлакатимизнинг Умумжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши* жараёнида милий сўмимизнинг қадрини кўтариш ҳамда эркин

алмаштириладиган валюталар сафига киритиш борасида салмокли ишлар олиб борилмокда. Бу эса мамлакатимизнинг бозор иктисодиёти шароитида иктисодий ривожланишида муҳим босқич бўлади.

## Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда мувофиқлик сертификатининг ўрни ва унинг иқтисодий самарадорлиги

**Шодиев Ё - ББ-21-гуруҳ тингловчиси**
**Илмий раҳбар: доц. Намозов А.**

Ўзбекистон Республикасини ривожланган бозор иктисодиётига асосланган давлат сифатида шакллантиришда аҳолининг хукукий онгини камол топганлиги мухим ахамиятга эгадир. Бунинг натижаси ўларок бугунги кунда истеъмолчилар *томонидан товарларнинг сифати ва хавфсизлигига* талаб ортиб бормокда. Аҳоли ўртасида сифатли товарларимизга бўлган эҳтиёж маҳаллий ишлаб чиқаришимизнинг жадал ривожланиши учун катта имкониятлардан биридир.

Республикамизда бу борадаги ишлар сиёсат даражасига кўтарилиб, қатор мухим тадбирлар олиб борилмоқда. Бу соҳадаги ишлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августдаги «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 295-сонли қароридир.

Ушбу қарор асосида 2002 йил 1 октябрдан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар томонидан тижорат фаолияти учун Ўзбекистон Республикасининг божхона худудига барча истеъмол товарлари олиб келинишига амалдаги қонун ҳужжатларига биноан мажбурий тартибда мувофиқлик сертификати тақдим этилган ва тегишли божхона тўловларини тўлаган ҳамда савдо фаолияти бўйича талаб этиладиган ҳужжатлар тақдим этилганда божхона расмийлаштируви ўтказилиб, савдо фаолияти юритилиши белгилаб қўйилди.

Сертификатлаштириш:

- одамларнинг ҳаёти, соғлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки хамда атроф муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация килинишини назорат этиб бориш;
- маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қила олишини таъминлаш;
- мамлакат корхоналари, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар халқаро миқёсидаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдо-сотиқда иштирок этишлари учун шароит яратиш;
- истеъмолчини тайёрловчининг виждонсизлигидан ҳимоя қилиш;
- маҳсулот тайёрловчи таъкидланган сифат кўрсаткичларини тасдиклаш максадларида амалга оширилади.

Сертификатлаштириш мажбурий ва ихтиёрий тусда бўлади.

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш учун тузиладиган контрактлар

(шартномалар) шартида махсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи, «Ўзстандарт» агентлиги томонидан берилган ёки эътироф этилган мувофиқлик белгилари бўлиши назарда тутилиши керак.

Миллий мувофиклик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари ёки бошқа давлатларнинг «Ўзстандарт» томонидан эътироф этилган мувофиклик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари аризачи (маҳсулот етказиб берувчи) томонидан божхона назорати органларига юкка тааллуқли божхона декларацияси билан биргаликда тақдим этилади ва улар махсулотни республика ҳудудига олиб киришга рухсатнома олиш учун зарур ҳужжатлар хисобланади.

Демак четдан олиб келинаётган махсулотларнинг хавфсиз эканлигини тасдикловчи сертификатлар бўлмаган тақдирда божхона органлари томонидан бу хусусда «Ўздавстандарт» агентлигини хабардор этилади ҳамда махсулотни сертификатлаштиришдан ўтказиш ёки чет эл сертификатини эътироф этиш тўғрисидаги масала сертификатлаштириш миллий тизими қоидаларга мувофиқ хал этилгунга қадар бу маҳсулотни четдан олиб киришни тақиқлаб қўйилади.

Товарлар учун бериладиган сертификатларни замонавий фан ютуқлари асосида тартибга солиш ва такомиллаштириш максадида 1997 йилда ўзбек олимлари профессор Аскаров И. Р. ва академик Риқсиев Т. Т. томонидан товарларни илмий асосида сертификатлашга доир янги ихтисослик таклиф этилди. Ушбу янги ихтисослик товарларнинг кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш деб номланиб, олий аттестация комиссияси тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитасининг 1997 йил 15 июлдаги 14-сонли қарори билан рўйхатга олинди ва 02.00.22 шифри берилди. Ушбу янги фан оркали товарларга сертификатлар беришда ҳар бир товарнинг кимёвий таркиби асосий мезонлардан бири сифатида қабул қилинади.

## *Инсон саломатлиги ва табиатни муҳофаза қилишда қўлланиладиган сертификатлар*

**Р.Эгамбердиев.** - ***ББ-21 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: доц. А. Намозов**

Республикамиз ҳудудига олиб кирилаётган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишда четдан товарлар учун экологик сертификатларни талаб қилиш билан божхона чегарасидан олиб утилаётган, атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган хавфли маҳсулотлар, кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларни олиб кирилиши назорат қилинади. Товарлар учун экологик сертификатларни талаб қилишдан мақсад:

- кириб келаётган товар таркибида заҳарловчи ва радиоактив моддаларнинг мавжудлигини аниқлаш;
- атроф муҳитга зарарсизлигини текшириш;
- табиатнинг экологик жиҳатдан ҳимоя қилишдан иборатдир.

Экологик сертификатлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза килиш Давлат қўмитаси хузуридаги «Махсулот ва хизматларнинг экологик сертификатлаштириш Маркази»нинг ҳудудий бошқармалари томонидан берилади.

- экологик сертификатнинг шаклида куйидагилар кўрсатилади:
- -экологик сертификат бериладиган манзил ва реквизитлар;
- -хар бир сертификатнинг 6 хонали сон билан тартиб раками;
- -экологик сертификат рамзий белгиси.

Берилган сана, амал килиш муддати ва сертификат берган манзилда қайд этилган раками товар номи, оғирлиги.

Товарнинг атроф-муҳитга зарарсизлиги ҳақида сертификат эгаси реквизитлари.

Сертификатлаштириш органининг рахбари имзоси, фамилияси, исми ва корхона мухри.

Гиёҳванд, психотроп моддаларни ва прекурсорларни олиб кириш ва олиб чиқишни назорат килувчи сертификат – Соғлиқни саклаш вазирлиги тасарруфидаги дори воситалари, тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошкармасининг, Гиёҳванд моддаларни назорат килиш қўмитаси томонидан берилади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекусорларни олиб кириш ва олиб чиқиш фаолиятининг тегишли тури учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан, Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан келишувига ва Гиёҳванд воситалари устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссиясининг тегишли рухсатномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги томонидан бериладиган сертификатлар асосида амалга оширилади ва уни амал қилиш муддати бир йилгачадир.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш ва олиб чиқиш учун контрактлар фаолиятининг тегишли тури учун лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси тақдим этилган холда белгиланган тартибда божхона органида ҳисобга қўйилади.

Гиёҳванд воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни республикамиз орқали транзит тарзида ўтказиш Гиёҳвандлик воситалари устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссияси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бериладиган рухсатнома бўлгандагина амалга оширилади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва перекусорларнинг республикамизга олиб кирилиши ва олиб чиқилиши ҳамда транзит ўтишида бериладиган сертификатларни божхона расмийлаштирувида назорат килиниши, ушбу моддаларни ноқонуний айланиши, сифатсизлиги окибатида инсонлар ҳаётига зарар етказмаслик ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият орасида обрўсини сақлашдан иборатдир.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш ва олиб чиқиш ҳамда транзит олиб ўтилишида сертификатланмаса ваколатли органлар томонидан назорати йўқолади ва ноқонуний айланишига йўл очилади. Натижада контрабанда жинояти содир бўлади. Окибатда

республикамиздаги фуқароларни гиёҳвандликка мутелиги кўпаяди. Республикамиз иқтисодий хавфсизлиги ва миллий хавфсизлигимиз баркарорлиги бузилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги «Стандартлаштириш, метрология, махсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тизимларини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорнинг қабул қилиниши билан барча сертификат берувчи идораларнинг зиммаларига мамлакатимиз мусаффолиги ҳамда соғлом келажак авлодларни ўсиб улғайиши учун замин яратишдек юксак масъулиятни юклайди. Ушбу қарорда асосий эътибор-стандартлаштириш, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш ҳамда метрология тизимларининг халқаро меъёр ва талабларга монандлигини таъминлаш, халқаро стандартларни кенг татбиқ этиш асосида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратилган.

Зеро, халқимиз саломатлиги, табиатимиз мусоффолиги бу буюк неъматдир.

## Ўзбекистон Божхонаси ривожланиш босқичида

**Кароматов Р.С. – ТМИ талабаси,**
**Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Ё. Абдуллаев**

Давлатимиз бир қанча тарихий сарҳадларни босиб ўтиб, энди барча соҳаларда ўзи мустақил фаолият юргизмоқда. Мустақил Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришганига эндигина 11 йилдан кўпроқ вақт ўтганига қарамасдан, бозор иқтисодиётининг турли соҳаларига илдамлик билан кириб бормоқда. Республикамиз, бозор иқтисодиётидаги фаолиятида ривожланган давлатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, ўзининг имконият ва шарт-шароитларига таянган ҳолда самарали тармоқларни ривожлантириш йўлида жуда катта ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, божхона фаолиятида ҳам кўпгина ютуқ ва муваффақиятларга эришиб, бу соҳада жаҳон ҳамжамиятларига қўшилиб, улкан ривожланишлар юз бераётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Давлатимизда Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ва бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва Республикамиз божхона соҳасининг ҳуқуқий - ташкилий асослари барпо этилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси ташкил этилди.

Бу қўмита барча божхоналар фаолиятини назорат қилиб туради, ташқи савдода мамлакат манфаатининг таъминланишини назорат қилади, божхонага юклатилган вазифаларни бажаради ва божхона қоидаларининг бузилишига ҳамда контрабандага қарши кураш олиб боради.

Божхона масканлари аэропорт, ҳаво йўллари, темир йўллар, махсус чегара постларида жойлашган бўлиб, бу – чегара орқали ўтадиган жами юкларни, шу жумладан багаж ва почта жўнатмаларини назорат қиладиган давлат идораси ҳисобланади.

Товар ва транспорт воситаларининг давлат божхона чегарасидан ўтказилганида Республика Божхона кодексига кўра қуйидаги:

- божхона божи;
- ҚҚС;
- акциз солиги;
- лицензия учун йиғим;
- божхонада рўйхатдан ўтганлик учун йиғим;
- товарлар саклаш учун йиғим ва қонунда кўзда тутилган бошка божхона тўловлари жорий килинади.

Божхона идоралари қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ўтказилаётган юкларни текшириш ва улардан божхона йиғимларини ундириш билан шуғулланади;
- халқ хўжалиги ва халқ истеъмоли учун зарур товарларни мамлакатдан қонунсиз чиқиб кетишига қарши курашади;
- миллий иктисодиётдаги ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилади ва республикамиз иктисодий хавфсизлигини таъминлайди.

Мамлакатимиз барча иқтисодий соҳаларда жаҳон иқтисодиётига, жаҳон хўжалигига интеграциялашиб бормоқда. Божхона соҳасида жаҳон амалиётидаги мавжуд принципларга, стандартларга амал қилиш турли халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар ва минтақавий ташкилотлар билан ҳар томонлама алоқалар йўлга қўйилган. Энди бу ўрнатилаётган алоқалар ва ҳамкорликлар тўғрисида икки оғиз гапириб ўтмоқчиман.

Ўзбекситон Республикаси 1992 йил 28 июлда Божхона ҳамкорлиги кенгашини таъсис этган конвенцияга қўшилди ва ҳозирги пайтда у божхона хизматига доир 15та халқаро конвенцияга аъзо.

1995 йил июнь ойида мамлакатимиз ЖБТнинг Сиёсий қўмитаси таркибига сайланди. Бу органнинг йигирма тўрт аъзосидан бири бўлгач, Ўзбекистон мамлакатда иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётганини жаҳон даражасида ёритиш, божхона иши соҳасида республика манфаатларини ҳимоя қилиш, божхона хизматини янада ривожлантириб, жаҳон стандартлари даражасига кўтариш мақсадида Жаҳон Божхона Ташкилоти аъзоси бўлган мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш имкониятига эга бўлди. 2001 йилда ЖБТнинг Ўзбекистон Молия Қўмитаси таркибига кирди.

Республиканинг ҳуқуқий базасини божхона соҳасидаги халқаро конвенциялар ва бошқа халқаро меъёрларга яқинлаштириш ЖБТ доирасида ҳамкорлик қилишнинг асосий мақсади бўлди.

Чунончи, ЖБТ Сиёсий қўмитасининг 1995 йилда Индонезияда бўлиб ўтган сессиясида Ўзбекистон Республикаси билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия, Бирлашган Қироллиги божхона маъмуриятлари ўртасида божхона соҳасида ҳамкорлик ва ўзаро маъмурий кўмаклашиш бўйича ҳамжиҳатлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

АҚШ, Хитой, Бельгия, Финляндия, Австрия, Польша, Руминия, Венгрия, Словакия, Чехия ва бошқа бир қатор давлатларнинг божхона хизматлари билан битим тузишга доир ишлар давом этмоқда.

ЖБТ йўли билан Бельгияда ЖБТга аъзо мамлакатлар божхона хизмати ходимлари учун ўқув курсларини ташкил этмоқдалар. ўқиш тугагач эса улар ривожланган хорижий давлатларнинг божхона маъмуриятларида тажриба алмашиб келмоқдалар. ДБК ходимлари 1998 йилда ўқув жараёнларини ташкил этиш масалалари бўйича Бельгия ва Нидерландияда таълим олиб келишди. ДБҚ нинг контрабанда ва наркотик моддаларни олиб ўтишга қарши кураш бошкармаси ходимлари 1999 йилда ва ундан сўнг икки йил давомида ЖБТ божхона коидаларининг бузилишига қарши кураш дастурида иштирок этдилар, сўнгра улар Япония божхона хизматида тажриба ўргандилар.

ЖБТга аъзо мамлакатлар божхона экспертлари Республикамизда турли мавзуларда хар хил семинарлар ўтказдилар. ЖБТ котибиятидан божхона ишининг турли йўналишлари бўйича кенг кўламда услубий материаллар мунтазам келиб турибди. Япониянинг жаҳондаги энг илғорлардан саналган божхона лабораторияси билан мустаҳкам алоқалар йўлга қўйилди.

ЖБТ тадбирлари доирасида ДБҚнинг бошқа халқаро ташкилотлар – БМТ, Жаҳон савдо ташкилоти, Евробожхона, Халқаро валюта фонди, КимЄвий куролларни таъқиқлаш ташкилоти, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, ХҒХТ. ЭКО, ТАСИС, МАГАТЕ, Интерпол, ЮНИСЕФ, МЭК, SPEKA билан хам алоқалари кенгаймоқда.

## Товарларни сертификатлаштиришнинг илмий асослари

**Р. Рахматхонов** - ***ББ-21 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: доц. А.Намозов**

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ҳар қандай экспорт ва импорт жараёнларини имкони борича соддалаштиришга, жаҳон халқаро божхона андозаларига амал қиладиган ҳолда давлат хазинасига кўпроқ маблағ туширишни таъминлаш мамлакатимиздаги товар моддий бойликлар устидан қаттиқ назорат ўрнатиб, уларни ноқонуний йўл билан олиб чиқиб кетишига йўл қўймаслик, мамлакатимизга сифатсиз демпинг товарларини ноқонуний кириб келишига чек қўйиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Республикамизга ҳар хил сифатсиз товарларнинг кириб келишилган йўл қўймаслик учун, шу билан бирга истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва соғликларини сақлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир қатор жуда тўғри қарорлар қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августидаги «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларни олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 295-сонли қарорида 2002 йил 1 октябрдан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар томонидан тижорат фаолияти учун Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига барча истеъмол товарлари олиб келинишига амалдаги қонун ҳужжатларига биноан мажбурий тартибда мувофиқлик сертификати тақдим

этилган тақдирда йўл қўйилади, деб белгилаб қўйилганлиги юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Маҳсулотнинг тўғри ишланганлигига ишонч ҳосил килиш учун, маҳсулот қайси талабларига жавоб бериши ва қандай йўллар билан бу мувофикликнинг ишончли далилларини билиш керак.

Сертификациялаш – бу шундай жараёнки, унда 3-томон шу маҳсулот ёки *хизмат берилган талабларга мувофиқ келишни ёзма равишда «мувофиклик»* текшириш маҳсулотларга қўйилган талабларга риоя қилишни англатади 3-томон бу етказиб берувчига ҳам, истеъмолчига ҳам боғлиқ бўлмаган шахс ёки органдир.

Махсулотларни сертификатлаштириш – маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлашга оид фаолият Мувофиқлик белгиси – *муайян маҳсулот ёхуд хизмат аниқ стандартига ёки бошқа норматив ҳужжатга* мос эканлигини кўрсатиш учун маҳсулотга ёхуд кўрсатилган хизматга доир белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги.

Ҳар қандай товар маълум кимёвий таркибга эга эканлиги инобатга олиниб, айни товарнинг физикавий, биологик, кимёвий ёки бошка хусусиятлари ушбу товарнинг кимёвий таркиби асосида шаклланиши ҳисобга олинади. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича ҳар куни товарларга минглаб сертификатлар берилаётганлиги инобатга олинса, бу масалани илмий асосда ривожлантириш ва тартибга солиш қай даражада муҳимлиги маълум бўлади. Ўзбекистонда кашф этилган ва бугунги кунда ер куррасининг кўплаб мамлакатларида илмий тадкиқот ишлари олиб борилаётган товарларнинг кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш фани мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ахамиятига эга бўлиши шубҳасиз.

## Божхона омборлари фаолиятини такомиллаштириш

**Н. Ҳамроев - *ББ - 21 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар - доц. Т. Н. Пардаев**

Божхона омборлари божхона соҳасида тадбиркорларни четдан товарларни олиб келишида, уларга божхона расмийлаштирувида бир қанча енгиликлар яратиб бериб, божхона органлари учун божхона назоратини амалга оширишда қулайликларга олиб келади.

Божхона омборида Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилган товарлар, сақланиш даврида импорт божи, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан божхона назорати остида сақланади.Экспорт тартиботида олиб чиқишга мўлжалланган товарлар эса божхона назорати остида Ўзбекистон Республикаси божхона кодексида назарда тутилган имтиёзлар берилган ҳолда сақланади. Божхона омбори Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахси ёхуд божхона органи томонидан таъсис этилади. Божхона омборлари фойдаланиш мумкинлиги жиҳатидан икки турга бўлинади:очиқ ҳамда ёпиқ.

А Очиқ турдаги божхона омборлари - улар хар кандай шахслар фойдаланиши учун очиқ бўлади.

Б Ёпиқ турдаги божхона омборлари - улар муайян шахсларнинг товарларини сақлашга мўлжалланган бўлади.

Очиқ ёки ёпиқ турдаги божхона омборлари божхона органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона қонунчилигига мувофиқ маъқулланган ҳар қандай жойларда ташкил этилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳам божхона омборлари очиши мумкин.

Очиқ ёки ёпиқ турдаги божхона омборлари халқаро алоқалар учун очилган аэропортлар, вокзаллар ва портларда, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси оркали ўтказиладиган товарларни қабул қилиб оладиган, ортиб туширадиган темир йўлларнинг юк ҳовлилари, станция омборлари ва станция майдончаларида, халқаро автомобил алоқаси амалга ошириладиган Ўзбекистон Республикасининг давлат ёки божхона чегараси оркали ўтказиш пунктларида бўлиши шарт.

Очиқ ёки ёпиқ турдаги божхона омборлари Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахслари томонидан ёхуд қуйидаги талабларга жавоб берувчи божхона органи томонидан таъсис этилиши мумкин:

- юридик шахс мақоми бўлганда;
- қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган, юридик шахсни ташкил этмасдан туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс;
- жойлашган манзили Ўзбекистон Республикаси бўлганда;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ташкил этилганда;
- очиқ ёки ёпиқ турдаги божхона омборини таъсис этиш учун божхона органининг рухсатнома-лицензияси бўлганда.

Товар ва траснпорт воситаларини саклаш учун божхона омборига топширгунга қадар барча жавобгарлик, жумладан божхона тўловларини тўлаш ташувчи зиммасига, божхона омборида жойлаштирилган товарлар учун божхона омборининг эгаси зиммасига тушади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1998 йил 17 июнда 470-сон билан рўйхатга олинган "Вақтинчалик сақлаш" божхона тартиботи тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1999 йил 27 июлда 780-сон билан рўйхатга олинган "Божхона омбори " божхона тартиботи тўғрисидаги низомларда - божхона омборларини очиш ва жиҳозлашга нисбатан талаблар, божхона омбори эгасининг вазифалари ва мажбуриятлари , товарларни божхона омборида жойлаштириш, божхона омборига жойлаштирилган товарларга доир операциялар, божхона тўловларини тўлаш, божхона омборида сақланаётган товарлар тўғрисидаги ҳисоб ва ҳисобототларни тақдим этиш, товарларни сақлаш муддати, товарларни омбордан чиқариш, омбор эгасининг божхона органи билан ўзаро муносабатлари, божхона омборини тугатиш каби қоидалар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ҳамда юкоридаги низомлар талабларининг ижросини таъминлаш, божхона омборларига жойлаштирилган товарларни назоратини олиб бориш божхона органларига юклатилган.

Божхона омборларида товарларнинг сифатли ва тўлиқ сақланиши, шунингдек ушбу товарларга тааллуқли божхона тўловларининг тўлиқ тўланишини таъминлаш охирги натижада божхона ишининг самарадорлигини ошишига олиб келади.

Бунинг учун божхона органлари мансабдор шахслари божхона омбори мутасаддиларига хамда чет элдан товар олиб келувчиларга божхона омбори фаолияти буйича тарғибот ишларини ўз йўлига қўйиши зарур.

Шунингдек, божхона омборига "Божхона омбори" ва "Вақтинчалик сақлов" божхона тартиботларига товарларни расмийлаштириш мумкин, лекин ҳозирги пайтгача қайси товарларни юқоридаги божхона тартиботларининг қай бирига жойлаштиришни аниқ механизми ишлаб чиқилмаган. Бу эса масканларда баъзи-бир муаммоларни келтириб чиқаришга сабаб бўлмоқда.

Божхона омбори фаолиятини янада самаралироқ бўлиши учун божхона масканлари фаолияти ҳудудларида барча ихтисослашган божхона омборлари бўлиши зарур. Булар - барча халқ истеъмоли молларини сақлашга, кимёвий воситаларни, дори-дармонларни, катта ўлчамдаги юкларни сақлашга, барча озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган совуқ хоналари мавжуд божхона омборлари ва ҳакозолар. Бунинг учун масканларда юқоридаги божхона омборларининг рўйхатини тузиш ҳамда мавжуд бўлмаган ихтисослашган божхона омборларини очишга тавсия этиш ва режалаштириш зарур.

Божхона маскани фаолияти ҳудудида божхона органига тааллуқли очиқ турдаги божхона омборларини очиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса бошқа божхона омборлари мутасаддилари билан бўладиган айрим келишмовчиликларга чек қўяди. Шунингдек, бу бир томондан божхона органи ишини енгиллаштириб, натижада чет элдан товарлар олиб келувчи жисмоний ва юридик шахслар учун қулайлик яратади.

## Божхона сиёсати усуллари ёрдамида иқтисодий хафсизликни таъминлаш

**Абдуллаев Ш** - ***ББ-21 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: Т.ф.н., доцент З..Жумаев**

Ташқи иқтисодий алоқалар асосан кучли сиёсий иқтисодий омилларни кучайтиришга ёки пасайтиришга олиб келиши мумкин. Миллий иқтисодни самарали ривожлантириш, ундан фойдаланиш учун хом ашёни юқори кўрсаткичларда қайта ишлайдиган технологиялар импорти билан таъминланишини ташкил этиш, давлат иқтисодини кўтарадиган янги технологияларни қайта қуриш, биринчи навбатда халқнинг эҳтиёжини қондирадиган экологик тоза, инсон соғлигига зарар етказмайдиган, ўз кучини йўқотган техникалар, маҳсулотлар, ишлаб чиқаришга тўсқинлик қиладиган товарларнинг кириб келишига йўл қўймаслик лозим.

Бож тўловларининг бутун дунёда тан олиниши ташки иктисодий фаолиятнинг (ТИФ) асосий вазифаси хисобланади. Бундай шароитда бож ундириш, биринчи ўринда давлат манфаатларини кўзлаган холда, истеъмолчиларга зарар етказмаслиги керак.

Давлат сиёсати асосан, миллий ишлаб чикаришни ривожлантириш ТИФдан юқори даражада фойда олишга қаратилгандир. Шунинг учун иктисодий самарани кўтариш максадида хамда жамиятнинг даромад кисмини ошириш, атроф-муҳитнинг тозалигини, жисмонан инсон саломатлигини таъминлаш учун юқори савияда таҳлил ўтказиб тўғри математик ҳисоб-китоб олиб бориш даркор. Бундай муаммоларни ечиш учун давлат идоралари олдида турган, амалга оширилиши лозим бўлган ишлардан кейингина бож тўловларини ундириш талабларини бир қанча товарларга нисбатан қайта кўриб чиқишга тўғри келади.

Мазкур амалиётдан кейингина давлат фойдасига ундириладиган киримлар ошади ва ички миллий нархлар яхшиланади. Олиб кирилган товарлардан самарали фойдаланиш ва улардан бож олиниши ишлаб чиқариш унумдорлигининг ошишига хамда ички бозорнинг яхшиланишига сабаб бўлади. Олиб кириладиган товарлардан ундириладиган бож тўловларининг ўзгариши ички ишлаб чиқаришни тартибга солади. Рақобатбардош товарларни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб туришини камайтириш ва товарнинг сифатини яхшилаш бозор иқтисодиётининг энг мухим талабларидандир. Қарама-қаршиликлар натижасида бож тўловлари муаммоси аста секин ўз ўрнини топади ва бир қатор рақобат-бардош товарларни ишлаб чиқаришга олиб келади ва натижада ишлаб чиқарилган товарлар бозорни тўлдира боради, бу эса бюджетга тушадиган даромаднинг ошишини таъминлайди.

Ўзбекистонннинг жаҳонда ўзгариб бораётган сиёсий-иктисодий тизимидаги ўрни ва нуфузи ортиб бормоқда. Давлатимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлари, унинг табиий бойликлари, ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва интелектуал салоҳияти, ноёб миллий маданий мероси, халқимиз тарихи ва ҳозирги ҳаёти билан қизиқаётган барча мамлакатлардаги сиёсатчилар ва тадбиркорларнинг ўлкамизга бўлган қизиқиши ортиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи иктисодий алоқалар катнашчилари таркиби ва тузилиши кенгайиб, ташқи савдо айланмаси, экспорт салоҳияти сезиларли даражада йил сайин ортиб бормоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон Савдо Ташкилотидек (БСТ) кенг қамровли ва нуфузли ташкилотга аъзо бўлишини таъминлаш учун ташқи иқтисодий фаолиятни, жумладан, миллий божхона сиёсати ва божхона қонунчилиги борасида ҳам жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада ислохотлар олиб боришни талаб этади.

# Божхона масканларида контрабанда билан боғлиқ жиноятларни аниқлашда радиацион ва рентген қурилмаларини қўллашдаги афзалликлар ва муаммолар

**Равшанов У.-** ***ББ–21 гуруҳи тингловчиси***
**Илмий раҳбар: катта ўқитувчи Р.Х.Кенжаев**

Божхона назорати техник воситаларининг қўлланилиши божхона назорати технологик жараёнининг ажралмас қисми хисобланади.

Давлат божхона қўмитаси республикамиз иктисодий хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорини ҳимоялаш, товар-моддий бойликларни, тарихий-маданий ёдгорлик буюмларини ноқонуний олиб чикиб кетиш ва олиб киришнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар асосида муайян ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан, республика божхона чегараларидан контрабанда йўли билан олиб ўтилаётган гиёҳвандлик моддалари, психотроп воситалар, ўқотар қуроллар, ҳар хил турдаги портловчи моддалар, кучли захарловчи моддалар, алкоголь ичимликлари, экстремистик мазмундаги китоб ва варакалар, порнографик мазмундаги видеотасмалар, антиквариат санъат асарлари ва маданий-тарихий ҳужжатлар ҳамда бошка ноқонуний равишда олиб кириш ёки олиб чиқиш тақиқланган предметлар техник назорат воситалари ёрдамида аниқланмокда.

Рентген кўрик қурилмалари божхона назоратида қўлланиладиган техника воситаларининг асосий гуруҳларидан бири ҳисобланади. Бу қурилмалар қўл юки, багаж ва ўрта хажмдаги юкларни очмай туриб визуал назорат қилиш имконини беради.

Рангли мониторда турли моддалардан ташкил топган буюмлар уч хил рангда: органик моддалар - оловрангда, металл буюмлар - ҳаворангда ҳамда пластмасса ва бошка синтетик материаллар - яшил рангда кўринади, бунда ўрганилаётган объект зичлиги қанчалик юқори бўлса, унинг ранги шунчалик тўқ бўлади, ўта зич жойлар эса умуман қора рангда бўлади. Жумладан, гиёҳванд моддалар оловранг, қўнғир, яшил ва ҳаворангда кўринади.

Рентген қурилмалари орқали ўтказилаётган юклардаги буюмларнинг соя кўриниши асл кўринишига мос бўлади, шу жиҳатдан бу қурилмалар контрабанда жиноятларини очишда жуда қулай ва самарали воситалардир. Шу билан бирга, рентген қурилмаси мониторида юкнинг баъзи қисмлари аниқ кўринмайди, бундай шубҳали жойларда контрабанда яширилган бўлиши мумкин. Бу ҳолда божхона ходими юкни қўшимча равишда қўлда текширишга мажбур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси божхона чегаралари орқали контрабанда йўли билан бизга чегарадош бўлган давлатлардан, яъни Афғонистон ва Тожикистондан ЎзР орқали транзит йўли билан МДҲ ва Европа давлатларига гиёҳванд моддаларнинг олиб ўтилишига йўл қўйилмаслиги керак.

1896 йили Анри Беккерель томонидан радиоактивлик ҳодисаси кашф қилинди. Юқори даражадаги радиация инсон учун ниҳоятда хавфлидир.

Организмни узок вакт мобайнида кичик дозаларда нурлантириш сурункали нурланиш касаллигининг ривожланишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Конунида радиациявий хавфсизликни таъминлаш бўйича талаблар ва уни тартибга солиш чоралари таъкидлаб ўтилган. Жумладан, ушбу қонуннинг 8-моддасига асосан радиациявий хавфсизликни таъминлаш сохасидаги давлат назорати тегишли ташкилотлар қатори Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси зиммасига ҳам юклатилган. Шу соҳадаги ишлаб чиқариш назорати радиоактив нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар томонидан амалга оширилади.

Радиациявий назорат тизимлари ноқонуний равишда яшириб олиб ўтиб кетилаётган радиоактив моддаларни аниқлаш, радиациявий хавфсизликни таъминлаш учун қўлланилади. Улар ёрдамида божхона чегараларида йўловчилар оқимини, юкларни, почта жўнатмаларини, юк ва енгил автотранспорт воситаларини назорат килиш мумкин.

Мисол учун, Украина Республикасидаги Чернобиль АЭСи атрофидаги атроф - муҳит ва табиат радиоактив маҳсулотлар билан ифлосланган. Шу туфайли Украинадан келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва товар-моддий бойликлар махсус қўлланиладиган қурилмалар ёрдамида божхона назоратидан ўтказилиши керак.

## Ўзбекистонда божхона статистикасини шаклланишининг ҳуқуқий асослари

**Тоғаев М.** - ***ББ-21 гуруҳи тингловчиси***
**Илмий раҳбар: Т.ф.д И.Х.Хабибуллаев**

Тарихий маълумотлардан маълумки, давлатлар ўртасида ўзаро савдо-сотиқнинг ривожланиб бориши божхона қонун-қоидаларининг мукаммаллашишига имкон туғдирган. Мол-мулкларга белгиланган солиқ ва бож миқдори ўша мамлакат хазинасининг тўлдирилишида катта роль ўйнаганлиги сабабли, давлат ҳудуди орқали олиб ўтилган барча мол-мулкларнинг статистик ҳисоби олиб борилган. Ушбу маълумотларга асосан, мамлакат ҳудудидан олиб ўтилаётган товарлар оқими аниқланган ва тегишли бож ставкалари белгиланган. Божхона соҳасида статистик ҳисоботларнинг юзага келиши ва унинг юритилиши, мамлакат иқтисодиётини белгилашда муҳим роль ўйнаган.

Маълумки, Ўзбекистонда божхона иши, хусусан божхона хизмати карийиб 130 йилдан буён рус божхона тизимининг кичик бир бўлаги сифатида фаолият кўрсатиб келди. Божхона хизматининг асосий мақсади республиканинг халқаро иқтисодий муносабатларда самарали иштирок этишида эмас, балки юртимизни Россия, сўнг собиқ СССР давлатлари учун хом ашё базаси сифатида сақлаб қолишдан иборат бўлди. Божхона ишини юритиш ваколати фақат марказий ҳокимиятгагина берилган эди. Мустақилликкача фаолият кўрсатган божхона

масканларида амалга оширилган ташки иқтисодий фаолият тўғрисидаги барча статистик маълумотлар марказга, яъни Москвага топширилар эди.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон килинди ва республика мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий манфаатларини химоя килиш максадида Божхона тизими ташкил этилди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси ИИВ қошида Давлат назорат инспекцияси сифатида фаолият кўрсатган божхона тизими Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан 1991 йил 25 октябрдан Давлат Божхона Қўмитасига, 1994 йил 18 январдан Давлат Солиқ Қўмитаси Бош Божхона бошқармасига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси ички бозорини химоя килиш, республика ҳудудига товар-моддий бойликларини олиб кириш ва ундан олиб чиқишда божхона назоратини кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йи 7 октябрдаги 372-Ф ракамли фармойиши эълон қилинди. Ушбу фармойишнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ДБҚнинг 1993 йил 23 декабрда “Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтадиган юкларга ҳуқуқий рухсат беришни таъминлаш ва декларациялаш тўғрисида”ги 162-сонли буйруғи ва ушбу буйруққа илова қилинган ҳолда “Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан юкларни олиб ўтиш ва декларациялаш тартиби тўғрисида”ги, “Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисида”ги вақтинчалик йўриқномалар амалиётга жорий қилинди ва 1994 йил 1 январдан бошлаб республика ҳудуди орқали олиб ўтиладиган барча товар-моддий бойликлар божхона органларида божхона юк декларацияси (БЮД) асосида расмийлаштирилиши йўлга қўйилди. Шундан эътиборан товар ва транспорт воситаларини декларациялаш - Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо божхона статистикасини шакллантиришда ягона манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

“МДҲ давлатларида ягона божхона статистикасини жорий этиш тўғрисида”ги 1994 йил 9 декабрдаги ҳукумат бошлиқларининг Москвадаги кенгаш йиғилиши қарорига асосан, ушбу давлатларда божхона статистикаси ягона услубият асосида юритила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтилаётган товарлар устидан божхона назоратини янада такомиллаштириш мақсадида, ДБҚнинг 1999 йил 15 ноябрдаги 426-сонли буйруғига кўра, 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 3 ноябрда 834-сонли рақам билан Давлат рўйхатидан ўтказилган “Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби ҳақида”ги йўриқномага кўра, давлат божхона чегарасида ҳаракатда бўлган товар-моддий бойликларининг божхона расмийлаштируви фақатгина БЮД асосида, ҳамда расмийлаштиришнинг танланган божхона режимига кўра амалга оширилиши таъминланиб келинмоқда.

БЮД давлатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган вазифалари борасидаги асосий ҳужжатлардан биридир. БЮД экспорт ёки импорт қилинаётган товар ва унга тааллуқли барча ҳуқуқий ҳужжатлар, экспорт ёки импорт жараёнларини белгиловчи ҳужжатлар, жумладан шартномалар, уларнинг бажарилиш шартлари, юк юборувчи ёки

қабул қилувчи ҳақида умумий ахборот вазифасини ўтовчи ҳуқуқий ҳужжатдир. БЮДдаги маълумотлар Ташқи савдо божхона статистикасини шакллантиришда расмий бошланғич манба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 8 июлдаги ПФ-1815 сонли Фармонига асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси Бош божхона бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитаси ташкил қилиниб, у бевосита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсундирилди.

Ушбу Фармонга кўра, божхона статистикаси ва ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасини юритиш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қаторига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги 374-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳақидаги Низом"га кўра, божхона статистикаси ва махсус божхона статистикаси тизимини юритиш, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, манфаатдор вазирлик ва идораларни божхона ишига тегишли маълумотлар билан таъминлаш Давлат божхона қўмитасининг асосий вазифаларидан бири эканлиги белгилаб қўйилди. Ушбу Низомда кўрсатиб ўтилган божхона органлари функциялари - божхона статистикаси услубиятини такомиллаштириш, божхона иши соҳасига тегишли бўлган статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, истиқболини белгилаш юзасидан ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш ва республиканинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш бўйича таклифлар киритиш, ташқи савдо ва тўлов балансини мустаҳкамлаш, шунингдек, божхона иши фаолиятига доир маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш бўйича автоматлаштирилган тизимни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш ҳамда манфаатдор вазирлик, давлат органларига божхона статистикаси маълумотларини тақдим қилишдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси 1997 йил 29 августдаги "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги қонуннинг 4-бандида, ташқи иқтисодий фаолиятга доир божхона статистикасини ҳамда товар номенклатурасини юритиш божхона органларининг асосий вазифаларидан бири эканлиги қонун билан белгилаб қўйилган.

Юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонун, Президент Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Давлат божхона қўмитасининг буйруқ ва кўрсатмалари Ўзбекистон Республикасида божхона статистикаси шаклланишининг ҳуқуқий асослари бўлиб ҳисобланади.

# СЕКЦИЯ: ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР ВА ИНСОН ОМИЛИ

## Солиқ соҳаси фаолиятини ривожлантиришда тингловчи ёшларнинг ўрни

**И. Жамолов** - ***Банк – молия академияси тадқиқотчиси***

Солиқ - давлат билан унинг солиқ тўловчилари бўлмиш барча фуқаролари ўртасидаги молиявий муносабатларни тартибга солишнинг муҳим воситаси ва давлат фаолиятининг барча йўналишларини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбасидир

Давлатнинг мавжудлиги солиқлар билан узвий боғлиқ, чунки солиқдан тушадиган тушумлар давлат иқтисодий мустақиллигининг бош мезонларидан биридир.

Иқтисодиётнинг давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиниши давлат бюджетини шакллантириш, солиқ солиш воситасида жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш усули ҳисобланади.

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари, иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллик билан амалга оширилиши орқали такомиллашиб бормоқда. Республика Президенти И.Каримов «Республикада эндигина шаклланаётган солиқ тизимига ғоят қаттиқ эътибор бериб, уни такомиллаштириш лозим»,-деб алоҳида таъкидлаган эди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан кейинги пайтларда қабул қилинган аксарият қарорларнинг туб моҳияти жамиятда сохта тадбиркорлик фаолиятига чек қўйиш, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва рағбатлантириш, мамлакатимизга хориждан товар олиб келиш ва сотиш ишларини такомиллаштириш, ички бозорни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш, солиқдан қочиш, назоратсиз даромад олишни бартараф қилиш, ички бозорда рақобат муҳитини яратишдан иборатдир

Бу қарорларнинг аҳамияти яна шундаки, мамлакатга олиб келинаётган истеъмол товарларида мувофиқлик сертификати мавжуд бўлади ва юк олиб кирган барча шахслар божхонага ўзининг турғун савдо шохобчасига эга бўлган расмий дистрибьюторлари рўйхатини тақдим этилишини таъминлайди. Шу билан бирга республикамизга олиб кирилган товар баҳоси билан бозор баҳосини таққослаб назорат қилишини таъминлайди ҳамда юридик ва жисмоний шахслар олган даромадини солиққа тортишни назорат қилиш имконини беради.

Халқимизда «қарзи йўқнинг кўнгли тўқ» дейишади. Оддий қилиб айтганда, солиқ ҳам ҳар биримизнинг зиммамиздаги қарз. Бу бировнинг олдидаги эмас, балки мамлакат равнақига, давлат хазинасига бизнинг ҳар биримиз қўшишимиз лозим бўлган улуш, фуқаролик нуқтаи-назаридан эса солиқларни ўз вақтида тўлаб қўйиш конституциявий бурчдир.

Ахир бизнинг тинч-осуда турмушимиз, сиҳат-саломатлигимиз, фарзандларимизнинг таълим-тарбияси-ю, кексаларимизга тўланадиган нафақа

ана шу сиз-у, биз тўлайдиган солиқлардан шаклланади. Давлат бюджетига биз қўшадиган ҳисса, турмуш шароитимизнинг янада яхшиланишига сарфу-харж этилади. Лекин, бугунги кунда айрим фукаролар, корхона ҳамда ташкилотлар давлатга белгиланган солиқ ва бошқа йиғимларни ўз вақтида тўлашни унутиб, билиб ёки билмасдан қонунбузарликларга йўл қўймоқдалар.

Солиқлар давлатимиз ва ҳаётимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилар экан, уларни ўз вақтида тўланишини таъминлаш, давлатимизнинг иктисодий хавфсизлигини ҳимоялаш, иқтисодиёт ва солиққа оид ҳуқуқбузарликка карши курашиш, ҳуқуқбузарликларни келиб чиқишига йўл қўймаслик барчамизнинг, шу жумладан ёшларимизнинг хам бурчидир.

Биз, ёшлар кабул қилинган ҳукумат қарорларининг моҳиятини, фуқароларимиздан олинаётган солиқларнинг нима учун олиниши ва қаерларга сарф қилиниши хақида махалла йиғинларида тушунтириш ишларини ташкил этишимиз лозим.

## Сиёсий маданият – демократия маҳсули

**Ҳ. Парчаев** - ***СТ- 22 гуруҳи тингловчиси***
**Илмий раҳбар: Т. Алимардонов**

Маълумки, инсоннинг ижтимоий фаолияти. сиёсий маданиятни белгилайди.

Унинг маъно – моҳиятини жамиятдаги устувор муносабатлар, анъана ва қадриятлар ҳамда қонун қоидалар моҳиятида намоён бўлади.

Бошқача айтганда, сиёсий маданият муайян шахснинг жамият томонидан эътироф этилган устувор муносабатлар ва инсоний қадриятларини шакллантира олишидир.

Бундан маълум бўлмоқдаки, сиёсий маданият шахснинг ўз атрофидаги ижтимоий муҳитга эркин муносабатини, унинг ҳақ - ҳуқуқини билиши борасидаги имкониятини билдиради. Яъни сиёсий маданият, моҳият эътиборига кўра, демократия муҳитини талаб қилади.

Сиёсий маданият «юрт тинчлиги, ватан озодлиги ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир. Юксак маънавият, сиёсий маданият, миллатнинг ғоявий ва мафкуравий етуклиги – юрт тинчлигини сақлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади». Демократия ана шундай улуғ мақсад, аввало, озодлик йўлида ҳаммани фикрлашга, дунёқараши билан келишишига ёки келишмасликка, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашишга ундайди.

«Сиёсий маданият» тушунчасининг пайдо бўлиши давлатчилик муносабатлари, давлатни бошқариш, ҳукмронлик борасидаги билим-тажрибалар ривожига боғлиқ. Чунки давлатчилик, бошқарув идоралари бўлмаган жойда қонун қоида, ўзаро муносабатларда тартиб – интизом ҳам бўлмайди. Сиёсий маданият деганда, аввало давлат ичидаги қонун - коида, устувор муносабатларни пухта билиб, ўзининг жамиятдаги ўрнини теран

англаб етадиган ва фаол ижтимоий фаолият юритадиган жамият аъзоси кўз олдимизга келади.

*Кадимий ўзбек заминида қанчадан - қанча диний ва дунёвий таълимотлар* ўзининг юксалиш ва сусайиш боскичларини бошидан кечирган. Милоддан олдинги асрлардан то ислом ҳукмронлиги ўрнатилгунча Зардуштийлик асосий дин хисобланган.

Тўғри, мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларида бирмунча буддавийлик таълимоти хам ҳукмронлик килган. Кадимий Сурхон заминидаги вайроналар ўрнида топилган буддийлар ибодат хонаси ва бошқа топилмалар шундан далолат беради. Бу таълимотлар инсонни эзгуликка чорлаш, у билан табиат ўртасидаги мувозанатни сақлаш, ватанни, юртни севиш каби ғояларни илгари сурди. Лекин бу таълимотлар асосан инсон руҳияти тарбиясига қаратилган, уларда давлатчилик, адолатли жамият ғоялари устувор қиммат касб этмас эди.

Бу ўз навбатида жамиятда кўпдан-кўп муаммоларни вужудга келтира бошлади. Жамиятнинг илғор вакиллари - аллома, олиму уламолар буни англаб, янгича таълимотларни асослашга ҳаракат килдилар. Лекин бу таълимотларнинг асос-эътибори билан охир-оқибатда бир ғояга- инсоннинг ўзини *такомиллиштириш зарур, ҳамма муаммоларнинг манбаи инсоннинг* номукаммаллигидандир, деган ғояга бориб тақалар эди.

Сиёсий маданият нуқтаи назаридан караганда, тасаввуф таълимоти руҳидаги ғоялар ҳукмдорларни халққа, халқнинг дардларига яқинлаштириш, халқнинг эса ўз ҳақ-ҳуқуқини таниш борасида, жамиятда тинчлик, барқарорлик, ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эди.

Лекин юқорида айтганимиздек, улар жамиятни тубдан ислоҳ этиш дастурига айлана олмади.

Бу жиҳатдан Соҳибқирон Амир Темурнинг давлатчилик тажрибаси ва бу борада баён этган фикрлари улкан қимматга эгадир.

Амир Темур Туркистон ҳалқлари мўғул истилосига тушиб қолган, ушбу ўлка турли хонликларга бўлиниб кетган бир пайтда марказлашган ягона миллий давлатчилик ғояси билан чиқди. Унинг фаолияти асосини адолат ташкил этар эди. У ислом дини, тасаввуф таълимоти ва бошқа Шарқ файласуфларининг (Масалан, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино ва бошқалар) адолатли жамият ҳақидаги фалсафий қарашларини амалда жорий этишга ҳаракат қилди.

Амир Темур ўзининг давлатчилик фалсафаси ва мафкурасини ўз тузукларида аниқ ифодалаб берди.

Фақат мустақиллик шарофати билан ўзбек халқи сиёсий маданиятида озодликка, давлат мустақиллигига интилиш, ўз миллий ҳақ- ҳуқуқини англаш анъанаси устувор бўлди.

Ўзбекистон Республикаси жамияти бағрида шаклланаётган ва кун сайин янгича маъно-мазмун касб этиб бораётган сиёсий маданиятнинг бош омилларидан бири Асосий қонунимиз- Конституциядир.

## Ватанга, бурчга садоқат божхона ходимининг юксак фазилати

**О. Худойбердиев** - ***БТ – 22 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: З.Муҳиддинова**

Ватан бу - хар бир инсоннинг ўзи туғилган, киндик қони тўкилган тупроқ. Ватан остонадан бошланади. Ватан туйғуси бизга аждодларимиздан қолган туйғудир. Инсоннинг ўзи она юртини қадрлаб шу она юрт учун, унинг қандай соҳаси бўлмасин ўз куч ва ғайратини аямасдан сарфлаши ватанпарварлик тушунчасини англатади.

Инсонлар қайси динга мансуб бўлмасинлар ўша ўз динларида ҳам ватанпарварлик, Ватан тўғрисидаги мулоҳазаларга дуч келадилар. Айниқса, ислом дини, Қуръони карим ва ҳадисларда бу масалага катта эътибор қаритилган. Чунки, ахлоқий фазилатларнинг юксакларидан бири ҳам Ватан туйғуси, ватанпарварликдир. Бу туйғу, шахснинг туғилиб камол топган юртига унинг ўтмиши, маданияти, табиат борлиғи, урф-одат ва қадриятларига бўлган муносабатда ўз ифодасини топади. Ватан туйғуси шундай туйғудирки у инсон қалбида доимий йўқолмайдиган туйғудир. Ватанга меҳр-муҳаббат ҳар бир инсонга она сути ва тарбияси билан сингади. Ватанпарварлик она юртига садоқатлиликдир. Содиқлик эса инсоннинг кундалик ҳаётида, турмуш тарзида намоён бўлади. Ватанпарварлик инсоннинг қон-қонига сингган бўлиши лозим. Бу ўринда И.А.Каримовнинг «Юртга, Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятдир. Ана шу ноёб азалий фазилатларни асраб, авайлаш ва янада такомиллаштириш фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи керак» - деган сўзлари ўринли. Ҳар бир шахс Ватан олдидаги бурчга ҳам эга. Ватанга, унинг талаб ва вазифаларига муносиб фарзанд бўлиши, ахлоқ одобли, меҳнатсевар ва билимли бўлиши шу бурчлардандир. Ўз Ватани ва миллати олдидаги бурчини англаб етиш ҳар бир шахснинг олий мақсади бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 8 июлда «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ – 1815 сонли фармони чиқарилди. Мазкур фармонга мувофиқ Давлат солиқ қўмитасининг божхона бош бошқармаси негизида Давлат божхона қўмитаси тузилди. Ушбу фармонда божхона органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қаторига кириши белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги 1997 йил 29 август қонуни ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги 374 – сонли қарорига асосан божхона органларига қуйидаги асосий вазифалар юклатилган:

- Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг иктисодий манфаатларини химоя килиш ва ўз ваколати доирасида унинг иктисодий хавфсизлигини таъминлаш;

- Божхона сиёсатини ишлаб чикариш ва амалга оширишда иштирок этиш;

- Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат килиш;

- Божхона тўловларини ундириш;

- Божхона назоратидан ўтказилиши керак бўлган товарлар ва транспорт воситалари шундай назоратдан ўтказилишни таъминлаш;

- Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг, шу жумладан контрабанданинг олдини олиш, уни аниқлаш ва уларга чек қўйиш;

- Ташқи иқтисодий фаолиятга доир божхона статистикасини хамда товар номенклатурасини юритиш;

- Ўзбекистон Республикаси халкаро шартномаларнинг божхона ишига оид кисмидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасига кириб келувчи ҳар бир чет эллик биринчи бўлиб божхоначи билан суҳбатлашади ва унда давлатимиз тўғрисидаги тасаввурлар пайдо бўлади.

Кейинги йилларда божхоначилар томонидан жуда кўплаб ноқонуний товарлар республикамизга олиб кирилиши ва олиб кетилиши ҳолатларининг олди олинмоқда. Албатта бу ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни ушлаб колиш осонликча кўлга киритилмайди. Жиноятчиларни қўлга олиш пайтида божхоначилар жуда катта қаршиликларга учрайдилар, Ватанга, бурчга садоқат жиноятчиларнинг қаршилигини енгиб чиқишга ва уларни қўлга олишга асосий сабаб бўлиши бежиз эмас.

Ҳозирги кунда асосий вазифамиз божхона сиёсатини нафақат тушуниш, шу билан бирга уларни оммага тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишлари билан шуғулланишдир. Зеро, Республикамизда ҳар бир фуқаро божхона органларидаги ислоҳотлар моҳиятини тўғри тушунсин ва англаб етсин.

## Исломнинг асосий манбалари

**Ф. Ахмеджанов** - ***СБ – 21 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: М. Нигматов, и.ф.н., доцент**

***«Бизнинг динимиз авваламбор Қуръони Каримга, унинг илоҳий оятларини тушунтириб, маъно–мазмунини аён қилиб берадиган Ҳадиси шарифга асосланади».***

*И. А. Каримов*

«Қуръон» - арабча «қара» (ўқимоқ) феълидан олинган. Қуръон сура(қуръондан бир бўлак бўлиб, энг ками учта ёки ундан ортиқ оятлари ўз ичига олади)лардан иборат. Қуръонда жами 114та сура мавжуд. Оятлар сони эса, Қуръон матнларини тақсимланишининг турли йўлларига кўра, 6204, 6232 та ҳатто 6666тагача белгиланган. Бу нарса Қуръон нусхаларининг бир–биридан фарқли эканлиги эмас, балки ундаги оятларнинг турлича тақсимланганлигини билдиради.

Суралар Қуръонда ўз мазмуний изчиллигига ёки нозил вақтига, яъни хронологик тартибига қараб эмас, балки ҳажмига кўра, тартиби Муҳаммад с.а.в. кўрсатмаларига биноан аввал-катта суралар жойланган.

Исломшунослик ва қуръоншунослик хулосалари асосида сураларнинг хронологик тартибини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

1. Макка даври (610 – 615 йиллар). Европа олимлари бу даврда нозил бўлган сураларга «Назмий суралар» деб ном берганлар.

2. Макка даври (616 – 619 йиллар), Муҳаммад с.а.в. ва уларнинг издошлари доимий таъқиб остида яшаган ва кўпчилик Ҳабашистонга кўчиб кетган даврда нозил бўлган. Бу сураларда Оллоҳнинг «Раҳмон» сифатида кўп тилга олинганлиги сабабли Европа олимлари уларни «Раҳмон суралари» деб атаганлар.

3. Макка даври (610 йил бошларидан 622 йил сентябригача). Бу даврда хам Муҳаммад с.а.в. ва саҳобалари таъқиб остида яшаганлар, махфий равишда, кўпинча шаҳардан ташқарида ибодатга тўпланганлар. Бу давр сураларида исломий ақидага кенг ўрин берилган.

Тарихий воқеалар кўзда тутилган ҳолда Мадина даврига оид 24та сурани беш даврга ажратиш маъқулроқдир:

1- Мадина даври (622 йил октябридан 624 йилгача) Муҳаммад с.а.в. Мадинага кўчиб келганларида маккаликлар билан биринчи йирик тўқнашув – Бадр жангигача нозил бўлган 4 сура бу даврда киради.

2- Мадина даври (624 йил мартидан 625 йил мартигача) Бадр жангидан кейин Уҳуд жангигача ўтган бир йил ичида нозил бўлган 3 сурани ўз ичига олади.

3- Мадина даври (625 йил мартидан – 627 йил мартигача). Уҳуд жангида талофатдан кейин Хандиқ жангигача ўтган икки йил ичида 5та сура нозил бўлган.

4- Мадина даври (627 йилнинг апрелидан 630 йил январигача). Хандақ жангидан сўнг Макканинг олинишигача ўтган салкам уч йил ичида нозил бўлган 8 сура шу даврга мансуб.

5- Мадина даври (630 йил февралидан 632 йил майигача). Макка фатҳ қилинганидан кейин Муҳаммад с.а.в. вафотларигача ўтган икки йилдан ортиқроқ давр ичида нозил бўлган 4та сура шу даврга киради.

Муҳаммад алайҳис-салом ҳаётлик чоғларида яна ваҳий тушиб қолар деган умидда Қуръон жамланиб келтирилмаган эди. Пайғамбар вафотларидан кейин қуръон кишиларнинг хотирасида ва ёзган нарсаларда сақланиб қолди. Пайғамбардан сўнг мусулмонларга Абу Бакр (572 - 634) бошлиқ этиб сайланди. Унинг халифалик даврида (632-634) мўминлар ва муртад (диндан қайтган)лар ўртасида шиддатли жанглар бўлиб ўтди. Ушбу жангларда кўплаб Қуръонни тўлиқ ёд олган қорилар шаҳид бўлдилар. Шунда Умар ибн ал–Хаттоб (585 - 644) Абу Бакрга «барча қорилар шу зайлда ўлиб кетаверса, Қуръон нуқсонли бўлиб қолиши мумкин, шу сабабли уни жамлаб китоб ҳолига келтириш зарур» деган маслаҳатни беради. Аввалига Абу Бакр иккиланиб туради, чунки бу иш Пайғамбар ҳаётлик даврларида қилинмаган эди. Кейинроқ Абу Бакр ҳам Қуръонни китоб шаклига келтириб қўйиш зарурлигини англаб етди ва Зайд ибн Собит исмли саҳобани чақириб бу ишни унга топширади. Чунки, Зайд

Пайғамбар алайҳиссалом билан жуда кўп бирга бўлиб, Қуръонни жуда ҳам яхши ёд олган ва Расулуллоҳ ҳузурларида ёзган. Пайғамбар умрларининг сўнгги йилида фаришта Жаброил алайҳис саломга Қуръоннинг аввалидан то охиригача ўқиб берганларида бирга бўлган эди. Шундай қилиб, Зайд ва Умар машаққатли урушлардан кейин Қуръонни кийик терисидан бўлган сахифаларга ёзиб чиқдилар ва боглаб Абу Бакрнинг уйида сақлаб қўйдилар. Бу «Суҳуф» сахиффлар деб номланди. Абу Бакр оламдан ўтгандан кейин саҳифалар Умар ибн ал Хаттоб уйига, у оламдан ўтгандан сўнг унинг кизи – Пайғамбар алайҳис саллом аёллари Ҳафсада қолди.

Вақт ўтиши билан кўплаб халқлар мусулмонликни қабул қилиши натижасида мусулмонларнинг сони кўпая борди. Турли тиллар ва шевалар ўртасида мавжуд фарқларга кўра Қуръонни қандай ўқиш кераклича борасида ихтилофлар чиқа бошлади. Бу ҳолатни кўрган ўша вақтда халифалик килган Усмон ибн Аффон (644 - 656) Ҳафса Бинтий Умардан Абу Бакр ва Умар давридаги суҳифларни сўраб олиб, ундан нусха кўчиришга буйруқ беради.

Халифа Усмон ибн Аффон топшириғига биноан Зайд ибн Собит барча Қуръон сураларини йиғиб, таққослаб чиқиб қайтадан Қуръон матнини жамлаган. Қуръоннинг биринчи расмий нусхаси 651 йил тақдим этилди. У асо нусха ҳисобланиб яна учта баъзи манбаларга кўра еттита нусха кўчиртирилиб, йирик шаҳарлардан – Басра, Дамашиқ, Куфага жўнатилади. «Имон» деб номланган асл нусха эса Мадинада - халифа Усмон ҳузурида қолди. Кўчирилган нусхалар «Мусхафи Усмон» деб аталади.

Нусхалар тайёр бўлгандан сўнг мусулмонлар яшайдиган диёрлардаги марказий шаҳарларга биттадан нусхага битта қори қўшиб жўнатдилар ва Қуръонни шу нусхадангина кўчиришга буйруқ беради.

Мазкур Қуръон 5553 варақдан иборат бўлиб, варақлар ўлчами 68 х 53 см, матн ҳажми 50 х 44 смдир. Саҳифаларнинг ҳар бирига 12 қатордан чиройли куфий хатида ёзув битилган.

Муҳаммад алайҳис – салломнинг айтган сўзлари, қилган ишлари ёки у кишига берилган сифатларни ўзида мужассам қилган ривоятлар – ҳадислар, деб аталади. «Ҳадис» сўзининг луғавий маъноси – янги, хабар, ҳикоя сўз бўлиб тўлиқ кўриниши ал – Ҳадис ан – Набавий (Пайғамбар сўзлари)дир. Ҳадислар икки қисмдан: айнан хабар берувчи матн ва уни ривоят қилган ровийлар занжири (у исломдан бошланади).

Ҳадислар ислом динининг Қуръондан кейинги, иккинчи манбаси ҳисобланиб, кўпгина фаққий масалаларни ҳал этишда уларга асосланади.

Ҳадис - икки хил:

– ал–Ҳадис ал Қудсий (бунда, маъно Оллоҳдан, лафз эса Пайғамбарники бўлади);

– ал–Ҳадис ан – Набавий (бунисида эса маъно ҳам лафз ҳам Пайғмбарникидир).

VII асрнинг охири VIII асрнинг бошларидан тафсир илми билан бир қаторда ҳадис илмида муснадлар ёзила бошлади. Исломнинг аввалги вақтида фақатгина оятларни ёзма ҳолида сақлаб келинган бўлса, кейинчалик турли даражадаги сохта ҳадислар ҳам мусулмонлар орасига сингиб кетди. Бу эса

олимлар олдига катта масъулиятли вазифани, яъни мана шу «мавзу» тўкима ҳадисларни ва «саҳих» ишончлиларини ажратиб бериш вазифасини қўйди.

## Фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишда маънавият ва маърифатнинг роли

А. Тешабоев - *БТ- 22 гуруҳ тингловчиси*
Илмий раҳбар: З.Р ашидова

*Маънавият - инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг куч-қудратидир, у йўқ жойда ҳеч қачон бахт–саодат бўлмайди.*

*И.Каримов.*

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 31 августда мустақилликка эришгач, ўз олдига жамиятимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқукий маданиятини шакллантиришдек долзарб вазифани қўйди.

Ҳуқуқий онг – ҳуқуқий ҳиссиётлар, туйғулар, ғоялар, қарашлар, баҳолар, йўл-йўриқлар, тасаввурлар ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига муносабатини кўрсатувчи, бу муносабат эса амалдаги ҳуқуққа, ҳуқуқий амалиётга, фуқаролар ҳуқуқлари ва бурчларига, шунингдек, бошқа орзу қилинган ҳуқуқларга нисбатан бўлиши лозим ҳолатлар тизимидир.[1]

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги даражаси ҳуқуқий маданият билан ифодаланади.

Ҳуқуқий маданият - мураккаб тизимдан иборат бўлиб, биринчидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатлари талабларини ўрганиш ва англаш, иккинчидан қонун ҳужжатлари қоида-талабларига итоат қилиш, уларни кундалик ҳаётда қўллаш, учинчидан, қонун–қоида талабларини аҳоли орасида тарғиб қилиш, бошқаларга ўргатиш, тўртинчидан, қонун бузилиши ҳолатларига нисбатан бефарқ бўлмаслик ва ҳуқуқий бузилишни олдини олишга қаратилган чоралар кўриш каби фаолият йиғиндисидан иборатдир[2].

Фуқароларнинг онгини оширишда маънавият ва маърифатнинг ўрни алоҳида.

Маънавият – кишининг эгаллаган фойдали билимлари амалий ҳаётида синалавериб, кўникма ва малака даражаларини ўтган ва руҳига сингиб ҳаёт тарзида акс этадиган ижобий ижтимоий сифатлар мажмуидир.

Маърифат – «маориф» сўзи билан алоқададир. «Маориф» сўзи олий ҳиммат, яхшилик қилувчи маъноларини англатади. Бу сўзни Европада биринчи марта атоқли немис файласуфи И. Кантнинг «Маърифат нима?» номли мақоласи босилиб чиққандан кейин қўлланила бошланган. Маърифат инсоннинг билим даражаси одамларга билим бериш, кўникма ва малака ҳосил қилдириш демакдир.

---

[1] А. Саидов, У Тожихонов «Давлат ва ҳуқуқ назарияси». 324 – бет.
[2] А. Саидов. «Ҳаёт ва қонун» юридик журнал. 2002 йил, 5 – сон 8-9 бетлар.

Ватанимиз мустақилликка эришгач сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда туб ислоҳотларни амалга ошириш йўлига ўтди. Ёш авлодни замон талабларига мос даражада етук ва ракобатбардош мутахассис қилиб етиштиришда маънавиятнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил қилиш тўғрисида 1994 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва шу йилнинг 10 июнида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. 1996 йил 9 сентябрда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида Президент Фармони чиқарилди ва 1997 йилдан бошлаб, Ўзбекистоннинг барча коллеж ва олий ўқув юртларида «Маънавият ва маърифат асослари», 1999 йилдан бошлаб эса бу фанни ўқитиш жараёни таҳлил қилиниб, ўқитиш соатлари миқдори ўрганиб чиқилиб, «Маънавият асослари» фани деб ўзгартирилди.

Инсонларни ҳуқуқий онгини оширишда маънавият ва маърифатнинг ўрни бениҳоя катта бўлиб, маънавиятсиз одамдан қонунларга риоя этувчи шахсни тарбиялаш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Инсон қонунни юқори даражада ўзлаштирган бўлса ҳам, унинг маънавий олами қашшоқ бўлса, бу нарса жамиятда жиноятчилик, ҳуқуқий нигелизм илдиз отишига сабаб бўлади. Жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда маърифатнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Президентимиз «Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашмоқ керак» деб бежиз айтмаганлар.

Маърифат инсоннинг билим даражасини ифодалаб, маориф тизими билан бевосита алоқадордир. Зеро, маориф тизими, яъни болалар боғчаси, мактаб, коллеж, лицейлар, олий ўқув юртлари ёш авлодни тарбиялаб, уларга билим бериб баркамол, маънавий етук авлодни шакллантиради. Ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий белгилари қонунлар устуворлиги, юксак ҳуқуқий маданият бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширмай бунга эришиб бўлмайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб маънавият ва маърифат соҳасида катта ишлар амалга оширилди, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари эълон қилинди. Лекин шунга қарамай, кўплаб ёшларимиз экстремистик, «ақидапарастлик» оқимларига кириб кетди. Мамлакатимизнинг тинчлигини, осойишталигини кўра олмайдиган, бузғунчи шахслар юртимиздаги барқарорликни бузиш қонуний ҳукуматни ағдариш, ички низоларни вужудга келтириш ва кучайтириш мақсадида террорчиликни авж олдиришга ҳаракат қилдилар. Бу эса 1999 йил 16 февралдаги террорчилик ҳаракатларига, Фарғона водийси, Тошкент вилояти, Сурхондарё вилоятидаги қонли воқеаларга олиб келди. Бу ҳодисалар маънавият ва маърифат, миллий ғоя, миллий мафкура масалаларига янада кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатди. 1999 йил 3 сентябрда Президент И. А. Каримов «Республика Маънавият ва маърифат кенгашини янада қўллаб қувватлаш тўғриси»даги Фармонига имзо чекди. Унда яна бир бор маънавий ва маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги таъкидлаб, бу масалага жиддий ёндошиш зарурлигини уқтириб ўтди. Юқоридагилардан кўриниб турибдики ҳуқуқий демократик давлат қуришда, фуқаролар ҳуқуқий онгини оширишда маънавият ва маърифатнинг ўрни бениҳоя катта. Ўз олдимизга Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, ҳуқуқий демократик давлат қуриш мақсадини қўйган эканмиз,

халкимиз маънавиятини янада юксалтиришимиз, билимли, ватанпарвар ёш авлодни тарбиялашимиз лозим бўлади. Зеро, Шарқ мамлакатлари давлат бошкаруви, Шарк демократияси қадимдан жамиятнинг маънавияти, мафкураси ва маърифатини оширишга асосланган. Аждодларимиз ҳаётида ахлок–одоб, жамоат манфаати, ота–она, Ватан олдидаги бурч - маънавий етуклик асосий ўринни эгаллаб келган. Маънавият ва маърифат масаласига эътибор берилмаган давлатда жамият жаҳолат боткоғига ботади, жиноятчилик авж олади, имон - эътиқод йўқолади, бу нарсалар эса давлатнинг инқирозга юз тутишига ва охир оқибат қарамликка олиб келади. Шу сабабли ҳам ҳар бир давлат маънавият ва маърифатга эътибор бермоғи лозим бўлади.

## Солиқ ҳуқуқида кадрлар тизимининг тутган ўрни

**А.Эшбоев** - ***СТ-23 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: А.Зульяров, ю.ф.н. доц.**

Ватанимизнинг, жамиятимизнинг, миллатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан ёш кадрлар корпусининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданиятига боғлиқ. Чунки халқимизнинг, миллатимизнинг обод, чиройли, тинч ва осойишталик, ўзаро меҳр-окибат каби инсонга, фуқарога хос иктисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа хилма-хил муносбатларнинг амалга оширилишида, хусусан, солиқ объектларини аниқлаш, солиқ ставкалари асосида солиқ субъектларини солиққа тортиш кадрлар корпусида муҳим аҳамиятга эга.

Солиқ соҳасида юқори малакали ва маънавияти юксак бўлган мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш мамлакатимиз иқтисодий истиқболини белгилаб берувчи бош омиллардан биридир. Жамиятимизнинг тараққиёти, бугунги ва эртанги куни, эл-юртимизнинг буюк мақсадлар йўлида жипслашиши – замонавий дунёқараш, умуминсоний ва миллий қадриятларнинг вориси бўла оладиган бўлажак авлоднинг фидоийлиги, изланувчанлиги, янгиликка интилувчанлиги, бунёдкорликка интилувчанлиги, айнан Республика ўкув юртлари бугунги талаба-ёшлар билан ўқув-услубий, илмий, маънавий-тарбиявий ишларни қай йўсинда кураётганлигидан келиб чиқади.

Шундан келиб чиқиб бу борада мамлакатимизда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш вазифасини уддалаш бугунги куннинг долзарб муаммосидир.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик фаолияти давомида халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан 500дан зиёд қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши демократик ҳуқуқий давлатга хос принциплар асосида фуқаролик адолатли жамият қуриш, уни мустаҳкамлаш, мулкдорлар синфини ташкил этиш, тадбиркорлик фаолияти

билан шуғулланувчи кичик ва ўрта бизнес институтларини давлат йўли билан қўллаб қувватлаш, улар фаолиятини кредит маблағлар билан таъминлаш учун, тижорат, хусусий ва қўшма банклар фаолиятини молиявий жиҳатдан мустаҳкамлаш, иқтисодиётни ислоҳотлар усулида эркинлаштириш, соғлом авлодни тарбиялаш, маънавий бой, ақлан етук, интеллектуал ривожланган, юкори билимли, жисмонан бақувват, хар томонлама камол топган кадрлар корпусини мустаҳкамлашга мамлакатимизда алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларнинг ҳуқуқий таълимини такомиллаштиришнинг комплекс дастури тўғрисида» 1994 йил 13 июндаги № 269-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганишни яхшилаш хакида»ги 1997 йил 25 июн, ПФ-1791-сонли фармони барча соҳалардаги кадрлар корпусини ривожлантиришга қаратилган бўлса,Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартидаги «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори эса, солиқ тизимини мустаҳкамлаш, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тўғри қўллаш, солиқ тўловларининг давлат бюджетига тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш устидан давлат назоратини кучайтириш, шунингдек, солиқ органлари фаолиятини янада мустаҳкамлашга ҳамда давлат солиқ мутахассис кадрларни жой-жойига қўйишга бугунги кунда катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2 - ва 7-моддаларида Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар фуқаролар олдида масъулдирлар, дейилади.

Ватанимизнинг тўғридан-тўғри бозор иқтисодиётига ўтиши, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маъмурий буйруқбозликни тугатиш, иқтисодиётни тобора эркинлаштириш,демократик кучли давлатдан кучли ижтимоий муҳофаза қилинган жамият сари ривожланиш ва икки палатали парламентар ҳокимиятчиликни барпо этиш даврида 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган ва 1998 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қоидаларини бажариш ҳар бир фуқаронинг қонуний бурчлари эканлиги, юридик ва жисмоний шахсларни қонуний ҳужжатлар асосида солиққа тортиш Давлат солиқ идораларида фаолият кўрсатувчи кадрлар корпусининг асосий вазифаларидир.

# Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик – давр талаби

**Д. Юсупов -** ***БТ- 21 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: З.Ш. Муҳидлинова**

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, ўз олдига бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган, ҳуқуқий демократик давлат бошкарувидаги эркин фукаролик жамияти қуришни олий максад қилиб қўйди.

Мазкур мақсадга тезроқ, собиткадамлик билан эришишда фукароларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий саводхонлиги асосий аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик ҳақида гапиришдан олдин уларнинг маъно-мазмунига эътибор қаратайлик:

Ҳуқуқий онг бу фукароларнинг ҳуқуқ соҳасидаги тушунчалари, тасаввурлари, билимлари, таҳлиллари мажмуидир.

Ҳуқуқий маданият бу ҳуқуқ дунёсини англаган ҳолда белгиланган хулқ-атвор қоидаларига риоя қилиш, улардан ҳаётда моҳирлик билан фойдаланиш, яъни ҳаётда дуч келинадиган барча соҳалардаги масалаларни ечишда ҳуқуқий меъёрларга қулоқ тутишдир.

Ҳуқуқий саводхонлик эса бу мавжуд ҳуқуқий онгни ошириш, ҳуқуқий маданиятни мунтазам равишда бойитиб бориш демакдир.

Мазкур уччала тушунча фуқаровий хусусият сифатида бир-бирини тўлдиради, тақозо қилади, яъни ҳуқуқий онг ҳуқуқий саводхонлик билангина ҳосил бўлади ва бойиб боради. Юксак ҳуқуқий онгли фуқаронинггина ҳуқуқий маданияти юқори бўлади.

Шу боис, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, ўзида ҳуқуқий-демократик давлат белгиларини мужассам эта бошлади, чунончи халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти бўлди, ўзининг Конституциясини қабул қилди, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятларига бўлди, давлат органлари тизимини ислоҳ қилди ва бунда уларга бир-бирини тергаб туриш, назорат қилиб туриш ваколатларини берди ва ҳозиргача жамиятнинг турли жабҳаларига оид 400дан ортиқ қонунлар ишлаб чиқиб ҳаётга татбиқ этмоқда. Асосий эътиборни, ҳуқуқий-демократик давлат сифатида, жамиятнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратди. Жумладан, узлуксиз таълим тизимининг энг қуйи босқичидан бошлаб, то юқори босқичигача ҳуқуқий билимларни ўқитишни йўлга қўйди, телевидение, радио, газета, журналларда ҳамда жойларда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни, ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини ҳали ҳозиргача амалга ошириб келмоқда, ундан ташқари, қонун ҳамда қонуности меъёрий ҳужжатларни яратишда уларнинг лойиҳаларини матбуотда эълон қилингандан сўнг кучга киритиш талаби ҳам шулар жумласидандир.

Ана шу тариқа ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик ўтиш даврининг асосий талаб даражасига кўтарилди.

# Концепция национальной государственности – история и современность

**Абдукадырова С** - ***Курсант Ферганского налогового колледжа***
**Научный руководитель: М. Атаджанов, к.п.н., доцент**

На протяжении своей многовековой истории народы Средней Азии прошли трудный путь становления государственности. С древних времен многовековая история нашей родины хранит в своей светлой памяти великие события на пути защиты нашего народа от завоевателей, сохранения свободы, чести нации, имена выдающихся личностей, проявивших смелость и мужество в этой борьбе.

Так какой же силой, отвагой должен обладать человек, который сплотил вокруг себя таких же сильных, самоотверженных людей? Каким же должно быть чувство любви к Родине, верности народу?

Большинство мыслителей в своих взглядах на государство связывают с их личностными качествами. Фараби подчеркивал, что идеальный правитель может управлять своим государством при условии, если он соединит в себе хотя бы шесть положительных качеств, среди которых наиболее важным считается мудрость. Карши утверждал, что дело государя заключается в действиях по закону справедливости. Также, по мнению Навои, «царь должен иногда быть милостивым, а иногда суровым, чтобы отличать друга от недруга, он должен быть опытным и разумным».

В своих трудах мыслители на передний план государства выдвигали идеи о верховенстве закона. Навои говорил, что закон должен быть выше и важнее всего, что даже если царь или султан провинится, то он может быть передан суду. Если же нормы закона были не таковы, если они устарели, являются несправедливыми и жестокими, то их следует отменять и заменять новыми, которые давали бы пользу людям.

Мыслителями предлагалась и своего рода кадровая политика. Джами считал, что «приближенными падишаха должны быть люди правдивые, добродетельные, обо всем ему поведывающие, он не должен допускать к себе завистников, скупых, подлых и ничтожных людей, так как если приближенные являются завистниками, ничтожными людьми, государство придет в упадок и правитель сменится».

По мнению Давани: «если бразды правления государством находятся в руках справедливого царя, все стремятся быть справедливыми и стремятся овладеть теми или иными достоинствами. А если к народу проявлять алчность, ложь, то и народ будет овладевать этими же отрицательными качествами».

Если говорить о государственности, то главным ее элементом является язык нации. Исторические народы Узбекистана жили в многоязычной среде, поэтому говоря о государственном языке необходимо иметь в виду не только

его территориальную целостность, но и по мере его закрепления в экономике, политике, культуре, приобретение межнациональной целостности.

Взаимоуважение и взаимодоверие народов составляют одну из основ национальной государственности. Общество должно ценить каждую пядь земли, на которой выросли и на котором завтра будут жить наши дети, а также ценить вечный покой наших отцов и дедов. Народ должен обладать такими качествами, как дружба, согласие между гражданами, уважение к общечеловеческим ценностям.

Один из показателей национальной государственности – органы власти. Согласно Конституции независимого Узбекистана, Олий Мажлис является единственным законотворческим и законодательным органом.

В условиях независимости Узбекистан становится полноправным субъектом международных отношений, и ее внешняя политика строится, исходя из принципов суверенного равенства государств; неприменение силы или угрозы силой, нерушимости границ, мирного урегулирования споров, невмешательства во внутренние дела других государств и иных общепризнанных принципов и норм международного права.

В настоящее время концепция национальной государственности базируется на исторических, национально-традиционных идеях. Поэтому, каждый человек должен беречь наше государство, которое является основой всех наших успехов и достижений, а также приумножать то наследие, которое нам оставили и завещали предки. Независимый Узбекистан, как наследник идей концепции справедливой и свободной государственности, стремится создать все условия для развития и этих идей.

## Солиқ хизмати ходимларининг маънавий-психологик сифатлари

**Умедов Э.** - ***Фарғона солиқ коллежи курсанти***
**Илмий раҳбар: Ҳ. Қушматова**

Солиқ хизмати ходимларининг маънавий-психологик сифатларини солиқ хизматчиларининг касбий этикаси нормалари, мижозлар билан ишлаш учун зарур бўлган шахс психологияси хусусиятлари ташкил қилади. Буларни билиш ҳар бир солиқ ходими учун фарз бўлиб, бу билимларсиз уларнинг ўз шахсий фаолиятларини, бошқалар билан самарали мулоқот ва муносабат усулларини ташкил қилишлари қийин бўлади.

Солиқ соҳасида хизмат қилаётган ҳар бир ходим маънавий бой, психологик жиҳатдан ривожланган, ҳар қандай инсоннинг кўнглига йўл топа оладиган бўлиши керак. Чунки, солиқчи ўз иш жараёнида турли хулқ-атвордаги инсонлар билан муносабатга киришади. Бу ўз навбатида солиқчидан юксак маънавият ва ақл-идрок талаб қилади.

Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқида, мустақил ёш Ўзбекистоннинг пойдеворини мустаҳкамлашда ҳар бир соҳадаги кадрларнинг, нафақат

кадрларнинг, балки ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг маънавий бойлиги катта роль ўйнашлигини «…халқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш, мазкур дастурни амалга ошириш биздан ниҳоятда катта куч, маблағ ва имконият талаб қилмоқда. Лекин истикболимиз, иқболимиз кўзи билан қараганда, ҳам иқтисодиёт, ҳам сиёсат, ҳам маънавият нуқтаи назаридан бу сарф-харажатларга назар ташласак, ундан келадиган манфаат ҳар қандай харажатларни қоплаши ва оқлаши муқаррардир» дея таъкидлайди.

*Бозор муносабатлари шароитида* энг муҳим аҳамият касб этадиган сифат бу бошқарув маданияти ҳисобланади. Бошқарувчилик ижтимоий роль бўлиб, ижтимоий ва шахслараро муносабатлар тизимида ўзига хос позицияни эгаллаб турган, индивиддан кутиладиган чегараланган, маъқулланган хулқ шаклидан иборатдир. Солиқ тизимининг ходимларида бошқарувчилик санъати мужассамлашган бўлиши керак. Чунки солиқчи ўз фаолияти давомида бевосита аҳолининг турли табақалари билан муносабатда бўлади, бу эса солиқчидан юксак бошқарувчилик санъатини талаб этади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фазилатларни солиқ хизматчиларида мужассамлаштириш учун янги авлод солиқ хизматчиларига маънавий-психологик билимлар берилмоқда. Нафақат бўлғуси солиқ хизмати ходимлари, балки ҳозирда фаолият юритаётган солиқ ходимлар ҳам маънавий-психологик билимлар билан таништирилмоқда.

Назарияни амалиёт билан бирга қўшиб олиб бориш, ҳозирда таҳсил олаётган курсантларда фуқаролар билан ишлаш малакаларини шакллантириш, фаолият жараёнида зарур бўладиган мулоқот, муносабат усуллари билан таништириш келгусида юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг зарур шартидир.

## Ўзбекистон Республикасида икки палатали Олий Мажлисни ташкил этишда давлатнинг роли

**М.Ахмедов** – ***СТ-21 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: Г.Исроилова**

Маълумки, ҳокимият вакиллик органининг ваколатлари ва тузилиши парламентнинг қандай эканлигига, яъни бир палатали ёки икки палатали эканлигига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ иккинчи сессиясида миллий парламент тараққиёти учун янги ғояни – икки палатали парламентни тузиш тўғрисидаги таклифни илгари сурди.

Ўзбекистон парламентида икки палатали тизимнинг қуйидаги муҳим далилларини баён этиш жоиз:

Биринчидан, ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанат янада барқарор бўлишига эришилади.

Иккинчидан, "назоратчи" палата мавжудлиги туфайли парламентнинг янада уйғун ишлашига эришилади. Зеро иккинчи палата биринчи палатанинг

хатолари ва шошиб кабул қилинган қарорларини тузатишга қодир бўлиб, қонун ҳужжатлари янада пухта кабул қилинишига кўмаклашади.

Шуни назарда тутган холда 2002 йил 27 январь куни ўтказилган референдум натижаларига кўра конституциявий қонун ишлаб чиқилди. Ушбу конунга асосан икки палатали парламент таркиби, фаолияти тўғрисида тўхталиб ўтаман.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг Олий давлат вакиллик органи бўлиб, икки палатадан - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг конунчилик палатаси, яъни қуйи палатадан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, яъни юқори палатадан иборат бўлади.

Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган 120 депутатдан иборат. Сайлов куни 25 ёшга тўлган ҳамда камида 5 йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Қонунчилик палатасининг депутати бўлиши мумкин. Қонунчилик палатаси ваколат муддати - 5 йил. Қонунчилик палатаси фаолиятининг тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлар билан белгиланади. Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади.

Сенат ҳудудий вакиллик палатаси сифатида сенат аъзоларидан таркиб топади.

Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланадилар. Сенатга сайлов депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ва алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Қонунни қабул қилиш жараёни ва имзолаш жараёни қуйидаги тартибда *амалга оширилади.*

Қонун лойиҳаси қонунчилик палатасига киритилади. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини қоида тариқасида, бир неча бор ўқишда кўриб чиқади ва қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун Сенатга юборилади. Сенат қонунни кўриб чиқади ҳамда уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сенат томонидан рад этилган қонун қонунчилик палатасига қайтарилади.

Қонунчилик палатаси ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун келишув комиссиясини тузишлари мумкин. Комиссияда келишувга эришилса, қонун қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқилиши керак. Бу ҳолда одатдаги тартибда қабул қилинади ва маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

Юкорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги асосий хулосаларни баён этмоқчи эдик.

Биринчидан: малакали юристлар, иқтисодчилар, сиёсатшунослар ишлайдиган янги профессионал парламентга ўтиш учун мамлакатимизда реал сиёсий ва бошқа шарт-шароитлар вужудга келди.

Иккинчидан: биз бугун комил ишонч билан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон халқининг ўз миллий давлатчилигини яратиш билан унинг мухим институтларини ривожлантиришимиз мумкин.

Учинчидан: ҳокимиятнинг қонун чикарувчи тизими қарор топганлиги, миллий парламент анъаналари ривожланганлигига асосланиб, шунингдек Ўзбекистон халқи кўп миллионли эканлигини ва мамлакат минтақаларининг ўзига хос эканлигини хисобга олган ҳолда парламент тузилишини ўзгартириш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан: қонун чикарувчи олий органда иккинчи палатанинг тузилиши Ўзбекистон қонунларининг қабул қилинишига минтақаларнинг таъсирини сезиларли даражада оширади, парламент қабул қилаётган ҳужжатларда халқнинг хоҳиш-иродаси янада тўлиқроқ намоён бўлишига имкон беради.

## Демократик, ҳуқуқий давлатни шакллантиришда божхона ходимларининг роли

**Ж.Д.Мухамедов** - ***БТ-22 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: З.Муҳиддинова**

Ҳуқуқий-демократик давлатнинг асосий белгиларидан бири ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг самарали фаолият кўрсатишларидир. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар инсон ва фукароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Конституция ва қонунлар устиворлигини таъминлаш орқали ҳуқуқий-демократик давлатни шакллантиришда муҳим ўринга эгадирлар.

Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 8 июлдаги фармойишига асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган хисобланади. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикасининг иктисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўз ваколатлари доирасида унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, божхона ҳақидаги қонун хужжатлари бузилишининг, шу жумладан контрабанданинг олдини олиш, уни аниқлаш ва уларга чек қўйиш божхона органларининг асосий вазифаларидан бўлиб, мамлакатимизда демократик давлатни шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ. Зеро Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаларида айтганларидек, «Иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг самарали ҳал этилиши пировард натижада инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг моддий кафолатини яратишга олиб келади».

Иқтисодий жиҳатдан бақувват давлатдагина чин маънода ҳуқукий-демократик давлат ҳақида сўз юритиш мумкин. Давлатда иқтисодий барқарорлик бўлмас экан, коррупция, жиноятчилик авж олади, халкнинг ҳукуматга нисбатан норозилиги ортади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилади. Мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда эса божхона ходимининг ўрни бекиёс. Бу нарса божхоначига алохида масъулият юклайди. Божхона ходимлари жисмоний ва юридик шахслар, тадбиркорлар билан бевосита ишлайдилар. Божхоначилар уларнинг ҳуқуқларини химоя қилишлари, уларга тўсқинлик қилмасликлари лозим. Айни вақтда божхона хизматчилари божхона ҳақидаги конун ҳужжатлари бузилишининг олдини олишлари, БҚБ содир этилган ҳолларда эса қоидабузарларга нисбатан зарур чораларни кўришлари лозим.

Контрабанда жиноятининг олдини олиш, уни аниқлашда божхона ходимларининг ўрни алоҳидадир. Контрабанда йўли билан олиб кирилган наркотик ва психотроп моддалар, қурол-яроғлар давлат тузумига қарши ҳамда экстремистик руҳдаги адабиётлар мамлакатда жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик авж олишининг асосий сабабларидандир. Контрабанда ва БҚБга қарши кураш эса божхона органларининг асосий вазифаларидан биридир.

Демак, божхона ходимларининг ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлидаги вазифалари ва ўрни қуйидаги асосий йўналишларда акс этади.

Биринчидан, мамалакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш орқали ҳуқуқий-демократик давлатнинг иқтисодий асосини шакллантириш.

Иккинчидан, контрабандага қарши курашиш орқали жиноятчилик, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш.

Учинчидан, ўз ваколатлари доирасида юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Хулоса: шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, биз божхона ходимлари ўз соҳамизни мукаммал эгаллаган, самарали тажрибага эга бўлган, билим савиямиз шу соҳани тўлиқ қамрай олган мутахассислар бўлиб етишишимиз, Она Ватанимиз сарҳадларини посбони бўлишимиз лозим.

## Тараққиёт ва у билан фалсафанинг алоқадорлиги

**Розиқов Н.-** ***СТ-12 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар ф. ф. д. Давронов З.**

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, барча ижтимоий фанлар каби фалсафа фанининг ҳам муаммоларига муносабат ўзгарди. Ушбу шароит фалсафага умуминсоний қадрият сифатида ёндашиш, жамият тарихида шаклланган барча фалсафий таълимотларга бир бири билан узвий боғланган маънавий жараён сифатида қараш, Шарқ фалсафаси, Ўрта Осиё халқлари фалсафий фикрлари ва анъаналарини чуқур ёритиш, халқимизнинг ҳозирги кундаги мустақил тараққиёти, истиқболи билан боғлиқ бўлган назарий, амалий

муаммоларни холисона ўрганиш ва умумлаштириш заруриятини юзага келтирди.

Мустақиллик туфайли барча фанлар катори фалсафа фанини ўқитишда янгича тамойиллар, дунё андозаларига мувофиқ келадиган муаммоларни ҳал этиш имконияти вужудга келди. Бу имконият фалсафани ўқитиш тўғрисида маълум бир қараш, истиқболли йўналишларга эга бўлиш каби муаммоларни файласуфлар олдига қўяди ва бу муаммолар хозирги кунда ҳал қилишга ҳаракат қилиб келинмоқда. Бир хил қараш, ягона фикр ва тамойилларга асосланган фалсафа, сиёсат ва мафкурани янги мактабларни, концепцияларни, ярата олмайди. Шундай фикрлар юритилиши лозимки, фикрларнинг инсонга, жамиятга фойдаси тегадиган бўлиши керак, яъни, инсонларни хаётга тайёрлашга, тўғри йўлни топишга, мустақил равишда, кучли, теран фикрлай олишга ёрдам берсин. Ана шу жараёнларни тўғри ҳал этишда фалсафани тараққиёт билан алоқадорлигини аниқлаш ўта долзарбдир.

Жамиятнинг маънавий тараққиётини қадимдан бошлаб инсонларнинг олам ҳақидаги барча билимларини фалсафа ўз ичига олади. Фалсафадан алоҳида фанлар ажралиб чиқди, шаклланди ва ривожланди. Фалсафа бошқа фанлардан фарқ қилиб, оламнинг тузилиши хакида энг умумий хулосаларни чикаради ва куйидаги мавзуларда бахс юритади:

А) Табиат. Табиатда бўладиган ўзгаришлар, турли ҳодисалар, пайдо бўлиш, ривожланиш, алоқадорлик, боғланишлар тараққиёт ҳақида;

Б) Инсон фаолияти. Инсоннинг пайдо бўлиши, жамиятда тутган ўрни, тафаккури, онги, турмуш тарзи, ўзаро муносабати, инсоннинг ўз моҳиятини англаши, борлиқни турли соҳаларига оид бўлган ҳодиса ва воқеаларини, ифодалайдиган ва улардан умумий хулосалар чиқариш тўғрисида.

В) Жамият фаолияти. Жамиятни ривожланиши, тараққий этиши, жамиятнинг маънавий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, иктисодий соҳалари хакида.

Кишилар қадим замонлардан бошлаб табиат, дунё ва борлиқ нима, улар қандай тузилган, борлиқнинг асосида нима ётади, инсон ўзи нима, у дунёга қандай қарайди, каби саволларга жавоб беришга ҳаракат қилиб келганлар.

Фалсафий тафаккур инсонни ўзини англашидан бошланади. Шаркда машҳур бўлган Азизиддин Насафий шундай деган: «Эй дарвеш, улуғ оламнинг аввалу охири, зоҳири ва ботини, моҳият ва шаклларини англаб етиш учун ўзингнинг моҳиятингни, зоҳир ва ботинингни англаб етгин. Бундан бошқа йўл йўқ». (А. Насафий «Зубдат ул хақойиқ»). Инсон фалсафий тафаккур орқали ўз моҳиятини, борлиқдаги ўрнини англайди, авлодлар қолдирган мерос, ўзининг, ўз даврининг амалий, илмий ютуқларини фалсафий умумлаштирилиб оламни бир бири билан боғлаган, тараққиётнинг жараёни сифатида англайди, истиқбол режаларини белгилайди. Инсон маънавий камол топиб, жамият, фан ва техника ривожланиб борган сари фалсафий таълимотларга бўлган эҳтиёж хам кенгаяди, чуқурлашади. Бу эса фалсафага ижодий, янгича ёндашишни талаб этади.

Фалсафанинг аҳамияти шундан иборатки, у фан билан шуғулланганлар, унинг қонун ва қоидаларини билганлар аксарият ҳолларда ҳаёт ва тараққиёт тўғрисида ижобий ва салбий хулосаларни чиқарадилар, яъни тараққиётни англашда диалектик ёндашадилар.

Диалектика кишиларнинг, дунёни билишнинг умумий усули сифатида вужудга келган. Дунёга диалектик караш деганда, барча нарса ва ҳодисаларни, уларни инсон миясидаги инъикослари инсон билишни ҳам ўзаро алоқадорликда ва боғланишда, қарама қаршилик бирлиги ва курашида миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир бирига ўтишида, эскининг ўрнини янги эгаллашида, хуллас, уларни «ўз ҳаракати» да, ўзгариб ва ривожланиб туришида, пайдо бўлиб ва йўқ бўлиб туришида, айни вақтда хамма нарса ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликда ва ўзаро муносабатда, деб тушунишдир. Дунёга диалектик қараш тараққиётни диалектик тафаккур асосида билишни асослайди. Диалектик тафаккурли инсон тафаккурининг ривожланиш даражасига ҳам боғлиқдир. Чунки инсонларда ташки ахборотларни кабул килиш, эсда сақлаб қолиш қобиляти, мустақил фикрлаш қобиляти хар хилдир. Тараққиёт ўзгариши билан диалектик тафаккур хам ўзгариб, ривожланиб боради.

Диалектиканинг яна бир жиҳати унинг тараққиёт тўғрисидаги таълимот эканлигидир. Чунки табиатдаги барча нарса ва ҳодисалар, уларнинг инсон миясидаги инъикослардир. Улар доимий равишда ҳаракатда, ўзгариш ва ривожланишда бўлишини тақозо этади, уларнинг янгилари пайдо бўлиб, эскилари йўқ бўлиб туради. Бизни ўраб турган барча нарса ва ҳодисалар галактикалардан тортиб юлдузларгача, юлдузлардан тортиб ер ва қуёшгача, ернинг ўзидан тортиб, ундаги турли туман моддалар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсигача, кишилик жамиятидан тортиб то инсон ва унинг тафаккуригача ҳамма- ҳаммаси доимо ҳаракат, ўзгариш ва ривожланишдадир.

Кундалик ҳаётда «ҳаракат» деганда, одатда, нарса ва ҳодисаларни оддий ўрин алмашуви тушунилади. Диалектикада ҳаракатни чуқурроқ тушунилади. «Ўзгариш» тушунчаси ҳажм жиҳатдан «ҳаракат» тушунчасига киради. Чунки ҳар қандай ўзгариш ҳаракатдир. Аммо ҳар қандай ҳаракат, ўзгариш тараққиёт эмасдир. Тараққиёт нарса ва ҳодисаларнинг бир жиҳатдан иккинчи ҳолатга, тубдан бошқа кўринишга ўтишидир. Тараққиёт билан ўзгаришнинг фарқи яна шундан иборатки, ўзгариш ўз ичига регрессларни ҳам олади, яъни, орқага қайтиш, салбий томонга ўзгариш, юқоридан қуйи томон бориш. Масалан: валюта инфляцияси, ишлаб чикариш самарадорлигини пасайиши ва ҳоказо. Ривожланиш бу прогрессдан иборат ўзгаришдир, яъни, янгининг ривожи, олдинга томон ҳаракат, қуйи босқичдан юқори босқичга ўтиш. Тараққиёт эса нарса ва ҳодисаларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан тубдан ўзгариб, бошқа нарса ва ҳодисаларнинг пайдо бўлишидир. Мисол: дарахт ниҳолини эккандан бошлаб то мева ҳосил қилгунга қадар бўлган жараён ўзгаришдир, мева бериши эса тараққиётдир.

Хулоса қилиб айтганда бизнинг фикримизча биринчидан, тараққиётни тушунтиришда илмий фалсафа керак. Инсон онгига фалсафий эътиқодни зўрлик билан тиқиштириб бўлмайди. Инсонларга эркин фикрлаш, ўзига хос қарашларни ривожлантиришга шарт-шароит яратиб берадиган, воқеа ва ҳодисаларни моҳиятига чуқурроқ етиб, ҳақиқатни билишга кўмаклашадиган, амалий фаолиятда доимо ҳамроҳлик қилиб, инсон ўзлигини англашга, эзгу мақсад ва ҳаракатга ундайдиган фалсафа керак.

Иккинчидан, тараққиётни эътироф этадиган замонавий фикрларни келтириб чиқарадиган ва уларни инсон фаолиятидаги умуминсоний қадриятларга йўналтирадиган фалсафани бўлиши замон талабидир.

Учинчидан, тараккиётни асослаш, унинг умумий моҳиятини очиб бериш фалсафа фанига боғлиқ бўлиб, фалсафа қонун ва категориялари моҳиятини тушуниш, уларни оламни билиш соҳасидаги метадологик жиҳатларини ўрганиш ҳар бир мутахассиснинг бурчидир.

## Табиатни муҳофаза қилиш қонунлари ва уни бузувчиларга қарши кураш чоралари

**Юсупов Л.** - ***СТ-23 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: и.ф. н., доц. С.Умаров**

Ўзбекистон мустақиликка эришганидан сўнг, Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш концепциясини аниқ равшан қилиб белгилаб олди, шу қаторда табиатни муҳофаза қилиш соҳасига ҳам катта эътибор берилди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг иккинчи булим XI боб 50-моддасида «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эхтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» деб киритилган ва Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза килиш тўғрисидаги қонун"и 1992 йил 9 декабирда қабул килинди.

Ушбу қонунда мамлакатда табиий муҳитни сақлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари белгиланган, табиат билан инсон ўртасидаги муносабатларнининг меъёрида ривожланиши мақсадида табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, фуқароларни қулай табиий муҳитга бўлган ҳуқуқини кафолатлаш зарурлиги уқтирилган.

Асосий қонундан ташқари табиат муҳофазасининг айрим соҳалари бўйича ҳам махсус қонунлар қабул қилинган. "Алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш туғрисида"ги қонун асосан умуммиллий бойлигимиз бўлган ноёб ва қийматли табиат мажмуаларини экологик, иқтисодий, илмий, маданий, соғлиқни сақлаш, нафосат нуқтаи назаридан сақлашни асослайди. Шунингдек, 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикасининг "Санитар назорати тўғрисида, "Ер тўғрисида" қонунлари қабул қилинди, уларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1991 йил 20 ноябрдаги, 1993 йил 7 майдаги, 1994 йил 6 май ва 23 сентябрдаги кенгашларида ўзгартиришлар киритилган. Ушбу қонунлар ердан оқилона фойдаланиш ва ерни муҳофаза қилиш, тупроқ ҳосилдорлигини қайта тиклаш, табиий муҳитни сақлаш ва яхшилашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Сув ҳақидаги ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни 1993 йил 6 майда қабул қилинди. Унинг вазифаси сувдан фойдаланишни тартибга солиш, аҳоли ва халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан оқилона фойдаланиш, сувнинг ифлосланиши, ва фуқароларнинг сувга бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилишдан иборат.

1994 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Қазилма бойликлари хакида" қонун кабул килинди. Бу қонун Маъданларни муҳофаза килиш ва фойдаланишни тартибга солишга каратилган. *1996 йил 27 декабрда* "Атмосфера хавосини муҳофаза килиш тўғрисида"ги қонун кабул қилинди.

Унда атмосфера хавосининг табиий таркибини саклаш, уни зарарли моддалар билан ифлосланишини олдини олиш, давлат органлари корхоналар ва фуқароларнинг хавони муҳофаза қилишдаги ҳуқуқий вазифаларини тартибга солиш ва бошкалар кайд этилган. Ҳозирда ўрмонлар, ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш, фойдаланиш тўғрисида қонун лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Йўқолиб бораётган қимматли ва доривор ўсимликлар ва ноёб ҳайвонларга нисбатан муносабатни тартибга солиш ва фойдаланишни яхшилаш бўйча Вазирлар Махкамасининг қарорлари мавжуд.

Ўзбекистонда овчилик ва балиқ тутиш тартиблари юқорида кўрсатилган қонунлар, шунингдек, Ўзбекстон Республикаси ҳудуди овчилик ва баликчилик хўжаликларини бошқариш тўғрисида Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қорори асосида амалга оширилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитасининг махсус буйруқлари ҳам юридик ҳуқуқларга эга.

Юқорида кўрсатиб ўтилган атроф муҳофазаси тўғрисидаги қонунлар, карорлар, низомлар ва бошқа йўл-йўриқлар табиатдан фойдаланишнинг юридик жабҳаларини асослайди.

Вазифа - улардан тўлиғи билан фойдаланган ҳолда атроф-муҳит муҳофазасига самарали хизмат қилишга бутун этиборни қаратишдан иборат. Табиий муҳитни ифлослантираётган, унинг бойликларидан ортиқча фойдаланаётган,аҳоли соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётган давлат, хусусий, ширкат, жамоа хужаликлари, фуқаролар ва бошқаларга нисбатан қонун асосида тегишли чораларни кўриш айни муддоадир. Ушбу шарафли вазифани табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузувчилар билан шуғулланувчи муассасалар ва шахслар амалга оширади. Яъни, шуни таъкидлаш лозимки, табиатни муҳофаза қилиш қонунлар оркали эмас, балки ўз онгимиз ва туйғумиз билан химоя қилишни хис эта билишимиз, бу билан эса, нафақат табиатни балки ўзимизни ва келажагимизни асраган бўламиз.

## Абу Наср Форобий фалсафий қарашлари

**Абдураззақов Ж. - СТ-11 гурух тингловчиси**
**Илмий раҳбар ф.ф.д. проф.З.Давронов**

Форобий унинг тахаллуси бўлиб, тўлиқ номи Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлур Тархон — жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган Марказий Осиёлик машҳур файласуф, қомусий олим. Ўрта асрнинг бир қанча илмий ютуклари, умуман Яқин ва Ўрта Шарқ, мамлакатларида тараққийпарвар ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожи унинг номи билан боғлиқ;. Форобий ўз замонаси илмларининг барча соҳасини мукаммал билганлиги ва бу илмлар ривожига катта ҳисса қўшганлиги, юнон

фалсафасини шарҳлаб, дунёга кенг таниттанлиги туфайли Шарқ мамлакатларида унинг номи улуғланиб, "*Ал-Муаллим ас-соний*" - "Иккинчи муаллим" (Аристотелдан кейин), "Шарк Арастуси" деб юритилган.

Форобий туркий қабилаларидан бўлган ҳарбий хизматчи оиласида. Сирдарё қирғоғидаги Фороб — Ўтрор деган жойда туғилган. У туғилган ҳудуд Сомонийлар томонидан бошқарилиб, араб халифалигининг шимолий чегараси хисобланган. Форобий бошланғич маълумотни она юртида олди. Сўнг Тошкент (Шош), Бухоро. Самаркандда ундан кейинроқ ўз маълумотини ошириш учун араб халифалигининг маданий маркази бўлган Бағдодга келди. Бағдодда бу даврда мусулмон дунёсининг турли ўлкаларидан, хусусан Марказий Осиёдан келган кўп илм аҳллари тўпланишган эди. У ерга бора туриб Форобий Эрон шахарлари — Исфахон, Халадон, Райда ва бошқа жойларда бўлди. Форобий Бағдодда ал-Мутаддил (829—902), ал-Муктафий (902—908), ал-Муктадир (908—932) ҳалифаликлари даврида яшади. У бу ерда ўрта аср фани ва тилининг турли соҳалари, юнон фалсафий мактаблари билан чуқур танишиб, ўзга диний эътиқод, фалсафий фикрдаги кишилар билан илмий мулоқотда бўлди. Абу-Башар Матга ибн-Юнусдан (870—940) юнон тили ва фалсафасини, Юханна ибн-Хийлон (860— 920)дан табобат ва мантиқ илмини ўрганди. Айрим маълумотларга қараганда, у 70 дан ортик тилни билган.

Тахминан 941 йилдан бошлаб Форобий Дамашқда яшаган. Шаҳар чеккасидаги боғда қоровул бўлиб, камтарона кун кечириб, илм билан шуғулланган. Сўнгги йиллар у Халаб (Алеппо) ҳокими Сайуддавла Ҳамдамид (943—967) илтифотига сазовор бўлди. Тадқиқотчилар унинг Халабдаги ҳаётини энг самарали давр ҳисоблайдилар. Чунки бу ҳоким ҳурфикрлилиги, илм-фанга эътибор берганлиги билан ажралиб турган. У Форобийни саройга таклиф этади, лекин Форобий бунга кўнмайди, оддий ҳаёт кечиришни афзал кўради.

Форобий 949—950 йилларда Мисрда, сўнг Дамашқда яшаб, шу ерда вафот этган ва "Боб ас-сатир" қабристонига дафн қилинган дейилади.

Форобий ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча сохаларида 160 дан ортиқ асар яратган. У турли билимларнинг назарий томонлари, фалсафий мазмуни билан кўпроқ қизиққанлиги учун унинг асарларини 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

1) юнон файласуфлари, табиатшуносларининг илмий меросини изоҳлаш, тарғиб қилиш ва ўрганишга бағишланган асарлар;

2) фаннинг турли соҳаларига оид мавзулардаги асарлар.

Форобий қадимги юнон мутафаккирлари — Платон, Аристотель, Эвклид, Птолемей, Порфирииларнинг асарларига шарҳлар ёзган. Айниқса, Аристотель асарлари ("Метафизика", "Этика", "Риторика", "Софистика" ва б.) ни бетафсил изоҳлаб, қийин жойларини тушунтириб бера олган, камчиликларини кўрсатган, айни вақтда бу асарларнинг умумий мазмунини очиб берувчи махсус асарлар яратган. Форобий шарҳлари Ўрта ва Яқин Шарқ илғор мутафаккирларининг дунёқарашини шакллантиришда, уларни Аристотель ғоялари руҳда тарбиялашда муҳим ахамиятга эга бўлди. Абу Али ибн Сино Форобий шарҳлари ("Метафизика" "Мобаъдий табиат")ни ўқиб, Аристотель асарларини тушунганлигини алоҳида таъкидлайди.

Форобийнинг шарҳ, ёзиш фаолияти факат Шарқнигина эмас, ўрта аср Оврупосини ҳам юнон илми билан таништиришда катта роль ўйнади. Бу фаолият унинг илмий фаолияти тараққиётининг биринчи босқичини ташкил этади. Бу босқич Форобийга ўзига хос мактаб хизматини ўтаган ва янги мавзуларда тадқиқотлар олиб бориш учун замин хозирлаган.

Форобийнинг бундай асарларини мазмунига қараб қуйидаги гурухларга бўлиш мумкин:

1)фалсафанинг умумий масалаларига, яъни билимнинг умумий хусусиятлари, қонуниятлари ва турли категорияларига бағишланган асарлар: "Субстанция ҳақида сўз" ("*Калом фил жавҳар*"), "Масалалар манбаи" ("*Угонул масоил*"), "Қонунлар ҳақида китоб" ("*Китоб фил навомис*"), "Фалак ҳаракатининг доимийлиги ҳақида" ("*Китоб фил ҳаракат ал-фалака доиматун*") ва б;

2)инсон билиш фаолиятининг фалсафий томонларига бағишланган, яъни билишнинг шакллари, босқичлари, усуллари ҳақидаги асарлар. Мантиқ (логика)нинг турли муаммоларига доир асарлари ҳам шунга киради: "Катталарнинг ақли ҳақида сўз" ("*Калом фил ақл ал-Кабир*"), "Ёшларнинг акли ҳақида китоб" ("*Китоб фил-ақл ас-сарир*"), "Мантиқ ҳақида катта қисқартма китоб" ("*Китоб ал-мухтасар ал-кабир фил мантиқ.*"), "Мантиқда кириш китоби" ("*Китоб ал-мадхал ила-л мантиқ,*"), "Исбот китоби" ("*Китоб ал-бурҳон*"), "Силлогизм шартлари китоби" ("*Китоб шароит ал-қиёс*"), "Жон (руҳ нинг моҳияти ҳақида рисола" ("*Рисола фи моҳдат ан-нафс*") ва б.

3)фалсафа ва табиий фанларнинг фан сифатидаги мазмуни, тематикаси ҳақидаги асарлар: "Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи" *("Китоб фи ихсо ал-улум ва ат-таъриф", қисқача номи "Ихсоал-улум"),* "Фалсафа тушунчасининг маъноси ҳақида сўз" ("*Каломфи маъони исм ал-фалсафа*"), "Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш кераклиги ҳақида китоб" ("*Китоб фи ашё аллати яхтожу анталлама қабл ал-фалсафа*"). "Фалсафага изохлар". ("*Таолик,фи-л хакмат*") ва б.;

Колаверса, Фаробий ёзган ҳикматлари ҳам эътиборга молик , улардан бир нечтасини кўриб чиқамиз:

1) Касб-ҳунар ва санъат ҳақида

Инсоннинг касб-ҳунар ва санъатдаги фазилатига келсак, бу фазилат туғма эмасдир, акс ҳолда унинг фикрий фазилатида мутлақо куч ва улуғлик бўлмас эди. Агар касб-ҳунар фазилати туғма бўлганда, подшоҳлар ҳам ўзлари истаб ва ҳаракат қилиб эмас, балки подшоҳлик уларга фақат табиий равишда муяссар бўлган, табиат талаб қилган таббий мажбурият бўлиб қолар эди. Назарий ва буюк фикрий фазилат, улуғ туғма фазилат ва улуғ (касб-ҳунар) фазилати одат-малака бўлиб қолган одамда бу фазилатлар иродаси ҳосил қилишнинг ва одатга айлантиришнинг сабаби бўлади. Бундай одамлар чексиз ва жуда кучли табиат ва ирода эгаларидирлар.

Мақсадни амалга оширишда жаҳд ва ғайрат мўлжалаган ишни бажаришда зўр таъсирга эгадир. Назарий билимларни ё устозлар, ёки ҳикматлар ўргатадилар.

2) Ёшларга насихатлар.

Ёшлар юқорида айтиб ўтилган нарсалар: касб-ҳунар, иш тажриба, жаҳд ва ғайратга эга бўлганлари ва шу нарсаларни ўз вужудларида сингдирганларидан сўнг, уларни аста-секин эгаллай борадилар ҳамда юқорида айтиб ўтилган фазилатларни аниқлаб бориб, назарий би-лимларнинг ҳаммасида манқиқий фикрлаш йўлини ишлатишга одатланадилар. Шу тартибда болаларга ўргатиш йўли билан улар камолга етгунча ана шу фазилатлар аниқланади ва тарбия қилинади.

3) Камолотга эришиш йўлида.

Дарҳақиқат, ҳар бир моддий нарса, сўзсиз, ўз вужуга, ўзига хос бўлган мартаба энг юксак камолотга эришиш учун борлиқда келган, Инсонга хос бўлган бу камолатнинг номи энг етук бахт-саодат деб аталади. Бу бахт саодат шу юксак камолотга эришиш йўлида бўлган турли жузъий нарсаларни ўзида бирлаштиради. Жузъий нарсалар энг етук бахт-саодатга олиб борувчи фазилат санъат (касб-ҳунар)лардир. Халқлар ва шаҳар аҳилларини тарбиялаш учун касб-ҳунарни эгаллашга ва камолатга эришишга ўз ихтиёрларича ҳавас билан интилган кишилар ҳақиқий фазилат эгалари, ҳақиқий санъат аҳилларидир.

5) Инсонийлик ҳақида.

Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир, шунинг учун хам, одамлар инсоният туркумига кирганликлари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим.

Фаробий ўз асарларида ўзининг қилган фозил жамиятни яна хам ёрқин тасвирлайди. Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт - саодатга олиб боришдир, -деб ёзади у, бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади.

Фаробий учун дунё ғунча бўлиб, аста-секин ўзининг ранг - баранг томонларини ва битмас-туганмас бойликларини тобора кўпрок намоён қилиб очилиб боради.

## Солиқ ва божхона соҳаси фаолиятини ривожлантиришда тингловчи ёшларнинг ўрни

**Акимбаев** – ***Божхона коллежи курсанти***
**Илмий раҳбар: Ф.Деҳқонбоев**

Божхона ходими анчалик чуқур ва маъноли фикрлай олса, шунчалик унинг иш сифати катта ютуқлар олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси божхона соҳаси фаолиятини ривожлантиришда ёшларнинг вазифалари ва таклифларини қуйидагича билдирмоқчимиз:

1. Божхонага доир қонун ҳужжатлари ва норматив актларини халқ оммасига кенг тарғиб қилиш. Бу тарғиб тушунтириш ишларини махаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органларини жалб этиб улар билан ҳамкорликда тарғибот ишларини йўлга қўйиш керак, деб ўйлайман. Чунки бу органлар бевосита халқ оммаси билан яқиндан муносабатда бўлади. Божхона

соҳасига тегишли бўлган "Маслаҳатхона"лар очиб улар орқали жойларда тушунтириш ва маслаҳат бериш ишларини жорий этиш лозим.

Юридик ва жисмоний шахслар истеъмол товарларни олиб кириш ва уларни сотишни амалга ошириш истагини билдириб маҳаллий ҳокимият органларидан рўйхатдан ўтиш учун борганларида уларга тўлиқ ва мукаммал божхона қоидалари тўғрисида тушунтиришлар берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Буларни амалга ошириш натижасида халқ оммасига республикада амалга оширилаётган ягона божхона сиёсатини тўғри етказишга, экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш йўл-йўрикларини билишларига эришилади, божхона қоидабузарликлари ва контрабанда сингари ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади. Кенг халқ оммасининг божхона сиёсатини тўғри тушунтиришнинг моҳияти шундан иборатки халқ оммасининг кўпчилиги бевосита божхона муносабатларининг иштирокчиси ҳисобланади.

2. Айрим ҳолларда, амалиётда божхона тўловларини ҳисоблашда божхона қиймати ўрнига шартномавий қиймат қўлланилмоқда. бу эса ўз навбатида бюджет тушимларини камайишига ва бюджет хисобидан молиялаштириладиган соҳаларни маблағ билан таъминлашга тўсқинлик қилмоқда. Бу камчиликларни йўқотиш учун божхона қийматини белгилаш бўйича жавобгарликни ошириш керак.

3. Алкагол ва тамаки маҳсулотларини нақонуний олиб кириш ва уларни акциз маркаларисиз республика бозорларида реализация қилиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Шу сабабли алкагол ва тамаки маҳсулотларига нисбатан белгиланган божхона божи ва акциз солиғи ставкаларини пасайтириш, алкагол ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний олиб кирилиши ва реализация қилиниши устидан масъул вазирликлар ва жамотчилик назоратини кучайтириш керак. Агар олиб келинаётган тамаки маҳсулотлари учун ундириладиган божхона тўловлари суммасини икки баравар, алкагол маҳсулотлари учун ундириладиган божхона тўловлари суммасини уч баравар камайтирилса, алкагол ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб кирилишини олди бир қадар олинади ва давлат бюджетига улардан тушадиган божхона тўловлари суммаси бир неча баробар ошиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг ўқув муассасаларида ўқиш учун номзодларни соҳага лаёқати (проф.отбор) бўйича танлаб олиш. Ўқув муассасаларида дарс берувчи ўқитувчиларни божхона органларида кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган ходимлардан ташкил топишига эришиш.

Биз божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ва контрабанданинг олдини олиш, уни аниқлаш ва уларга чек қўйиш учун бугун божхонага оид меъёрий ҳужжатларни назарий жиҳатдан ўрганишимиз зарур.

## Дин ҳақида

**Бобожонов А -** ***Ст – 22 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар доцент. М. Нигматов**

Дин Оллоҳ таоллонинг инсонларга буюк эҳсонидир, фан, фалсафа ҳал қилаолмаган ишларни, масалаларни еча олади. Чунки Оллоҳ таолло инсонларга уларнинг ақллари етмаган, кўрмаган ва билмаган ҳақиқатларни ўзи танлаган Пайғамбарлар орқали билдиради. Ҳақ таолло томонидан Пайғамбарлар орқали

билдирилган амр ва тақиқларнинг ҳаммасига дин дейилади. Яъни дин Пайғамбарлар илоҳий ваҳий орқали Оллоҳдан олган раҳмоний хукмлар, илоҳий қнунлар мажмуасидир. Дунёдаги энг йирик қадимий динлар, милоддан аввалги уч минг йиллик охирларида вужудга келган зардуштийлик (зороастризм), ундан кейин милодан аввалги икки минг йиллик бошларида кад рослай бошлаган. Яҳудийлик (иудаизм), милоддан аввалги X асрда яратилган ведалар дини (ведаизм), брахманлар дини (буддизм) милоддий I –II асрларда вужудга келган. Яхудийлик динидан ажралиб чиққан насронийлик (христианлик) ва ниҳоят 610 йили зуҳур этган бутун инсониятга юборилган дин – исломдир. Бугунги кунда 254 мамлакатни 2 миллиард аҳолиси христиан динига, 172 мамлакатнинг 1,3 миллиард аҳолиси Ислом динига, 86 мамлакатнинг 700 мин. Аҳолиси Буддавийлик динига эътиқод қилади.

Эндигана уруғчилик тузуми шаклланаётган даврларда: тотализм, анимизм, фатинизм, шоманизм, магия (сахиргарлик) каби диний тасаввурлар юзага кела бошлаган.

## Зардуштийлик (зороастризм)

Энг кадимги жаҳон дини бўлмиш заордуштийлик (зороастризм) милоддан аввалги III минг йилликнинг охирларида шакллана бошлаб, Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Озарбайжон, Яқин ва Ўрта Шарқ хамда Ҳиндистонда кенг тарқалган асосий дин бўлган. Бу диннинг муқаддас китоби бўлмиш «Авесто»нинг (асли «Авесто») милоддан аввалги X – VII асрларда орасида яшаган. Зардушт (форсча Зардуштра, юнонча Зороастр) бир тизимга келтириб, ўзининг номи билан аталган. Бу динга асос солган. Зардуштра форсчада «туя боқувчи» деган маънога эга. Кўпдан – кўп олим ва тадқиқотчиларнинг фикрича у милоддан аввалги X – VII асрлар оралиғида Хоразм туғилган. Бошқа бир олимларнинг фикрига караганда Зардушт милоддан аввалги икки мингчи йилларнинг охирида яшаган дейилади. Берунийнинг ёзишича , ибронийлар Зардушт Илёс пайғамбарнинг шогирдларидан эди, деб даъво қилганлар. Зардушт ўзининг «Туғилиш китоби»да болалик йилларида Ҳарронда хикматшунос Илёсдан илм олганлигини айтган. (Танланган асарлар, 1 жилд 237 – бет таржимон, А. Расулов «Фан» Тошкент, 1968 йил).

Зардушт инсонларни яккаю – ягона илоҳ – Аҳурамаздани тан олишга, фақат унгагина имон келтиришга ва ибодат қилишга даъват қилади, ўзи унинг элчиси эканлиги, тартиб, инсоф, адолат, ҳақиқат, поклик ақидалари асосида яшашни тарғиб қилади. Зардуштийлик дуалистик таълимотларидаги асосий масала дунёдаги икки қарама – қарши ибтидо, зид жуфтлар – эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва қоронғулик, ҳаёт ва мамот (ўлим) ўртасидаги абадий муросасиз кураш масаласидир. Яхшилик таратувчи ва уни ўзида ифодаловчи марҳамали, қудратли, олий Тангри Аҳурамазда яхшилик, эзгулик тимсоли бўлиб, бутун коинот, табиат, ер, сув ва бошқа жамики нарсаларни яратган. У доим ёвузлик ҳомийси Аҳриманга қарши кураш олиб боради.

Зардуштийнинг таъкидлашича, Аҳурамазда ҳаётни яратганда ўлимни ҳам муқаррар қилган, ёвуз руҳ унга ҳужум қилишни билган Аҳурамазда бу буюк жангда ўзининг ғолиб келишини, абадий эзгулик пайдо бўлишини, тинчлик ва тотувлик ўрната олишини азалдан билган. Аҳурамазда тарафдорларига ўлгандан сўнг жаннат, роҳат – фароғат ваъда этилади. Аҳриман тарафдорлари

эса дўзахга хукм қилиниб, ҳар хил азобларга дучор қилинади, деб тушунтирилади. Охират куни Тангри ўзининг ўзининг қайта тирилган бандаларини сўроқ қилиб уларга бу дунёда қилган яхши ва ёмон амаллари учун тегишли ажрни бериши, жаннат, дўзах, хурлар ва ҳакозолар каби масалалар бу диннинг ғоясида ўз ифодасини топган. Зардуштийликда табиатга, ерга, сувга, бутун, жонзодларга, дарахту ўсимликларга меҳр билан қараш тарғиб қилинади. Зардуштийлик таълимоти Марказий Осиёда ибтидоий даврда мавжуд бўлган табиат кучларини илоҳийлаштирувчи эътиқодларга нисбатан прогрессив, монотеистик таълимотдир. У беҳуда қон тўкувчи қурбонликлар, ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик урушларини қоралаб, ўтроқ, осойишта ҳаёт кечиришга, меҳнатга, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга даъват этади. Моддий ҳаётни яхшилашга урушишни ёвузликка қарши кураш деб ҳисоблайди. Зардуштийлик динида қурик ер очиб, уни боғу роғга айлантирган одам илоҳиёт раҳматига учрайди, аксинча, боғлар, экинзорларни, суғориш иншоотларни бузганлар катта гунохга қолади. Зардушт ўз таълимоти билан инсонларга тинч – тотув яшашни, меҳнат қилишни ўргатмоқчи бўлади. У ўз таълимотини инсонларнинг бу дунёдаги ҳаётига яраша нариги дунёдаги тақдири ҳам бўлажак, ҳар бир инсон ўлгандан сўнг ўзининг бу дунёдаги қилмишига яраша ёки абадий роҳат – жаннатга ёки ёмон ишлари кўп бўлса на хурсандлик на хафалик кўрмайдиган аросат жой - мисвонгатуга тушади, деган ғояга асослантирган.

Зардуштийликда иймон 3 та нарсага асосланади: фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги. Ҳар бир зардуштий кунига беш марта ювиниб, покланиб, қуёшга қараб уни олқишлаб сиғиниши шарт бўлган. Зардуштийлик ибодатхоналарида доимий равишда олов ёниб туради. Уларда дунёдаги тўрт унсур – сув, олов, ер ва ҳаво улуғланади. Гўштдан тозаланган суяклар махсус сопол идишларга солиниб минора ўртасидаги қудуққа сочиб юборилади. Бунда «ҳалол» билан «ҳаром»нинг бир – бирига яқинлашмаслигига эришилади. Айниқса оловга гуноҳлардан тозаловчи сеҳрли куч деб қаралади. Ибодатхоналарида мангу олов ёниб туради. Шунинг учун бу динни оташпарсатлик дини мухлисларини эса оташпарастлар деб ҳам айтадилар. Зардуштийлик жоннинг ўлмаслигини абадийлигини, жаннат дўзах ни эътибор этади.

**Буддавийлик (буддизм).**

Буддавийлик (буддизм жаҳонда кенг тарқалган динларнинг бири буддавийлик, насронийлик ва ислом) бўлиб, бу жаҳон диннинг аталиши унинг асосчиси Будда номидан олинган. Буддавийлик динининг асосчиси бўлган Будда номининг маъноси (санскритча «Буддҳа»), «зиёланган», «олий ҳақиқатга эришган» бўлиб унинг асл номи сидҳаса Гаутама бўлиб, «неккадам» деган маънони беради. Лақаби Сиддҳарҳта «дили равшан» деган маънони англатади. Будда милоддан аввалги 544 – 624 йилларда яшаган. Шимолий Ҳиндистондаги Генг дарёсининг ўрта оқимида жойлашган Гаутама – капилавасти подшоҳи Шудҳоданинг валиаҳди бўлган. Онаси Майя у ҳали гўдаклигидаёқ вафот этиб кетган. Шаҳзода Гаутома вояга етгач, ҳар қандай мавжудлик азоб – уқубатдан иборат экан, деган хулосага келган. Будда кишилар бошига тушадиган, кулфатлар сабабларини ўрганиш ва уларни бундан қутқариш мақсадида 29

ёшда оиласини, саройни ташлаб, етти йил таркидунё қилиб, ўрмонга бориб яшаган ва диний китобларни ўқиган, брахманликдан юз ўгириб, янги таълимот яратишга уринган. Нихоят, 36 ёшида «ҳақиқий билим»ни топганлигини эълон қилган. Шундан сўнг у «Шакья – Муни Будда». (уйғонган, зиёланган, ҳақиқатга олий мақомга эришган) деган ном олган. Дастлаб Банораста, кейинчалик умрини охиригача бошқа шаҳар ва қишлоқларда ўз таълимотини тарғиб қилиб юрган. Буддавийлик милоддан аввалги 232 – 273 йилларда подшоҳ Амока даврида Хиндистоннинг расмий динига айланди ва Шри Ланка, Индонезия, Тибет, Хитой, Корея. Вьтнам, Япония, Таиланд, Камбоджа, Лаос, Бирма, Непал, Буратия, Қалмоқ, Тува ва бошқа Шарқ мамлакатларига тарқалади. Ҳозирги кунда бу динга 86 мамлакатнинг 700 млн. кишиси эътиқод қилади. Ҳозирги буддавийлар хам уларнинг кўз олдида бирон – бир киши жониворни ўлдирса ёки биронта катта дарахтни кесиб ташласа, қаттиқ ғазабланишади. Будда худо – халлоқнинг мавжудлигини ҳамда ведалар динини инкор этади. У кўпхудоликка, уларга хар – хил қурбонликлар қилиш каби ортиқча кераксиз сердаҳмаза маросимларга ҳам қарши бўлган.

## Ўзбекистоннинг маънавий – маърифий равнақи

**Ш. Бобожонов** - *Ст – 23 гуруҳ тингловчиси*
**Илмий раҳбар ўқитувчи Нурматова С. С.**

1991 йил охирига келиб, Иттифоқ тарқалиб кетганлиги, кўпчилик республикаларнинг мустақил суверент давлат мақомига эга бўлганлиги жамиятда юз берган демократик жараёнлар, ҳурфикрликка интилиш халқнинг миллий онги муттасил ошиб бориши мавжуд ҳодисаларга янгича тафаккур билан қарашни тақазо қиларди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам бутунлай янги тарихий шароитлард бутунлай янгича қарашларни, муносабатларни қарор топтириш зарур эди.

Одамлар жамиятда юз бераётган ўзгаришлар шиддати олдида бир мунча гангиб қолишди. Турли сафсаталар, хатти – ҳаракатлар, «ғоявий» курашлар «хонаки» ва ажнабий сиёсатдонлар кўпайиб кетди. Бир маромдаги турмуш ва бир қолипдаги факрлаш тарзи бузилиб, саросималик, тўқнашувлар ва парокандалик кайфиятлари кучайиб борди. Ана шундай пайтда умумхалқ ва умумдавлат манфаатига мос келадиган энг мақбул йўлни танлаш, унинг учун эса мафкуравий яккаҳокимликка барҳам берган ҳолда аҳолининг барча табақа қатламларининг, талаб – эҳтиёжларини маънавий-руҳий чанқоқлигини қондира оладиган етук ва баркамол ғояни яратиш зарур эди.

Ана шундай шароитда Ўзбекистон мустақиллигининг ташабускори ва ташкилотчиси И.А.Каримов биринчилардан бўлиб, жамиятда маънавий покланишни амалга ошириш, эски ақидалардан ҳоли бўлиш зарурлигини, кейинчалик эса миллий истиқлол мафкурасини яратиш лозимлигини пайқади ва куннинг долзарб вазифаси қилиб қўйди. Очиғини айтиш керак, мазкур муҳим масалани Президент ўзи долзарб вазифа қилиб кўтармагунча, ҳеч ким

бу ҳақида жиддий қайғурмади. Бу ўринда 1992 йил 2 июлда бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ўнинчи сассияси ҳужжатларини алоҳида таъкидлаш лозим.

«Бугунги кунда якдил қиладиган ишлар ва ғоялар оз эмас. Уларнинг ичада энг улуғи, энг олийжаноби Ўзбекистон Республикаси мастакиллигини таъминлаш. Ана шу мақсад , ана шу ғоя атрофида бирлашсак, асло хор бўлмаймиз, азиз ватандошлар!», - деб мурожат қилган эди И. Каримов сессия қатнашчиларига.

Бу борада 1992 йил 1 сентябрь арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» деб аталган китобининг нашрдан чиқиши катта воқеа бўлди.

Унда Ўзбекистоннинг янада ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта негизга асосланиши таъкидланди. яъни:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш;
- инсон ўз имкониятларини эркин намойиш қилиши;
- ватанпарварлик истиқлол мафкураси учун асос бўлувчи қоидалар сифатида кўрсатилиб берилгани ҳам ушбу фикрларимизнинг тасдиғидир.

Презадент И. Каримов бу тамойилларни ишлаб чиқишда халқ дунёқараши, яшаш тарзи, жамиятда бўлаётган воқеа – ходисаларга муносабати, қолаверса, унинг маънавий – рухий омилларига асосланган. Чунки, Шарқда азалдан маънавиятга таяниб яшаш, комиликка интилиш, ҳар томонлама баркамоллик олий қадрият даражасига кўтарилган. Одамларнинг миллати, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан катъий назар, ягона ўлчов - инсонни инсонлиги учун улуғлаш, инсон деган муқаддас номга муносиб бўлиш бош мезон қилиб олинган.

Президент мамлакат куч – қудратини халқнинг маънавий камолотида кўради. Шунинг учун ҳам у жамики инсоний фазилатларни такомиллаштириш учун зарур шароит яратишни асосий вазифа қилиб қўяди. Бу бир томондан мустақиллик шароитида эндигина шаклланаётган давлат сиёсатининг нечоғлик инсонпарварлигини кўрсатса, иккинчи томондан давлат раҳбарининг сиёсий – маданий салоҳиятининг нечоғлик юксаклигини, халқ маънавий–руҳий эҳтиёжларини нақадар чуқур ўрганилганлигини кўрсатади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида вужудга келган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий қийинчиликлар бир муддат одамлар руҳиятига салбий таъсир қилди. Уларни саросимага солиб қўйди. Вазиятнинг нақадар оғирлиги ва мураккаблигини ўз вақтида англаган мамлакат раҳбари 1993 йилнинг 23 апрелида бир гуруҳ адиблар билан учрашди. Орадан кўп ўтмай у 1993 йил 6 майда мамлакат Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида мафкурасиз, аниқ йўналишга эга бўлган ғояларсиз тараққиёт бўлмаслигини олдимизда турган энг муҳим масалалардан бири - миллий истиқлол мафкурасини яратиш эканлигини кўрсатиб берди. «Мафкуравий масалани ҳал этмасдан, уни амалга татбиқ этмасдан туриб, Конституция белгилаб берган мақсадларга эришиш, у олдимизда қўйган талабларга жавоб бериш мушкул бўлади.

Янги мафкуранинг асл мазмуни – янгича, эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо ҳоли, мустақил инсонни тарбиялашдир», -

деб алоҳида таъкидлайди. Сўзини давом эттирар экан, у «Миллий мафкура ҳақида ҳозир кўп гапирамиз. Фикримизни, дунёқарашимизни ўзгартирадиган муҳим масалада бу сўздан амалий ишга ўтишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Миллий мафкурани онгимизга сингдирувчи амалий дастурни йўлга қўймоқ керак», - деган фикрни илгари суради.

Миллий истиқлол мафкураси, Ўзбекистоннинг мустақиликка эришиши ҳақидаги сиёсий, илмий, назарий, фалсафий, тарихий, бадиий ва диний қарашлар мажмуи, халқни келажакка ишонч, эътиқод руҳида тарбияловчи ғоявий қурол, барча тоифа кишиларини шу мақсад йўлида бирлаштирувчи ғоят қудратли маънавий омил ҳисобланади.

Истиқлол мафкурасининг назарий жиҳатлари Президент И. А. Каримовнинг айниқса кейинги йиллардаги нутқ ва рисолаларида атрофлича ёртиб берилди. Хусусан, 1995 йил 24 февралида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» мавзуида кенг қамровли маъруза қилди ва у китоб ҳолида нашр этилди.

Президент ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида «Ўзбекистон миллий–маданий жиҳатдан ғоят ранг – баранглиги, миллий ўзлигини англаш ва маънавий қайта тикланишнинг кучайиб бориши билан узвий биргаликда жамиятни янгилаш, уни очиқ жамиятга айлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилади ва республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўйилиши учун қулай шароитларни вужудга келтиради» - деб кўрсатган эди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон суверен давлат сифатида ижтимоий – сиёсий ҳамда маънавий янгиланиш жараёнини амалга оширмасдан мустақилликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш учун халқни сафарбар қилиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатади.

Маданий меросни, чуқур ўрганмасдан туриб истиқболни белгилаб бўлмайди. Келажакка интилиш учун ўтмишни ўрганиш, тажрибаларни ўзлаштириш даркор. Лекин, бунда бир ёқламаликка йўл қўйиб бўлмайди. Ўтмиш маданиятини хаспўшлаш ҳам, идеаллаштириш ҳам мумкин эмас.

1991 йил, яъни Ўзбекистон янги йўлга чиқиб олган йил яна шу билан аҳамиятлики, бу йилда Мир Алишер Навоийнинг таваллудининг 550 йиллиги барча ҳур фикрли кишилар томонидан кенг нишонланди ва кейинги йилларда ҳам нишонланиб келинмоқда. Аввало, буюк шоир асарларини кенг халқ оммасига муҳим ишлар амалга оширилди.

Буюк бобоколонимиз Алишер Навоий қолдирган маънавий мерос бугунги кунда янгиланаётган жамиятимизни маънавий юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

1994 йил ҳукумат қарори билан Улуғбек йили деб эълон қилиниши, унинг 600 йиллигини Ўзбекистонда ва жаҳон миқёсида, хусусан, ЮНЕСКО қароргоҳи Парижда кенг нишонланиши ҳам буюк алломалар қолдирган мерос умуминсоний қадриятга айланганлиги нишонасидир.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда хар йили Бобур, Машраб, Огаҳий, Фурқат, Фитрат. Чўлпон, Абдулла Кодирий, Усмон Носир каби улуғ шоир ва маърифатпарварлар кунларини ўтказиш анъанага айланиб қолган.

Мамлакат маънавий ҳаётини янада яхшилашда 1994 йил 23 апрелда кабул қилинган «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисидаги Президент фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу йили 8 июнда эса Вазирлар Маҳкамаси махзкур Фармонни бажарилишини таъминлашга каратилган махсус қарор кабул килди.

Мустақиллигимизнинг беш йиллиги ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тантаналари бир – бирига уланиб кетди. Бу тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқиши аждодларимизнинг мукаддас рухи ва бугунги авлод хоҳиш–иродасининг муштараклигидан далолат беради. Бироқ бу кунларга етиб келиш осон бўлмади. «Қизил империя» Амир Темурга, у орқали ўзбек халкига нисбатан таҳқирлаш сиёсатини олиб борган бир пайтда, хорижда бу беназир зотга бағишланган кўплаб илмий, илмий–оммабоп, бадиий, санъат асарлари яратилди, халқаро анжуманлар ўтказилди, унинг номи билан боғлиқ оммавий ташкилотлар тузилди, музейлар очилди.

Шуниси қувончлики, ўзбек халқининг бағрига озодлик шамоли теккан илк йилларданоқ, ЮНЕСКО Амир Темурнинг инсоният тарихидаги улкан хизматларини жаҳон ахлига танитишга Ўзбекистон ҳукумати билан биргаликда жонбозлик кўрсата бошлади. ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор билан Ўзбекистон раҳбарининг амалий мулоқотлари ва ҳамкорлиги бугун ўзбек миллати довруғини оламга таратишга хизмат қилмоқда.

Маънавиятининг муҳим томонларидан бири бўлган маданий меросимизни, ўтмиш қадриятларимизни кенг ва хар томонлама ўрганиш Ўзбекиситон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маърузаларида бир неча бор таъкидланганидек, ҳозирги миллий маънавиятимизнинг чуқур тарихий илдизларини шакилланиш босқичлари ва хусусиятларини очиб бериш учун зарурдир. Бу эса, ўз навбатида. миллий онг, миллий ғурур, тарихимиз, ўтмиш авлодлар хизматига ҳурмат-эътиборни, халқ меҳнатига, ватанни севги туйғусини шакллантириш, янги жамиятимизнинг тўғри ривожини, келажагини оқилона белгилаш, юксак демократик давлат қуриш учун хизмат қилади.

## Конкуренция на рынке информационных технологий

**Богданов А.М.-** ***Слушатель группы БТ-26***
**Научный руководитель: Жумаева Н.З.**

На сегодняшний день в мире огромными темпами идет развитие так называемой «информационной революции». Ее результатами является стремительная компьютеризация и информатизация всех сфер нашей жизни. Спрос на быструю и качественную передачу данных само собой порождает предложение. Борьба, развивающаяся между конкурентами-продавцами подобных услуг, приводит к стремительному удешевлению их стоимости и как следствие к всеобщей их доступности. Относительно свободное проникновение

в данный сектор экономики привело к тому, что на данный момент на рынке информационной индустрии действует огромное количество производителей техники, что приводит к нешуточной конкуренции технологических стандартов и самой технологии. Все вышеперечисленное дает основание утверждать о появлении так называемой «новой экономике», которая в свою очередь оказывает не малое влияние на остальные отрасли экономики. На сегодняшний день уже не мыслимо существование без телефонов, без спутниковой, мобильной, сотовой связи, без Интернета… Производство и использование этих технологий приводит не только и не столько к развитию добывающей промышленности, но и к ускоренному развитию науки и образования. А упрощение и ускорение поиска покупателем интересующего его товара (причем появляется возможность его сравнения с другими аналогичными товарами, их цен, качества и т.д.) привело к появлению конкуренции в отраслях, казалось бы, никак не связанных с информационными технологиями. Поэтому, наверное, трудно переоценить значение «новой экономики» во всемирном товарообмене.

Узбекистан, как молодое государство, стремящееся к скорейшему развитию и полноправному вступлению в мировое сообщество, не может оставаться в стороне от развития своей внутренней информационной инфраструктуры. И потому, уже с первых дней после обретения независимости в стране начинается процесс внедрения новейших технологий, выражающийся в появлении большого количества компаний сотовой и мобильной связи, оптиковолоконной телефонии, интернет провайдеров и др. При этом государство, осознавая свою немаловажную роль в данном деле, всячески содействует развитию этих перспективных отраслей экономики, путем создания соответствующей нормативно-правовой базы и дополнительных льгот в области налогообложения и уплаты таможенных пошлин. Так, например, был принят ряд законов и других нормативных актов, действующих в данном направлении: Закон «О телекоммуникациях», Закон «О связи» и масса других.

В свою очередь появляющиеся компании обеспечивают занятость населения и, проводя обучение своих сотрудников за рубежом и, перенимая их опыт, повышают квалификацию наших национальных кадров. Помимо этого, как и любая другая компания они отчисляя часть своей прибыли в виде налогов наполняют таким образом государственный бюджет.

По моему мнению, развитие информационных технологий в Узбекистане будет и дальше проходить в таком же темпе, в случае сохранения существующих тенденций и ситуации на мировом рынке. В случае повышения производительности и возможностей техники – это приведет к все большей компьютеризации остальных отраслей нашей жизни и как следствие к увеличению площади рынка сбыта. Это может (, но не обязательно) обеспечить рост акций компаний , занимающихся высокими технологиями. В случае же осложнения ситуации в NASDAQ, дальнейшего продолжения падения курса акций логично предположить либо перетекание капиталов в другие отрасли экономики, либо коренное изменение сложившейся на сегодняшний день ситуации. Но окончательного падения произойти не может, так как дальнейший прогресс человечества уже не мыслим без высоких технологий. Ведь как гласит

закон Мура, количество транзисторов располагающихся на одном компьютерном кристалле можно удваивать каждые 18 месяцев, и как следствие. нет предела совершенствованию возможностей информационно-вычислительной техники.

## Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар

**В. Йўлдошев - *Ст — 22 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар катта ўқитувчи А. Абдушукуров**

Важдон эркинлиги ва диний ташкилотлар масаласи ижтимоий хаётда муҳим ва мураккаб масала бўлиб келган. Чунки унинг замирида шахснинг ҳуқуқи демократия, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби катта ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий тушунчалар ётади. Виждон эркинлиги кишиларнинг руҳий оламига, унинг соғлом ва баркамоллигига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун хам бу масаланинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва бажарадиган вазифалари ғоят мухимдир. БМТнинг уставидан тортиб, барча халқаро ҳужжат ва шартномаларда, барча мамлакатларнинг конституция ва қонунларида виждон эркинлиги ифодасини топган. 1948 йилда қабул килинган инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига мувофиқ хар бир инсон фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги хукуқига эга. Бу ҳуқуқ ўз дини ва эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ўз дини ёки эътиқодига ўзича, шунингдек бошқалар билан бирга амал қилиш кафолатини, ибодат қилишда ва диний маросимларда якка тартибда ёки одамлар орасида бирга қатнашиш эркинлигини ўз ичига олади.

Бундан ташқари бу масала яна бир мураккаб ҳодисани – турли дунёқараш, эътиқодда бўлган кишилар ўртасидаги, давлат билан дин, диний ташкилотлар билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг амалдаги ҳуқукий таъминланишини ҳам назарда тутади.

Одамлар доим турли дунёқараш ва эътиқод билан яшаганлар ва яшаверадилар. Ҳар кишининг ўз ички дунёси, ўз эътиқоди бўлади.

Виждон эркинлиги кандайдир бир мавҳум тушунча эмас, у албатта маълум ижтимоий вазиятда намоён бўлади. Шунинг учун уни конкрет тарихий, ижтимоий шароитсиз, объектив ва субъектив омилларсиз тасаввур қилиш қийин. Бундан ташқари «Виждон эркинлиги» тушунчасини илмий талқин қилишда миллий, мафкуравий ва маданий омилларни ҳам албатта назарда тутиш керак.

*Мустақиллик, янгиланиш жараёни ҳамма соҳалар каби* виждон эркинлиги, давлат ва дин, динга ишонувчилар ва ишонмайдиганлар ўртасидаги муносабатлар соҳасини ҳам ўз ичига олди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида асрлар оша қарор топган виждон эркинлигига юксак ва самимий ҳармат ифодаланган. 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон

Республикаси Конституциясининг 31–моддасида хар бир фукаро учун виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатланади.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, кейинги йилларда давлат билан диний ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда жуда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Диннинг жамиятдаги ўрни тикланмоқда. Диний уюшма ва ташкилотларнинг фаолият кўрсатишларига имконият яратилмоқда. Қатор тарихий обидалар диний ташкилотлар ихтиёрига ўтказилди, янги масжидлар очилмоқда, диний ташкилотларнинг халқаро алоқалари кун сайин кенгайиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида виждон эркинлиги принципларини тиклаш ва унга оғишмай амал қилиш давр, кундалик хаёт талаби ва заруриятига айланиб қолди. 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Виждон эркинлдиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. 1998 йилда бу қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниб, 15 май куни матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан у кучга кирди.

Мазкур Қонун 23 моддадан иборат. Унинг 1–моддасида ушбу қонуннинг мақсади нималардан иборат эканлиги очиқ ва баён равшан этилган: «Ушбу Қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатдан қатъий назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат».

Конуннинг 3-моддасида виждон эркинлиги ҳуқуқи ҳамда бўлиб, унда ҳар бир фукаро динга муносабатини ўзи мустақил аниқлаши, у хар қандай динга эътиқод қилиш ёки хеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга эканлиги ва бу ҳуқуқ эса Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг томонидан кафолатлангани таъкидланди.

4- моддада фуқороларнинг динга муносабатларидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлиги ҳақида сўз беради. Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўймаслиги таъкидланади.

Виждон эркинлиги ҳақидаги қонуннинг 5-моддасида Ўзбекистон Республикасида дин ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилганлиги кўрсатилган. Бу дегани давлат диний масалалар билан шуғулланмайди, диний ташкилот ва диний масалалар ишларига аралашмайди.

Дин ва диний ташкилотлар ҳам давлат ишларига аралашмаслиги лозим. Лекин диний ташкилотлар жамоат ишларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шунингдек, мазкур моддада давлат турли диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб – қувватлаши, конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга хусусан, бир диний конфессиядаги диндорни бошқасига киритишга қаратилган хатти – ҳаракатларга, миссионерликка йўл қўймаслиги таъкидланган.

Диний ташкилотларга Ўзбекистон Республикасида диний характерга эга бўлган партиялар тузиш, республикадан ташқаридаги диний партияларнинг бўлиш ёки филиалларни очиш ман этилади.

Диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, аҳлоқий негизларни ва

фукоровий тотувликни бузишда, бўхтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамиятга қарши қаратилган бошқа хатти – ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Тероризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек бошка ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, олимлар, секталар ва бошқаларнинг бундай фаолиятлари тақиқланади.

Фуқаролар динга бўлган муносабатлардан қатъий назар, таълимнинг хилма – хил турлари ва даражаларини эгалаши мумкин. Конуннин 9-модласида кўрсатилишича, диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлари ва ўзларига зарур бўлган диний ходимларни тайёрлаш учун диний ўқув юртлари Ўзбекистон республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, тегишли лицензия олганидан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш учун фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конунга мувофиқ умумий мажбурий ўрта таълим олганидан кейин қабул қилинди.

Диний ташкилот – бу маълум динга ишонувчилар ва уларнинг жамоаларининг уюшмасидир – уни ташкил этиш учун унга бир хил эътиқодга эга бўлган камида 100 киши аъзо бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай фуқароси 18 ёшга тўлганидан кейин маълум диний жамиятга аъзо бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар ўз мулкларига эга бўладилар. Бинолар, дин билан боғлиқ буюмлар, ишлаб чикариш ва хайрия ишларига мўлжалланган иншоотлар, пул маблағлари ҳамда диний ташкилотлар фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа мол – мулк диний ташкилотларнинг мулки ҳисобланади. Диний ташкилотларга тушадиган молиявий ва мулкий хайриялардан, шунингдек фуқаролардан тушган маблағлардан давлат солиғи ундирилмайди.

Конституцияда ҳурфикрлаш, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига катта эътибор берилган. Унида диннинг тарбиявий аҳамиятига янада кўпроқ эътибор берилиши лозимлиги кўрсатилган.

## Соҳибқирон Амир Темур давлати

**Мақсудов Ш.-БТ – 22 гуруҳ тингловчи**
**Илмий раҳбар: С. Нурматова**

Тарихда «Турон», «Туркистон», «Мовароуннаҳр» номи билан машҳур бўлган Марказий Осиё айниқса, Ўзбекистон ҳудудида минглаб йиллар давомида юксак маданият гуллаб яшнади, қудратли давлатлар мавжуд бўлди. Улар инсоният тарихида сезиларли из қолдирди.

Ўзбекистон яна бутун жаҳонда яна мустақил ўтмишни ва «келажаги буюк давлат» сифатида танилди. Шуни айтиш керакки, Франция, Буюк Британия,

Германия ва бошқа Ғарб мамлакатларида Амир Темур шахси билан қизиқиш хеч қачон сўнмаган. XV асрдаёк бу ерда Амир Темурга ёдгорлик ўрнатилиб, унга «Европанинг ҳалоскори» чуқур рамзий маъноли сўзлар ёзиб қўйилган.

Шубҳасиз, Амир Темур сиёсатчи сифатида унинг хокимият тепасига келишидан энг асосий мақсад қудратли ва марказлашган давлат тузишга эришишга кўмаклашган ижтимоий табақаларнинг манфаатларини ҳисобга олмаслиги мумкин эмас эди. Шунинг учун у ўз фаолиятини ўзига содиқ бўлган кишиларни юқори давлатга ва харбий мансабларга тайинлашдан бошлади.

Амир Темур маҳаллий бошқарув маъмуриятларини мустаҳкамлшга алоҳида эътибор берди. У мансабдор кишиларнинг йўлларини хафвсизлигини таъминлаш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш учун маъсул бўлиш ҳақида қатор фармонлар чиқарди, уларга роботлар, хонақолар, мадрасалар ва шифохоналар қуришни буюрди. Амир Темур саййидлар ва шайхларга алохида эътибор берди. Вақиф ва мадрасалар тизими орқали толибларга стипендиялар, камбағал фуқороларга нафақа тайинлаб қўйган эди. Бу чоралар билан Амир Темур жамоатчиликка ўз сиёсатининг асосий мақсадларини намойиш қилди. Унинг ички сиёсатининг мазмунни барча ижтимоий гуруҳлар ва табақаларни манфаатларини ҳисобга олишдан иборат эди. У жамиятни 12 табақага бўлган эди. Олий дин арбоблари, ҳарбийлар, мансабдорлар, маҳаллий ҳокимият вакиллари, хизматчилар, уломолар, ҳунармандлар, савдогарлар, зироатчилар барчаси алоҳида – алоҳида табақа эди. Барча табақаларнинг манфаатлари хисобга олинар эди. Қонун кучига эга бўлган «Тузуклар»да хар бир ижтимоий гуруҳнинг ҳуқуқий мажбуриятлари белгиланган эди. Одамлар давлатни ўз химоячиси ва манфаатларининг кафили деб билар эдилар.

Шундай қилиб, халқ хаётининг ижтимоий - иқтисодий ва маънавий омилларини ҳисобга олиш Амир Темурга марказ обрўсини жуда мустахкамлаш имконини берди. Шу билан бирга, шундай воқеалар ҳам бўлдики, маҳаллий, харбий – сиёсий доиралар ўз манфаатлари йўлида марказий хукуматга нисбатан бошбошдоқлик кайфиятларини намоён қилдилар. Шундай вазиятда ҳам Амир Темур муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишга интилар эди.

Бу йирик давлат Амир Темур томонидан қандай бошқарилар эди?

Салтанат шартли равишда бир неча қисмга бўлинган эди. Хуросон, Забулистон, Қандаҳор, Сеистон, Эрон, Озарбайжон каби вилоят ва мамлакатлар бевосита Амир Темур хонадони вакиллари унинг ўғиллари ва набиралари томонидан бошқарилар эди. Бу мамлакатлар биргаликда тўртта улус худудини ташкил қилар, бу улусларни Амир Темурнинг тўрт ўғли ва уларнинг авлодлари бошқариб турган. Қолган ҳудудлар (Олтин Ўрда, Мўғилистон, Шимолий Ҳиндистон, Кичик Осиё, Миср, Сурия ва б.). Самарқанднинг устунлигини тан олган ҳолда, Амир Темурнинг рухсати билан маҳаллий сиёсий кучлар томонидан бошқарилган. 1404 йилда Амир Темур Ҳалоку улусини бошқаришни Мироншоҳнинг ўғли Шайҳзода Умарга (1383 – 1407) топширар экан, бу улус чегараларни шундай белгилаб қўйди: «Озарбайжон ва унга тегишли барча ерлар шунингдек, Римдан – Истанбулгача ва Шомдан – Мисргача» кўриниб турибдики, Амир Темур ҳукмронлик йиллари сўнгида Сурия ва Туркияни ҳам бевосита хукмрон сулола вакиллари томонидан бошқариладиган ҳудулар

доирасига қўшиб олган. Империя юраги бўлган Мовороуннаҳр ҳар вақт давлат ҳукмронлиги назорати остида эди.

Марказий хокимият тизимининг асосий иш услуби қонунийликдан иборат эди. Бу ҳақида Амир Темур «Тузуклар»да шундай ёзган: «Ўз хокимиятим биносини дин ва қонун асосида мустахкамладим. Салтанат бошқарувидаги ҳар бир харакатимни қонунга асосан бажардим».

Шундай қилиб, Амир Темур ва Темурийлар даври Ватанимиз халқларининг ҳалқларининг ҳаётий тақдирида, уларнинг ижтимоий тараккиётининг юксак марраларга кўтарилиб боришлари давомида ўчмас из қолдирган алохида бир тарихий босқич бўлди. Энг мухими, бу давр Амир Темурдек буюк сиймони тарих майдонига чикардики, бу зоти шариф ва унинг авлодларининг мислсиз саъй – ҳаракатлари, бунёдкорлик фаолиятлари туфайли Моваруннаҳр ва Хуросон ўлкалари улкан ўзгаришларга юз тутди. Мўғилларнинг бир ярим асрлик босқини ва зулм асоратидан бутунлай холос бўлган она юртимиз қудратли салтанатга айланибгина қолмай, айни чоғда ижтимоий – иктисодий, маданий – маънавий жиҳатларида юксаклиб, жаҳонга довруғ таратди. Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган моддий ва маънавий маданиятнинг юксак намуналари, дуру – гавҳарлари мана неча асрлардирки, жаҳон аҳлини ҳайратга солиб, миннатдор авлодлар ардоғида эъзозланиб келинмоқда.

Призидент Ислом Каримов таъкидлаганларидек, юртимиз тарихи «Ҳар бир фуқорони, жумладан, ёшларимизни бой маданий меросимизни қадрлашга уни кўз қорачиғидек авайлаб – асрашга, юрак – юракдан ифтихор қилашга ўргатади. Ўзимизнинг бой ўтмиш меросимизлдан мадад ва ибрат олишга имкон беради. Одамлар қалбида эзгулик туйғуларини уйғотиб, бугунги авлод кимларни авлоди, каимларни зоти ва ворислари эканини англашга ундайди.[1]».

Юртбошимиз таъкидлаганларидек биз ёшлар бобомиз соҳибқирон Амир Темур ўгитларга сидқи дилдан амал қилиб, ўзимиздан олдинги ўтиб кетган авлод – аждодларни, улуғ сиймоларни қолдирган меросини эъзозлашимиз уларни қадрига етишимиз ва ҳурмат билан тилга олишимиз лозим.

## Миллий қадриятларимиз - тарбия манбаи

**Парчаев Х.**, ***Ст –22 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: З. М. Рашидова**

*Умумбашарий ва миллий қадриятларни уйғунлаштириш негизида миллий онг ва демократик тафаккур тарбиясини кучайтирайлик.*

И. А. Каримов

[1] И. А. Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. Т. «Ўзбекистон» 1998 й 371 - бет

Қадриятларимиз, шунингдек миллий тарбия мазмунини акс эттирувчи маърифий қадриятларимиз умумжаҳон мулкига айланиб кетган.

Энг қадимги маърифий ёдгорликлар, исломий кадриятлар, мутафаккирларимизнинг ахлоқий -таълимий асарлари янги жамият фуқароларини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Мутафаккирлар таълим–тарбия ҳақидаги фикрларида баркамол инсон тарбиясига асосий эътиборни қаратадилар. Буни айниқса, Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» китоби, Навоий ва Жомий асарларида ҳам кўриш мумкин. Улар баркамол инсон фақат адолатли, зулмдан ҳоли, ҳар тамонлама етук бўлгандагина шаклланади, деб тасаввур этганлар. Масалан, Форобий фозил шаҳар ҳокими билимни, ҳақиқатни севувчи, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қараши, адолатни яхши кўрувчи ва адолат учун курашувчи бўлиши керак деб айтади. У ҳаётнинг олий максади бахт–саодатга эришувдан иборат, кишилар бунга оламни ўрганиш, касб–ҳунар ва илмларни ўзлаштириш – маърифатли бўлиш оркали эришади, деб карайди.

Абдурахмон Жомийнинг «Искандар хиратномаси» достонида эса: «Искандарнинг покизалар шаҳрига етиши» бобида ифодаланган комил инсонга хос фазилатларнинг тараннум этилиши Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асаридаги фозиллар шаҳрини эслатади. Иккала асарда ҳам яхшиликнинг ғолиб келиши, барча ёмон иллатлар: уруш, низо, жоҳиллик, зулм, бойликка ҳирс, таъмагирликнинг чекиниши билан якунланади.

Искандар жаҳон айланиб бир шаҳарга келади. У ердаги турмуш шароити уни ҳайрон қолдиради. У ерда одамлар тинч, уруш - жанжалсиз ҳаёт кечириб меҳнат қилар, барча хонадон эшиклари қулфсиз бўлиб, ўғри ва ўғрилик уларга бегона эди. Шаҳарда адолат ҳукмрон бўлиб, улар бир хил ҳаёт кечирар эдилар. Уларга бу ҳаёт тарзи ота – боболаридан мерос бўлиб қолган. «Покизалар шаҳри» асари Жомийнинг юксак орзу – умиди, пок қалби тасаввуридаги идеал тузум тимсолидир.

Қолдирай десанг жаҳонда яхши ном,<br>
Яхшилик кил, яхшилик қилгил мудом.<br>
Яхшиликни сен ўзингга пеша қил,<br>
Ҳеч кишига ранжу озор бермагил.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодининг марказида инсон туради. Ана шу инсон - шоир талқинида доно, билимдон, ижодкор, қобилиятли, сабру қаноатли, саҳий, ростгўй, адолатли, инсонпарвар, вафодор, камтарин шахс. Баркамол инсонга хос бу хислатлар шоирнинг «Ҳайрат ул - аброр», «Маҳбуб ул - қулуб», «Назмул жавоҳир» ва бошқа асарларида ёритилган. «Маҳбуб ул - қулуб»да яхши феъллар, ёмон иллатлар ҳақида фикр юритилиб, ҳар бир инсоний фазилатнинг моҳияти таърифланади ва уларга оид танбеҳлар келтирилади. Масалан, яхшилик тўғрисида: «яхшилик бир жабрланганнинг қаттиқчилик юкин кўтармоқ ва уни ўша қийинчиликлардан қутқармоқдир . . . ва ўша қилинган ишни қайтиб тилга киритмаслик, оғизга олмаслик, кишига миннат қилмаслик ва унинг юзига солмасликдир».

Хоразмлик буюк олим Абу Райҳон Беруний халқлар ўртасидаги дўстликни ва илмий ҳамкорликни юксак қадрлаган. Уларни энг инсоний ахлоқий сифат деб билган. Берунийнинг фикрича, кишилар учун дунёда турли ҳоллар мавжуд.

Бу мақталувчи – яхшилик ва кораланувчи – ёмонликдир. Мақталувчи яхши ҳоллар бўлиб, уларнинг таянчи поклик ва тўғрилик деб кўрсатади.

XI асрнинг кўзга кўринган шоири Юсуф Хос Ҳожиб одам кимлигидан катъий назар инсон бўлиши лозим, чунки дунёда факат инсонийликкина абадул – абад колади. Ўз номини ҳамиша яхшилик билан эслашни истаган киши факат яхшилик килиши керак. Шоир бу хакда шундай дейди: «Кимнинг одоби яхши ва ахлоқи тўғри бўлса, у киши максадига етади ва бахт унга кулиб бокади, чунки яхши ахлоқ жамики яхшиликларнинг заминидир».

Буюк аллома Аҳмад Югнакий ўзининг «Ҳибатул - ҳақойиқ» достонида «Инсон факат яхшилик уругини сепиш учунгина яшаши керак», - деб уктиради. У билимли, маърифатли кишиларни етук кишилар деб ҳисоблаб, фақат билимли кишигина камол топиши мумкин деб ўйлайди:

Олим одам – кимматбахо динордир,

Нодон, жоҳил одам – кимматсиз сохта пулдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, миллий кадриятларимиз - келажаги буюк бўлган мамлакатимиз учун етук фукароларини тарбиялаб етиштириш учун битмас туганмас манба ҳисобланар экан. Улардан ҳар томонлама унумли ва ўринли фойдаланмоғимиз бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Бу эса ўз навбатида хар бир ўзбек фарзандида миллий гурурни уйготиб, маънавий бойликларни чуқур ўзлаштиришга чорлайди.

## Фан ва техника тараққиётининг ривожланишида фалсафанинг ўрни

**Тўраев С. - СТ-11 гуруҳ тингловчиси**
**Илмий рахбар: ф.ф.д. З. Давронов.**

Жамият тараққиёти натижасида кишиларнинг хаётий фаолиятлари кенгайиб, ақлий заковати ҳам бойиб боради. Уларнинг фалсафий дунёкараши хам тарихий даврнинг инъикоси сифатида жамият тараққиётининг муҳим омилига айланади.Шу сабаб инсоният тараққиётида фалсафий қарашлар асосида фанлар вужудга келади.

Фан бизни қуршаб турган дунё тўғрисида холисона ,аниқ билимларни ишлаб чикиш бўйича инсон фаолиятининг алохида соҳаси бўлиб хисобланади.Бу соха инсонда ижодни таъминловчи билимлар тизимини ва муассасаларнинг илмий ижодларини ўз ичига олади.Фан ва техниканинг бир-бири билан боғлиқ ривожланиш жараёни инсонга моддий ва маънавий бойликларни яратиш учун атроф мухитга таъсир этишга имкон беради.

Умуман, аниқ фанлар тараққиётида фалсафанинг роли катта. Баъзан шундай бўладики, аниқ фанлар ўз ривожланиши жараёнида мураккаб муаммоларга дуч келади. Улар бу мураккаб муаммоларни фалсафий умумлашмаларсиз хал қила олмайдилар.Бундай пайтларда фалсафа уларга маълум йўл-йўриқ кўрсатишда, қийинчиликларни олдини олишга ёрдам беради.

Фалсафа ўз конун ва категорияларида бошка фанларни назария билан куроллантиради ,яъни бошка фанларнинг ривожланиш, тараққий этиш йўлларини кўрсатади,услубларини ривожлантиришга ёрдам беради. Фалсафанинг конунлари энг умумий қонунлар бўлиб, аниқ фанлар конунларидан фарқ қилади.

Қонун ўзи нима? Жамият ҳаётида қандай ахамиятга эга? Конун тушунчаси кундалик хаётимизда нисбатан тез-тез ишлатиб туриладиган тушунчадир.

Қонун-оламдаги нарса ва ходисаларнинг мухим,зарурий ,умумий ва такрорланиб турувчи богланишлари ўзаро алоқалари ва муносабатларининг намоён бўлишидир. Қонунларни уч гурухга бўладилар: хусусий қонунлар ,умумий конунлар,энг умумий қонунлар. Фалсафанинг қонунлари энг умумий қонунлар ҳисобланади. Фалсафий диалектика фалсафанинг ядросини ташкил этади. Ривожланиш хакидаги хар тарафлама, мазмун жихатдан бой ва чуқур таълимот сифатида биринчи марта немис классик фалсафасининг буюк вакили Гегель тамонидан ишлаб чикилган. У биринчи бўлиб, бутун табиий ,тарихий ва маънавий дунёни бир жараён шаклида, яъни узлуксиз харакат килиб турадиган холда кўрсатди ва бу харакат билан тараққиётнинг ички богланишини очиб беришга уринди.

Илмий диалектика борлиқ, яъни табиат, жамият ва инсон тафаккуридаги алоқадорликлар ва ривожланишларнинг умумий қонуниятлари ҳақида бизга тўғри йўналиш беради. Дунёни ўзлаштириш ва ўзгартириш йўлларини кўрсатиб берувчи назариядир. Илмий диалектика дунёнинг ҳақиқий илмий манзарасини яратиб, кишиларда илмий дунёқарашни шакллантиришга ёрдам беради. Илмий асосланган диалектика- биринчидан, дунёдаги хар бир нарса ёки ходисанинг ҳамма томонларининг бир-бирларига боғлиқ бўлиши ва бир-бирлари билан мустахкам алоқадор эканлиги тўғрисида чуқур маълумот беради.Иккинчидан у босиб ўтилган босқичлари такрорланаётгандек бўлиб кўринадиган, лекин уларни бошқача, янада юқорироқ негизда такрорлайдиган тараққиёт, тўғри чизиқ эмас ,балки спирал тарзда борадиган маълум ҳолатларда бошланғич холга гуё қайтгандек бўлиб кўринадиган ,маълум таназзуллар ва бўхронлар билан бўладиган илғор тараққиёт тўғрисидаги қонуният ҳисобланади.

Нарса ва ходисаларнинг ҳаракати ,ўзгариш ва ривожланишлари уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғланишлари асосида содир бўлади. Бизни қуршаб турган барча нарса ва ҳодисалар: галактикадан тортиб юлдузларгача ,юлдузлардан тортиб ер ва қуёшгача, ернинг ўзидан тортиб, ундаги турли туман моддалар ,ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсигача ,кишилик жамиятидан тортиб то инсон ва унинг тафаккуригача ҳамма-ҳаммаси доимо ҳаракат ,ўзгариш ва ривожланишдадир. Таъкидланган бу фикрлар фан ва тараққиёт билан боғлиқдир.

Фан ва техника тараққиёти ҳам спирал шаклда бўлиб, туғри чизиқ орқали ривожланмайди. Балки зиддиятлар асосида, миқдор ва сифат ўзгаришлари ҳамда инкорни инкор қилиш таъсирида боради. Мазкур жараёнлар юқорида таъкидланган диалектик мавзулар тахлили билан боғланса уларнинг натижасидан келажакда умумий илмий хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Фан масалаларни ҳал қилиш омили бўлиб, назариялар ишлаб чиқиш, борлиқнинг объектив қонунларини очиш ,илмий фактларни аниқлаш ва

ҳокозолар ҳисобланади. Аниқроқ айтсак, булар илмий билишнинг умумий ва махсус усулларидан эмперик на назарий тадқиқот усуллари мухимдир. Лекин, энг умумий тадқиқот усули бўлган фалсафа барча тадкиқотлар учун хам масъулдир. У эмперик, назарий услубларни бойитади.

Биринчидан, ушбу услублар бирлашганда, боғланганда, фан ва техника тараккиёти юқори поғонага кўтарилади.

Иккинчидан, фалсафа энг умумий услуб сифатида фан ва техниканинг ривожланишига, ишлаб чикариш технологиясининг янги хилларини барпо қилиш ва ўзлаштиришга ёки мавжуд намуналарини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Учинчидан, фалсафа фани фан ва техника соҳасида фаолият кўрсатаётган кишида илмий дунёқарашни бойитади ва шакллантиради.

Хулоса шундан иборатки, ҳар қандай фан ва техник тараққиёт фалсафий мушоҳадага моликдир.

## Миллий мафкуранинг тарихий асослари ва шакллари

**Ш. Хидиров Ст – 23 гуруҳ тингловчиси**
**Илмий раҳбар: доц Т. Алимардонов**

Маълумки ҳар қандай миллий ғоя инсон тафаккурида пайдо бўлиб, у эзгулик, бунёдкорлик ишларига ундайди. Айнан ана шундай туйғунинг миллат, халқ томонидан идрок этилиши ва бунда ўз манфаатларини уйғунлаштира олиши билан ғояни мафкурага айланади. Халқлар тарихида шундай ғоялар бўлганки, улар бутун бир миллатни кудратли давлат қурилишига ва фаровон турмуш ташкил қилишга имконият яратган. Баъзида эса юксак ғоялар миллий ғояга айланмаганлиги учун факат ғоялича қолиб кетган. Шу тариқа ҳар қандай мафкура - муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, давлат, халқ жамиятнинг эҳтиёжлари, максад муддаолари, манфаатлари, орзу интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизимидир.

Ғоя мафкуранинг тарихий шаклларига назар ташлайдиган бўлсак, инсоният тарихи ғоя ва мафкуранинг тарихий шаклларини, мазмун – моҳиятини азалдан – азал эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва вайронкорлик ўртасидаги кураш бўлиб келган.

Мовароуннаҳр тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у ерда илм – фан, маданият юксак даражага кўтарилган, дунёни лол қолдирган олиму фузалолар, файласуфлар яшаб ижод қилган. Имом Ағал – Бухорий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал – Фарғоний, Имом ат – Термизий, Мирзо Улуғбек, Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий каби мутафаккир олимлар, Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур каби буюк саркардалар етишиб чиққан.

Айниқса, Соҳибқирон амир Темур даврида фан ва маданият, меъморчилик, ҳунармандчилик ривож топган. Бунга Амир Темурнинг оқиллиги, узоқни кўра билиши, тадбиркорлиги, Ҳарбий билимларни чуқур билимдони эканлиги, илм аҳлини, ҳунармандларни, меъморларни ҳурмат қилгани, давлат бошқарувида

олиму – файласуфлар фикрига таяниб иш кўргани буюк империяни барпо этилишига олиб келган.

Амир Темур ўзининг «темур тузуклари» китобида «Мен давлат бошқаришда муаммоларнинг ўндан бирини кенгаш ва музокаралар оркали хал килдим» деб давлатни адолат гояси билан бошқарганлигини намоён қилади.

Айни пайтда Ўрта Осиё халқларини янги тараккиёт ва бунёдкорликка етаклаган ғоялардан бири жадидчилик ғоясидир. XX асрда маърифатпарвар ҳаракати намоёндалари Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Кори, Фитрат, Таваллолар ва яна бир қанча зиёли ижодкорлар мактаблар очишга, халқни ўқитишга ва уларни тубанлик ботқоғидан қутқаришга зўр бериб ҳаракат қилишди. Улар халқни, саводсизлик, разолатдан олиб чиқиш мақсадида илм, маърифат ва маданиятни кенг тарғибот қиладилар ва ҳар қандай жаҳолатга қарши маърифат билан курашнинг ғоясини илгари суради.

Мустакилликка эришганимиздан сўнг асосий эътибор ўзлигимизни англашга, тарихимизни ўрганишга, маънавиятимизни ва мафкурамизни англашга қаратилаяпти. Ҳозирги вақтда биз биринчи навбатда ёшларимиз онгида миллий мафкура, маънавият ва ҳаққоний тарихимизни шакллантиришимиз керак, чунки ўзликни тарихни билишдан бошланади, ўтмишсиз келажак йўқдир. Ёшларимизнинг турли мафкуралар исканжасига тушиб қолмаслиги учун уларга миллий мафкурамизни, тарихимизни тўғри ва чуқур ўргатишимиз лозим.

Мустақил Ўзбекистонимизда ҳур фикрли ва бунёдкор ғоял и ёшларни, инсонларни тарбиялаш бўйича улкан ишлар олиб бориляпти, ўқув юртларини қайта жиҳозлаш, уларни янги замонавий техникалар билан таъминлаш, янги ўқув даргоҳлари барпо қилиш, ёшларимизни замонга ҳамнафас қилиб тарбиялаш, иқтидорли ёшларимизни чет элларда ўқиб келиши таъминланаяпти.

## 20-50 йиллардаги саёсий қатоғонлик ва унинг оқибатлари

**Ҳожиев В - БТ –** ***22 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: Нурматова С.**

XXI аср бўсағасида Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритди, халқимизнинг асрий орзуси ушалди, ўз тақдирини, ўз келажагини, ўз қўли билан яратадиган бўлди. Мустақилликка эришганидан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятларини тарихини билишга, ўзлигини англашга, қизиқиш ортиб бормоқда. Мустақиллик, истиқлол халқимизни барча фуқороларини янги истиқболга етаклади.

Олдимизда иймон, эътиқод, Ватан, эрк туйғуси, тили, руҳи чекланган халқимизнинг бутун борлиғини қамраб олди ва ўзлигини англаш борасида улуғ сиймоларни қадрини тиклаш, истиқлол йўлида амалга оширган меҳнатини қадрлаш вазифалари турибди.

Хусусан Президентимиз Ислом Каримов шундай таъкидлайди: «Бирон бир жамият маънавий имкониятларни, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий

қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди»[1].

Юртбошимиз асаридан келтирилган кўчирма биз мулоҳаза юритмоқчи бўлган мавзуимизнинг туб негизини асосий йўналишини белгилаб беради. Тўғри юртимиз мустақилликка эришгандан буён ўтган йилларда тарихимиз, миллий кадриятларимиз, анъаналаримизни тиклаш борасида ишлар қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов истиқлолга эришган дастлабки вақтлардаёқ «асоссиз тарзда қатоғон қилинган кишиларнинг ор – номуси, қадр – қиммати, покиза номини тиклашни» биринчи галда бурч деб билган.

Истиқболимизни мустаҳкамлаш, уни ҳимоялаш ва эъзозлашда хизмат қилувчи миллий ғоя, миллий мафкурамизда, миллий тарихимизнинг ўрни ва роли бенихоя каттадир. Миллий тарихсиз миллий ғоя ва миллий мафкуранинг ўзи бўлмайди.

2001 йили 1 майда қабул қилинган «Қатоғон қурбонларни ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Президентнинг фармонида шундай дейилган: «Эл юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг қадр – қиммати, ор – номусини, миллий анъаналаримиз ва урф – одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашда қурбон бўлганлар хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади.

Мустабид тузум даврида миллион – миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча – қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча – қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди»[1].

Ҳа, халқимизнинг ана шундай минг - минглаб фидойи ва матонатли ўғил-қизларнинг хотирасини эслаш, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан биз каби ўсиб келаётган ёш авлодларни қалби ва онгида ётганлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром туйғусини тарбиялаш истиқлолимиз туфайли давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим ижтимоий - сиёсий, маънавий-мафкуравий масала бўлиб қолди. Призидентимиз фармони билан қатоғон қурбонларини ёд этиш маросими ҳар йили 31 август куни Мустақиллик байрами арафасида пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлиги мажмуида ўтказилиши белгилаб қўйилди. Бу жойда хозирда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ташкил этилиб, ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Чунончи, мустабид тузум фуқароларни бир - бирига қарама - қарши қўйиши, унинг ўтказган оммавий қатоғонлари ва қувғинлари оқибатида ўлкадаги туб аҳолининг қўшни мамлакатларга кўплаб кетиб қолиш ҳоллари рўй берди.

1920 - йилларнинг охиридан бошлаб мамлакат ва республикада таркиб топиб келаётган тоталитар жамиятга хос хусусиятлар тобора ошкора намоён бўла бошлади. Бу жамиятнинг негизи бўлиб қолган маъмурий - буйруқбозлик

---

[1] И. А. Каримов. «XXI аср бўсағасида: хафвсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиет кафолатлари» 1997 йил

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қатагон қурбонларни ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги 2001 йил 1 майда қабул қилинган фармонидан. «Халқ сўзи» 2001 2 май.

тизими жадал суратлар билан амалга оширилди. Партия органлари билан келишмасдан мухим қарорларнинг бирортасини хам қабул қилиб бўлмасди. Демократияни бўғиш Конституцияда эълон килинган ҳақ - ҳуқуқларнинг оммавий равишда бузилишига олиб келдики, бу Ўзбекистон халқлари бошига жуда оғир кулфатларни солди.

Миллий маданиятни қайта тиклаш, халқ турмушини яхшилаш муаммоларига диккатни жалб этишга уринган раҳбар ходимлар ва ижодий зиёлилар устидан, 20 йиллар давомида хуфёна зўрлик ва репрессиялар (қатағон) сиёсати ўтказилди. Шу билан бирга, улар Ўзбекистон иқтисодиёти, миллий ўзбек маданиятининг мустақил ривожланишига йўл очиб беришни талаб қилдилар. Бу талаб ташаббускорлари, ўзбек халқининг фадокор фарзандлари ноҳақ айбланиб, қатағон қилиндилар. Булардан Турор Рисқулов, Файзулла Хўжаев, Абдулла Раҳимбоев, Назир Тўрақулов, Иномжон Хидиралиев, Қайғусиз Отабоев, Акмал Икромов, Султонбек Хўжанов сингари машҳур арбоблар миллатчиликда айбланадилар.

1929 йил охирларида атоқли маърифатчи Мунаввар Қори Абдурашидхонов бошчилигидаги «Миллий истиклол» ташкилотининг аъзолари қамоққа олиндилар. «Миллий истиклол» ташкилотининг кўпгина аъзолари қувғин қилинди, давлат аппаратини «тозалаш» шиори остида 1929 йили Маориф халқ комиссарлигининг ходимлари, халқ таълими тизимини ривожлантиришда катта роль ўйнаган йирик жамоат арбоблари Маннон Абдуллаев ва Маҳмуд Ҳодиев (Боту) қамоққа олинди. Кейинги 30 - йилларда маъмурий - буйруқбозлик, тоталитар тартиботнинг кучайиши билан қонунбузарлик ва қатағонлар янада авжга чиқди.

Ўзбекистон халклари бошига оғир кулфатлар тушди. 1937-1939 йилларнинг ўзидагина Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг «учлик»лари томонидан 41 минг нафардан кўпроғи судланди,6 минг 920 киши отиб ташланди. Умуман, 1939 -1953 йилларда 61 минг 799 киши қамалди. Шулардан 56 минг 112 киши турли муддат билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди, 7 минг 100 киши эса отиб ташланди.

Асоссиз қамалиб, жиноий жавобгарликка тортилган кишилар орасида партия, совет, хўжалик ходимлари, ҳарбийлар, зиёлилар ва колхозчилар жуда кўп эди.[2]

Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси раиси, профессор Наим Каримовнинг айтишича, ҳозирга қадар республикамиз бўйича 100 мингдан ортиқ киши қатағон қилингани,шундан 17 минги отилгани аниқланган.

Ўша кезларда Ўзбекистон халқининг тақдири Москвадан юборилган Д. Апресян, Загвоздин, Агабеков, Леонов - Немировский, Сарокин, Блинков ва бошқа жаллодлар қўлида бўлган.

Қатағонлик йилларида айниқса зиёлилар катта заҳмат чекдилар. Фақат 1929 йилдан 1933 йилгача республика миллий зиёлиларининг 217 вакили- ёзувчилар,журналистлар, ўқитувчилар ва ҳоказолар қатоғон қилинди, уларнинг кўплари отиб ташланди.

[2] «Ўзбекистон овози» 1991 йил 15 сентябр

«Қатағон» йилларида «Ҳужум»ни қувонч билан қабул қилиб, унга ўз кучини, шижоатини, ҳаётини бағишлаган аёлларнинг кўпчилиги курбон бўлдилар. Адолатсизлик асосида қурилган мустабид тузумнинг жазо қонунлари жамият хаётидаги энг табаррук муқаддас инсон, гўзаллик тимсоли бўлган аёлларга ҳам раҳм қилмади. 1937-1938 йилларда «Ҳажум»нинг фаолларидан Тожихон Шодиева, Собира Холдарова, Ҳосият Тиллахонова, Марям Султонмуродова, Хайринисо Мажидхонова ва бошқа минглаб оддий ишчи – деҳқон аёллар, маданият ва фан арбоблари қатоғон қилиндилар.

Мустабид Совет давлати ва унинг ғоявий раҳномаси большевиклар партияси ўзи илгари сурган «Ҳужум» кампаниясини қўллаб- қувватлаган ўзбек аёллари жасоратига шу услубда «ташаккурлар» билдирган. Лекин, зиддиятлар ва йўл қўйилган жиддий хатоларга, жисмоний ва маънавий йўқотишларга қарамасдан, «Ҳужум» ўзбек аёлининг озодликка чиқишида, тенг ҳуқуқликка эришишида, ижтимоий хаётда эркаклар билан баробар мавқиега эга бўлишида муҳим тарихий босқич бўлди.

Ҳали халқимизнинг аксарият қисми ўзбек хотин – қизларининг қатағон қурбонлари бўлганини мутлақо билмайди. Архивда олиб борилган тадқиқот ишлари шундан гувоҳлик берадики, 1937-1938 йилларда қатағон қиличининг ўткир тиғи аёлларимизнинг дур ва марварид шодалари илиниб келинган нозиккина бўйларига қадалган экан. Тўғри, уларнинг аксари хеч бир гувоҳи бўлмагани учун 1939 йилда 1937 – 1938 йиллардаги даҳшатли бўронлар бир оз тингач, озод этилди. Мавжуд қонун – қоидаларга кўра, улар қатағон қурбонлари ҳисобланмайди. Лекин НКВДнинг қоронғи ертўлалари ёҳуд турманинг қўланса камерларида икки- уч йил азоб – уқубатда яшаган, эрлари ё яқин кишиларининг қийноқхонлар оша фарёдларини эшитган ва ҳатто озод этилганларидан кейин ҳам шубҳа, гумон, таҳқир ва ҳақорат хукмрон муҳитда яшаган бу аёлларни қайси тил билан қатоғон қурбонлари бўлмаган, дейишимиз мумкин?!

Ўйлаймизки, халқ тарихининг бурилиш нуқталарида ё истило ва истибдод йилларида яшаган жабрдийдалар қаторида тарих бу аёл қаҳрамонларимизнинг номларини ҳам ўз бағрида – авлодлар хотирасида сақлаши лозим. Келажакда улар ҳақида роман ва қиссалар, спектакль ва фильмлар яратилиши, авлодлар уларнинг фожиали тақдирлари мисолида мустабид советлар тузумининг ғайриинсоний қиёфасини кўриши ва бугунги истиқлол даврини қадрига етишлари лозим.

Булардан Хадича Алиева, Кимёхон Ашурова, Валентина Васильева, Мақсуда Исҳоқова, Зоя Оллақулова, Сора Тўрабекова, Вилоят Хўжаева ва бошқа аёлларнинг аянчли қисматини биз ёшлар холисона ўрганишимиз ва эъзозлашимиз даркор.

1940 йиллар охири ва 1950 йиллар бошидаги қатоғонлар асосан маданият ва фан арбобларига тааллуқли бўлди. Бу қатағонлар учун Марказнинг 1946 – 1948 йилларда айрим санъат ва бадиий асарларни синфийлик принципи талабидан келиб чиқиб танқид қилган қарорлари ғоявий асос бўлиб хизмат қилди. Республиканинг партия органлари марказнинг йўл – йўриқларига таяниб, дунёқараши ва ижоди партия мафкурасига тўғри келмайдиган ижодий зиёлилар вакилларига хужум қила бошладилар. Уларнинг асарларида гўё

миллатчилик ғоялари «мавжудлиги» айблаш учун баҳона бўлди. Ўз ижодида ўрта асрлар тарихини ва октябр тўнтаришидан олдинги тарихни ёритиб берган ёзувчи ва шоирлар ўтмишни идеаллаштиришда айбланиб, уларга «миллатчи» ёрлиғи ёпиштирилди.

Ёзувчилардан Мақсуд Шайхзода, Шукрулло Юсупов, Шухрат Жалилов, Ғулом Алимов, Ҳамид Сулаймон ва бошқалар 1951 йили «советларга қарши миллатчилик фаолияти»да айбланиб қамоққа олиндилар, ва 25 йил муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

Қатоғонлар етказган маънавий зарарнинг кўламини тасаввур қилиш хам мушкул. «Навоий» романи муаллифи Ойбекнинг боши устида хам булутлар қуюқлашди, чунки кимгадир ўзбек адабиёти асосчиси Алишер Навоийнинг Ҳусайни Бойқаро Ҳиротда ҳукмдорлик килган даврда вазир бўлгани, асарлари сўфизм фалсафаси билан суғорилгани ёқмаган эди. Тарихий ўтмишга бўлган бундай муносабат, ўтмишдаги атоқли шоир ва олимларнинг ижодига улар яшаган давр шароитларини хисобга олмай замонавий қўпол нуқтаи – назардан бахо бериш, ижод эркинлигининг йўқлиги адабиёт, санъат ва ўзбек халқининг маданиятига мисли кўрилмаган зарар етказди.

Қатоғон килинган санъат, маданият арбоблари тоталитар тартибот даврида авжига чиққан ўзбошимчалик, қонунбузарлик ва бедодлик дастидан бегуноҳ қурбон бўлдилар. Лекин адолат, гарчи тезда бўлмаса – да, хар қалай тикланди. Ўзбекистон маданиятининг асоссиз қатоғон қилинган кўпгина арбоблари 1956 йилда шахсга сиғиниш фош этилиши шарофати билан батамом оқландилар.

Совет мустамлакачилиги даврида Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида мустамлакачилик ва мустабид тузумга қарши халқимиз асл фарзандларининг олиб борган кураши, ҳаёти, тақдири ва қисматини ўрганиш, тарихимизнинг бу оғир аламли саҳифасини ёритиш истиқлолимиз туфайли амалга ошмоқда. Муқаддас Ватанимиз озодлиги, бугунги истиклолимиз учун курашиб, жон олиб жон берган ана шу сиймоларнинг ҳаёт йўллари ва фаолиятларини биз ёш авлодлар баҳоли қудрат эъзозлашимиз, ҳурмат билан тилга олишимиз лозим. Зеро, буюк истиқлолимиз йўлида шахид кетган бу қатоғон қурбонларининг ҳаёт йўли, тақдири, изтироби, улар ҳақидаги хотира мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқороси учун муқаддасдир. Булар сингари сиймолар, авлодлар қалбида ҳамиша сақланажак.

## Экологик таълим-тарбияни тубдан яхшилаш масалалари:

**У. Алиев** - ***БТ-22 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар – и.ф.н.доц. С. Умаров**

Табиат инсон учун ягона макон, у одамни турли озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, уй-жой ва бошқа зарурий буюмлар билан таъминлайди. Табиат бу - аввало ҳаёт пойдевори, зилол сув, тоза ҳаво, она тупроқ, нидо туғилади, яшайди, унинг барча эҳсонларидан керагича фойдаланилади. Шундай экан, ҳар бир инсон табиий муҳитга меҳр шавқатли бўлиши, унинг барча бойликларидан

эҳтиёжга яраша ишлатишни амалга оширилиши, табиатнинг турли чиқиндилар билан ифлосланишининг олдини олиш, номатлуб ходисаларнинг вужудга келишини олдиндан аниқланишини ва кўз-кулоқ бўлиб туриши зарурлиги соғлом ақл эгаларига маълум. Бирок, бундай олийжаноб ва хар бир инсоннинг шахсий бурчи бўлган бу ишлар ҳамма жойларда баробарича тўлиқ ва холол адо этилмайди. Кишиларнинг табиат мухофазасига нисбатан турли муносабатларда бўлишининг асл сабабини экологик онгнинг етишмаслигидир, деб изохлаш мумкин. Кишиларнинг жойларда табиат конуниятларга зид келадиган амалий ишларни бажараётганларида уларга нисбатан бефарқ бўлишлари атроф-муҳитнинг ифлосланишини янада кучайтирмоқда. Экологик билимларга эга бўлмаган кишилар, табиатнинг бағри кенг, у инсоннинг шунча етказган зулмларига шу вақтгача чидаб келди, энди бунисига ҳам чидаса керак, деган мантиқсиз фикрларга чулғаниб юрадилар. Ақл заковатли ва мухандислик илмининг сохибкорлари табиатга кўпроқ бефарқ бўлишликлари сабабли табиий муҳит азият чекиб келмоқда. Бинобарин, ўша жойларда яшаб келаётган аҳоли ҳам жиддий зарар кўрмоқда, чунки ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқнинг заҳарланиши ҳаёт тарзини мураккаблаштирмоқда, табиат қулайликларидан бебаҳра қилмоқда.

Бинобарин, аҳолининг экологик онги табиат мухофазасини мунтазам амалга оширишда асосий ижрочи омил ҳисобланади, унинг хар доим ҳам юқори бўлишига, вақти-вақти билан такомиллаштириб туришга эришиш зарур. Аҳолининг барча табақалари, боғча ёшидаги болалардан тортиб мўйсафид ота-оналаргача атроф-муҳитга нисбатан якдил ижобий фикрда бўлишлари унга заҳмат келтирмаслик руҳида тарбияланиши керак. Ҳар бир кишида «табиат бу мен ва сен, биз яшайдиган макон, табиат бутун ер курраси аҳолиси яшайдиган ягона макон» деган тушунчалар шаклланиши даркор. Биз аҳоли экологик онгининг қанчалик юқори даражада бўлишлигига эриша олсак она табиат биосферамиз шунчалик омон ва сермаҳсул, латофатли ва мафтункор бўлиб қоларди. Муҳаммад пайғамбар ҳадисларидан бирида шундай ёзилган: «албатта дунё ширин ва кўркам, оллоҳ таоло ўша дунёга эга қилиб қўйиб қанақа амал қилишингизни кузатади» дейдилар.

## Маънавиятнинг миллий истиқлол мафкураси билан ўзаро алоқадорлиги

**Ҳ. Расулов - БТ-21 гуруҳи тингловчиси**
**Илмий раҳбар: З. Рашидова**

Бугунги кунда фаол меҳнатдан манфаатдор маҳоратли, куч – ғайрати жўш уриб турган кишилар мамлакатимизга сув билан ҳаводай зарур. Бундай кадрлар эса мактабларда, олий ўқув юртларида, жамоада, маҳаллаларда, оилада камол топади. Модомики шундай экан, биринчи навбатда, ўсмир ёшларнинг руҳияти миллий истиқлол мафкурасига уйғун бўлишига эришишимиз керак. Зеро, миллий истиклол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, тилига,

дилига, руҳиятига асосланиб келажакка ишонч, меҳр–оқибат, инсоф, сабр–тоқат, адолат, маърифат туйғуларини уларнинг онгига сингдирилиши лозим.

Шу боис ўқув масканларимизда ёшларни тарбиялашда бу масалага эътибор берилмоқда. Ўзбекистон жамиятининг миллий истиқлол мафкураси ўз моҳиятига кўра халқимизнинг асосий мақсад муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир – бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат киладиган ғоялар мажмуи хисобланади.

Миллий истиклол мафкураси:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятларни демократик тамойилларига асосланади;

- халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавиятли, анъана-удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади;

- адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътикодини акс эттиради;

- юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади;

- жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади;

- миллати, тили ва динидан қатъий назар мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она - Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради.

Таъкидлаш лозимки, маънавият ва мафкура бир–бирига яқин тушунчалардир. Ҳар иккиси ҳам ижтимоий ҳодиса сифатида шаклланади. Жамият тараққиётида хилма–хил ғоя ва фикрлар ҳам, таълимотлар ва мафкуралар ҳам ўзгариб туради. Инсон маънавияти, унинг одоб–аҳлоқи нисбатан ўзгармайди. Бирорта жамият, бирорта элат ва халқ мафкурасиз яшамаган, бундан кейин ҳам яшамайди.

Ҳар бир жамиятнинг, ҳар бир давлатнинг ўзига хос ва ўзига мос, унинг ўзи учун хизмат қиладиган, унинг туб манфаатларини ҳимоя қиладиган мафкураси бўлади. Инсонлар қайси бир жамиятда, қайси бир давлатда яшамасин нимагадир асосланиши, эътиқод қилиши, қандайдир фикр, назария, ғоя ва мафкурага асосланиб иш кўриши табиий бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати», «Йўлимиз-мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» каби асарларида маънавият ва мафкуранинг алоқадорлиги ҳақида кенг ёритиб берилган.

Президент Ислом Каримов «Фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислоҳотларга тайёр бўлиши мумкин», - дейди. Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг дастлабки натижалари ҳам бундан далолат беради.

Президентимиз таъбири билан айтганда биз барпо этаётган янги жамият юксак маънавий ва аҳлоқий қадриятларга таянади ва уларни ривожлантиришга катта эътибор қаратади. Янги мафкуранинг асл мазмуни- янгича эркин, мутлақо ҳоли, мустақил инсонни тарбиялашдир. Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад - юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва

фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий хамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби улуғвор ифодалардир.

## Фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши

**Эшматов Ж.** ***СТ-23 гуруҳ тингловчиси***
**Илмий раҳбар: доц. Алимардонов Т.**

Ҳуқуқий давлатни барпо этмай туриб фукаролик жамиятини тасаввур қилиб бўлмайди. «фуқаролик жамияти» тушунчасининг назарий асослари Аристотел ва Цицерон сингари антик дунё файласуфларининг изланишларига бориб тақалади. Бу мутафаккирлар даврида «фуқаролик жамияти» тушунчаси «сиёсий жамият»нинг мукобили сифатида ҳам ишлатилган. Ҳатто, кадим юнон ўлкасида оила, эътикод, маърифат, маданият, санъат, умуман ҳаётнинг барча қирралари сиёсатлаштирилган эди. Бунинг устига, алоҳида олинган шахс ўзини жамиятдан айрим ҳолда хис қила олмас эди.

Кейинги йилларда фукаролик жамияти ҳакида кўп фикрлаш ва у ҳақда ёзиш таомилга кирмоқда. Кўпчилик учун янги бўлган бу тушунча фуқаролар эркинлиги ҳақидаги тасаввурларнинг муҳимлиги сабабли ҳам кишини ўзига тез жалб этади.

Фуқаролик жамияти тўғрисидаги янги карашларнинг илк карашларидан бири-уни табиийликдан ижтимоий-сиёсий асослаб беришга ўтишдан иборат бўлди. Бу даврда инсоннинг ўзини икки хил –табиий ва ижтимоий келиб чиқиши тўғрисидаги қарашлар пайдо бўлган. Унга биноан, жамият, давлат ва унинг сиёсати табиийлик касб этиши лозим. Натижада жамиятнинг ана шундай табиий бошланишини цивилизацияга эришганлик деб қаралган.

Фуқаролик жамияти жамиятнинг энг юқори шакли ҳисобланиб, у ўз ичига турли «уюшмалар»нинг таркибий қисмларини (оила, корпорация кабилар) қамраб олади. Улар ўз моҳиятига кўра жамиятдаги адолатлилик тамойилига асосланган ҳамжамият бўлишини ифода этади. Бу жамиятда ҳар бир киши ўзи учун олий фаровонликни топиши мумкин.

Ҳозирги замон ривожланган мамлакатларида барпо этилган фуқаролик жамиятлари тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда фуқаролик жамияти бу:

- биринчидан, жамият ҳаёти фаолиятининг иктисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида ихтиёрий равишда шаклланган, бошланғич нодавлат тизимларини ўз ичига қамраб олган инсоний бирликдир;

- иккинчидан, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатлар мажмуасидир;

- учинчидан, эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шаклланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли органлар тазйиқлари, аралашишлари ёки бир қолипга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамияти бўлиб,

унда улар ўзлигини намоён қила олишлари учун доимий имкониятларга эга бўладилар.

Фуқаролик жамиятида давлат ва хукуматнинг алоҳида ўз функциялари, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг эса алоҳида ўз функциялари бўладики, улар бир-бирини тўлдириб, юксак ривожланган демократик жамиятнинг яшовчанлигини таъминлайди.

Фукаролик жамиятининг асоси жамоат ташкилотларидир. Ва шу билан бир қаторда, фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу нодавлат тизимдаги барча жамоат ташкилотларига аъзоликнинг ихтиёрий шаклда бўлишидир. Бу коида, биринчидан, шу жамиятдаги демократиянинг юқори даражасини намоён қилса, иккинчидан, жамият аъзоларининг ижтимоий онги ва фаолликлари юксаклигини билдиради.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов мамлакат тараққиёти тўғрисида шундай мақсадни илгари суради: «Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ, ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир».

Умуман, мамлакатимизда фукаролик жамиятининг тамал тошлари қўйилди. Қисқа давр ичида ижроия, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятлари бир-биридан ажратилди. Конституциянинг 58 - моддасига асосан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоа бирлашмаларининг фаолиятига аралашишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмаслигига эътироф этилди.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омилларидан бири сиёсий майдон кенгликларида демократик мамлакатларга хос бўлган партиявийлик тизимини қарор топтиришдир. Фақат кўп партиявийликка асосланган ижтимоий сиёсий муносабатлар мажмуасигина фуқаролик жамиятини қуриш учун шарт-шароитлар яратади. Ҳар бир мамлакатда давлат, ҳукумат ва парламентни шакллантиришда сиёсий партияларнинг қандай мавқега эгалиги, бу жарёнлардаги иштирокининг қандай кечиши, халқнинг партиявийлик тизими асосидаги сайловлардан фаоллик даражаси ҳозирги даврга келиб демократия меъёрларини белгилаб бермоқда.

## Ватанпарварлик – олий инсоний туйғу

**С. Саломов - Бт – 21 гуруҳ тингловчиси**
**Илмий раҳбар кат. ўқ. З. Рашидова**

Ахлоқий эътиқодни тарбиялашнинг муҳим фазилатларидан бири бўлган ватанпарварлик ҳисси - Ватан олдидаги бурч, мажбурият, садоқат, соғинч каби тушунчаларнинг мазмунини ўзида мужассамлаштиради.

Халқимизнинг машҳур алломалари – Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Хўжа Исмоил Бухорий, Давлатшоҳ Самарқандий, Хофиз Тошкандий каби буюк сиймолар, қомусий билим эгалари – муқобил исм тополмаганлари учун шаҳарлар номини ўзларига тахаллус сифатида танлаган эмаслар. Бунда улуғ хикмат яширин. Ўзи туғилиб ўсган ери – она тупроғига ҳурмат-эҳтиром, она Ватан қадри, шарафи, фахр-ифтихори мужассам бу номларда. Тарихга назар ташласак, барча улуғ зотларнинг ўз Ватанини беҳад севиб – ардоқлаб, унинг фидоий фарзандлари сифатида кўрамиз. Чунки Ҳадиси шарифда «Ватанни севмоқ иймондандир», - деб бежиз айтилмаган. Зотан, Ватанни севиш, она табиатни асраб авайлаш, тарихини ўрганиш фуқароларининг муқаддас бурчидир.

Ватанга, унинг равнақига фақат виждонли, иймон-эътиқодли, ҳалол, инсофли, масъулиятли шахслар ҳисса қўшсалар, у ривожланади, моддий неъматлар кўпаяди. Халқ тўқ яшайди. Орзу-умидлар амалга ошади. Ватан мавқеи кўтарилади. Таъкидлаш лозимки, Ватанпарварлик туйғуси туғма хислат эмас, балки кундалик ҳаётда шаклланадиган маънавиятнинг бир бўлагидир.

Ватарпарварликнинг моҳияти, унинг мазмуни ўта кенг қирралидир. «Ўзбекистон фуқоросининг ватанпарварлиги, - деб ёзади И. А. Каримов – бу қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз ишончли компасдир. Ўзбекистонга, унинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, Республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жипслаштирувчи асоси хисобланади»[1].

Ватанпарварлик тарихий маданиятимизга, меросимизга бориб тақаладики, биринчи навбатда мазкур жараённи ҳам унутмаслигимиз лозим. «Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди»[2]. Демак, ватанпарварлик маънавий хислатлар билан бир бутуннинг икки қисмидир.

Ҳақиқатдан ҳам Ватанни севишнинг хислатлари кенг миқёслидир. Яна шундай хислатлар борки, уларни назардан четда қолдириб бўлмайди. Булар жумласига:

- ўзи яшаган ҳудуднинг экологик ҳолатини яхшилаш учун хизмат қилиш;
- ҳудуддаги фауна ва флораси бойликларини асраб авайлаш;
- Ватан рамзларига ҳурматни ошириш;

1. И. А. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон» 1999 й 64 – бет.
2. И. А. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон» 1999 й 60 – бет.

- она тили имкониятларини мустахкамлаш;
- Ватан химояси учун доимо тайёр туриш.

## The world market of a labour.

**Listener of BB-21 group Zaripov S. R.**
**Scientific supervisor Yahyayeva D. T.**

The modern international market of a labour includes different flows of a manpower crossing national borders. Concept the migration of the population assumes moving the people through borders of the certain territories with change of a constant residence or returning to it.

Besides the experts allocate also international migration, as carried out in the various forms: labour, family, tourist etc. The international market of a labour, exists alongside with other world markets: in particular, goods and services, capital. Moving from one country in another, the labour offers itself as the goods, carries out the international labour migration.

Among major incentive motives and reasons of the international migration of a manpower there are various factors of economic and uneconomic character.

*To the reasons of economic character it is necessary to attribute the following:*

1. Distinctions in a level economic and, in particular, industrial development of the separate countries. (As the practical experience, labour migrates basically of the countries with a low standard of living in the countries with more high level testifies.);
2. Presence of national distinctions at a rate of wages;
3. Existence of organic unemployment in some countries and, first of all, poorly advanced;
4. The international movement of the capital and functioning of the international corporations. (As Known corporations promote connection of a labour with the capital, carrying out or movement of a labour to the capital, or move the capital to regions many manpower.).

The experts carry to the reasons of migration of a labour of uneconomic character: political, national, religious, racial, family etc.

Development of a communication facility and transport, in turn, have rendered stimulating influence on activization of processes of modern international labour migration. (During the international labour migration the not employees, but representatives of working specialities take part.)

The international migration of the population and manpower arises at *presence of the certain contrast in levels of economic and social development* and rates of a natural demographic gain of the countries accepting and giving a labour.

At the same time the world practice testifies, that the similar labour migration provides doubtless advantages to the countries, both accepting a labour, and

delivering it. But thus the occurrence and sharp socio economic problems is possible.

Nowadays to positive consequences of labour migration the experts carry:

1) Mitigation of conditions of unemployment,

2) Occurrence for the country - exporter of a labour of an additional source of the currency income in the form of receipts from the emigrants,

3) Purchases by the emigrants of knowledge and experience. After returning home they, as a rule, fill up numbers of an average class, putting wage means in own business, creating additional workplaces.

Among negative consequences of labour migration it is necessary to name:

1) Desire to hide the received incomes,

2) " Outflow of minds ",

3) Sometimes, downturn of qualification of labours.

Not casually therefore recently is rather wide in interests of neutralization of negative consequences and strengthening of a positive effect received strange as a result of labour migration, use means of state politics. In this sphere are especially obvious an inefficiency rigid and opposite, necessity indirect, coordinating influences on the part of the states and governments.

The countries the importers of a manpower the constantly testing needs for attraction of a labour, migration policy found first of all on measures of regulation of number and qualitative structure arriving labour migrants and as the tool of regulation the parameter immigration limits which used annually pays off and affirms in the country the importer. At definition limits the needs of the country for a foreign labour' and on separate categories of the involved population and also condition of the national markets of work and habitation, political and social situation in the country - importer.

Among other requirements showed to quality of a labour, are allocated:

1) The good condition of health at arriving of migrant (is characteristic for a number of the Scandinavian countries and USA);

2) The additional professional requirements concerning a number of specialities or trades (in the USA the foreign programmer should own the software, accepted in the country, to be familiar with the appropriate computer systems);

According to definition of the International organization of work , the purposes emigration policy of the countries - exporters are, that the emigration of a labour should promote reduction of unemployment, receipt of currency means from the labour-emigrants, which are used for equation of export-import transactions; the emigrant the appropriate vital level should be abroad supplied; the requirements of returning home of emigrants is combined with purchase by them in foreign countries of a trade and education.

At the present stage international migration of a manpower characterizes activization and growth of influence of the countries - exporters of a labour using the different approaches to achievement of the purposes of emigration:

1) Methods and means of protection of interests of the state - exporter by regulation of scales of emigration and qualitative structure of the emigrants leaving for limits of the country;

2) Methods of use of emigration with the purposes of maintenance by resources of a national economy by attraction of currency means labour migrants;

3) Methods and means on protection of the rights of the working emigrants by use of the bilateral agreements and contract form of hiring of a labour for work abroad, which is called to supply the certain economic and social guarantees, and also by organization of establishments, funds, representations, purpose of the special officials with the purposes of the control of performance of conditions of the international agreements on labour migration, decision of questions at issue in the country of stay migrants and observance of their basic rights;

4) Measures promoting a combination as of protection of state interests, rights and freedom of labour migrants;

5) Measures directed on mutual protection of interests of the countries - exporters and the countries - importers of a manpower. The speech goes, in particular, about realization of policy of restraint of scales of migration, illegal movings, stimulation of returning home migrants.

The modern history intercountrial of migration of a labour allows to allocate some its major directions. To them it is necessary to attribute:

- Migration from developing in industrial the advanced countries;
- The migration in frameworks of industrial advanced countries;
- Migration of a labour between the developing countries;
- The migration of a labour from the former socialist countries in industrial advanced countries (is similar to migration from developing in industrial advanced)
- Migration of the science officers qualified experts from industrial advanced in the developing country.

Migration of a labour from industrial advanced in the developing country representing a rather small flow of the qualified staff from the countries of Europe and Northern America in the developing countries at the present stage exists. By the reasons of similar labour migration act as economic (rather high earnings of the teachers, engineers, instructors and other experts, in particular, in the countries of the Arabian region), and only household.

Thus, the international migration of a manpower represents one of the important features of modern Intrnational Economic Relations.

On Present stage both country - importers and countries - exporter of a labour, the international organizations on migration improve the legislation, mechanism of regulation of these processes and flows, being guided principles of freedom and democracy in view of national interests. The special role belongs to the International organization of work one of which basic functions is the acceptance of the conventions and recommendations establishing the international labour standards in such areas, as freedom of associations, salary, duration of a working day, social insurance paid holiday, protection of work, service of hiring, working inspection etc.

**Солиқ идоралари ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, муваффақиятларимизнинг асосий омилидир**

**К. Қорабоева** - ***СБОА малака ошириш бўлими 51 гуруҳ тингловчиси.***
**Илмий раҳбар: С.Боймуротов**

Солиқлар иқтисодиётимизнинг таянчидир, давлат пайдо бўлгандан бошлаб, солиқлар ҳам вужудга келган, давлат бюджетининг дармадларининг асосий қисмини солиқлар ташкил қилади. Ҳар қандай давлатда ҳам солиқлар асосан ижтимоий соҳа, давлат мудофааси, бошқарув ва давлат миқёсидаги инвестиция харажатларини коплашга ишлатилади.

Солиқларни тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўлиқ тушишини назорат килиш солик хизмати идораларининг асосий вазифаларидан биридир. Ушбу жараённи амалга ошириш учун солиқ тўловчилар билан солиқ идоралари ўртасидаги муносабатни солиқ назариясининг адолатлилик ва ўзаро ҳамкорлик тамойиллари асосида ташкил этилиши керак.

Биз аввало фукароларимизга солиқларни нима эканлигини ва унинг аҳамиятини нима учун тўланиши ва қаерлага ишлатилишини тўлиқ тушунтириб беришимиз керак. Бунинг учун солик идоралари ходимларининг ўзлари ушбу соҳани хар томонлама мукаммал ўрганган ва ўзлаштирган ходимлар бўлишлари керак. Бу эса юқори солиқ идораларидан солиқ хизмати ходимлари малакасини мунтазам ошириб боришни талаб этади. Айниқса ишга янгидан қабул қилинган ходимларни солиқ соҳасидаги барча билимлар бўйича ўқитиш, уларга иш фаолиятида бевосита зурур бўлган меъёрий ҳужжатлар ва қўлланмалар билан таниatiриш келгуси иш фаолиятида жуда муҳим албатта. Бундан ташкари соҳага янги ишга келган ёшларга катта иш ва педагоглик тажрибасига эга бўлган устозларнинг ҳар бир соликнинг моҳияти ва асосларини иш тажрибаларидан келиб чиқиб атрофлича тушунтиришлари тингловчиларда соҳага нисбатан катта қизиқиш уйғотиб, уни тўлиқ ва мукаммал ўрганишга катта имкониятлар яратади.

Давлат солиқ хизмати идораларига солиқ тўловчиларни солиқ қонунчилигига тўғри риоя қилишларини назорат қилиш вазифаси хам юклатилган. Солиқларни тўғри ҳисоблаб чиқишлигини текшириш учун эса солиқ идораси ходимларидан бухгалтерия ҳисобини мукаммал билишлари талаб қилинади. 2002 йилдан республикамизда бухгалтерия ҳисобини юритишни янги миллий андозаларига ўтилиши, солиқчилардан бу соҳада қайта билим олиш заруратини туғдиради.

Академиянинг қайта тайёрлаш бўлимида бу ишни яхши йўлга қўйилганлиги бизларга бухгалтерия ҳисобини миллий андозаларини ўрганишда катта имкониятлар бермоқда.

Шу ўринда мен шуни таъкидламоқчи эдимки, солиқ соҳасидаги барча билимларни тўлиқ ўрганиб чиқиш учун бизга ажратилган 1.5 ойлик муддат жуда камлик қилади. Менимча ўқиш муддатини бироз узайтириб, ишда зурурати бўлган ҳужжатлар билан ишлашни катта тажрибалар ўчоғи бўлган

Тошкент шаҳар инспекцияларида амалиёт дарслари хам ташкил этилса, кўпрок ва мукаммалроқ билим ошига имконият туғиларди.

Жаҳон тажрибасидан бизга маълумки давлат бюджети даромадларининг асосий кисмини юридик корхоналардан олинадиган соликлар ташкил этади. Шандай экан бизда ишлаб чикариш канчалик ривожланса ва канчалик кўп жахон андозаларига мос рақобат бардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилса, ундан келадиган даромад ҳисобига бюджетга тушадиган солиқлар хажми хам кўпаяди. Бунинг учун менинг фикримча ишлаб чиқарувчиларга солиқ тўлашда кенг имкониятлар бериш керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Солиқ ва Божхона органлари Академияси қошида малака ошириш ва кайта тайёрлаш бўлими фаолиятига кўпроқ эътибор қаратиш, бўлимни замонавий ўқитиш воситалари ва керакли меъёрий хужжатлар билан тўлиқ таъминлаш, ўқитиш ва амалиётни чамбарчас боғлаб олиб бориш солиқ идоралари фаолиятига ижобий таъсир қилади деб ўйлайман.

## МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| Тоиров С. | Жамият тараққиётида соликларнинг ўрни. | 3 |
| Мустафаев Х. | Пути дальнейшего совершенствования налоговой системы Республики Узбекистан. | 4 |
| Маҳмудов Ш. | Жисмоний шахсларни маҳаллий солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. | 6 |
| Умаров А. А. | Божхона тўловларини соддалаштириш - ташқи савдони ривожлантириш омили.. | 8 |
| Курбонов Т. Р | Тингловчилар илмий ижодида методологиянинг ўрни. | 9 |
| Исроилов А. | Иктисодий муҳим бўлган товарлар экспортида уларнинг код рақамларини тадқиқ этиш мезонлари. | 12 |
| Абдуҳолиқов З | Савдо фаолияти билан шуғулланувчи кичик корхоналарни солиққа тортишни такомиллаштириш | 14 |
| Деҳқонов С. | Ривожланган давлатларда жисмоний шахсларни соликка тортиш тажрибалари. | 16 |
| Мухамеджанов М | Солиқ сиёсати ва унинг иқтисодиётга таъсири. | 19 |
| Маҳмудов Ш. | Қимматли қоғозлар бўйича даромадларни соликка тортишдаги имтиёзлар. | 20 |
| Насруллаев Ҳ. | Солиқ инспектори иш жараёнини автоматлаштириш – давр талаби. | 22 |
| Алиматов Б.- | Солиқ соҳасини ривожлантиришда солиқ тўловчиси идентификация рақамининг аҳамияти. | 23 |
| Атамирзаев А.. | Кичик ва ўрта бизнесда – солиққа тортиш масалалари. | 24 |
| Жалолов Ж.-. | Солиқ тизимида янги техника ва технологияларнинг тутган ўрни ва аҳамияти. | 26 |
| Исақов Р. | Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари. | 27 |
| Расулова Г.- | Солиқ тўловчиларга енгилликлар яратиш сиёсати | 28 |
| Холматова С. | Интеграция и внедрение информационных технологий в процесс обучения в налоговых колледжах. Научный руководитель: | 29 |
| Шамсиев Р | Совершенствование налогового контроля в налоговой системе Рес.Уз. | 30 |
| Юсупов Л.С | Бозор иқтисодиёти шакллнишида солиқларнинг роли. | 31 |
| Каримова А. | Налоговая политика и налоговый менежмент | 33 |
| Максумова Н | Вопросы внедрения опыта Японии в подготовке квалифицированных кадров налоговой системы. | 35 |
| Ахмедов М. | Солиқлар рағбати - давр талаби | 36 |
| Ахроров К. | Жамиятнинг ривожланишида солиқ ислоҳотларининг аҳамияти. | 38 |
| Бозоров Н.Б | Ўзбекистонда жисмоний шахслар даромад солиғининг аҳамияти ва зарурияти. | 39 |
| Жўраев Б | Қўшилган қиймат солиғининг объектив зарурияти ва аҳамияти. | 41 |

| | | |
|---|---|---|
| Жўраев Р. | Ўзбекистонда декларациялаш тартиби ва унинг мохияти. | 42 |
| Ибодов Ҳ. | Жисмоний шахслар мол-мулкини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. | 43 |
| Қанотов М | Қўшилган қиймат солиғи ва уни хисоблашнинг такомиллаштириш йўллари. | 44 |
| Хамраев Р. | Система использования НДС в странах Европейского Союза. | 45 |
| Абсаломов Б. | Ягона ер солиғи ва унинг рағбатлантирувчи аҳамияти. | 47 |
| Мурадова Д. | Солиқ тўловларини йиғишда хориж тажрибаси ва ундан самарали фойдаланиш имкониятлари. | 49 |
| Тошматов Ш. | Қўшилган қиймат солиғини хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш. | 49 |
| Турсунова Ш, Жўраева Н. | Ягона солик самарадорлиги | 51 |
| Abdullaev B.A | Foreing Economic Relations | 52 |
| E.Maksumov, | The practice of implementation of the tax paying system from an experience of Japan. | 54 |
| Barno Sanaqulova, Hotam Kudratov | The role of tax planning in optimizing the tax burden. | 56 |
| Нуралиев С. | Бухгалтерия хисоби ва солиққа тортиш масалалари. | 57 |
| Курбонов Ё. | Солиқ воситаси орқали иқтисодиётни бошқаришда «Лаффер эгри чизиғи»нинг аҳамияти. | 59 |
| Ахмеджанов Ф.К. | Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғининг бухгалтерия ҳисоби. | 61 |
| Мейлиев Ж. | PUBLIK RELATIONS муносабатлар технологияси. | 63 |
| Хамидов А. | Қимматли қоғозлар бозорида банкларнинг ўрни. | 65 |
| Идирисов А. | Аграр муносабатлар, тармоқдаги ютуқ, камчилик ва муаммолар. | 67 |
| Казиев Ж | Таълим ва амалиёт бирлиги | 68 |
| Абдулов Д. Р | Европеский банк рекострукции и развития (ЕБРР) и его деятельность. | 69 |
| Пак В. | Развитие государственного бюджета Республики Узбекистан | 72 |
| Тошходжаева Х. | Ўзбекистонда банк кредитлари. | 74 |
| Атабеков И. | Государство в рыночной экономике. | 76 |
| Норкузиев И. | Роль дистрибьюторов в развитии сбыта товаров и услуг. | 78 |
| Халилов А.А. | Ўзбекистон Республикасида хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари. | 80 |
| Халилов А. | Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш ва муаммолар. | 81 |
| Эшматов Ж. | Республикамизда тадбиркорлик ва улар фаолиятидаги муаммолар. | 83 |
| Абдуллаев Б. | Привлечение иностранных инвестиций через рынок ценных бумаг | 85 |
| Мингкулов М | Бозор иқтисодиёти шароитида рақобат муҳитини яратиш | 85 |

| | | |
|---|---|---|
| | муаммолари. | |
| Насруллаев Ҳ.Ҳ. | Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантиришда туризмнинг ўрни.. | 87 |
| Ниязов А.А. | Аудиторнинг иш ҳужжатларини расмийлаштиришдаги муаммолар, ечимлар ва ривожлантириш истиқболлари | 89 |
| Норқўзиев И. | Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби. | 90 |
| Норматов У. | Давлат экологик дастурлари ва уларга амал қилиш. | 93 |
| Тожиев Ш.М. | Давлат даромадлари тизими. Илмий раҳбар: | 94 |
| Тахиров А.А. | Учет доходов. | 96 |
| Турсунов А | Проблемы либерализации валютного рынка. | 99 |
| Турсунов А. | Вопросы совершенствования управления предприятиями. | 100 |
| Дўсанов Т. | Ўзбекистон бозор тизимида янги аграр муносабатларни шакллантириш муаммолари. | 102 |
| Мусинов А. | Модели рыночных систем. | 103 |
| Пак Д. | Тарифные и нетарифные методы регулирования ВЭД. | 105 |
| Пак С.. | Международный бизнес и Узбекистан. | 107 |
| Хамраев Р | Бизнес - план как стратегия развития предприятия. | 108 |
| Чоршанбиев О. | Бошқариш концепцияси ва унинг аҳамияти.. | 110 |
| Mirsalikov Sh.Sh | Uzbekistan: macroeconomic indexes. | 112 |
| Юлдашев Т. | Чет эл валютасидаги операциялар ва курсдаги фарқларни бухгалтерия хисобида акс эттириш тартиби. | 114 |
| Турсунов А. | Концепции и принципы бухгалтерского учета. | 116 |
| Кремлякова П.Ю. | Эволюция денежных систем. | 119 |
| Юсупов Д. | Ўзбекистон иқтисодий тараққиётида хорижий инвестициянинг роли. | 121 |
| Abdurasulova J. | Regional factors holding back economic transition in Central Asia | 123 |
| Саитходжаев Д. | Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Япон ва Француз моделлари. | 124 |
| Хен В. | Развитие частного предпринимательства в Узбекистане. | 125 |
| Нуриев А. | Финансовая политика Республики Узбекистан в условиях переходного периода. | 127 |
| Дўсанов Т. | Товарларни кимёвий таркиби асосида таснифлаш. | 129 |
| Мингқулов М. | Пахта толасини тўқимачилик корхоналарида қайта ишлашдан ҳосил бўладиган махсулотларини экспортида код рақамларини тадқиқ этиш. | 131 |
| Мухамедов Ж | Божхона тизимида лицензиялаш муаммолари. | 133 |
| Пўлатов Б | Дори воситалари товарлар номенклатураси бўйича код рақамларини тадқиқ этиш асослари. | 135 |
| Пўлатов Б. | Пахта линти ва пахта пухларини ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича таснифлаш. | 136 |
| Расулов Ҳ | Божхона ходимлари - чегарамиз посбонлари. | 137 |
| Умаров Қ.. | Мамалакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда гигиеник ва ветеринария сертификатларининг ўрни. | 139 |
| Абдуллаев Ш. | Валюта назоратини амалга оширишнинг ўзига хос | 141 |

| | | |
|---|---|---|
| | хусусиятлари. | |
| Шодиев Ё. | Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда мувофиқлик сертификатининг ўрни ва унинг иктисодий самарадорлиги. | 143 |
| Эгамбердиев Р. | Инсон саломатлиги ва табиатни мухофаза қилишда қўлланиладиган сертификатлар. | 144 |
| Кароматов Р.С. | Ўзбекистон Божхонаси ривожланиш босқичида. | 146 |
| Рахматхонов Р. | Товарларни сертификатлаштиришнинг илмий асослари | 148 |
| Ҳамроев Н. | Божхона омборлари фаолиятини такомиллаштириш. | 149 |
| Абдуллаев Ш | Божхона усуллари ёрдамида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш. | 151 |
| Равшанов У. | Божхона масканларида контрабанда билан боғлиқ жиноятларни аниқлашда радиацион ва рентген қурилмаларини қўллашдаги афзалликлар ва муаммолар. | 153 |
| Тоғаев М. | Ўзбекистонда божхона статистикаси шаклланишининг ҳуқуқий асослари. | 154 |
| Жамолов И. | Солиқ соҳаси фаолиятини ривожлантиришда тингловчи ёшларнинг ўрни | 157 |
| Парчаев Ҳ. | Сиёсий маданият – демократия маҳсули. | 158 |
| Худойбердиев О. | Ватанга, бурчга садоқат божхона ходимининг юксак фазилати | 160 |
| Ахмеджанов Ф. | Исломнинг асосий манбалари. | 161 |
| Тешабоев А | Фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишда маънавият ва маърифатнинг роли | 164 |
| Эшбоев А. | Солиқ ҳуқуқида кадрлар тизимининг тутган ўрни | 166 |
| Юсупов Д. | Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик – давр талаби. | 168 |
| Абдукадырова С | Концепция национальной государственности – история и современность | 169 |
| Умедов Э.. | Солиқ хизмати ходимларининг маънавий - психологик сифатлари. | 170 |
| Ахмедов М. | Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қуришда икки палатали Олий Мажлис ташкил этишнинг ахамияти. | 171 |
| Мухамедов Ж.Д. | Демократик, ҳуқуқий давлатни шакллантиришда божхона ходимларининг роли. | 173 |
| Розиқов Н. | Тараққиёт ва у билан фалсафанинг алоқадорлиги. | 174 |
| Юсупов Л. | Табиатни муҳофаза қилиш қонунлари ва уни бузувчиларга қарши кураш чоралари. | 177 |
| Абдураззақов Ж. | Абу Наср Форобийнинг фалсафий қарашлари. | 178 |
| Акимбаев А. | Солиқ ва божхона соҳаси фаолиятини ривожлантиришда тингловчи ёшларнинг ўрни.. | 181 |
| Бобожонов А. | Дин ҳақида | 182 |
| Бобожонов Ш. | Ўзбекистоннинг маънавий–маърифий равнақи.. | 185 |
| Богданов А.М | Конкуренция на рынке информационных технологии. | 188 |
| Йўлдошев В. | Виждон эркинлиги ва диний таълимотлар. | 190 |

| | | |
|---|---|---|
| Мақсудов Ш | Соҳибқирон Амир Темур давлати. | 192 |
| Парчаев Х | Миллий қадриятларимиз - тарбия манбаи. | 194 |
| Тўраев С. | *Фан ва техника ривожланишида фалсафанинг ўрни.* | 196 |
| Хидиров Ш.Ф | Миллий ғоя ва мафкуранинг тарихий асослари ва шакллари. | 198 |
| Ҳожиев В. - | 20-50 йиллардаги сиёсий қатағонлик ва унинг окибатлари. | 199 |
| Алиев У. | *Экологик таълим-тарбияни тубдан яхшилаш масалалари.* | 203 |
| Расулов Ҳ | Маънавиятнинг миллий истиклол мафкураси билан ўзаро алоқадорлиги. | 204 |
| Эшматов Ж.А | Фукаролик жамияти асосларининг барпо этилиши. | 206 |
| Саломов С. | Ватанпарварлик - *олий инсоний туйғу.* | 207 |
| Zaripov Sh. | The World market of a labour. | 209 |
| Қорабоева К. | Солик идоралари ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, мувафакиятларимизнинг асосий омилидир. | 212 |

Буюртма №51. Адади 150. Босма табоғи 13,75.
Фан ва технологиялар марказининг босмахонасида
чоп этилди. Тошкент, Олмазор 171-уй.